

Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф

ИЙМОН

*Тұлдирған ва қайта ишланған
иккінчи нашри*

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2010



БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

قالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿وَلَوْا نَأْتُ أَهْلَ الْقُرْبَىٰ مِثْنَوْا تَسْقُفَ الْمَنَاحَاتِ عَلَيْهِمْ بِرَحْكَتٍ مِّنَ السَّمَاءِ وَأَرْضٍ﴾

Алмоҳ таоло марҳамат қиласи:

«Агар қишлоқлар аҳллари иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, Биз, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик».

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِلَيَّانُ بِضَعْ وَسَبْعُونَ أَوْ بِضَعْ وَسَبْعُونَ شَعْبَةً، فَأَفْضَلُهَا قُوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَدَنَاهَا إِمَاطَةُ الْأَذَى عَنِ الْطَّرِيقِ وَالْحَيَاءُ شَعْبَةُ مِنَ الْإِيمَانِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

*Расулулоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам
марҳамат қиласидар:*

«Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шўъбадан иборатдир. Унинг энг афзали «Лаа Илаҳа Иллаллоҳ» – демоқлик ва энг кичиги, йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё, иймоннинг шўъбасидир».

(Бешовлари ривоят қилишган).

Шиоримиз:

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маъриғат таратиш, салафи солиҳ — улут мұжтаҳидларға әргашиш, кенгбагирлик ва биродарлық рухини тарқатиши.

Диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг 829-рақамли тавсияси ила чоп этилди.



БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

ИККИНЧИ НАШР МУҚАДДИМАСИ

Аллоҳ, таолонинг Ўзига битмас-тутанмас ҳамду санолар бўлсин!

Пайрамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломга муқаммал саловоту дурудлар бўлсин!

У зотнинг аҳли байтлари ва саҳобаларига Аллоҳ, таолонинг розилиги бўлсин!

Азиз китобхон! Кўлингиздаги «Иймон» номини олган китобнинг биринчи нашри 1991 мелодий санада нашр этилган эди. Уни нашрга камина ходимингиз тақдим этган матнлар асосида муҳтарам ёзувчимиз Хуршид ҳожи Дўстмуҳаммад жаноблари тайёrlаган эди. Китобни нашрга тайёrlашда у киши ўз эрклари билан ҳаракат қилиб, матнлардан ўша вақтга муносибларини танлаб, тартибга солиб, катта жонбозлик кўрсаттан эдилар.

Китоб камтарона ҳолда бўлса ҳам, диний-маърифий адабиётимизнинг қайта тиклаш жараёнидаги биринчи қадамлардан бўлганиданми, кўпчиликнинг эътиборини ҳам қозонган эди. Вақт ўтиши билан унга талаб сусаймади. Охирги пайтда китобни қайта нашр қилиш ҳақида сўровлар кўпая борди. Мазкур сўровлар маслаҳатларга айланди. Маслаҳатлардан бирида масъул вазифадор биродарлардан бирлари, агар қайта нашр нияти бўлса, муқаддимани бошқа ёзиш ва вақт талабига биноан бир неча янги мақола ва маълумотларни қўшиш мақсадга мувофиқлигини айтди. Бу, муаллифнинг ҳам анчадан буён хаёлга олиб юрган мақсади эди. Аҳли илмлардан бири қайта нашрдан аввал ки-

тобнинг имло ва баъзи истилоҳларини қайта кўриб чиқиши ҳамда баъзи мақолаларни кенгайтириш лозимлигини таъкидлади. Ўша кишининг ўзи, муаллифнинг илтимосига биноан, китобни қайта кўриб, фикр ва мулоҳазаларини ёзил, таклифлар киритди. Охир-оқибат китобни қайта ишлаш ва нашрга тайёрлаш режаси тузилди.

Мазкур режага биноан, китобнинг имло ва истилоҳлари қайта кўриб чиқилди.

Бир қанча мақолаларга қўшимчалар киритилди.


Оят ва ҳадислардан далил ва ҳужжатлар кўпайтирилди.

Оят ва ҳадисларнинг маънолари таржимаси «Тафсири Ҳилол» ҳамда «Ҳадис ва Ҳаёт»дан олинди.

«Суннат», «Суннат ва илмий мўъжизалар», «Шариат», «Ислом террорга қарши», «Ислом гиёҳваандликка қарши», «Ислом ва табиатни муҳофаза қилиш», «Ислом мўътадиллик дини», «Исломда инсон ҳукуқлари», «Ислом ва бошқа дин вакиллари», «Исломда аёллар ҳукуқлари», «Аёллар ва тенгҳуқуқлилик» каби бир неча мақолалар қўшилди.

Оят ва ҳадисларнинг арабча матни қўйилди.

Мана, Аллоҳ таолонинг ёрдами ила сиз азизларга «Иймон» китобининг иккинчи нашрини тақдим қилмоқдамиз. Бу ишда ўз тақлиф-мулоҳазалари ва хизматлари билан кўмакчи бўлган барча муҳтарамларга ўзимизнинг чексиз миннатдорлигимизни билдирамиз. Агар бу китобдан бирор яхшилик топсангиз – Аллоҳдан, нуқсон ва камчилик топсангиз – камина ходимингиздан, деб билгайсиз. Аллоҳнинг Ўзи тўғри йўлга бошласин! Омийн!



ИСЛОМ

«ИСЛОМ»НИНГ МАЬНОСИ НИМА?

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирған дин Ислом дини номи билан машхурдир. Бу номни Пайғамбарнинг ўzlари танлаган эмас, балки уни Аллоҳ таоло ихтиёр қилған. Қуръони Каримда Аллоҳ таоло:

وَرَضِيَتْ لَكُمْ أَلْإِسْلَامُ دِينًا

«Ва сизга Исломни дин деб, рози бўлдим»,
дейди («Mouida» сураси, 3-оят).

Ислом сўзининг лугавий маъносига келсак, бу сўзни луват илми олимлари, тафсирчилар ва бошқа олимлар чуқур ўрганиб чиққанлар ва бу сўз қўйидаги маъноларни англатишини уқдириб ўттанлар:

1. Ихлос.
2. Турли оғатлардан саломат бўлиши.
3. Сулҳ, ва омонлик.
4. Итоат ва бўйсуниш.

Исломнинг шаръий маъноси

Ислом «Аллоҳ, ягона» деб эътиқод қилиб, унга бўйсунмоқдик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқдик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга иймон келтирмоқдикдир.

Қуръони Каримда Ислом ширкка (Аллоҳнинг шериги бор, деб ишонишга) қарши қўйилган. Бошқа оятларда Ислом Аллоҳга ихлос қўйиш ва унга бўйсуниш, итоат қилиш маъноларида ҳам келган.

Аллоҳга итоат қилган ва Аллоҳ юборган пайғамбарларга эргашган киши мусулмон дейилади.

Нуҳ пайғамбар тўғрисида Қуръони Каримда шундай дейилади:

وَأَمْرَتْ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْمُسْلِمِينَ

«Ва мен мусулмонлардан бўлишга амр қилинганман» («Юнус» сураси, 72-оят).

Иброҳим пайғамбар ҳақида шундай оят бор:

إِذْ قَالَ لَهُ رَبُّهُ أَسْلِمْ فَقَالَ أَسْلَمْتُ لِرَبِّ الْمَلَائِكَةِ

«Чунки Робби унга: «Мусулмон бўл!»—деганида, у: «Оламларнинг Роббига мусулмон бўлдим», деди» («Бақара» сураси, 131-оят).

Юсуф пайғамбар ҳам Аллоҳга қараб шундай деган:

أَنَتَ وَلِيٌّ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ تَوَفَّنِي مُسْلِمًا وَالْحَقِيقَى بِالصَّدَلِيجِينَ

«Сен дунёю охиратда менинг валийимсан. Мени мусулмон ҳолимда вафот эттиргин ва солиҳларга қўшгин» («Юсуф» сураси, 101-оят).

Яна, Қуръони Каримда Мусо алайҳиссалом тилидан шундай дейилган:

يَقَوْمٌ إِنْ كُنْتُمْ بِاللَّهِ فَعَلَيْهِ تَوَكَّلْتُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُسْلِمِينَ

«Эй қавмим, агар Аллоҳга иймон келтирган бўлсангиз, агар мусулмон бўлсангиз, фақат Унгагина таваккал қилинг» («Юнус» сураси, 84-оят).

Ийсо пайғамбар ҳақида шундай дейилган:

فَلَمَّا آتَاهُ عِيسَى مِنْهُمْ الْكُفَّارَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُونَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ إِنَّا يَأْمَنُنَا بِاللَّهِ وَأَشْهَدُ بِإِنَّا مُسْلِمُونَ

«Ийсо улардан коғирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!» — деди. Ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчи-

ларимиз, Аллоҳга иймон келтиридик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл», дедилар» («Оли Имрон» сураси, 52-оят).

Сўнгра Аллоҳ таоло Мұхаммад алайхиссаломни аввалги пайғамбарларнинг шариатларини тўлдириб келгувчи пайғамбар қилиб юборди. Аллоҳ таоло ул кишига Қуръони Каримда шундай деган:

﴿إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّنَ مِنْ بَعْدِهِ﴾

«Биз сенга худди Нуҳ ва ундан кейинги Набийларга ваҳий юборганимиздек ваҳий юбордик» («Нисо» сураси, 163-оят).

Юқоридагиларни билгач, шундай савол туғилади: «Агар Аллоҳ таоло Мұхаммад пайғамбарга ўзидан аввалги пайғамбарларга ўхшаб ваҳий юборган бўлса, нима учун динлар ҳар хил бўлиб қолган?» Бу саволга Қуръони Каримда очиқ-ойдин жавоблар келган. Жумладан, Қуръони Карим хабар берадики, Аллоҳ барча пайғамбарларни тавҳидга, яъни, Аллоҳнинг ягоналигига даъват қилиш учун юборган. Бу борада Аллоҳ таоло Мұхаммад алайхиссаломга қарата шундай хитоб қиласди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحَىٰ إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ أَنَا فَاعْبُدُونِ﴾

«Сендан илгари юборган ҳар бир Пайғамбарга: «Албатта, Мендан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз» («Анбиё» сураси, 25-оят).

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Мұхаммад алайхиссаломга яҳудий ва христианларни ягона Аллоҳга Иймон келтиришга даъват қилишни буюрган:

قُلْ يَأَهْلَ الْكِتَبِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٌ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَا
نَعْبُدُ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا عَصْمًا أَرْبَابًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ
دُونَ اللَّهِ فَإِنَّ تَوَلَّوْنَا فَقُولُوا أَشْهُدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ

«Сен: «Эй, аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сүзга келинг. Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Үнга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни Робб қилиб олмайлик», дегин. Бас, агар юз ўгирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз», деб айтинглар» («Оли Имрон» сураси, 64-оят).

Мана шу ояллардан кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло барча пайғамбарларини тавҳидга (ягона Аллоҳга эътиқод қилишга) даъват қилиш учун юборган. Тавҳиддан бошқа эътиқод эса, динга ётдир. Шундан келиб чиқадики, дин аслида бир нарса, лекин диний иш юритувчилар ўз мақсадларини амалга ошириш, бойлик, мансаб илинжида динларга ўзгартириш киритганлар.

Мұхаммад алайхиссалом пайғамбар бўлганларидан сўнг бу ҳақиқат юзага чиқди. Барча одамларни Ислом дини атрофига йиғилишга чорловчи даъват янгради.

Куръони Каримда шундай дейилади:

إِنَّ الَّذِينَ عَنْ دِرْرِ اللَّهِ أَلْسَلَمُ وَمَا آخْتَلَفَ الَّذِينَ أَتُوا
الْكِتَبَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир. Китоб берилганлар, фақат, уларга илм келгандан сўнг, ўзаро ҳасад қилишибгина, ихтилоф қилдилар» («Оли Имрон» сураси, 19-оят).

Агар дин битта бўлса, унда келишмовчилик туғилиши мумкин эмас. Христиан, яхудий ва Ислом

динига эргашувчиларнинг ўзаро келишмовчиликлари Аллоҳнинг таълимотига хилофдир. Аллоҳ таоло барча динларни ер юзида тинчлик ҳукм суриши, одамлар ва давлатлар ўртасида муҳаббат қарор топиши учун юборган. Шунинг учун ҳам, Мұҳаммад алайхиссалом олиб келган дин келишмовчиликларни тузатиш ва уларга ҳақ йўлни кўрсатиш муддаосида юборилгандир.

Динларнинг асли бир эканлиги Қуръони Карим эълон қилган ҳақиқат бўлиб, динлар орасидаги ихтилофларга қараб туриб, «Дин бекор гап» деювчиларнинг шубҳасини чиппакка чиқаради. Уларнинг айтишича, ҳар бир пайғамбар ўз хоҳишича янги бир дин ихтиро қилиб, ўзидан аввалги ўтган пайғамбарларга қарши чиқар эмиш. Бу, ҳақиқатдан узок гапдир. Ҳақиқатда эса, Қуръон нуқтаи назаридан, динларнинг асли бир бўлиб, шариатлар турличадир. Чунки, бу борада кишиларнинг ижтимоий, ақлий ва бошқа ҳолатлари эътиборга олингандир. Аллоҳ таоло Ислом дини охирги дин бўлишини ихтиёр қилди. Мұҳаммад алайхиссаломнинг шариати эса, ўзидан олдинги барча шариатларни насх – бекор қилди. Бу шариат ниҳоятда ривожланган инсонлар учун барча замон ва барча маконга мос келадиган шариатдир. Бу борада Қуръони Каримда шундай дейилади:

وَمَن يَبْتَغَ غَيْرَ الْإِسْلَامَ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ

الْخَسِيرِينَ

«Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинmas ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўладир» («Оли Имрон» сураси, 85-оят).

ИСЛОМ ВА ИЛМ

Исломда илм

Үтган асрда овруполиклар орасида «Ислом дини фикрий ҳаракатларнинг душмани бўлган, барча илмий ва фалсафий ҳаракатларга қарши кураш очган» деган нотўғри фикр тарқалган эди. Мана шу фикрнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини Қуръон таълимоти ва тарихий ҳужжатлар асосида исбот қилишга ҳаракат қиласиз.

Ҳақиқатни олганда, илмга қарши уруш очгандар бошқа динларнинг пешволари бўлган. Тарихчилар бир овоздан таъқидлашларича, табиий илм уламолари ўрта асрларда Европада дин пешволари тарафидан қаттиқ таъқиб қилинганлар. Ўша вақтда дин пешволарига ва черков фикрларига тўғри келмаган фикрларни суд қилиш учун алоҳида суд ҳайъатлари тузилган. Агар бирор олим черков фикрига тўғри келмаган фикрни айтса, уни тутиб келтириб тавба қилдиришар ва иккинчи марта бундай гапни айтмасликка аҳднома олар эдилар. Агар ўша олим ўз фикрини иккинчи марта такрорласа, уни тутиб олиб тириклайн ёқиб юборишар ёки баланд жойдан чуқурликка ташлашар эди. Худди шу услугуб билан ўрта асрларда кўпгина улур олимлар ҳалок бўлган эдилар. Мана шу ҳолат узоқ вақт давом этди. Протестант мазҳаби кенг тарқалиб, бу мазҳабга кўпгина давлатлар эргашганидан сўнг, бу ҳолат ўз кучини йўқотди. Протестант мазҳаби ўзига одамларни жалб қилиш мақсадида, фикр эркинлигига рухсат беришга мажбур бўлган эди. Шундай қилиб, илм ғалаба қилди. Лекин дин пешволаридан азоб чеккан илм эгалари дин пешволарининг ўзидангина ўч олиш билан кифояланиб қолмай, балки диндан ҳам ўч ола бошлидилар. Баъзи бир содда диний китоблардан кулиб, уларни «ибтидоий жамоа давридаги кишиларнинг фикри»

деб атадилар. Қулай фурсат топилиши билан динни ҳурматсизлаш пайида бўлдилар. Бу иш охири бориб диндан юз ўтириш ва динсизликнинг тарқалишига сабаб бўлди. Ҳаттоқи, баъзилар «диндорлик жоҳишлиқдир» деган фикрга ҳам бордилар. Бу ҳақда тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун XIX асрда нашр этилган қомуслардан бирида дин пешволари ҳақида нималар ёзилганига бир назар солишининг ўзи кифоя: «Маълумки, инсон табиати ақдга тўғри келадиган нарсаларга ишонишни хоҳлади. Улар (дин пешволари) «Йўқ!», дейдилар ва инсон ақдини яхши билан ёмонни, адолат билан зулмни ажратиш ҳаққидан маҳрум қилишга уринадилар. Ақл кўзини кўр қилиб бўлганларидан сўнг, мўъжизаларни ҳам оддий нарса қилиб оқни қора, яхшини ёмон қилиб кўрсатверадилар. Шундай қилиб, дин одамларни кўркўона итоатта чақиради. Агар улардан, кимга итоат қиласиз, элимизгами ёки табиий вазифаларимизгами, ёки қалbdаги ҳиссиётларимизгами деб сўрасанг, улар, бу билан ишинг бўлмасин, итоат қилиш сенинг вазифанг, дейишади».

Бу кўпроқ христиан динига ва бошқа динларга тегишли гаплар. Аммо Ислом мусулмонларга тараққиёт йўлида юришни фарз қилган. Кишиларни илмга ундаган, чунки инсон шахсиятини илмдан бошқа нарса тўғри йўлга сола олмайди ва тараққиётга ҳам эриштира олмайди. Илмга қизиқтириш борасида Аллоҳ Куръони Каримда шундай дейди:

قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُوا
الْأَلْبَابِ

«Сен: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!» – деб айт. Албатта, ақл эгаларигина эсларлар» («Зумар» сураси, 9-оят).

Бошқа бир оятда илмли кишилар Аллоҳнинг ҳузурида бошқалардан кўра юқори даражада туришлари очиқ-ойдин айтилган:

يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءاْمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أَوْلَوْا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илмга берилганларнинг даражаларини кўтапур» («Мужодала» сураси, 11-оят).

Аллоҳ Ўзининг ягоналигига ҳам илмли кишиларни гувоҳ қилган:

شَهَدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ
لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

«Аллоҳ адолат ила туриб, албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқлигига шоҳидлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз ва ҳакиим Зотдир» («Оли Имрон» сураси, 18-оят).

Шу оятда Аллоҳ илмли кишиларнинг шоҳидлигини фаришталарнинг шоҳидлiği билан тенглаштирган. Бу эса, илмли кишиларнинг хурмати Аллоҳнинг ҳузурида нақадар юқори эканлигини кўрсатади. Аксинча, Куръон илмсизларни танқид қиласди:

يَطْبَعُ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِ الظَّالِمِينَ لَا يَعْلَمُونَ

«Аллоҳ билмайдиганларнинг қалбларини ана шундай қилиб муҳрлар» («Рум» сураси, 59-оят).

Куръон илмнинг чегараси йўқ эканлигини ҳам баён қилиб ўтган:

وَفَوْقَ كُلِّ ذِي عِلْمٍ عَلَيْهِ

«Ҳар бир илм әгаси устидан билувчи бор» («Юсуф» сураси, 76-оят).

Бу оятнинг маъноси: олимлар ўз илмлари билан мағурланиб, ўз устида ишлашни тарқ этмасинлар, доимо уларни ҳам бирор таңқид қилиб қолишига ўзларини тайёрлаб турсинлар, демакдир. Қуръон мусулмонларни барча нарсанинг ҳақиқатини билиш учун доимо илм пайида бўлишга чақиради:



«...ва: «Роббим, илмимни зиёда қилгин», дегин» («Тоҳа» сураси, 114-оят).

Ислом кишиларни илмга чақириш билан кифояланиб қолган эмас, балки ақлий ва фикрий ҳаракатсизликнинг оддини олиш асосларини кишиларга кўрсатган. Бу қуйидаги нарсаларда аён бўлади:

1. Ислом далил ва ҳужжат динидир. Илм бирор нарсани ҳужжат ва аниқ далил билан боғламагунча, уни ҳақиқат деб тан омайди. Қуръон ҳам мусулмонларга далилсиз нарсани қабул қилмасликни буюради:



«Ва улар: «Жаннатга яҳудий ва насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмайди», дедилар. Бу уларнинг хом хаёллариdir. «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг», деб айт» («Бақара» сураси, 111-оят).

Бир нарсага далил ва ҳужжат бўлмаса, ишониб бўлмайди. Бошқаларга тақлид қилиб, ширк эътиқодида бўлганларни Аллоҳ сўроқ қиласди:

وَمَنْ يَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَيْهَا أَخْرَى لَا يُرْهِنَ لَهُ يَدِهِ، فَإِنَّمَا حِسَابُهُ عِنْدَ رَبِّهِ إِذَا هُوَ لَا يُفْلِحُ الْكَافِرُونَ

«Ким Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қылса, бу хусусда ҳеч бир далили йўқдир. Бас, унинг ҳисоби фақат Роббининг ҳузурида-дир. Албатта, коғирлар нажот топмаслар» («Мўминун» сураси, 117-оят).

Бошқа бир оятда Аллоҳ мушриклардан бут ва санамларга ибодат қилмасликлари учун далил ва ҳужжат талаб қиласди.

أَمَّنْ يَبْدُوا الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَمَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِلَّهُ
مَعَ اللَّهِ قُلْ هَا تُوَبُّرُهُنَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

«Ёки аввал бошдан яратадиган, сўнгра яна қайтадан яратадиган ва сизларни осмонлару ердан ризқлантирадиган зот яхшими? Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳ борми?! «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг», дегин» («Намъ» сураси, 64-оят).

Мана шу оятлардан равshan кўриниб турибди-ки, ҳар кимсанинг айтган гапига далили бўлиши керак. Кимки унинг гапини эшитса, далил сўра-син. Далил бўлмаса, қабул қилмасин.

2. Ислом аниқлик дини, гумон дини эмас.

Илм доимо мавҳум нарсани аниқ деб айтишдан қайтаради. Гумонни рост дейиш тўғри эмас. Бир масала тўғри ёки нотўғри эканлигини билиш учун унинг ҳужжати кучига қаралади, агар ҳужжати кучли бўлса, масала ҳақиқат, ҳужжат кучли бўлмаса, масала гумон. Мана шу илмий фарқлаш Қуръон таълимотларига ҳам тўғри келади. Қуръон гумон ва хаёлий нарсалардан эҳтиёт бўлишга чақиради. Чунки, улар одамларни адаш-

тириб, эътиқодини бузади. Қуръони Каримда шундай дейилган:

وَإِنْ تُطْعِمْ أَكْثَرَ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضْلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنْ
يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنَّهُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ ﴿١٦﴾

«Ва агар ер юзидағиларнинг кўпларига итоат қилсанг, сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирадилар. Улар гумондан бошқага эргашаслар. Улар тахмин қиларлар, холос» («Анъом» сураси, 116-оят).

Шу маънода бошқа бир оятда шундай дейилган:

وَمَا يَشْعِيْغُ أَكْثَرُهُمْ إِلَّا اظْنَانَ إِنَّ الظَّنَّ لَا يَعْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئًا

«Уларнинг кўплари гумонга эргашадилар, холос. Албатта, гумон ҳақ ўрнида ҳеч нарса бўла олмас» («Юнус» сураси, 36-оят).

Куръон ҳақиқий илмий нарсаларга суюнишга, гумон ва хаёллардан узоқда бўлишига буюради ва гумонга эргашганларнинг ҳоли ёмон бўлишини айтиб ўтади:

بَلِ اتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَهْوَاءَهُمْ بِغَيْرِ عِلْمٍ

«Йўқ!!! Зулм қилганлар илмсиз равишда ҳавоий нафсларига эргашдилар, холос» («Рум» сураси, 29-оят).

Куръон даҳрийларни ҳам «гумонга суюниб иш тутадилар» деб танқид қиласди:

وَقَالُوا مَا هِيَ إِلَّا حَيَاةُ الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يَهْلُكُنَا إِلَّا الْدَّهْرُ وَمَا
هُمْ بِذَلِكَ مِنْ عِلْمٍ إِنَّهُمْ إِلَّا يَظْنُونَ ﴿٣٦﴾

«Улар: «У(ҳаёт) фақат бу дүнёдаги ҳәётимиз-дир. Ўламиз, тириламиз, бизни фақат замон ҳалок қиласы», дерлар. Уларнинг бу ҳақда илмлари йўқ. Улар фақат гумон қиласидар, холос» («Жосия» сураси, 24-оят).

Аллоҳ мусулмонларга илмий асосда иш олиб бориши кўрсатиб, шундай дейди:

وَلَا نَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ، عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادُ كُلُّ
أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْتُوْلًا

«Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил-ана ўшалар, масъулдирлар» («Исрө» сураси, 36-оят).

Оятнинг маъноси шуки, ўзинг аниқ билмасант, сенга айтиладиган турли-туман нарсаларга эргашма. Чунки, инсон қиёмат кунида қулоги эшигтан, кўзи кўрган, қалби жо қилган барча нарсалар ҳақидаги сўроқларга жавоб бериши керак. Биз эслаб ўтган оявларнинг барчаси ишнинг асоси аниқ, событ, илмий равишда бўлиши зарурлигини, гумон ва турли фикрлар бўлмаслигини англатади.

3. Ислом тақлид душманидир.

Илм бир нарсага ишонч ҳосил қилмай туриб, далилини билмай туриб, тақлид қилишдан қайтариди. Бу борада ҳозирги замон илми эски илмга тўғри келмайди. Чунки, қадимда, хусусан ўрта асрларда, овруполиклар бирор нарсанинг тўғри ёки нотўғрилигига машҳур кишилардан баъзиларининг фикрига қараб баҳо берар эдилар. Мисол учун, Арастудан чиққан ҳар бир фикр тўғри бўлади, ундан хато фикр чиқиши мумкин эмас, деган фикрга ўхшаш.

Илм кўр-кўрона тақлиддан қайтаришда Куръон билан мувофиқдир. Куръони Каримда бир фикрга ёпишиб олиб, «Бу ишни ота-бобомиз қиласы» деб, ўзлари ақл ишлатмай юрганлар танқид қилинган:

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا إِلَى مَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَإِلَى الرَّسُولِ قَالُوا
حَسْبُنَا مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِءَ ابْنَاءَنَا أَوْلَوْ كَانَءَ ابْنَاؤُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ شَيْئًا وَلَا

يَهْتَدُونَ ﴿١٧﴾

«Уларға: «Аллоҳ нозил қылған нарсага, Пайғамбарға келинглар», дейилса, «Бизга ота-боболаримизни ниманинг устида топған бұлсак, ўша етарли», дерлар. Агар ота-боболари ҳеч нарсаны билмайдиган ва ҳидоятта эришмаган бўлсалар ҳам-а?!» (*«Mouga»* сураси, 104-оят).

Бошқа бир оятда шундай дейилган:

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ أَشِيعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَالْأَوْلَابْلَ نَشَعِيْ مَا أَفْتَيْنَا عَلَيْهِءَ
اَبْنَاءَنَا أَوْلَوْ كَانَءَ ابْنَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ
وَمَثَلُ الَّذِينَ كَفَرُوا كَمِثْلِ الَّذِي يَنْعِقُ مِنَ الْأَنْوَاعِ
وَنَذَأَهُمْ بِكُمْ عُمَى فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٨﴾

«Уларға: «Аллоҳ нозил қылған нарсага эргашингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни нимада топсак, шунга эргашамиз», дейдилар. Оталари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоят топмаган бўлсалар ҳам-а?! Куфр келтирганлар мисоли худди қичқириқ, ва сасдан бошқа нарсаны эшиitmайдиганларга бақираётганга ўхшайди. Улар кар, соқов ва кўрдирлар. Улар ақл ишлатмаслар» (*«Бақара»* сураси, 170, 171-оятлар).

Қуръони Каримнинг шу ояларидан кўриниб турибдики, ақл ишлатмай, ўзи ишонч ҳосил қымай – кўр-кўронга тақлид қилиш коғирларнинг иши экан. Ҳар бир инсон Исломни билиб, унга ишонч ҳосил қымагунча, кўр-кўронга тақлид қилгани билан, мўмин бўла олмайди. Қуръон халқларни бошлиқлар ва

йүлбошчиларга күр-күрона тақлид қилишдан әхти-әтланишга чақиради. Унинг айтишича, йүлбошчилар ҳам ва унга эргашғанлар ҳам нотүғри йўлда бўлсалар, қиёмат кунида тенг азоб чекадилар.

Бунинг маъноси шуки, бу дунёда йўлбошчилик қилганлар, қиёмат кунида ўзига эргашғанлардан қочар экан. Икки гурӯҳ ҳам азобга дучор бўлиб, ораларидаги алоқа узилар экан.

Исломда ақл

Аслида, илм дегани ишларни ақл ёрдамида бајариш, демақдир. Ақл эса, учраган нарсани тушуниб олиш қобилиятидир. Қуръон барча ишларда ақлни ишлатишга чақиради, ақлни ишлатмаганларни қаттиқ танқид қиласиди. Қуръони Каримда ақлга таалуқли сўзлар 50 марта ишлатилган. Ақл эгаларининг сўзи эса 10 мартадан кўпроқ ишлатилган. Шунинг ўзи ҳам Қуръон ақлга катта эътибор берганининг далилидир.

Қуръон ақлнинг улкан неъмат эканлигини баён қиласиди:

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَذَيْتِ لِقَوْمٍ يَعْقُلُونَ

«Албатта, бу нарсаларда ақлли кишилар учун белгилар бор» («Раъс» сураси, 4-оят).

قَدْ بَيَّنَاهُ لَذَيْتِ لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ

«Батаҳқиқ, Биз яхши билувчи қавмларга мўъжизаларни баён қилганимиз» («Бақара» сураси, 118-оят) ва ҳоказо.

Бошқа оятларда эса, ақлни ишлатмаганларни айблайди:

إِنَّ شَرَّ الدَّوَائِبِ عِنْدَ اللَّهِ الْأَصْمُ الْكُمُ الَّذِينَ لَا يَعْقُلُونَ

«Аллоҳнинг ҳузурида ҳайвоннинг энг ёмони, албатта, кару соқов бўлиб, ақд ишлатмайдиганлардир» («Анфол» сураси, 22-оят).

أَتَمْ تَخْسِبُ أَنَّ أَكْثَرَهُمْ يَسْمَعُونَ أَوْ يَعْقِلُونَ إِنْ هُمْ إِلَّا
كَالْأَنْفُسِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ سَيِّلًا

«Ёки сен уларнинг кўплари тинглай оладилар ё англай оладилар, деб ҳисоблайсанми? Аслида, уларнинг ҳайвонлардан фарқи йўқ. Балки, яна ҳам йўлдан озганроқдирлар» («Фурқон» сураси, 44-оят).

Бошқа бир оятда ақдни ишлатмаслик охират азобига сабаб бўлганлигини эслатади:

وَقَالُوا لَوْ كُنَّا سَمِعُوا أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ السَّعْيِ

«Ва улар: «Агар эътибор қулоги билан эшитганимизда ёки ақлни ишлатганимизда эди, дўзахийлар орасида бўлмаган бўлар эдик», дерлар» («Мулк» сураси, 10-оят).

Мана шу нарсаларнинг барчаси Исломда ақлнинг нақадар улкан баҳоланишини кўрсатади.

Илм иймонга даъват этади

Баъзи бир чаласавод кишилар «Илмли одам динсиз бўлади, кишининг илми қанча кўпайса, унинг динсизлиги ҳам шунча ортади», деб ўйлайдилар. Ҳақиқатда эса, ҳеч бир замонда илм ўз эгасини худосизликка олиб бормаган. Ҳақиқий олим тўғри илмий ишлар олиб боргани сайин ўзи чексиз бир оламда яшаётганини билади. Бу оламда ажойиб тартибли интизом ҳукм суроётганини, ҳеч бир нарса тартибсиз ёки беҳуда эмаслигини тўла тушунади. Буларни тўғри идрок этиш Аллоҳга

ишонишга олиб келади. Олмониялик олим Динард охирги түрт асрда яшаб, инсоният маданиятига улкан ҳисса құшган 290 нафар олимнинг фикри-ни үрганиб чиқиб, қуидаги натижалар түплаган: 290 кишидан 20 киши ҳеч бир аниқ эътиқодға эришмаган, 242 киши Аллоҳга ишонувчи, фақат 20 кишигина дин билан қизиқмаганликларини айттанлар.

Агар дин билан қизиқмаган кишиларни (олимларни) «атеист» деб атасак, дунё миқёсидаги ушбу 290 нафар улкан олимдан 92 фоизи диндор бўлиб чиқади. Шундан кўриниб турибдики, илмли киши диндор бўлиши ажабланарли ҳол эмас, қолаверса, илм билан дин бир-бирига зид ҳодиса эмас экан. Ўтган асрнинг машҳур олимларидан бири Пастор шундай деб ёзди: «Иймон ҳеч қандай тараққиётта тўсқинлик қилмайди. Чунки, ҳар бир тараққиёт худонинг яратган нарсаларидағи ажо-ийботларни очиб беради. Агар мен бугун кечагидан кўра илмлироқ бўлсанам, Аллоҳга бўлган ишончим ҳам кечагидан мустаҳкамроқ бўлади».

Кимёгар олим, Париждаги тибиёт қуллиясининг декани Витос шундай дейди: «Агар мен иймоним бир оз бўлса-да сустлашганини сезиб қолсанам, уни қувватлаш учун Фанлар академиясига шошиламан».

Фай исмли машҳур академик ўзининг «Оламларнинг асли» номли китобида: «Илм ўз эгасини Аллоҳни тан олмасликка олиб боради» деган фикр мутлақо нотўғридир», дейди.

Машҳур геолог, Сарбон дорулфунунининг олими Эдмон Герберт: «Илм динсизликка ёки иккиланишга олиб бориши мумкин эмас», деб айтади.

Машҳур тарихчи олим Фабер: «Ҳар бир даврнинг ўзига хос телбалиги бўлади. Худога ишонч маслик давримизнинг телбалигидир. Мендан Аллоҳга бўлган ишончимни тортиб олганларидан кўра, теримни шилиб олсалар, шунга рози бўламан», деган эди.

Бу, табиий илмларнинг улкан олимлари айттан фикрлардир. Машхур доктор Андрей Кунавиндан бир киши: «Эшитишимча, күпгина олимлар динсиз бўлар эмиш, шу тўғрими?» — деб сўрабди.

Доктор: «Менимча, бу фикр тўғри эмас. Аксинча, мен илмий ишларим жараёнида, баҳсларда шуни тушуниб етдимки, илм майдонида шуҳрат қозонган улкан олимлардан ҳеч бири динсиз бўлмаган. Лекин одамлар уларнинг гапларини нотўғри тушунганлар.

Худосизлик, бошқача қилиб айтганда, моддий худосизлик илм кишисининг фикрига, ишига ва ҳаётига тескари нарсадир. Олимларнинг фикрича, ҳар бир нарсанинг яраттувчиси бор. У бир нарсанинг ҳақиқатини билиш учун ақдни ишга солади. Ишхонасига умид билан, қалби тўла ишонч билан киради. Ҳақиқий олимларнинг кўпчилиги ўз ишларини маърифатга, инсонларга ва Аллоҳга бўлган муҳаббатлари туфайли ўрнида бажо қиласидар», дейди.

Доктор Альберт Макоб шундай деган эди: «Илмий ишлар билан шуғулланишим Аллоҳга бўлган ишончимни мустаҳкамлади. Ҳаттоки, аввалгидан кўра мустаҳкамроқ, асослироқ бўлишга олиб келди. Ҳеч шубҳа йўқки, илм, албаттга, инсонда Аллоҳнинг қудратини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Инсон ўз илмий ишларида янгилик кашф қиласиган сари Аллоҳга бўлган Иймони ҳам кучайиб бораверади».

Лорд Каллифан шундай дейди:

«Агар чуқурроқ ўйлаб кўрсак, илм, албаттага сени Аллоҳнинг борлигига ишонишга мажбур қиласиди».

Машхур Эйнштейн шундай деган: «Аллоҳга бўлган Иймон илмий изланишларнинг энг улкан самарасидир».

Машхур инглиз файласуфи Франсис Бэкон айтадики: «Инсон фалсафадан озгина хабардор бўлса, динсизликка яқинлашади. Аммо фалсафа-

ни чуқур ўрганған киши, албатта, динга қайтиб келади».

Шу эътирофлардан күриниб турибдикі, илм, фақат ҳақиқий илмгина улкан олимларнинг худога ишонишига сабаб бўлган. Қуръон бу ҳақиқатни 15 аср аввал айтиб ўтган.

Ислом диничалик илмни улуғлаган дин, тузум ёки фалсафа йўқ.

Ҳар бир шахсга илм талаб этишни фарз қилиш фақат Исломда бор, холос.

Қуръони Каримда илм ва уламолар энг олий мақомга қўйилган.

Ҳадиси шарифда ҳам илм, уни талаб қилиш, уламолар ҳақида кўплаб маълумотлар келган. Буларнинг ҳаммасини жамлаб, Исломнинг илмга бўлган муносабати ҳақида тасаввур ва шунга яраша аҳкомлар чиқарилган.

Мусулмонлар ўз ҳаётларида Қуръон ва Суннат таълимотларига амал қилиб яшаган пайтларида илм нурини бутун оламга тарқатганлар. Ёшу қари, эркагу аёл бешикдан то қабргача илм талаб қилиш ўзи учун фарз эканини тўла ҳис қилган ҳолда, умр бўйи ўзини толиби илм ҳис қилиб яшаган. Ана ўша даврни яхшилаб ўрганған гарблик инсофли шарқ-шунослардан бири, Ислом умматини «бутуналигича мадрасага қатнайдиган уммат», деб васф қилган.

Бу жуда ҳам тўғри васфdir. Ўша, Ислом шариати бўйича ҳаёт кечирилган вақтда Ислом нуридан баҳраманд бўлган ҳар бир ўлкада илм-фан, маърифат ва маданият гуллаб-яшинаган. Илмнинг ҳар бир соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинган, улкан уламолар етишиб чиқсан.

Айрим дин душманлари аййуҳаннос солаёттанидек, Ислом ҳеч қачон илмга қарши бўлмаган, балки жаҳолатга қарши бўлган. Агар батзи бир кавний ва табиий илм уламолари тазийикда учраган, азобланган ва ўлдирилган бўлсалар, бошқа динлар вакиллари томонидан қилинган бу ишларнинг ҳақиқий Исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ислом – илм дини эканини фақат жоҳилларгина инкор қилишлари мумкин. Ким Исломнинг илмга муносабатини аниқ билмоқчи бўлса, дин душманларининг бўйтонларини бир тарафга йиғишириб қўйсину Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдан илмга тегишли оят ва ҳадисларни ўргансин.

Ким Исломнинг илмга муносабатини аниқ билмоқчи бўлса, тарихга назар солсин, Исломга амал қилинган пайтда ҳар бир мусулмон юртидан кўплаб алломалар чикқанига гувоҳ бўлсин, илм-фан, маданият мислсиз ривожланганини билиб олсин!

Аллоҳ таоло:

إِنَّمَا يَخْشَىُ اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعَلَمَوْا

«Албатта, Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар», деган. (**«Фотир»** сураси, 28-оят).

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, унинг яратганларидан ибрат олиб, уларнинг яратувчиси борлигини англаб этиб, ақли билан Аллоҳни топган ва ундан қўрқдан одамгина олим ҳисобланади. Аммо мазкур маҳлуқотларнинг тарихи, тузилиши, таркибидаги моддалари, хусусиятлари ва бошқа турли маълумотларни тўлиқ ўрганиб ҳам уларни яраттан зот – Аллоҳни танимаган ва ундан қўрқмаган одам ўта жоҳил ҳисобланади.

Яна У зот:

هَلْ يَسْتَوِيُ الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ

«Биладиганлар билан билмайдиганлар teng bўладиларми?» –деган. (**«Зумар»** сураси, 9-оят).

Албатта, тенг бўлмайдилар. Биладиганлар иймон келтириб, ибодат қиласилар. Билмайдиганлар куфр келтириб, исён этадилар.

У зот яна:

وَتِلْكَ أَلَا مَثَلُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ وَمَا يَعْقِلُهَا إِلَّا الْعَالَمُونَ

«Бу мисолларни одамларга келтирамиз, уларға фақат олимларнинггина ақли етар», деган. («Анкабут» сураси, 43-оят).

Мана шу уч оятда илм ва уламолар фазли ҳақида сўз кетмоқда.

Биринчи оятда Аллоҳдан қўрқиб, Уни улуғлаш фақат илмли кишилар томонидангина содир бўлиши таъкидланмоқда. Демак, илмсиз киши Аллоҳдан қўрқмайди ҳам, уни улуғламайди ҳам. Тажриба ушбу Қуръоний ҳақиқатни тасдиқлади. Турли илмлар бўйича мутахассис олимлар Аллоҳни танишларини эълон қилиб, иймон-эътиқсиз яшаш мумкин эмас, деган фикрга келганларини айтдилар ва айтмоқдалар.

Иккинчи оятда биладиганлар билан билмайдиганлар, яъни илмлилар билан илмсизлар тенг бўла олмасликлари ҳақида сўз кетмоқда. Илмли доимо устун туриши ва фазилатли ҳисобланиши, илмсизда эса бу нарсалар бўлмаслигига ишора қилинмоқда.

Учинчи оятда эса, келтириладиган масалаларни англаб, улардан ўрнак олиш учун ҳам илм зарурлиги таъкидланмоқда. Бу ҳам илмни ва олимни улуғлашdir.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يُلْتَمِسُ فِيهِ عِلْمًا سَهَلَ اللَّهُ لَهُ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالترْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розиямлоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Кім илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ
унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради»,
дедилар.**

Муслим, Абу Довуг ва Термизий ривоят қилишган.

Илмга даъват қилиш учун бундан ортиқ тарғиб бўлмаса керак. Ҳар бир инсоннинг олий мақсади жаннат. Жаннатта эришиш учун у ҳар нарса, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр. Илм талаб қилиш эса, ҳадисда айтилишича, жаннатнинг йўлига тушишдир. Илм йўли билан борган одам охири жаннатнинг эшиги олдидан чиқади.

Кези келганда, мұхим бир масалани эслаб қўйиш зарур. Ояти карима ва ҳадисларда зикри келган илм ҳақида кишилар ичида тушунмовчиликлар мавжуд. Баъзилар: «Оят ва ҳадисларда зикр этилган илмдан мурод, диний илмлар», дейдилар. Бу нотўғри фикр! Оят ва ҳадисларда зикри келган илм ҳамма фойдали илмларни ўз ичига олади. Диний илмлар, албатта, биринчи ўринда туради. Аммо, бошқа илмлар кўзда тутилмаган, дейишилик мутлақо нотўғридир. Агар оят ва ҳадисларда фақат диний илмлар кўзда тутилса, бу нарса алоҳида қайд қилинади. Мисол учун, Аллоҳ, кимга яхшиликни раво кўрса, динда фақиҳ, қилиб қўяди, дейилган ҳадис. Шунга ўхшаш бошқа исломий илмлар ҳақида гап кетганда уларнинг номи ва сифати ҳам зикр қилинади.

Шунинг учун, ояти карима ва ҳадиси шарифларда зикри келган илмдан мурод, барча фойдали илмлар бўлиб, бундай илм эгаларига қилинган ваъдаларга иймон ва ихлос билан уринган мўмин-мусулмонлар эришади, дейишимиз тўғри бўлади.

Бу қоидани ушбу ҳадиси шарифга ишлатадиган бўлсак, мўмин-мусулмон киши ўзи учун, жамияти учун, инсонлар учун фойдали илмга «Бу менга Аллоҳнинг амри, Исломнинг талаби», дея

уринса, у жаннатнинг йўлига тушган бўлади. Аллоҳ таоло унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради.

Исломда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун бешикдан то қабргача фарз қилинган. Бу маънони кенгроқ тушунишга ҳаракат қилайлик. Фарз Аллоҳнинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурийдир. Фарз амални бажармаган одам катта гуноҳ иш қилган бўлади, охиратда иқобга учрайди.

Фарз икки қисмга бўлинади.

Биринчиси – фарзи айн.

Иккинчиси – фарзи кифоя.

Фарзи айн ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган ишдир. Уни бирор учун бошқаси адо этгани билан бўлмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Балоғатта еттан ҳар бир мўмин инсон беш вақт намозни ўқиши фарзи айн. Ўқимаган одам гуноҳкори азим бўлади.

Фарзи кифоя эса, баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун ҳам кифоя қиласидиган ишдир. Бунга мисол жаноза намозидир. Бир мусулмон ва-фот этса, уни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо, фарзи кифоя бўлгани учун, баъзи мусулмонлар жанозасини ўқиса, кифоя қиласи. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

Илм талаб қилиш борасида фарзниңг иккала қисми ҳам ишга тушади.

Ҳар бир мусулмон учун ўзига керак нарсани, ҳаёти учун зарур илмни, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиб олишда зарур бўлган ҳар бир нарсани ўрганиш фарзи айнdir. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шартдир. Қилмаган одам гуноҳкори азим бўлади.

Мусулмонлар жамоаси учун керакли бўлган ҳунар ва илмларни талаб қилиш эса, фарзи кифоядир. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида етарли мутахассисларни тайёрлаб олиш Ислом жамиятининг барча аъзоларига фарз бўлади. Эҳтиёжни қондирадиган даражада ва ададда мутахассис тайёрла-

ган жамият аъзолари бўйнидан мазкур умумий масъулият соқит бўлади.

Бу фарз энди ўша мутахассислар зиммасига ўтади. Агар жамиятда уларнинг соҳаси бўйича камчилик юзага келса, гуноҳи ўша мутахассисларга бўлади.

ИСЛОМ ЯХШИЛИККА ЧАҚИРАДИ

Қуръон ота-боболарга, бошлиқларга ва йўлбошчиларга кўр-кўрона тақлид қилишдан қайта-риш билан бирга, фақат бир тарафлама фикрлашдан ҳам қайтаради ва бирор нарса қилмоқчи бўлса, ўша нарсанинг яхшисини танлаб олишга чақиради. Чунки, кўпгина кишилар бирор нарсани бир марта эшитса ёки ўқиса, шунга ишониб кетаверадилар. Лекин ўша нарсани чуқурроқ ўйлаб, яхши тарафини танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳақдаги фикр XIX аср мутафаккирлари томонидан ҳам идрок қилинганди. Уларнинг айтишичча, бирор ҳақиқат муайян бир фалсафага боғлиқ эмас, балки барча фалсафаларни ўрганиб, энг яхшисини танлаб олмоқ зарур. Иzlанишнинг бир услуби, албатта, барча талабларга жавоб бера олмайди. Бу ҳақиқаттага Қуръон бундан 15 аср аввал чақирган:

الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ إِلَقُولَ فَيَسْبِعُونَ أَحْسَنَهُ وَأُولَئِكَ الَّذِينَ
هَدَاهُمُ اللَّهُ وَأُولَئِكَ هُمُ أُولُو الْأَلْبَى

«Улар гапни эшитиб, энг гўзалига эргашадиганлардир. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилгандардир. Ана ўшалар, ҳа, ўшалар ақл эгаларидир» («Зумар» сураси, 18-оят).

Мана шу оятда Аллоҳ мусулмонларни барча гапларни эшитиб, тушуниб, сўнгра яхшиларига эргашишга буюради. Аллоҳ шундай қилганларни

илюхий «ҳидоятта эришганлар» ва «үткір ақл эгалири» деб атайды.

Шу билан бирга, Ислом яхшиликни таърифлаб ҳам беради ва унга амал қилишта қақиради. Одатда, одамлар яхшилик матлуб эканлиги ҳақида ихтилоф қилмайдилар. Яхшилик нима эканлиги ҳақида ихтилоф қилағылар. Ҳар ким ўзининг йўлини яхши деб тушунади. Яхшилик маъносига ўзича таърифлар келтиради, чегаралар қўяди, белгилар белгилайди. Улар, кўпинча, яхшиликни белгилашда ақлларини, ота-боболаридан қолган урф-одатларни, ўзлари яшаб турган жамиятдаги ўлчовларни тушунадилар. Бирлари яхшилик деб тушунган нарсани бошқалари мутлақо ёмонлик деб тушунишлари ҳам мумкин. Демак, яхшиликнинг ҳақиқатини мазкур ҳоллардан устун тургувчи жиҳат белгилashi керак.

Ислом динида яхшилик – Аллоҳ, яхши деган нарсалардир. Уларнинг нима эканини Аллоҳ таоюл Қуръони каримнинг «Бақара» сурасидаги қуидаги ояти каримада тўлиқ, таърифлаб берган:

﴿لَيْسَ الِّرَّأْنَ تُولُوا وُجُوهَكُمْ قَبْلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَا كَنَّ الْرَّأْنَ
مَنْ أَمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَئِكَةَ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّنَ وَأَقَى
الْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِ، دُوَىٰ الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَمَّىٰ وَالْمَسَكِينَ وَأَبْنَ الْسَّبِيلِ
وَالسَّاَلِيْلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَأَقَى الْزَكُوْنَةَ وَالْمُؤْمُونُ
بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ الْبَأْسُ
أُولَئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ﴾

«Яхшилик юзингизни машриқ, ёки мағриб томонга буришингизда эмас. Лекин яхшилик Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтириш ва яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мис-

кинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга бериш, намозни қоим қилиш ва закот беришdir. Аҳд қилганды аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчилар, ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақ-водорлардир» (177-оят).

Келинг аввал ояти каримани батафсил ўрганийлик. Оятнинг бошида Аллоҳ, таоло:

«Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизда эмас» деб, яхшилик маълум бир ҳарақат ёки гап-сўзларни ўзича қилиш ва айтиш билан бўлиб қолмаслигини таъкидла-моқда. Сўнгра эса, яхшилик нималигини таърифлашга ўтиб:

«Лекин яхшилик Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтириш ва яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга бериш, намозни қоим қилиш ва закот беришdir. Аҳд қилганды аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчилар»га хосдир, демоқда.

Бу ояти каримада яхшилик бир неча қисмга бўлинмоқда:

1. Иймон.

«...Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтириш...»

Аллоҳга, Унинг борлигига, сифатларига, исмларига, ягоналигига, тарбиякунанда эканлигига, илоҳлигига иймон келтириш. Охират кунига, яъни, қиёмат қўпишига иймон келтириш, фаришталарга, уларнинг сифатларига иймон келтириш, китобга, яъни, Аллоҳ, таоло томонидан бандаларни ҳидоятта бошлиш учун туширилган илоҳий-самовий китобларга иймон келтириш. Аллоҳ таоло юборган Пайғамбарларнинг бирортасини ҳам қўй-масдан ҳаммасига иймон келтириш.

Ушбу иймон көлтиришлар яхшиликнинг боши ва асосицир. Бусиз, яъни иймонсиз ҳеч қандай яхшилик бўлиши мумкин эмас. Чунки, кимнинг Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, Пайғамбарларга иймони йўқ бўлса, ундан яхшилик чиқмайди. Чиқса ҳам, доимий бўлмайди. Бирор сабабга боғлиқ бўлади. Ўша сабаб тутаса, яхшилиги ҳам тутайди.

2. Молу дунёсидан нафақа қилиш.

«...яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга бериш...»

Яхши кўрган молидан қариндош-уругларга; бокувчисидан ажраб қолган етимларга, яъни бокувчисиз қолган, балоғат ёшига етмаган ёш болаларга; мискинларга, яъни еб-ичиш ва яшаш учун етарли маблағи, даромади йўқ кишиларга; ватангадоларга, яъни, ватанидан узоқда нафақасиз қолган одамларга; тиланчиларга, яъни, ўзида яшаш учун моддий имконияти йўқлигидан мажбур бўлиб бошқалардан моддий ёрдам сўраганларга; қул озод қилишга, яъни, хўжаси билан маълум миқдор маблағ эвазига озодликка чиқишиб қўйган қулларга бериш. Мол беришни одат қилган одам ҳирс, заифлик, баҳиллик сиртмоғидан озод бўлади. Мол-дунёга қулликдан озод бўлади. Бу, юксак инсоний фазилатдир. Фақат юксак инсоний фазилатлар соҳибигина мазкур тоифадаги кишиларга холис ёрдам беради. Бу ишни қилган инсон хақиқий яхшиликни қилган бўлади.

3. Намоз ўқиши.

«...намозни қоим қилиш...»

Фарз намозларни ўз вақтида, рукуъ, сажда ва бошқа арконларини жойига қўйиб, хушуъ-хузуъ билан яхшилаб ўқиши. Намозда инсон ҳам сирти, ҳам ичи – буткул борлиғи билан Аллоҳга юзланади. Унда инсоннинг жисми ҳам, ақли ҳам, руҳи ҳам ҳаракатта келади. Намоз ўқимаган одам Аллоҳ таърифлаган яхшиликни қилмаган бўлади.

4. Закот бериш.

«...закот бериш...»

Мусулмонларнинг бой-бадавлатлари молларидан маълум миқдорини ҳақдор биродарларига молиявий ибодат сифатида берадилар. Бу иш мол эгасига Аллоҳ томонидан фарз қилинган. Шу фарзни адо этадиган одам яхшилик қилувчиidir.

5. Аҳдига вафо қилиш.

«Аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилар...»

Аҳдига вафодорлик мусулмонликнинг, иймоннинг кўзга кўринган белгиларидан бўлиб, Қуръони Каримда қайта-қайта тақрорланганандир. Ким аҳдига вафо қилса, Аллоҳ таърифлаган яхшиликдан насибадор бўлган бўлади.

6. Сабр қилиш.

«...камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчилар...»

Фақирлик, бечоралик пайтида, касаллик, беморлик вақтида, уруш, душманлар билан тўқнашув пайтида инсон мешақатларга учрайди. Шундай ҳолларда сабр қилиш лозим.

Сабрлилик ҳам иймонли, мусулмон кишиларнинг алоҳида олий ва зарурий сифатларидан ҳисобланади. У ҳақда аввалги оятлар тафсирида ба-тафсил сўз юритилди. Демак, турли қийин ҳолатларда сабр қилувчилар Аллоҳ таърифлаган яхшилик соҳибларидан бўлар экан.

Оятнинг охирида мазкур олиймақом сифатларга эга бўлганларни:

«Ана ўшалар содик бўлганлардир. Ана ўшалар тақвадорлардир», деб таърифланмоқда.

Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анху Пайғамбар алайҳиссаломдан, иймон нима, деб сўраганларида, Пайғамбарамиз Мұхаммад алайҳиссалом ушбу оятни тиловат қилганлар. Кейин яна қайта сўраганларида, яна шу оятни тиловат қилганлар.

Шундай қилиб, Аллоҳ битта оятда эътиқод асосларини, жон ва мол ибодатларини бирлаштириб, бир-биридан ажрамайдиган қилиб, улар-

нинг ҳаммасига «яхшилик» деб сарлавҳа қўйибди. Шунинг учун ҳам, ушбу унвон остига дохил бўлиб, унга амал қилганларни Аллоҳ таоло «Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир», деб таърифламоқда.

Ҳа, ўшалар иймонида, исломида содиқ бўлганлардир.

Ана ўшалар ақийдасида, амалида содиқ бўлганлардир.

Ана ўшалар Аллоҳнинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтган тақводорлардир.

Ўтган азизларимиздан Сүфёни Саврий ушбу оятни ўқиб туриб:

«Яхшиликнинг барча тури шу оятдадир», деганлар.

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳи:

«Ким шу оят билан сифатланса, Исломнинг барча соҳаларига кириб, яхшиликнинг бошидан туттан бўлади», деганлар.

Динсизлар билан тортишув

Динсизлар борлиқнинг яратувчиси мавжудлигига ишонмайдилар. Уларнинг айтишича, барча нарсалар қадимий бўлиб, модда бирламчиdir. Табиатдаги барча нарсалар вақт ўтиши билан ўз-ўзидан келиб чиққандир. Шу гапларни бир ўйлаб кўрайлик-чи. Бу ҳақда доктор Эрфанг Вильям қўйидагиларни айтади: «Мен худонинг борлигига ишонаман. Чунки, электрон ва протонларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолганини тасаввур қила олмайман. Шунингдек, биринчи атом ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Биринчи проплазма, биринчи уруғ, биринчи ақл ҳам шундай. Мен Аллоҳнинг борлигига ишонаман, чунки атрофимиздаги кўриб турган барча нарсаларнинг пайдо бўлишининг ягона мантикий тафсири Аллоҳнинг борлигидир».

Доктор Вайн Уорд шундай дейди: «Борлиқ ўз-ўзидан пайдо бўлган, деган назариялар унинг бош-

ланишини аниқлащдан ожиздир. Улар ҳамма нарсаны «биринчи бошланишида ўз-ўзидан бўлиб қолган» дейищдан нарига ўта олмайдилар. Нарсаларнинг ўз-ўзидан вужудга келиши тўғрисидаги фикр Аллоҳнинг борлигини тан олмайдиганлар ўйлаб чиқарган гаплардир. Аслида, диний эътиборни четга қўйиб қараганда ҳам, Аллоҳнинг борлиги тўғрисидаги фикр, нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлган деган фикрдан кўра ақлга ва мантиққа яқинроқдир. Ҳеч шубҳа йўқки ва бўлиши ҳам мумкин эмас, борлиқдаги ажойиботлар қатъяян далолат қилалики, буларнинг барчасининг яратувчиси бор. У ўз-ўзидан, палапартиш ҳолда вужудга келган эмас».

Профессор Крейси Морисон ҳаётнинг сири тўғрисида фикр юритиб, «Ҳаётни материя яратганми?» деган саволни беради («ҳаёт» деганда жон кўзда тутилади). «Ҳаммага маълумки, – дейди у, – атроф-муҳит ҳам, барча материялар ҳам, кимёвий ва табиий ўзгаришлар ҳам ҳеч нарсага жон кирита олмайди. Шундай бўлса, жон ўз-ўзидан, ихтиёrsиз инсонга ёки ҳайвонга кириб қолган дейиш мумкинми?»

Ҳаёт, яъни жон сезиш ва фикрлашнинг асосий манбаидир. Усиз Аллоҳнинг қилган ишларини ҳам билиб бўлмайди. Демак, «Нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган» деган назария илмий асосга эга эмас. Ҳеч қандай саломат ақл бу назарияни қабул қилмайди.

Доктор Эдуард Кейсел борлиқ азалийдир дейишишини рад этиб шундай дейди: «Илм очиқ-оидин кўрсатиб турибдики, бу борлиқ азалий бўлиши мумкин эмас. Биз доимо иссиқ жисмдан совуқ жисмга ҳарорат ўтиб туришини яхши биламиз. Бунинг акси, яъни совуқ жисмлардан иссиқ жисмларга ҳарорат қайтиб ўтиши асло мумкин эмас. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, бу борлиқда барча жисмлардаги ҳароратларнинг тенглашиши учун ҳаракат бор. Агар шундай бўлмаса, кимёвий ва табиий ўзгаришлар бўлиши мумкин эмас.

Модомики, кимёвий ва табиий ўзгаришлар да-
вом этиб турған экан, ишонч билан айтиш мум-
кинки, бу борлық азалий эмасдир. Агар азалий
бўлганда эди, ундаги энергиялар қачонлардир ту-
габ, ҳаётдан асар ҳам қолмаган бўлур эди. Шун-
дай қилиб, илм борлиқнинг бошланиши бор экан-
лигини исбот қиласи. Бу эса, Аллоҳнинг борлиги-
га далилдир. Чунки, ҳар бир янги пайдо бўлган
нарса ўзини-ўзи яратса олмайди. Балки, уни қан-
дайдир ташқи куч вужудга келтирган ва ҳара-
катлантирган бўлиши керак. Бу куч Аллоҳдир».

Куръонга назар солсак, у, борлиқнинг бошла-
ниши борлигини, бу, Аллоҳнинг яратган нарсаси
эканлигини баён қиласи. «Анкабут» сурасида:

أَوْلَمْ يَرَوْا كَيْفَ يُبَدِّئُ اللَّهُ الْخَلْقَ شَمَّ يُعِيدُهُ

«Аллоҳ махлуқни аввал бошдан қандай яра-
тишини, сўнгра уни яна қайтаришини кўрмай-
диларми!»—деган оят бор (19-оят).

Шу билан бирга, Куръон борлиқнинг ниҳояси
борлигини ҳам баён қиласи. Бу қиёмат куни
бўлиб, у кунда энергиялар тугаб, қуёшнинг нури
ҳам қолмайди.

Аллоҳ таоло «Таквир» сурасида:

إِذَا الشَّمْسُ كُوَرَتَ وَإِذَا النُّجُومُ انْكَدَرَتْ

«Вақтики, қуёшни буклаб, ўралса. Ва, вақ-
тики, юлдузлар сочилиб кетса», деган (1,2-
оятлар).

Борлиқнинг ўзгармас қонунлари

Илмнинг асосларидан бири шуки, табиий ҳақи-
қатлар ўзгармасдир. Ишончли далил билан собит
бўлган ҳақиқат барча вақтларда ҳақиқатлигича

қолаверади. Бу нарса Қуръони Каримда шундай таъкидлаб ўтилган:

فَهُلْ يَنْظُرُوكُمْ إِلَّا سُنْتَ الْأَوَّلِينَ فَلَنْ تَحِدَّ لِسُنْتِ اللَّهِ تَبَدِّيْلًا
وَلَنْ تَحِدَّ لِسُنْتِ اللَّهِ تَحْوِيلًا

«Улар фақат илгаригиларнинг суннатига интизор бўлмоқдалар, холос. Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз бадал топа олмассан. Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз ўзгартириш топа олмассан» («Фотир» сураси, 43-оят).

Бошқа бир оятда:

لَا تَبَدِّيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ

«Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас», дейилган («Рум» сураси, 30-оят).

Бу ояларда табиий қонунлар ва Аллоҳнинг қиласи ишлари ўзгармасдан ўз ҳолича собит қолажаги очиқ-ойдин айтилган.

Тажриба ва гувоҳликлар

Илмий услуб, хоҳ у табиий илмларда бўлсин, хоҳ ҳаёт, сосиология, фазо илми бўлсин, булардаги изланишлар фалсафий фикрларга ёки чуқур ўйлаш, ўткир ақдли кишиларнинг гапига асосан бўлмайди, балки тажриба ва гувоҳлик асосида бўлади. Бунда эса, сезиш аъзолари, хусусан, эшитиш ва кўриш аъзолари катта ўрин тутадиди. Лекин уларга бу ишда нозик асбоблар ёрдам беради. Мисол учун, микроскоп ёрдамида оддий кўз кўра олмайдиган микробларни кўрадилар, телескоп ёрдамида эса, юлдуз ва осмон жисмларини кузатадилар. Шу йўл билан табиий илмлар тўғри натижаларга эришади. Агар бундай бўлмагандা,

дунёдаги күпгина сирларни кашф қилиб бўлмасди. Бирор нарсани атрофлича ўрганиш Қуръон бујурган илмий асослардан биридир. Қуръон оятларида бир нарсани атрофлича ўрганиш учун кўз, қулоқ, хусусан, ақлни ишлатиш одинга сурилади. «Анкабут» сурасида шундай дейилган:

فَلَمْ سِرُّاْ فِي الْأَرْضِ فَإِنْظُرُواْ كَيْفَ بَدَأَ الْخَلْقُ

«Айт: Ер юзида сайр этиб юринглар ва махлуқотларни У зот аввал бошдан қандай яратганига назар солинглар» (20-оят).

Шунга ўхшаш ояллар Қуръони Каримнинг бошқа сураларида ҳам кўплаб учрайди. Уларнинг умумий маъносидан маълум бўладики, инсон чақалоқлигидан бошлаб кўриш, эшитиш ва ақдни ишлатиш орқали илм ҳосил қиласди.

Ислом қандай илмга чақиради

Ислом чақираётган илм қандай илм ўзи? Факат диний илмми? Йўқ, бу илм билимсизликни йўқотадиган барча илмлардир. Диний илмлар бўлса ҳам, дунёвий илмлар бўлса ҳам (табиат илmlари, психология, тарих, жуғрофия, социология ва бошқа илмлар) Аллоҳ мусулмонларни мана шу барча илмларни ўрганишга қизиқтиради. Шоядки, шу илмлар орқали Аллоҳнинг қудрати, улуғлигини чуқур тушунсалар. Бундан ташқари, ўз ҳаётларида шу илмлардан манфаатдор бўладилар. Қуръон оялларида табиий илмларни ўрганишга чақириқлар бор.

«Рум» сурасида шундай дейилган:

وَمِنْ أَيْنِهِ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَآخِذَ لِفَ الْسِنَّتَ كُمْ
وَالْوَنْكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِلْعَالَمِينَ

«Ва Унинг оят – белгиларидан осмонлару ернинг яратилиши ва тилларингиз ва рангларингизниң турлича бўлишидир. Албатта, бунда олимлар учун оят – белгилар бордир» (22-оят).

«Фотир» сурасида эса:

الَّذِي تَرَأَنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ ثُمَّرَتِ مُخْلِفًا
الْوَنْهَا وَمِنَ الْجِبَالِ جَدَدْ بِصْ وَحَمْرَ مُخْتَلِفُ الْوَنْهَا وَغَرَبَ يَبْثُ
سُودٌ وَمِنَ النَّاسِ وَالدَّوَابَّ وَالْأَنْعَمَ مُخْتَلِفُ الْوَنْهُ
كَذَلِكَ إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

«Аллоҳниң осмондан сув туширганини күрмадингми? Бас, у ила турли ранглардаги меваларни ва тоғлардан ҳам йўл-йўл, оқ ҳамда қизилнинг турли рангларини ва қоп-қораларини чиқардик. Шунингдек, одамлардан, ҳайвонлардан ва чорвалардан ҳам турли ранглардагиларини чиқардик. Албатта, Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» (27, 28-оятлар).

Бу ояларда зикр қилинган «олимлар»дан мурод, Аллоҳ, ер юзида яраттан маҳлуқотларнинг сирасорларини билувчи шахслардир. Бу ояларнинг мавзуи ҳам табиий илмлардир. Чунки, табиий илмлар борлиқдаги нарсаларни ва уларнинг хусусиятини ўрганади. Аввалги оятда айтиб ўтилган «осмондан сув тушириши сирин» фақат табиий илм орқали билинади. Бу сувнинг таркибини ва хусусиятларини кимё илми орқали билинади. Шу сув сабабли ўсиб чиққан ўсимликлар ва меваларнинг сирини эса табиат илми тушунтиради. Тоғлар ва улардаги оқ, қизил, қора турларни жуғрофия ўрганади. Инсон жинсларини ва ҳайвонот оламини эса, антропология, зоология, биология ўрганади. Ояtingниг охиридаги «Албатта, бандалари ичидан фақат

олимларигина Аллоҳдан қўрқарлар», деган жумла-га назар солсак, унда Аллоҳни ҳақиқий тан олиб, ундан ҳақиқатан қўрқадиган кишилар табиий илм-ларни яхши билувчи кишилар эканлигини тушуна-миз. Чунки, бундай олимлар агар иймонли бўлса-лар, уларнинг илми Аллоҳдан қўрқишга чорлайди.

Биология

Куръон оятларида инсонни ўзига назар солишга ундаш ва қандай вужудга келганини тафаккур қилишга даъват бор:

فَيَسْتُرِ الْإِنْسَنُ مِمَّ خُلِقَ حُلِيقَ مِنْ مَاءٍ دَافِقٍ يَخْرُجُ مِنْ بَيْنِ الْأَشْلَابِ
وَالثَّرَابِ

«Инсон нимадан яралганига назар солсин. У отилиб чиқувчи сувдан яратилгандир. У (сув) сулб (умуртқа) ва тароиб (кўкрак суяги) орасидан чиқадир» («Ториқ» сураси, 5, 7-оят).

Вужудга келишнинг аслига назар солиш орқали инсон биология илмiga етишади, бу илм эса, унга ўзининг бир ҳужайрадан ривожланиб бориб, тўлиқ одам бўлиб яратилганигача босиб ўтадиган босқичларининг сир-асрорларини билдиради.

Психология

Куръони Каримда инсонни ўз нафси ҳақида фикр юритишга чақирувчи оятлар бор:

وَفِي الْأَرْضِ إِيَّاكَ لَهُ تَعْوِيزُنَا وَفِي أَنْفُسِكُمْ أَفَلَا تَبْصِرُونَ

«Ва ер юзида чуыур ишонувчилар учун бел-гилар бордир. Ва ўзларингизда ҳам. Ёки кўрмаяпсизларми?!» («Зариёт» сураси, 21-оят).

Үз нафсига назар солиш орқали психология илмига етиб борилади. Бу илм эса, инсондаги ҳистайғулар, сезги-ҳаяжонлар ва бошқа кўпгина ҳолатларни ўрганади.

Тарих ва сосиология

Қуръон мусулмон кишининг кўз олдида турган мавжудотларни ўрганишга чақирибгина қолмай, аввалги ўтган халқларнинг тарихи, уларнинг ободончилик йўлида олиб борган ишлари, ҳавоий нафсга берилиб, оқибатда ҳалокатга учраганларини ҳам ўрганишга унданаган. «Рум» сурасида шундай дейилган:

أَوْلَئِيْسِرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَبِيْقَةُ الَّذِينَ مِنْ
قَبْلِهِمْ كَانُوا أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَأَثَارُوا الْأَرْضَ وَعَمَرُوهَا
أَكْثَرَ مِمَّا عَمَرُوهَا وَجَاءَهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبِيْنَاتِ فَمَا كَانَ اللَّهُ
لِيَظْلِمَهُمْ وَلَكِنْ كَانُوا أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ

«Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми?! Уларнинг булардан қувватлари кўпроқ эди ва ерга ишлов бериб, уни булар обод қилгандан кўра кўпроқ обод қилган эдилар. Ва уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин (оят)лар билан келдилар. Аллоҳ уларга зулм қилмас эди, лекин улар ўзларига зулм қилардилар» (9-оят).

Қаранг, бир халққа шундай таълимотлар келибди. Унда ўтган умматларнинг тараққиёти, ободончилиги, юзтубан кетиши ва хароб бўлиши сабабларини ўрганишга чақириқ бор экан. Бу чақириқ тарих ва сосиология илмини ўрганишга бўлган чақириқ эмасми?

ИСЛОМ МҮРГАДИЛЛИК ДИНИ

Аллоҳ таоло мусулмон умматининг сифати ҳақида Қуръони Каримнинг «Бақара» сурасида:

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ
 وَيَكُونَنَّ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا

Шунингдек, сизларни одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингиздан гувоҳ бўлиши учун ўрта миллат қилдик», деган (143-оят).

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада мусулмонларни ўрта уммат қилганини эълон қилмоқда. Биз «ўрта» деб таржима қилган сўз арабчада «васат» деб келган ва яхши, ўрта, марказ, мўътадил ва адолатли маъноларини англатади. Ўртанинг яхши дейилаётганига боис шуки, четлар чет бўлгани учун ҳам ҳар хил таъсирларга кўп учрайди ва бузилиш эҳтимоли кўпроқ. Аммо ўрта бузилмай, яхши ҳолича қолади. Ўртага адолат маъноси берилишининг сабаби эса, «ўрта» атрофларга нисбатан бир хил туради, бирор томонга оғиб, адолатни бузмайди. Ўртага мўътадиллик маъноси берилиши ҳам шунга ўхшайди.

Уламоларимиз «ўрта уммат»нинг яна кўп ва улкан маънолар Англишини кенг ва батафсил баён қилганлар. Ислом уммати, ҳақиқатан, тўла маънода ўрта – мўътадил умматdir. Ўрта деганда, яхшилик ва афзаллик маъноси ҳам, мўътадил ва адолатли маъноси ҳам ва ниҳоят ҳиссиётда ўрталик маъноси ҳам тушунилаверади.

Ислом уммати эътиқод ва тасаввурда ўрта, адолатли ва афзал уммат ҳисобланади. Бошқа баъзи умматларга ўхшаб, руҳий тарафга оғиб кетмайди. Ёки яна бошқаларга ўхшаб, фақат моддий нарсаларгагина эътимод қилмайди. Балки, инсон табиа-

тига қараб, ҳам рухий, ҳам моддий жиҳатта ўртаса, адолатли, мұйтадил ва энг афзал муносабатда бўлади.

Ислом уммати тафаккур ва ҳис-туйғу бобида ҳам ўрта, адолатли ва афзал умматdir. Билиб олган нарсасинигина маҳкам тутиб, ундан бошқа маърифат ва тажрибаларни рад қилиб юборадиганлардан эмас. Ёки, аксинча, дуч келганинг ортидан эргашиб, тақлид қилиб ҳам кетавермайди. Балки, мұйтадиллик билан, ўз қоидаларига түғри келган илмий изланиш ва тажриба орқали, бошқалар эришган ютуқларни ҳам эътироф этиб, улардан фойдаланади.

Ислом уммати тартиб-интизомда ҳам ўртаса, адолатли ва афзал умматdir. Унда ҳаёт фақат ҳис-туйғу, виждон ва одоб-аҳлоқ орқали тартиб-интизомга солинмайди. Ёки, худосизлар тузумидагиек, фақат куч ишлатиш, турли жазолар орқали тартиб-интизомга солинмайди. Балки, инсоннинг маънавий тарбиясини кучайтириб, одоб-аҳлоқ, тақво, ҳалоллик масалаларини онги, ақли ва вижденига сингдириш билан бирга, ҳукмни ҳам ишга солади. Чунки, ҳамма ҳам руҳий-виждоний йўл билан тузалиб қолмайди.

Ислом уммати алоқа ва боғланишларда ҳам ўрта, адолатли ва афзал умматdir. Худосизлар тузумидаги каби эмас, яъни, жамият шахснинг ҳуқуқларини поймол қилмайди. Капиталистик тузумлар каби ҳам эмас: шахс жамиятнинг ҳуқуқларини поймол қилмайди. Балки, алоҳида шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари бор, айни чоғда, жамиятнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари бор.

Ислом уммати макон жиҳатидан ҳам ўрта уммат ҳисобланади. Унинг қибласи, бошқача айтганда, диний маркази ернинг киндигига жойлашган. Шарқу фарб, шимолу жанубнинг ўртасида.

Ислом уммати замон жиҳатидан ҳам ўрта уммат ҳисобланади. Аллоҳ таоло инсоният униб-ўсиб,

болалик, ўсмирлик ва ёшлик даврларини бошидан ўтказганидан сүнг, вояга еттанды Исломни юборған. Энди инсоният қарыб, қиёмат қоим бўлгунча бу уммат ўрталиқ ҳолида унга гувоҳ бўлиб туради.

Исломда ҳатто молу пул сарфлашда ҳам мўътадил бўлиш йўлга қўйилган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг «Фурқон» сурасида мўмин-мусулмонлар ҳақида:

وَالَّذِينَ إِذَا آنفُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ
فَوَامَّا

«Улар инфоқ қилганларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар», деган (67-оят).

Араб тилида «инфоқ» – «нафақа» иборалари мол-пул сарфлаш маъносини англатади. Бизда бирорвга садақа қилиш, эҳсон қилиш маъносида ишлатиш одат тусига кириб қолганлиги оятни нотўғри тушунишга, хайр-эҳсон, садақа қилганда мўътадил бўлиши кераг-у, бошқа вақтларда нима қилса, ўзи билади, деган хаёлга олиб келмаслиги лозим.

Мусулмон киши мол-пул сарфлашда доимо мўътадил бўлиши керак. Ҳеч қачон молу дунёни исроф ҳам қилмаслик кёрак ва ҳаддан ташқари хасис бўлиб, зарур жойга ва керакли миқдорда сарфлашдан бош тортмаслик ҳам керак.

Исломда шахсий мулкчиликка кенг йўл очиб қўйилган. Шу билан бирга, кишиларга шахсий мулкини ҳавоий нафсига биноан тасарруф қилишига ҳам йўл қўйилмайди. Аввало, бу мулкни гуноҳ ишларга, ҳаром-харишга ишлатиш ман қилинган.

Шунингдек, молу мулкни беҳуда сарфлашга «исроф» номини бериб, мусулмонларни исрофдан қайтарилган. Молу мулкини беҳуда, ноўрин сарфлайдиган одамни, «сафийх» – «эси паст» де-

йилади. Ким сафиих бўлса, маҳкаманинг ҳукми ила унинг молу мулки тўхтатиб қўйилади. Керакли бўлганида, маълум миқдори берилади, қолгани сақлаб турилади.

Бу билан баробар, ўта хасис одамга қарши чора ҳам кўрилади. Бола-чақасидан, нафақасидагилардан қисиб, уларга ҳақлари даражасида сарф қилмаса, маҳкамама ҳақларини олиб беради.

Ислом бу дунё ва охиратга бўлган муносабатда ҳам мўътадилликни йўлга кўйган.

Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони Каримнинг «Қасас» сурасида қуйидагиларни айтади:

وَابْتَغْ فِيمَا أَتَنَاكَ اللَّهُ الدَّارُ الْآخِرَةُ وَلَا تَنْسِ نَصِيبَكَ
مِنَ الدُّنْيَا وَاحْسِنْ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ وَلَا تَبْغِ الْفَسَادَ فِي
الْأَرْضِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ

«Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унумта. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас», (77 оят).

Аллоҳ таоло берган молу дунёга қандай муносабатда бўлиш кераклиги ушбу ояти каримада ўз аксини топган. Мусулмон банда қўлига молу дунё тушганда ўзини худди шу оятга мос тутмоғи лозим.

«Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин...»

Мусулмон одам, аввало, Аллоҳ берган молу дунё билан охиратни излашга интилади. Яъни, молу мулкини шариатда кўрсатилган, охиратда фойда берадиган жойларга сарфлайди. Ҳаром-хариш, гуноҳ, фисқу фужур ва беҳуда ишларга сарф этмайди. Чунки, беҳуда ишларга сарфланган молу

дунё бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фойда бермайды. Аксинча, икки дунёда ҳам зиён келтиради. Лекин мусулмон одам охиратни ўйлаб, бу дунёсими тарк қилиб – унтутиб ҳам юбормайди.

«...бу дунёдаги насибангни ҳам унутма.»

Бу дунёда ҳам яхши яшаб, Аллоҳ берган молудунёдан ҳалол йўл билан, такаббурлик қилмай фойдаланади. Чунки, Аллоҳ таоло ҳалол-пок ризқларни бандалар фойда, ҳузур ва лаззат олишлари, сўнгра уларни берган зотга шукр қилишлари учун яратган. Ана шунда тавозуъли, ширин ва баҳтли-саодатли ҳолга эришилади.

«Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил.»

Ҳалол-пок молу дунё Аллоҳнинг бандасига берган ҳадяси ва яхшилигиdir. Ўша илоҳий неъматдан баҳраманд бўлган ҳар бир банда бошқа одамларга ҳам яхшилик қилиши керак. Турли сабабларга кўра ноқулай иқтисодий ҳолатта тушиб қолган биродарларига ёрдам бериши, бева-бечора, факир-мискинларнинг ҳолидан хабар олиши, мусулмонлар манфаати йўлида хайру эҳсонлар қилиши шу жумладаги ишлар қаторига киради.

«Ер юзида бузғунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни сўймас.»

Молу дунёга қувониб, унга ишониб, бузғунчилик – фасод ишларга берілиш ҳеч түғри келмайди. Аллоҳ бузғунчиларни хуш кўрмайди. Шунинг учун, улар икки дунёда хору зор бўладилар.

ИСЛОМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетар экан, инсон сифатида ҳар бир шахс у ҳуқуқлардан фойдаланиши зарурлиги татьқидланади. Чунки, бу илохий неъматдир, ундан ҳар бир бандада фойдаланиши керак.

Инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетар экан, у ҳуқуқларни белгилашда инсоннинг ўзига нисбатан бўлган муносабат ҳам мухим ўрин тутади. Биз ҳуқуқлари ҳақида гапираётган инсоннинг асли қандоқ, унинг бу дунёда туттан ўрни қандоқ, каби саволларга бериладиган жавоблар, инсон ҳақларининг асосини белгилашда катта аҳамиятта эга бўлади.

Албатта, «инсон меҳнат туфайли ривожланиб қолган маймундир» деганлар инсонга ўзига яраша ҳуқуқ беришга уринадилар.

Исломда эса, инсонга, «Сен маймундан тарқалгансан» дейишнинг ўзи инсонлик ҳуқуқини поймол қилишнинг олий нуқтаси, деб қаралади,

Шунингдек, инсон гуноҳ қилиб қўйиб, Аллоҳнинг ғазабига учраган махлук, у бу дунёда фақат ўша гуноҳини ювиш учунгина юрибди, у ўзини қанча кўпроқ қийнаса, тарки дунё қилса, шунчалик ўзига яхши бўлади, деганлар ҳам инсон ҳуқуқларига нисбатан ўзларига яраша муносабатда бўладилар.

Исломда эса, Одам Ато гуноҳ қилган пайтидаёқ тавба қилган, Аллоҳ ўша заҳоти уни кечирган, ҳозирда эса ҳар бир инсон бегуноҳ туғилади. Инсон Аллоҳнинг ер юзидағи халифасидир. У, Аллоҳнинг амрига мувофиқ яшаб, бу дунёни қанчалик обод қилса, шунчалик савоб олади, икки дунёси обод бўлади, деб эътиқод қилинади

Исломда инсон Аллоҳ Ўз қўли билан яратган, Ўз руҳидан жон пуллаган, ер юзида Ўзининг ўринbosari қилиб қўйган олийжаноб бир зотдир.

Бу олийжаноб маънони Қуръони Карим оятлари очиқ баён эттан. Аллоҳ таоло «Сод» сурасида иблиста хитоб қилиб:

فَالَّذِي أَنْتَ مَوْلَانَا مَا مَنَعَكَ أَنْ تَسْجُدَ لِمَا خَلَقْتُ بِيَدِي أَسْتَكْبِرْتَ أَمْ كُنْتَ
مِنَ الْعَالَمِينَ

«Эй, иблис, Ўз қўлим билан яратган нарсага сажда қилишдан сени нима ман қилди?! Мутакаббирлик қилдингми?! Ёки олий дарожаликлардан бўлдингми!» – дейди (75-оят).

Ҳа, инсонни Аллоҳ таоло Ўз қўли билан яратгандир. Уни улуглаб фаришталарни унга сажда қилишга амр қилгандир. Инсонга сажда қилмаган иблисни итоб қилиб Ўз даргоҳидан қувгандир.

Аллоҳ таоло «Сажда» сурасида инсоннинг яратилиши ҳақида хабар бериб:

شَرَسَوَنَهُ وَنَفَخَ فِيهِ مِنْ رُوحِهِ

«Сўнг уни тўғрилади ва ичига Ўз руҳидан пуфлади», дейди (9-оят).

Ҳа, инсоннинг яратилишини Аллоҳ таоло Ўзи тўғрилагандир ва унга жонни Ўз руҳидан пуфланадир.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида инсонни яратишидан мақсади ҳақида фаришталарга қўйидағи хитобни қиласди:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَاتِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً

«Роббинг фаришталарига, албатта, Мен ер юзида халифа яратувчиман, деганини эслал!» (30-оят).

Инсон Аллоҳ таоло томонидан яратилган нарсаларнинг гултожидир. Дунёдаги қолган бошқа

барча нарсаларни Аллоҳ таоло инсон фойдаси учун яратғандыр.

Бу ҳақда ҳам Қуръони Карим очиқ-ойдин ба-ёнот беради. Аллоҳ таоло «Жосия» сурасида қу-йидагиларни айтади:

وَسَخَرَ لَكُمْ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعاً مِنْهُ

«У сизларга осмонлар ва ердаги жамики нар-саларни Ўзидан мусаххар қилиб қўйди»(13-оят).

Демак, Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз кетар экан, Аллоҳнинг қўли ила яратилган олий мақом зот, Аллоҳнинг руҳидан жон олган мўътабар зот ва Аллоҳнинг ер юзидағи халифаси – ўринбосари бўлган зот ҳақида сўз кетади. Ана ўшандоқ зотнинг ҳақ-хуқуқлари тўғрисида баҳс юритилади.

Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз юрити-лар экан, дунёдаги барча нарсалар унга бемин-нат хизмат қилиши учун яратилган зот ҳақида сўз кетади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг «Исро» су-расида:

وَلَقَدْ كَرَمَنَا بَنِي آدَمَ ◊

«Батаққиқ, Биз Бани Одамни мукаррам қилиб қўйдик», деган (70-оят).

Демак, Исломда инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетар экан, Аллоҳ таоло томонидан мукаррам қилиб қўйилган Бани Одам ҳақида сўз кетади.

Бинобарин, инсон ҳуқуқларини поймол қилув-чилар Аллоҳнинг иродасига қарши чиққан бўла-дилар. Улар Аллоҳ Ўз қўли билан яратган, Ўз ру-ҳидан жон пуллаган, Ўзининг ер юзидағи ўрин-босарининг, Ўзи азизу мукаррам қилиб қўйган зот-нинг ҳуқуқларини поймол қилган бўладилар.

Ислом таълимотларининг барчаси, шариат аҳқомларининг ҳаммаси инсон ҳуқуқлари масаласига боғлиқ қилинганды, десак заррача ҳам муболага қилмаган бўламиз.

Бу ҳақиқатни тушуниб олишимиз учун «Шариатнинг мақсадлари нималардан иборат?» деган саволга жавоб беришнинг ўзи кифоя.

Бу саволга Ислом уммати ўн тўрт асрдан буён бир овоздан: Ислом шариатининг мақсадлари: динни, жонни, ақлни, наслни ва молни асрардан иборат, деб жавоб бериб келмоқда.

Бугунги кунда кўтарилаётган инсон ҳуқуқлари масалалари шу беш муҳим нарса: дин, жон, ақл, насл ва молни асраш, муҳофаза қилиш ҳақида кетмаяптими? Албатта, шу ҳақда кетмоқда. Бугунги кунда масала қилиб кўтарилаётган инсон ҳуқуқлари ҳам худди шу беш асосий нарса атрофифда айланади.

Ислом кишиларни бирор ишга буюрган бўлса, ушбу беш нарсани асраш учун буюргандир.

Ислом кишиларни бирор нарсадан қайтарган бўлса, ушбу беш нарсани муҳофаза қилиш учун қайтаргандир.

Мақсади шундоқ олий даражада бўлган тузумгина инсон ҳуқуқларини етарли даражада таъминлай олиши мумкин.

Ислом ана ўша олий мақсадни амалга оширган, йўлга қўйган ва улар билан инсонларни манфаатлантирган. Бу улкан ҳақиқатта тарих шоҳид, кўжна инсоният шоҳид. Фақат Исломдагина

Ҳаёт ҳаққи,
Хуррият ҳаққи,
Эътиқод эркинлиги ҳаққи,
Фикр ва сўз эркинлиги ҳаққи,
Таълим олиш ҳаққи,
Илмий баҳс ҳаққи,
Мулкчилик ҳаққи,
Ишлаш ва касб қилиш ҳаққи,
Молу мулк дахлизилиги ҳаққи,

Ижтимоий таъминот ҳаққи,
 Шахс дахлсизлиги ҳаққи,
 Хоҳлаган жойда яшаш ва бошпана сўраш
 ҳаққи,
 Оила қуриш ва унга тегишли ҳуқуқлар ҳамда
 бошқа ҳақлар, умуман, инсонийлик қадр-қийма-
 ти тўла ва адолатли равишда таъминланган.

Исломда аёлларнинг ҳуқуқи

Турли сабабларга кўра, аёллар масаласи Исломга қарши таъна тоши отишнинг асосий нишонларидан бирига айланиб қолган. Ҳатто баъзи мусулмон уламолар «Аёллар масаласи Ислом уммати кўксига санчилган заҳарли ханжар», деб айтишга мажбур бўлдилар. Бу масала бўйича кўплаб китоблар, мақолалар ёзилган, хутбалар, мавъизалар қилинган.

Албатта, бизнинг бу масалага ортиқча тўхташга имконимиз йўқ. Иккинчидан, Ислом, ўз таълимотларига хилоф қилиш оқибатида келиб чиққан нотўғри ҳолатта жавоб беришга мажбур ҳам эмас. Энг муҳими, Ислом ҳеч кимнинг ҳимоясига муҳтож ҳам эмас. Фақат, тушуна олмай турган кишиларга тушунгандар ёрдам бериши қабилида иш тутиш мумкин, холос. Шу маънода «Аёл киши ва тенг ҳуқуқдик» номли мақолада бу масалага мавзунинг сиёқига биноан бир оз изоҳ берилган эди. Энди эса, яна мавзунинг сиёқига биноан, баъзи бир масалаларни баён қилиб қўйиш фойдалан холи эмас, деб ўйлаймиз.

Исломдан олдин аёл киши нафақат ҳуқуқлари поймол қилинишига, балки инсонлик даражасидан маҳрум қилинишига маҳкум қилинган эди.

Мисол учун, Ислом дастлаб пайдо бўлган юрт ва замонда қиз бола туғилган оила мотам тутар ва кейинчалик ор-номус ва иқтисодий қийинчаликка сабаб бўлмасин деб, қизни тириклайнин кўмиб юборилар эди.

Куръони Карим бу одатларни қаттиқ қоралади ва ман қылди. Мусулмон оиласында қызы туғилса, ўғыл туғилғандан күра күпроқ хурсанд бўлиш жорий қилинди. Қизларни яхшилаб тарбия қилганларга, ўғыл болаларни тарбия қилганларга нисбатан кўп ваъдалар қилинди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

منْ كَانَ لَهُ ثَلَاثُ بَنَاتٍ أَوْ أَخْوَاتٍ فَصَبَرَ عَلَى لَا وَائِهِنَّ
وَضَرَّاهُنَّ وَسَرَّاهُنَّ أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ بِفَضْلِ رَحْمَتِهِ إِيَّاهُنَّ
فَقَالَ رَجُلٌ أَوْ شَتَّانٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ أَوْ شَتَّانٌ فَقَالَ رَجُلٌ أَوْ
وَاحِدَةٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ أَوْ وَاحِدَةٌ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг учта қизи ёки синглиси бўлсаю, У уларнинг хархашаларига, оғирликларию қиёнинликларга сабр қилса, Аллоҳ уни уларга кўрсатган раҳмати туфайли жаннатга киритур», дедилар.

Бир киши:

— Иккита бўлса-чи? Эй, Аллоҳнинг Ра-
сули? — деб сўради.

— Иккита бўлса ҳам, дедилар.

Бир киши:

— Биттта бўлса-чи? Эй, Аллоҳнинг Расу-
ли? — деб сўради.

— Битта бўлса ҳам, дедилар».

Қизларнинг тарбияси, таълими ва маданияти ҳамда, яшаб, ўсиши учун зарур ҳар бир нарса отанинг зиммасидаги фарздир. Ота бу фарздан фақат қиз турмушга чиққандан кейингина озод бўлади. Чунки, энди бу фарз эрнинг зиммасига ўтган бўлади. Отаси ёки эри йўқ аёлнинг нафақаси aka ёки унинг ўрнини босувчи бошқа шахс-

ларга вожиб бўлади. Умуман, Исломда аёл киши нафақасиз қолиши мумкин эмас. Қизнинг нафақаси отага, хотинники эрга, сингилники ака-укага, онаники ўғилга вожиб бўлади.

Ислом аёл кишига таълим олиш ва маданий савиясини ошириш ҳақини берди ва эркакларни бу ишга маъсъул қилди. Илм талаби эр-аёлга барабар фарзлиги, қизлари ва сингилларига таълим ва одоб берган киши жаннатга ҳақли бўлишини яхши биламиз. Аммо, ҳаммамиз ҳам ушбу иш чўри аёлларга ҳам тегишли эканини билмасак керак.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

وَرَجُلٌ كَانَتْ عِنْدَهُ أُمَّةٌ فَأَدَّبَهَا فَأَحْسَنَ تَأْدِيهَا وَعَلَمَهَا
فَأَحْسَنَ تَعْلِيمَهَا ثُمَّ أَعْتَقَهَا فَتَرَوَجَهَا فَلَهُ أَجْرٌانٍ. رَوَاهُ
الْبُخَارِيُّ.

«Қай бир кишининг ҳузурида жория бўлсан, у анга яхшилаб таълим берса, яхшилаб одоб берса ва сўнгра озод қилиб, унга ўзи уйланса унга икки ҳисса ажр бўлур», деганлар.

Имом Бухорий ривоят қилган.

Демак, чўри қизга яхшилаб илм ва маданият ўргатишнинг ажри уни чўрилиқдан озод қилиш ажрига тенг экан.

Авлалии авлод мусулмон аёллари эрларидан, бошқа устозларидан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оммавий дарс ва хутбаларидан олаётган илм-маърифатта қаноат ҳосил қилмай Пайғамбар алайҳиссаломдан аёллар учун алоҳида илм-маърифат мажлислари қилишни талаб қилганлар ва уларнинг бу талаблари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан дарҳол қондирилган.

Аёл киши фақат таълим олиш, дарс, хутба ва ваъз эшитиштагина ҳақли эмас, балки таълим бе-

риш, дарс айтиш ва бошқа илмий ишлар билан машғул бўлиш ҳаққига ҳам эгадир.

Муслима аёллар илм, фан ва маданият соҳасида улкан ютуқларга эришганликлари ҳаммага маълум. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун, мисол ҳам келтирайлик.

Шифо бинти Абдуллоҳ ал-Адавийя розияялоҳу анҳодан қилинган ривоятда у киши қўйидагиларни айтдилар:

عَنِ الشَّفَاءَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَتْ دَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا عِنْدَ حَفْصَةَ فَقَالَ لِي أَلَا تَعْلَمِنِي هَذِهِ رُقْيَةَ النَّمْلَةِ كَمَا عَلَمْتِهَا الْكِتَابَةَ. رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدْ.

«Ҳафсанинг олдида ўтирган эдим, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кириб қолиб менга: «Сен бунга худди ёзишни ўргатганингдек, намила дамини ҳам ўргатмайсанми?» – дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Олимса аёллар вакиласи Оиша онамиз ҳадис ривоят қилиш бўйича иккинчи ўринда турадилар. Улкан саҳобийлар ўзлари билмаган нарсаларини, ҳал қила олмай қолган масалаларини Оиша онамиздан сўрар эдилар. Ўша вақтнинг шароитида бу нарсалар Аунё миқёсида катта ўзгаришлар эди.

Муслима ёлнинг жамият, сиёsat ва шариат майдонларида ҳам керагича ўз улуши бўлган. Муслима аёлнинг тўғри фикрини, ҳақ овозини забардаст ҳалифа ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, Аллоҳ, таолонинг Ўзи ҳам эшитган, қабул қилган.

Дунёга Умәри Одил номи билан машхур бўлган забардаст ҳалифа Умар ибн Хаттоб ўз даврларида маҳр миқдори ортиб кетганини мулоҳаза қилдилар. Бу ишни муолажа қилиш учун кўпчилик ичи-

да хутба қилиб, маҳрни чеклаш мақсадыда: «Огоҳ бўлинглар, аёлларнинг маҳрида ҳаддан ошманлгар. Агар у бу дунёда икром, Аллоҳнинг ҳузурида тақво бўладиган бўлса, унга сизнинг энг ҳақдигингиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аёлларидан бирортасига ўн икки увқиядан ортиқ маҳр бермаганлар, У зотнинг қизларининг бирортасига ҳам бундан ортиқ маҳр берилмаган», дедилар.

Шунда бир аёл ўрнидан туриб: «Эй Үмар! Аллоҳ, таоло:

«Ва у(аёл)лардан бирига қинтор – чексиз маҳр берсангиз ҳам, дейди-ю, сен бизга буни чегара-лайсанми?!» – деди.

Хутбаси бу шаклда кесилган халифа: «Аёл тўғри айтди, Үмар хато қиди», деб ўз хатосини ҳамманинг олдида тан олдилар. Ўша жасур аёлнинг шарофати или ҳозирги кунимизгача бирор аёлларнинг маҳрини чегаралашга журъат қила олгани йўқ. Бундоқ, иш аёл киши мўътабар бўлган жамиятдагина бўлиши мумкин.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам 6-жиррий йилда 1400 саҳоба билан Мадийнадан Байтуллоҳнинг зиёрати учун боргандарида мушриклар Ҳудайбия номли жойда йўлни тўсдилар.

Ўша ерда сулҳ тузилиб, мусулмонлар Каъбани зиёрат қилмай қайтиб кетадиган бўлдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига бу гапни эълон қилиб бўлиб, туринглар, шу ерда қурбонликларингизни сўйиб, соchlарингизни олдиринглар, дедилар. Саҳобалар норози бўлиб, бирорталари ҳам қимиrlамадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам амрни уч марта қайта-қайта такрорласалар ҳам бирор киши қимир этиб қўймади.

У зот foят маҳзун бўлиб, чодирга, жуфти ҳалоллари Умму Салама розияллоҳу анҳонинг ёнларига кирдилар. Бўлган воқеъани у кишига айтиб, ўтган умматлар ҳам шундоқ ишлар туфайли ҳалок

бўлганлиги, шунинг учун фоят ташвищда эканликларини қўшимча қилдилар.

Шунда Умму Салама розияллоҳу анҳо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар қандай доно вазир ҳам бера олмайдиган маслаҳатни бердилар:

«Эй, Аллоҳнинг пайғамбари, айтган амрингиз бўлишини хоҳдайсизми? Ташқарига чиқинг. Улардан бирортасига бир калима ҳам сўз айтмай қурбонлик туяларингизни сўйинг. Сўнг сартарошингизни чақиринг, сочингизни олсин», дедилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб, худди Умму Салама розияллоҳу анҳо айтгандаридек қилдилар. Буни кўрган саҳобаи киромлар ҳам шошиб қурбонликларини сўйиб, соchlарини олдира бошладилар.

Шундоқ қилиб бир муслима аёлнинг тадбири или Іслом уммати ҳалокатдан қутулиб қолди. Аллоҳнинг пайғамбарига тўғри маслаҳат бера оладиган аёл фақатгина Іслом умматидан чиқиши мумкин.

Энди муслима аёлнинг нидосини Аллоҳ эшитиб, фикрини тасдиқлаганини ўрганиб чиқайлик. Ісломдан олдин арабларда «зиҳор» деган нарса бор эди. Бунда эр хотинига, сен менга онамнинг белидек ҳаромсан, деса, абадий ярашиб бўлмайдиган талоқ тушар эди. Хотин эр учун унинг онасидек ҳисобланиб қолар эди.

Кунларнинг бирида Хавла бинти Саълаба исмли аёлни унинг эри Авс ибн Сомит зиҳор қилди. Сўнгра, Авс аччиғидан тушгач, надомат қилди ва хотинига, энди сен менга ҳаром бўлган бўлсанг керак, деди. Хавла бўлса, Аллоҳга қасамки, бу талоқ, эмас, деди-да, қўшни аёлнинг кийимини қарзга олиб, бу масала хукмини ойдинлаштириш учун Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузуруларига йўл олди. У зотнинг олдиларига келиб:

— Эй, Аллоҳнинг Расули, эrim Авс ибн Сомит ёш, бой ва ақлу хушлик пайтимда менга уйланди.

Молимни еб битирди, ёшлигимни барбод қилди, ақдимни суслатди ва ёшым улуғ бўлган бир дамда мендан зихор қилди. Энди ўзи бу зихордан афсус-надоматда. Бизларнинг яна қайта қўшилиши мизга бирор йўл борми? – деди.

– Унга ҳаром бўлибсан, – дедилар Пайғамбар алайҳиссалом.

– Сизга Куръонни туширган Зот билан қасамки, у талоқни зикр қилгани йўқ. У менинг боламнинг отаси, энг севимли кишим-ку, ахир?! – деди Хавла.

– Унга ҳаром бўлибсан. – дедилар Пайғамбар алайҳиссалом.

– Мушқулумни ва ёлғизлигимни Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиласман, мен эрим билан узоқ ҳаёт кечирдим, ундан фарзандлар кўрдим, – деди Хавла.

– Унга ҳаром бўлибсан, – дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва «Сенинг тўғрингда бирор амр келгани йўқ», деб қўшиб қўйдилар.

Хавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо бўлса тинмай Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тортишаверди.

Қачон У зот алайҳиссалом, «Сен унга ҳаром бўлибсан», десалар, Хавла, «Мушқулумни, ёлғизлигимни ва ҳолимнинг оғирлигини Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиласман», дер эди.

Ушбу тортишув чоғида Хавла бинти Саълаба:

– Ахир, менинг ёш болаларим бор, мен билан бўлсалар, оч қоладилар, у билан бўлсалар, зоеъ бўладилар, дер ва бошини осмонга кўтариб:

– Эй бор Худоё! Ўзингга ёлбораман. Эй бор Худоё! Пайғамбарнинг тилига менинг мушқулумни осон қилувчи нарсани тушир», дер эди.

Бирдан Пайғамбар алайҳиссалом жим бўлиб қолдилар. Ваҳий тушганда бўладиган ҳолат юзага келди. Бир муддатдан кейин у киши муборак бошларини кўтардилар-да:

«Аллоҳ, таоло сен ва сенинг эринг ҳақида оят туширди», дедилар ва, қуидагича бошланадиган оятларни тиловат қилдилар:

قَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّتِي تُجَدِّلُكَ فِي زَوْجِهَا وَتُشْتَكِي إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ
بِسْمِ اللَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

«Албатта, Аллоҳ сен билан ўз эри ҳақида тортишаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган (аёл)нинг сўзини эшилди. Ва хоҳлангки, Аллоҳ икковингизнинг гаплашувларингизни эшилмоқда. Албатта, Аллоҳ эши тувчи ва кўрувчи зотдир» («Мужодала» сураси, 1-оят).

Бу оятларда жоҳилиятнинг зиҳор ҳукми ботил қилинган, зиҳор қилган эр каффорот бериб хотини билан ярашса мумкинлиги баён қилинган эди. Мана, ўн тўрт асрки, ўша оятлар Қуръон сифатида ўқилмоқда, уларга шариат – қонун сифатида амал қилинмоқда. Қиёматтacha шундоқ бўлиши шубҳасиз. Оддий бир аёлнинг нидоси Аллоҳ, таолога етиб бориши, унинг фикрига, талабига мос Қуръон оятлари тушиши аёл зотининг ҳурмати, эътибори эмасми?! Қайси тузумда, қайси дастурда шунга ўхшаш нарса бор. Зар қадрини заргар билади, деганлариdek Хавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳонинг қадрини ҳам ҳамасрлари яхши билганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўз халифалик даврларида бир гурӯҳ кишилар билан кетаётган эканлар, бир аёл у кишини узоқ тўхтатиб қолибди. Ваъз, насиҳат қилибди.

«Эй Умар, – дебди аёл, – яқиндагина Умарча, деб аталардинг, улгайганингдан сўнг, эй Умар, деб аталадиган бўлдинг. Энди эса, эй, амирал мўминин, деб аталмоқдасан. Аллоҳдан қўрққин! Эй Умар! Ким ўлимга ишонса, умрини бекорга ўтказищдан қўрқади, ким ҳисоб-китобга ишонса, азобдан қўрқади, деб яна сўзини давом этираверибди аёл.

Ҳазрати Умар бўлсалар, жим қулоқ солиб тураверибдилар. Атрофидағилар у кишига: «Эй,

мүмінларнинг амири! Бир кампирга ҳам шунчалик тұхтаб турасизми?» – дейишишганда, ҳазрати Умар уларға жавобан: «Аллоҳға қасамки, у куннинг аввалидан охиригача ушлаб тұрса ҳам, фарз намоз вақтидан бошқа вактда туравераман. Бу кампирнинг кимлигини биласизларми ўзи? Бу Хавла бинти Саълаба. Унинг сўзини Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан эшитган. Оlamларнинг Роббиси унинг сўзини эшитади-ю, Умар эшитмасмиди?!» – деганлар.

Ҳа, ўз сўзини Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан туриб эшитадиган, фикрини қабул қилиб, истагини шариат қилиб қиёматтагача юритиб қўядиган аёлларни фақат Исломгина етиштира олади. Оlamга донғи кетган, ҳар қандай ботир ҳам номини эшитганда титроққа тушадиган забардаст ҳалифани кўчада тұхтатиб олиб хоҳлаганича насиҳат қила оладиган аёлни ҳам фақат Ислом етиштиради, холос.

Ислом аёлларнинг ҳурмат-эҳтиромини ўрнига қўйиб, уларнинг аёллик латофатларини сақлаб қолишлари учун, аёллик вазифаларини тўлиқ адо этиш орқали ўз жамиятларига, ватанларига, динларига керакли хизматни адо этишлари учун барча шароитни яратиб берган.

Ислом эркакларга мос бўлган оғир ишларни аёлларга фарз қилмаган, лекин аёлларга хос баъзи ишларни эркакларга хос ишлар или тенглаштириб, уларнинг эркаклар билан тенг ажр олишларини жорий қилган. Мисол учун, аёлларнинг туғищдаги қийноқларини эркакларнинг душманга қарши жиҳодларига тенглаштирилган. Бу маънолар ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилиб чиққан муслима аёллар шарофати или Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан баён қилинган.

Имом Бухорий ва имом Мұслимлар ривоят қилған ҳадисда шундай дейилади: «Асмаъ бинти Зайд ал-Ансорийя розиаллоҳу анҳо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй, Аллоҳнинг Расули, мен ортимдаги муслима аёллар жамоасининг элчисиман. Улар менинг сўзимни айтадилар ва менинг фикримга ўхшаш фикрдалар: Албатта, Аллоҳ сизни эркак ва аёлларга юборган. Биз сизга иймон келтиридик ва эргашдик. Биз – аёллар жамоаси, тутилиб, ўралиб, уйда ўтириб қолганмиз. Эркакларнинг шаҳват мавзеъси, болаларингизнинг кўтарувчиларимиз. Эркаклар жамоат ва жанозага ҳозир бўлиш ила афзал қилиндилар. Қачон улар жиҳодга чиқсалар, уларнинг молларини муҳофаза қиласиз, болаларини тарбия қиласиз, уларга ажрда шерик бўламиزمисиз!» – деди.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак юзларини ўз саҳобаларига ўтириб қарадилар-да:

– Ўз дини ҳақида ушбу аёлдан кўра яхшироқ савол берган аёлнинг гапини эшигтанмисизлар? – дедилар.

– Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули, – дейишиди улар.

– Эй Асмаъ, қайтиб бориб, орtingдаги аёлларга билдирики, албатта, сизнинг бирингизнинг яхши эр тутиши, унинг розилигини исташи, мувофиқ бўлганига эргашиши сен зикр қилган нарсаларга тенг келади, – дедилар.

Асмаъ ўзига Расулулдоҳ саллоҳу алайҳи вассаллам айтган нарсалардан севинганидан «Лаа илаҳа иллаллоҳу»ни айтиб қайтиб кетди».

Исломий нуқтаи назардан бола тарбияси, келажак авлодни кўнгилдагидек қилиб етиштириш, оила мустаҳкамлиги аёлларнинг кўчага чиқиб ўзига мос бўлмаган ишларни қилиб, тўрт-беш танга пул топганидан, аскарлик қилганидан ёки асфальт ётқизганидан афзал ҳисобланади.

Ислом шариати ҳукми бўйича, муслима аёл бошқаларга сиёсий бошпана бериш ҳаққига ҳам эгадир.

Макка фатҳи куни Умму Ҳонитъ бинти Абу Талиб бир душман мушрикни ўз ҳимоясига олиб,

бошпана берган. Кейин укалари Али ибн Абу Толиб розияллоху анху буни билиб қолиб, ўша душман мушрикни үлдирмоқчи бўлганлар. Шунда Умму Ҳониъ Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурларига бориб, бўлган гапни айтганида, У зот алайҳиссалом:

قَدْ أَجْرَنَا مَنْ أَجْرَرْتِ وَأَمْنَنَا مَنْ أَمْنَتْ. رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدْ.

«Эй, Умму Ҳониъ, кимни ҳимоянгга олган бўлсанг, биз ҳам уни ўз ҳимоямизга олдик. Кимга омонлик берган бўлсанг, биз ҳам унга омонлик бердик», деганлар.

Абу Довуг ривоят қилган.

Исломдан олдин аёл киши меросдан мутлақо маҳрум қилинар, эри ўлганда эса аёлни мерос тариқасида эрнинг қариндошларидан бири олар эди. Кейин, хоҳласа, ўзи хотин қилар, хоҳласа, бошқага эрга бериб, маҳрини ўзи олар эди. Ислом бу золим ҳукмларни ботил этиб, аёл кишининг ҳам меросдан насибаси борлигини эълон қилди.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида:

لِلرِجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالآقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا
تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالآقْرَبُونَ مِمَّا قَاتَلَ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا مَفْرُوضًا

«Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада эркакларнинг насибаси бор. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада аёлларнинг насибаси бор. У оз бўлсин, кўп бўлсин – фарз қилинган насибадир», деган (7-оят).

Исломда давлат раҳбарини сайлаш, унга итоатни эълон қилишни «байъат» дейилади. Бу энг муҳим сиёсий ҳақ эканлиги ҳаммага маълум. Қуръони Каримда эркаклар билан бир қаторда аёлларга ҳам байъат қилиш ҳуқуқи берилган.

Аллоҳ таоло «Мумтаҳана» сурасида:

يَأَيُّهَا النَّٰئِ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنُتُ بِمَا عَنْكَ عَلَىٰ أَن لَا يُشْرِكَ بِاللَّهِ
 شَيْئًا وَلَا يَسْرِقُنَّ وَلَا يَرْزِقُنَّ وَلَا يَقْتُلُنَّ أُولَادَهُنَّ وَلَا يَأْتِنَ بِبَهْتَنِ
 يَفْرَيْنُهُ بَيْنَ أَيْدِيهِنَّ وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْصِيَنَكَ فِي مَعْرُوفٍ
۱۱
 فَبِمَا عَنْهُنَّ وَاسْتَغْفِرُ لَهُنَّ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ

«Эй Пайғамбар, агар мұминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсаны ширк келтирмаслик, үғрилік қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, құллари ва оёқлари орасидан бўқтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, бас, уларнинг байъатини қабул қил. Ва Аллоҳдан уларни мағфират қилишини сўра. Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимлидир», деган (12-оят).

Энди, аёл кишининг ишлаши ҳақида икки оғиз гаплашайлик. Аввало, эркак бўлсин, аёл бўлсин, нима учун ишлайди, деган саволни берайлик. Албатта, тирикчилик қилиш учун, яхши майшат ўтказиш учун, деган жавобни оламиз. Ундоқ бўлса, тирикчилиги ўтиб турган, майшати етарли бўлиб турган аёл кишининг болаларини, оиласини ташлаб қўйиб, кўчага чиқиб ўзига мос бўлмаган ишни қилишига нима ҳожат бор? Баъзилар «Аёл киши ўз меҳнати ила жамияти тараққиётига ҳисса қўшиши керак эмасми», дейиши мумкин. Уларга «Эртаю-кеч далада эзилиб меҳнат қилган, пахта териб заҳарланган, боласини эмизадиган сугидан заҳар чиқадиган аёл жамият учун фойдалими ёки мазкур оғир ишларни эрига қўйиб жамият учун керакли фарзандларни яхшилаб тарбиялаб ўстирган, оиласини мустаҳкам қилган аёл жамият учун фойдалими?» деган қарши савол берилади.

Шу билан бирга, Исломда жамиятга зарур бўлиб қолганда, эркаклар уддасидан чиқа олмай қол-

гандаридағина аёлларни ҳам ишга таклиф қилиш, ҳатто урушда қатнаштириш ҳам борлиги эслатиб ўтилади.

Исломда аёлларни түғилғандаридан умрларининг охиригача керакли майишат билан таъминлаш эркаклар зиммасига юклатылғани, шунингдек, жамият учун керакли оғир ишларни бажариш ҳам эркакларга юклатылғани учун, аёлларни ҳүрматтаб, уларга ишлаш масъулияты юклатылмаган.

Бундан кейин аёлларнинг заруратсиз ишлашларининг яна бир сабаби қолади. У ҳам бўлса, иш баҳонаси билан оила доирасида қила олмай юрган ҳаром-хариш ишларини қилиш ёки оддий кўнгил хуши учун бўлади.

Исломда ҳаром-хариш ишлар мутлақо ҳаром қилингани ҳаммага маълум. Кўнгил хушини эса ишлаб туриб қилгандан ишламай қилганлари аёлларнинг ўзи учун яхши бўлса керак.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, Исломда аёл кишининг ишлаши ман қилинмаган, балки бу мансала аёл кишининг, унинг оиласининг, жамиятининг манфаатларидан келиб чиқиб тартибга солинган.

Ёш болаларнинг тарбия ва таълим ишлари аёлларнинг иши ҳисобланади. Хотин-қизларга тиббий хизматлар қўрсатиш аёлларнинг иши ҳисобланади.

Мутакаддим Ҳанафий фақихлардан Камолиддин ибн ал-Ҳумам: «Агар аёлнинг хотинларга хос фарзи кифоя ишда ҳунари бўлса, унинг эри (ишга) чиқишидан ман қила олмайди», деганлар.

Шунингдек, аёл киши эрининг ишида ёрдамчи бўлиши, оиласи муҳтож бўлганда ҳалол йўл билан, ҳалол меҳнат қилиши жоиз. Яъни, ўзи хоҳласа, ишлайди, бўлмаса, бирор уни мажбур қила олмайди. Батъзи уламоларимиз: нодир қобилиятга эга бўлиб, жамиятга фойдаси кўп бўлган аёллар ҳам ишлашлари тавсия қилинади, деганлар.

Қолған пайтларда аёл кишини ишлашга мажбур қилиш йўқ. Уни турли йўллар билан ташвиқот қилиб, арzon иш кучи сифатида эзишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аёл-қизларни тонг саҳарда далага ҳайдаб кетиб, хоҳлаганича ишлатиб, тун қоронфусида қайтариб олиб келишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аёлларни ўзларига мос бўлмаган ишларда ишлатиб уларнинг аёллик латтофати ва оналик қобилиятига футур етказишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Аёл киши ва тенг ҳуқуқлилик

Ушбу мавзуда сўз юритищдан олдин «аёл киши билан эркак кишининг орасидаги тенг ҳуқуқлилик» деганда нимани тушуниш керак, унинг нисбийлиги борми ёки мутлақ бир нарсами эканини белгилаб олиш зарур бўлади. Чунки, дунёнинг кўпгина жойида аёл кишига эркак киши билан тенг ҳуқуқ бериш шиори остида аёлларга зулм қилинди ва қилинмоқда. Агар барча нарсада истисносиз тариқада аёл билан эркак тенг бўлиши шарт бўлганида, Аллоҳ таоло инсон зотини аёл ва эркак қилиб, икки жинсга ажратиб яратмас эди.

Модомики, инсон аёл ва эркақдан иборат экан, улар биологик ва психологияк жиҳатдан ва бошқа жиҳатлардан фарқ қиласа экан, албатта, мазкур омиллар ҳисобга олиниши зарур. Аёлларга хос масалаларда уларга эркаклардан кўп ҳуқуқ берилиши лозим. Чунки, бу масалалар аёллик табиатига мос масалалардир. Эркакларга хос масалаларда эса эркакларга кўп ҳуқуқ, бериш керак. Чунки, эркакларнинг ҳуқуқини аёлларга бергандан нима фойда. Аёллар, барибир, улардан фойдаланмайди. Ҳам аёллар, ҳам эркаклар учун умумий бўлган масалаларда эса, икки томонга тенг ҳуқуқ бериш керак бўлади.

Мисол учун, мусулмонлар баъзи фарб юртларида аёл кишининг кўмир конида, ер остида иш-

лаб туриб кўзи ёригани ҳақидағи хабарни газетда ўқишиганда кўзларига ёш олиб, ўша бечора аёлнинг ҳуқуқи поймол қилинганига ачинадилар. Шунингдек, мусулмон меҳмонлар собиқ Совет Иттифоқи кўчаларида асфальт ётқизаётган аёлларни кўриб, «қалбим эзилиб кетмоқда» деб дув-дув ёш тўкканларини тушунса бўлади.

Қадимда аёл кишининг одам ўрнида кўрмай камситилган бўлса, ҳозирда тенг ҳуқуқлилик номи или хўрланётгани сир эмас. Аёллар ҳуқуқли ҳақидағи масалани ўз жойида алоҳида гаплашишни келишиб олайлик-да, ҳозир жорий мавзуимиз – аёллар ва тенг ҳуқуқлилик ҳақида мулоҳаза юритайлик.

Аёл кишининг тенг ҳуқуқлилиги ҳақидағи халқаро ҳужжатлар эндиғина эллик ёшта тўлди. Ислом эса бу масалани ўн тўрт аср илгари ҳал қилгандир.

Ўша даврда барча ҳалқлар аёл жинсига жирканиш ва таҳқирлаш назари билан қарар эди. Баъзилар, аёл зоти најас нарса, ундан қанча узоқ юрилса, шунча яхши, деса, бошқалари, аёл жинси ор-номус келтирувчи манба, уни ёшлигига тириклай кўмиб ташлаш керак, дер эди. Аёл кишини мол-мулк тариқасида олди-сотди қиласидиганлар, мерос сифатида тақсимга соладиганлар ҳам оз эмас эди.

Ислом эса, биринчи бўлиб аёл киши ҳам худди эркак кишидек тўлақонли инсонлигини эълон қилди. Бу маъно Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида қайта-қайта баён этилди.

Аллоҳ таоло, жумладан, «Нисо» сурасида:

يَأَيُّهَا النَّاسُ أَتَقُوا رِبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَجَدَرٍ وَخَلَقَ مِنَهَا زَوْجَهَا وَبَثَ مِنْهَا بِرْجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً

«Эй одамлар, сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковла-

**ридан күплаб әркакгу аёллар таратган Роб-
бингизга тақво қилинг», дейди (1-оят).**

Демак, одамлиқда, инсонликда әркак ва аёл тенг, әркакнинг аёлдан устунлиги йўқ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳа-
дисларидан бирида:

إِنَّ النِّسَاءَ شَقَائِقُ الرِّجَالِ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

**«Албатта, Аёллар әркакларнинг туғишган-
лариdir», деганлар.**

Термизиј ривоят қилган.

Исломнинг бошқа дин ва тузумларда аёлларга нисбатан бўлаётган ноҳақ муомаланинг асосини ташкил этувчи нотӯғри эътиқодни тузатиши ҳам аёл зоти учун катта ҳурмат бўлган. Маълумки, қадимдан барча кишилар одам зотининг жаннатдан қувилишигага аёл киши, Момо Ҳаво айбдор, деб билар ва шунинг учун, аёл зотини таҳқирлар эдилар.

Ислом эса, биринчи бўлиб, хатони Ҳаво билан Одам ҳам қилганлигини, тавбадан кейин Аллоҳ икковларини мағфират қилганини эълон қилди. Аёл зотида Момо Ҳаводан мерос бўлиб қолган абадий гуноҳ, бор, деган гапни ботилга чиқарди.

Әркак-аёлнинг инсонликда тенг эканликлари эълон қилинганидан сўнг, уларнинг фазилатлар касб қилишда ва уларга оладиган савобларда ҳам тенг ҳуқуқли эканликлари эълон қилинди.

Аллоҳ таоло «Аҳзоб» сурасида бундек дейди:

إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ
وَالْفَتَنِينَ وَالْقَنِيشَاتِ وَالصَّدِيقَاتِ وَالصَّدِيقَاتِ وَالصَّدِيقِينَ
وَالصَّدِيرَاتِ وَالخَشِعِينَ وَالخَشِعَاتِ وَالْمُتَصَدِّقَاتِ
وَالْمُتَصَدِّقَاتِ وَالصَّتِيمِينَ وَالصَّتِيمَاتِ وَالْمُحْفَظِينَ فُرُوجُهُمْ

وَالْحَفْظَتِ وَالذَّكِيرَتِ اللَّهُ كَثِيرًا وَالذَّكِيرَتِ أَعَدَّ
اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا

«Албатта, муслимлар ва мусималар, мүминлар ва мүминалар, итоатли әркаклар ва итоатли аёллар, ростгүй әркаклар ва ростгүй аёллар, сабрли әркаклар ва сабрли аёллар, хушуъли әркаклар ва хушуъли аёллар, садақа қилувчи әркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи әркаклар ва рўза тутувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилувчи әркаклар ва зокира аёллар учун Аллоҳ мағфират ва улкан ажрни тайёрлаб қўйгандир» (35-оят).

Ҳаммага маълумки, Қуръони Каримга ўхшаш дастур хужжатларда юқоридагига ўхшаб гапни майдалаш одат бўлмаган. Ҳар бир тилда, жумладан, араб тилида ҳам хитоб әркак ва аёлга бир хил сийгада бўлаверади. Аммо, бу ерда ҳар бир сифатнинг аёлларга хос сийғасини ҳам алоҳида келтиришдан мақсад уларнинг мазкур нарсаларда әркаклар билан teng эканлигини таъкидашдир.

Демак, ибодатларда ва амали солиҳларда ва уларга бериладиган ажру савобда ҳам эр ва аёл teng ҳақди.

Аллоҳ таоло «Наҳл» сурасида:

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنْ حِيَتْهُ حَيَاةً طِبِّبَةً وَلَنْ جُزِّيَّتْهُ أَجْرُهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

«Эркак бўлсин, аёл бўлсин, ким мўмин ҳолида солиҳ амал қилса, Биз уни, албатта, покиза ҳаётда яшатурмиз ва қилган амалларининг энг яхши ажрлари ила мукофотлармиз», деса (97-оят), «Оли Имрон» сурасида:

فَاسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّي لَا أُضِيعُ عَمَلَ مِنْكُمْ مِنْ ذَكَرٍ أَوْ
أُنْشِي بِعَضُّكُمْ مِنْ بَعْضٍ

«Роббилари уларнинг (дуоларини) ижобат қилиб: «Мен сизлардан эркаку аёл амал қилувчининг амалини зое қилмайман. Баъзингиз баъзингизданисиз», деган (195-оят).

Ислом эътиқод, дин ва савоб касб қилишдан ташқари, илму маърифат соҳасида ҳам аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслимага фарздир», дедилар.

Шунингдек, молу дунё касб қилишда ва уни тасарруф қилишда ҳам аёллар эркаклар билан баробар ҳуқуққа эгалар.

«Нисо» сурасида:

لِلرِجَالِ نَصِيبٌ مِمَّا أَكْتَسَبُوا وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِمَّا أَكْسَبَنَ

«Эркакларга ўз касбидан насиба бор. Аёлларга ўз касбидан насиба бор», дейилган (32-оят).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларидан бирида ота-оналарга хитоб қилиб:

«Совға беришда болаларингиз орасида тенгликка риоя қилинг, агар биронни афзал қўйгувчи бўлганимда, албатта, аёлларни афзал қўяр эдим», деганлар.

Ўғилга кўп нарса тортиқ қилиб, қизга озроқ нарса бериш ҳам Исломий қоидага зиддир. Ўғил-қизга тенг қилиб бериш зарур. Ўша тенг нарсани беришда эса, кўнгли нозиклигини эътиборга олиб, оддин қизлардан беришни тавсия қилинади.

Исломий тарбия уламолари ҳам, бозордан мевачева, қанд-курс олиб келган киши олдига бола-

лари югуриб келганды, олдин қыз болаларға нарса бериш керак, деб тавсия қиласылар. Бунга үхшаш таълимотлар жуда күп, лекин гапни чўзиб юбормаслик мақсадида мазкурлар билан кифояланамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Исломда аёл кишига эркак билан тенглик масаласида керакли барча нарса берилган.

Юқорида айтилган гапларга илова тарзида қуидагиларни таъкидламоқчимиз:

Ислом аёлларга ўз ҳуқуқларини беришда биринчи бўлиб иш бошлаганини билиб олдик. Исломни аёлларга душман қилиб кўрсатаётганлар душманлик руҳида иш тутишларини, бу ишга ўз динидан бехабар баъзи бир «мусулмонман» деб юрувчилар ҳам қўшилишини ҳам билиб қўйишимиз лозим.

ИСЛОМДА ТАБИАТ МУХОФАЗАСИ


Хеч шак ва шубҳа йўқки, ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси асри-мизнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб турибди. Бу муаммо ўзининг инсониятга келтириши мумкин бўлган ёмон оқибатлари бўйича ядро ҳалокатидан кам эмас.

Албатта, технология соҳасидаги тараққиёт, янги энергия манбаларининг кашф этилиши, янги маъданлар ва кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши, оқибатини ўйламай табиатдаги жараёнларга аралашув каби ҳолатларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ниҳоятда ташвишли вазиятни вужудга келтирди.

Табиийки, табиатни муҳофаза қилиш муаммоси бутун оламдаги юз миллионлаб мусулмонларни ҳам, Ислом уламоларини ҳам ташвишга солмоқда ва улар бу муаммоларни ҳал қилишда Қуръони Карим оятларига ва Ислом таълимотларига мурожаат қилмоқдалар.

Ҳар бир мусулмонга маълумки, Аллоҳ табора-ка ва таоло оламни ажойиб аниқдик ила ва ўзаро боғлиқ ҳолда ҳамда ундаги мухлукотларнинг хусусиятлари, сифатлари, таркиблари ва ададларини ниҳоятда гўзал ва ҳикматли қилиб яратган. Ҳар бир маҳлук ўзининг бетакрор тартибига эга. Ҳамма нарсалар Аллоҳ таоло тарафидан уларнинг ўзига хос замон ва маконда ҳамда тартиб ва ҳолатда ҳалқ қилингандир.

Бу ҳақда Қуръони Каримда жуда кўп оятлар келган. Жумладан «Қамар» сурасида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласи:



«Албатта, биз ҳар бир нарсанни ўлчов билан яратдик» (49-оят).

«Фурқон» сурасида эса:

وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدْرَهُ نَقْدِيرًا

«Ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир», дейди (2-оят).

Бошқача қилиб айтганда, дунёдаги ҳар бир нарса: сув ҳам, ер ҳам, ҳаво ҳам, төг ҳам, ҳайвонот ҳам, наботот ҳам Аллоҳ, таоло томонидан ўлчов билан ва бир-бирига боғлик қилиб ҳалқ қилинган. Агар бу боғланиш бир оз бўлса ҳам бузилса, инсон учун қатор муаммолар келиб чиқади, ҳатто, табиат ва инсоният ҳалокаттагча бориб етади.

Яна шу нарса ҳам маълумки, Аллоҳ, ҳалқ қилган бу ажойиб олам инсонга бўйинсунадиган қилиб берилигандир. Инсон эса ер юзида Аллоҳнинг халифаси ҳисобланади. Аллоҳ, таоло инсонни улуғлаб, уни Ўзининг халифаси қилиш билан бирга, уни синаш ва имтиҳон этишни ҳам ирода қилган. Щунинг учун ҳам, Ислом дини нуқтаи назарида, инсон Аллоҳнинг ҳузурида ўзининг барча амалларига жавобгардир. Бу жавобгарлик Аллоҳ, таоло инсонга берган олий ҳуқуқлар, имтиёзлардан келиб чиқади.

Инсонга бу муборак ҳуқуқ, ва имтиёзларни бериш билан бирга, Аллоҳ, унга ваҳий юбориб, мазкур неъмат ва хайротлардан ўзи учун ва ўзгалар учун қандоқ манфаатлар олишни таълим берган. Аллоҳ, инсонни дунёни асрашга, Аллоҳнинг неъматларидан манфаат олишга, уларни ҳалок этмасликка, яхшилик йўлида ишлатиш ва ёмонликка ишлатмасликка буюрган.

«Аъроф» сурасида:

وَلَا نُفْسِدُ وَأَنْوَفِ الْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَاحِهَا

«Ва ислоҳ қилингандан кейин ер юзида фасод қилманг», дейилади (56-оят).

Бу ояты қаримадан билинадыки, Аллоҳ таоло ер юзини халқ қилиб, уни инсон учун яхши ҳаёт үтказишга барча шароитлар бор ҳолатта келтирған. Сувлар ва тоғлар, ҳайвонотлар ва набототлар, моддий ва маънавий хайротлар барчаси мавжуд. Инсон эса мазкур неъматларни қадрлаб, асраб-авайлаб, уларга зарар етказмасдан, Аллоҳ таоло халқ қилган табиатдаги мувозанатни ва жипсликни бузмасдан улардан фойдаланмоғи лозим. Ҳозирги кунда биз Аллоҳ яраттан мувозанатнинг инсоннинг нотүғри аралашуви туфайли бузилгани ва бунинг оқибатида табиатни муҳофаза қилиш борасида күплаб муаммоларнинг келиб чиққанига гувоҳ, бўлиб турибмиз.

Шунинг учун ҳам, ҳар бир диндор дунёни, табиатни Аллоҳ таоло қандоқ халқ қилган бўлса, шундоқлигича сақлаб қолиш учун курашмоғи лозим.

Қуръони Карим, ер юзида фасод келиб чиқшининг асосий сабаби одамларнинг касби эканлигини «Рум» сурасида қуидагича баён этади:

ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْأَرْضِ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِيُ النَّاسِ
لِذِيْقَهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا عَلَيْهِمْ يَرْجِعُونَ

«Қилган амалларининг баъзисининг (жазосини) тортишлари учун, одамлар қўли касб қилган нарсалар туфайли қуруқлиқдаю деңгизда фасод зоҳир бўлди. Шоядки, улар қайтсалар» (41-оят).

Бу оядта Аллоҳ таоло ер юзидағи баҳтсизлик ва нохушликлар одамларнинг фаолиятлари билан боғлиқ равищда зоҳир бўлишини баён қиласди. Уларнинг қалб ва фикрлари нопок бўлса, қилган ишлари оқибати ҳалокатли бўлажак. Лекин, бу фасоднинг ёмон оқибатлари инсоннинг ўзига кўринади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло мазкур оядта:

«Қилган амалларининг баъзисининг (жазосини) тортишлари учун», дейди.

Шу билан биргә, Аллоҳнинг раҳмати буюк. У зот ўз бандаларига меҳрибон бўлганидан, уларга ўз вақтида тавба қилиб, тўғри йўлга тушиб олишга имкон берди. Шунинг учун ҳам, оятнинг сўнгида: «Шоядки, улар қайтсалар», дейилган.

Инсоннинг бу дунёдаги масъулияти ҳақида кўпгина ҳадиси шарифлар ҳам ворид бўлган, улардан бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

فَكُلُّكُمْ رَاعٍ وَكُلُّكُمْ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ.

«Бас, барчангиз масъулдирсиз ва барчангиз ўз масъулиятингиздан сўралурсиз», дейдилар. Бу қисқа сўзларда олам-олам маъно бор бўлиб, улар инсонларнинг юқорида зикр қилинган вазифасини ҳамда ер юзида тинчлик ва омонлик бўлиши учун Аллоҳнинг олдидағи масъулиятини ўзида мужассамлаштиргандир.

Аллоҳ яраттан нарсаларни ҳалок этиб, йўқ қиласётгандарни эса Ислом «фасодчилар» деб атайди. У ҳакда «Бақара» сурасида:

وَإِذَا تَوَلَّ سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِفُسِدٍ فِيهَا وَيُهَلِّكُ الْحَرَثَ
وَالنَّسْلُ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفَسَادَ

«Ва бурилиб кетганда, ер юзида фасод учун ҳамда экин ва наслни ҳалок қилиш учун ҳараткат этади. Ҳолбуки, Аллоҳ фасодни хуш кўрмас», дейилган (205-оят).

Бу ояти каримадаги «ал-харс»дан мурод ўсимликлар, «ал-насл»дан мурод эса ҳайвонлардир. Бу икки олам: ўсимликлар олами ва ҳайвонотлар олами Исломда инсон учун энг зарур бўлган нарсалар хисобланади. Кимки буларга заарар етказса, инсониятта зарар етказган бўлади.

Ислом дини доим иймонли инсонларни жони-ворларга зарар келтирмасликка, ҳайвонот оламига меҳрибон бўлишга чақиради.

Аллоҳ таоло Куръони Каримда ер юзидағи барча нарсаларга, шу жумладан, ҳайвонот дунёсига қандоқ муносабатда бўлиш лозимлигини муфас-сал баён қилиб берган. Кўпгина оятлар мусул-монларга Аллоҳ таолонинг ҳайвонот оламини яра-тиш мақсадини тушунтириб беради. Уларни ҳай-вонот дунёсини муҳофаза қилишгә ва ўрганишга даъват қиласди. Куръони Карим ҳайвонот дунёси-дан инсон қандай фойда олиши мумкинлигини, ҳайвонни қандай тарбия қилиш кераклигини тушунтириб беради. Арзимас туюлган, оддий жони-ворларда учрайдиган илоҳий қудратни кўриш, ун-дан ибрат олишга чақиради.

Куръони Каримнинг «Бақара», «Анъом», «Фил», «Намл», «Нахл» каби бир неча суралари ҳайвонлар номи билан аталади. Ушбу суралар ном-ларини ўз тилимизга таржима қиласдиган бўлсак, «сигир», «чорва ҳайвонлари», «фил», «чумоли», «асалари», деган маънолар келиб чиқади.

Куръони Каримда барча жонзорот ва қушлар ин-сонлар каби «уммат» эканлиги таъкидланади. Ай-нан шу таъкид инсонни ўзи каби уммат бўлган барча жонлиларга нисбатан меҳрибон бўлишга ундаиди. Бу хусусда Аллоҳ таоло «Анъом» сураси-да шундай марҳамат қиласди:

وَمَا مِنْ دَبَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا طَفِيلٌ يَطِيرُ بِهِنَّاحِيَةٍ إِلَّا أَمْمَ أَمْثَالُكُمْ

«Ер юзидағи юрувчи ҳар бир жонзорот ва икки қаноти илиа учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир» (38-оят).

Агар ҳайвонларнинг ҳар бир тури ёки оиласари алоҳида олинган уммат ҳисобланса, айнан шу ҳукм билан улар бошқа умматлар ўртасида яшаш, мав-жуздик ҳаққига эга бўладилар. Имом Абу Довуд ва

имом Термизийлар Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анхудан ривоят қылган ҳадисда Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

لَوْلَا أَنَّ الْكَلَابَ أُمَّةٌ مِنَ الْأَمْمَمِ لَأَمْرَتُ بِقَتْلِهَا كُلُّهَا.

«Агар итлар умматлардан бир уммат бүлмаганида, албатта, уларнинг ҳаммасини ўлдиришга амр қиласр эдим», деганлар.

Шунингдек, имом Бухорий ва имом Мұслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қылган ҳадисларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

قَرَصَتْ نَمْلَةٌ نَبِيًّا مِنَ الْأَنْبِيَاءِ فَأَمَرَ بِقَرْيَةِ النَّمْلِ فَأَحْرَقَتْ فَأَوْحَى اللَّهُ إِلَيْهِ أَنْ قَرَصَتْكَ نَمْلَةٌ أَحْرَقَتْ أُمَّةً مِنَ الْأَمْمَمِ تُسَبِّحُ.

«Бир чумоли набийлардан бир набийни чақиб олди. Бас, у чумолилар қишлоғи ҳақида амр қилди. Уни қуидириб юборилди. Шунда, Аллоҳ у(набий)га ваҳий қилиб, сени бир чумоли чаққани учун тасбих, айтиб турган умматлардан бир умматни ҳалок қилдингми?! – деди», дейдилар.

Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида «Ҳайвонлар нега яратилди?» деган саволга жавоб бордир. Масалан: «Мўминун» сурасида:

وَإِنَّ لَكُمْ فِي الْأَنْفُسِ لِعَبْرَةٌ شَقِيقٌ كُمْ مَمَّا فِي بُطُونِهَا وَلَكُمْ فِيهَا مَنْفَعٌ كَثِيرٌ وَمِنْهَا تَأْكُونُونَ ﴿١٢﴾ وَعَلَيْهَا وَعَلَى الْفَلَكِ تَحْمِلُونَ

«Албатта, сиз учун чорва ҳайвонларида ибрат бордир. Биз сизни уларнинг қоринларидағи нарса ила суюрумиз ва сиз учун уларда

күпгина манфаатлар бор ва улардан ерсизлар. Ва уларга ва кемаларга юкланурсизлар», дей-илган(21, 22-оятлар).

Аллоҳ таоло яна «Наҳұ» сурасыда:

وَالْأَنْعَمَ خَلَقَهَا لَكُمْ فِيهَا دِفْءٌ وَمَنَعَ وَمِنْهَا
 تَأْكُلُونَ وَلَكُمْ فِيهَا جَمَالٌ حِينَ تُرْبَحُونَ وَحِينَ شَرَحُونَ
 وَتَحْمِلُ أَثْقَالَكُمْ إِلَى بَلْدٍ لَمْ تَكُنُوا بِلِغَتِهِ إِلَّا يُشَقَّ الْأَنْفُسُ
 إِنَّ رَبَّكُمْ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ وَالْخَيْلَ وَالْبَغَالَ وَالْحَمِيرَ
 لِرَزْكَبُوهَا وَزِينَةٌ وَمَخْلُقٌ مَا لَا تَعْلَمُونَ

«У чорва ҳайвонларини ҳам яратди. Уларда сиз учун иссиқұлқи манфаатлар бор ва улардан ейсизлар ҳам. Ва сиз учун уларда кечки пайт (үтлоқдан) қайтаёттәнләрида ва эрталаб (үтлоқ-қа) кетаёттәнләрида чирой – жамол бор. Ва улар юкларингизни сиз жон машаққатисиз ета олмайдиган юртларгача құтариб борадир. Ал-батта, Роббингиз меҳрибон ва раҳимлидир. Оттар, хачирлар ва эшакларни минишиңгиз ва зийнат учун (яратди) ва сиз билмайдиган нарсаларни яратадир», деб таъкидлайди(5–8-оятлар).

Келтирилған оятларда «еийиш-ичиши», «иси-ниш», «юкларни ташиш» каби ҳайвонлардан оли-надиган фойдалар ва кишиларнинг ҳайвонлар чи-ройидан роҳатланиши ҳақида сүз кетади. Дарҳа-қиқат, Аллоҳ таоло ҳайвонларни инсонларга фойда келтирадиган неъматлар қилиб яратди. Шу боис-дан, инсонлар бу неъматлар учун Парвардигор-ларига шукр қилиб, ўzlари учун зарур бўлган ҳай-вонот дунёсига эҳтиёткорона ёндашишлари, уни кўриқлашлари ва сақлашлари лозим бўлади.

Шукр қилиш эса, икки йўл билан бўлади. Биринчиси, бундай неъматларни ато этган Аллоҳга

ҳамду сано айтиш бўлса, иккинчиси Парвардигор ато қилган неъматлардан фойдаланишда унинг кўрсатмалари бўйича иш юритишидир. Исломда ҳайвонот оламига ҳеч қандай зарар етказиш мумкин эмаслиги қаттиқ таъкиданади. Имом Муслим Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

وَمَرَّ عَلَيَ النَّبِيِّ بِحَمَارٍ قَدْ وُسِمَ فِي وَجْهِهِ، فَقَالَ:
أَمَا بَلَغْكُمْ أَنِّي لَعْنُتُ مَنْ وَسَمَ الْبَهِيمَةَ فِي وَجْهِهَا أَوْ
ضَرَّبَهَا فِي وَجْهِهَا.

«Набий алайхиссалом оддиларидан юзига тамға босилган эшакни олиб ўтилди. Шунда у зот:

«Менинг ҳайвонларнинг юзига тамға босган ва уларнинг юзига урганларни лаънатлаганим сизларга етмаган эдими?!» – дедилар».

Бошқа бир ҳадисда унинг ровийиси Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ فِي سَفَرٍ فَانْطَلَقْتُ لِحَاجَتِي
فَرَأَيْتُ حُمَرَةً مَعَهَا فَرْخَانٌ فَأَخَذْتُ فَرْخَيْهَا فَجَاءَتِ
الْحُمَرَةُ فَجَعَلَتْ تُفَرِّشُ فَحَاءَ النَّبِيُّ فَقَالَ: مَنْ فَجَعَ هَذِهِ
بُوَلَدِهَا؟ رُدُوا وَلَدَهَا.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик. Мен ўз ҳожатимга бориб бир чумчукни икки боласи билан кўрдим ва унинг болаларини олдим. Шунда чумчук, келиб гирдикапалак бўлиб уча бошлиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етиб келдилар-да:

«Буни ким боласи туфайли фожеага учратди? Унга боласини қайтариб беринглар», дедилар.

Күриниб турибиди, Ислом ҳайвонларнинг бар-часига алоҳида меҳрибонлик билан ёндашади. Ислом ҳайвонларни мақсадсиз ўлдиришликни катта гуноҳ ҳисоблаб, қатъян ман қиласи. Чунки, Аллоҳ ҳайвонларни инсонлар фойдаси учун яратган. Аллоҳ яратган жониворларни беҳуда ўлдириш гуноҳдир. Унинг неъматларига нисбатан нонкўрлиқдир.

Имом Насайй Аш-Шурайда розияллоҳу анхудан қилган ривоятда:

سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ يَقُولُ مَنْ قَتَلَ عَصْفُورًا عَبَثًا
عَجَّ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَقُولُ يَا رَبَّ إِنَّ فُلَانًا
قَتَلَنِي عَبَثًا وَلَمْ يَقْتُلْنِي لِمَنْفَعَةٍ.

«Мен, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимки чумчукни сабабсиз ўлдирса, қиёмат куни Аллоҳга: эй Роббим, фалончи мени манфаат учун эмас, ўйнаб ўлдирди, деб шикоят қиласи», деганларини эшиздим», дейилган.

Исломдаги ҳайвонларга меҳрибонлик ва яхши муносабат фақат улардан инсонларга тегадиган манфаат билан боғлик эмас, балки мусулмонлар барча ҳайвонот оламига, ҳатто инсон улардан бу дунёда ҳеч қандай манфаат кутмаса ҳам, яхши муносабатда бўлишга буюрилган.

Муслим киши жониворларга меҳрибон бўлишлиги динда қоида шаклида келтирилади. Ҳайвонларга меҳр-шафқатли бўлишлик билан мусулмон инсон жаннатнинг олий мартабаларига сазовор бўлади. Бу ҳақида кўпгина ҳадислар бор.

Имом Бухорий ва имом Муслим буюк саҳобалардан бири Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қиласидилар:

بَيْنَا رَجُلٌ يَمْشِي فَأَشْتَدَّ عَلَيْهِ الْعَطْشُ فَنَزَلَ بِعْرًا فَشَرِبَ مِنْهَا ثُمَّ خَرَجَ فَإِذَا هُوَ بِكُلِّ يَلْهَثٍ يَأْكُلُ التَّرَى مِنَ الْعَطْشِ فَقَالَ لَقَدْ بَلَغَ هَذَا مِثْلُ الَّذِي بَلَغَ بِي فَمَلَأَ حُفَّةً ثُمَّ أَمْسَكَهُ بِفِيهِ ثُمَّ رَقَيَ فَسَقَى الْكُلْبَ فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ فَغَفَرَ لَهُ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَإِنَّ لَنَا فِي الْبَهَائِمِ أَحْرًا قَالَ فِي كُلِّ كَدِ رَطْبَةٍ أَجْرٌ.

«Бир киши йўлда жуда ҳам чанқади. У бир қудуқ излаб топди. Унга тушиб чанқорини қондиривчи қиқди. Шу вақт, ташналиқдан нам тупроқни ялаётган бир итни кўрди. Ит ҳам мен каби чанқабди, деб ўйлаб, у киши яна қудуқда тушди ва оёқ кийимида сув олиб чиқиб итни сугорди. Аллоҳ унинг гуноҳларини кечирди, дедилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам. Саҳобалар У зотдан: «Эй, Аллоҳнинг Расули, ҳайвонлардан биз учун ажр борми?» деб сўрадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир жонлида шундай ажр бор», деб жавоб қилдилар.

Аксинча, кимки ҳайвонларга жабр-зулм ўтказса, уларга азоб берса, уларни у дунёда қаттиқ жазо ва уқубатлар кутади, деб таъкидланади. Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

دَخَلَتْ اُمَّةُ النَّارِ مِنْ جَرَاءِ هَرَّةٍ لَهَا - أَوْ هِرْ - رَبَطَتْهَا فَلَا هِيَ أَطْعَمَتْهَا وَلَا هِيَ أَرْسَلَتْهَا ثُرْمِرُّ مِنْ حَسَاشِ

الأَرْضِ حَتَّىٰ مَا تُهْلِكُ.

«Бир аёл ўзининг мушуғи туфайли дўзахга кирди. Уни боғлаб қўйиб, унга таом ҳам бермади, уни ердаги нарсалардан емоғи учун қўйиб ҳам юбормади. Ҳатто У озиб-тўзиб ўлди», деганлар.

Ислом ва наботот олами муҳофазаси

Ўтган мақоламизда Ислом таълимотларининг ҳайвонот оламига бўлган муносабати ҳақида сўз юритган эдик. Энди эса, иншоаллоҳ, Исломнинг наботот оламига бўлган муносабати тўғрисида сўз юритамиз. Худди ҳайвонот оламига бўлгани қаби, наботот оламига ҳам Аллоҳнинг раҳмати ва марҳамати улуғдир. Наботот олами Аллоҳнинг инсонинг ато қилган улуғ неъматларидан бири бўлиб, бу олам бўлмаса, ер юзида ҳаёт ҳам бўлмас эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ бу оламни инсонга ҳаёт воситаси бўлсин, унга ва унинг чорвасига ризқ бўлсин, деб халқ қилганини кўп марта эслатади. Масалан, «Абаса» сурасида шундай марҳамат қилинади:

فَيَنْظُرُ إِلَيْنَاهُ إِلَىٰ طَعَامِهِ ۝ أَنَا صَبَّيْنَا الْمَاءَ صَبَّانِ ۝ شَقَقْنَا الْأَرْضَ
 شَقَاقِ ۝ فَأَبْلَغْنَا فِيهَا حَبَّاً ۝ وَعَنْبَا وَفَضْبَانِ ۝ وَزَيْتُنَا وَنَخْلَانِ ۝ وَحَدَائِقَ غَلَبَانِ
 ۝ وَفَنَكَهَهُ وَأَبَابَانِ ۝ مَنْعَالَكُمْ وَلَا نَنْعِمُكُمْ ۝

«Инсон ўз таомига назар солсин. Албатта, Биз сувни роса қўйиб қўйдик. Сўнгра ерни ўзига хос ёрдик. Биз унда дон ўстириб қўйдик. Ва узум ва кўкларни ҳам. Ва зайдутун ва хурмоларни ҳам. Ва тифиз боғларни ҳам. Ва меваларни ва ўт-ўланларни ҳам. Сизларга ва чорваларингизга манфаат бўлсин, деб» (24–32-оятлар).

Бу ва бунга ўхшаш бошқа ояты карималарда Ал-лоҳ таоло бандаларига, худди ҳайвонлар инсон учун халқ қилинганидек, наботот оламини ҳам инсон ва унинг ҳайвонлари учун халқ қилганини эслатади. «Ал-матоҳ» сўзи араб тилида жамики фойда ва манфаат маъноларини ўз ичига олади. Шундан тушунамизки, Аллоҳ таоло наботот оламини инсоннинг барча фойда, манфаати учун ростлаб қўйгандир. Маълумки, Ислом таълимотлари инсонга ва унинг жамиятига фойда етказувчи барча нарсаларни йўқотиш, зарар етказиш ва исроф қилишни ҳаром қилган.

Аллоҳ таоло «Қоғ» сурасида:

وَنَزَّلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَآءً مُبَرَّكًا فَانْبَثَنَا بِهِ جَنَّتٍ وَحَبَّ الْحِصِيدِ
وَالنَّخْلَ بَاسْقَدَتِ لَهَا طَلْعٌ نَضِيدُ
رِزْقًا لِلْعَبَادِ وَأَحَيَّنَا بِهِ
بَلَدَةً مَسْتَأْنَةً

«Ва осмондан барака сувини туширдик, ҳамда у билан бор-роғларни ва дон ҳосилини ўстирдик. Ва зич мевали шингиллари бор хурмоларни ҳам. Бандаларга ризқ қилиб. Ва у (ёмғир) билан ўлган шаҳарни тирилтирдик», дейди (9–11-оятлар).

Куръони Каримнинг бу оятларидан биламизки, наботот олами бандалар учун ризқдир, бандаларнинг эса ўз ризқларини эҳтиром қилишлари ҳамда улар учун шукр келтиришлари матлубдир. Уларнинг ризқ берувчига шукрлари ҳамду сано ила ва ризқни ўша ризқ берувчи зотни рози қилувчи нарсаларга сарфлаш билан бўлади. Бу борада, Аллоҳнинг розилигига эришиш учун, инсон наботот оламига нисбатан тўғри муомалада бўлмоғи лозим, акс ҳолда, наботот оламига нисбатан ёмон муомала Аллоҳнинг газаби ва иқобига олиб келади. Бу мавзуда кўплаб оятлар ворид бўлган.

«Тоҳа» сурасида Аллоҳ таоло:

الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ مَهْدًا وَسَلَكَ لَكُمْ فِيهَا سُبُّلًا وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ أَرْوَاجًا مِنْ نَبَاتٍ شَقَقَ كُلُّوا وَأَرْعَوْا أَنْعَمْكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَذَّاتٍ لَا يُؤْلِي النُّهَى

«У сизга ерни бешик қилган, сизга унда йўллар очган ва осмондан сув туширган зотдир». Бас, ўша (сув) ила турли набототлар жуфтларини чиқардик. Енглар ва чорваларингизни боқинглар. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир», деб марҳамат қилган (53, 54-оятлар).

Бошқача қилиб айтганда, фақат Аллоҳнинг ўзи, бошқа ҳеч бир зот эмас, инсон учун ерни бешик каби қилиб берган, осмондан сув туширган ва шу сув билан турли набототларни ўстиргандир. Демак, бу нарсалар барчаси Аллоҳ тарафидан инсон манфаати учун халқ қилинган бўлиб, инсон бу неъматларни доимо эслаб турмоги шарт. Уларнинг барчаси Аллоҳнинг инсонга берган улкан неъматлари бўлиб, инсон мазкур неъматларга шукр қилмоғи лозим. Агар инсон мазкур неъматларни суиистеъмол қиласа, Аллоҳнинг ердаги халифаси бўла олмайди.

Деҳқончилик ва боғдорчилик ишларига тарғиб қилувчи кўплаб ҳадиси шарифлар мавжуд. Имом Муслим ўз «Саҳиҳ»ларида Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қиласидиларки, Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَغْرِسُ غَرْسًا أَوْ يَزْرَعُ زَرْعًا فَيُأْكُلُ مِنْهُ طَيْرٌ أَوْ إِنْسَانٌ أَوْ بَهِيمَةٌ إِلَّا كَانَ لَهُ بِهِ صَدَقَةٌ.

«Қайси бир мусулмон бир кўчат экса ёки бирор зироат қиласа, ундан қушми, инсонми, ҳайвонми еса, албатта, унинг учун бундан садақа ҳосил бўлур», деб марҳамат қилганлар.

Бу ҳадиси шарифдан, модомики, күчат ёки экиндан фойда келиб турса, агар дәхқон ёки бөғбон вафот этиб кетган бўлса ҳам, уларга қиёматгача тұхтосиз савоблар бориб туришини тушунамиз,

Имом Байхақий Анас розияллоҳу анхудан ривоят қиласыларки, Пайгамбаримиз Мұхаммад солаллоҳу алайхи васаллам:

سَبْعَ تَجْرِي لِلْعَبْدِ بَعْدَ مَوْتِهِ وَ هُوَ فِي قَبْرِهِ: مَنْ عَلِمَ أَوْ أَجْرَى نَهْرًا أَوْ حَفَرَ بَئْرًا أَوْ غَرَسَ نَخْلًا أَوْ بَنَى مَسْجِدًا أَوْ وَرَثَ مُصْحَّفًا أَوْ تَرَكَ وَلَدًا صَالِحًا يَسْتَغْفِرُ لَهُ بَعْدَ مَوْتِهِ.

«Банда вафот этиб қабрга киргандан сўнг ҳам етти нарсадан унга ажр бориб туради: илм ўргатган бўлса, ариқ ўтказган бўлса, қудук қазиган бўлса, хурмо ўтқазган бўлса, масжид қурган бўлса, Қуръон мерос қолдирган бўлса ёки ўлганидан сўнг унга истиғфор айтиб турадиган фарзанд қолдирган бўлса», дедилар.

Бу ҳадиси шарифда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ариқ ўтқазиш, қудук қазиш ва хурмо экиш каби ишлар илм ўргатиш, масжид бино қилиш ва Қуръон мерос қолдириш каби улкан савобли ишлар билан бир қаторга қўйилган. Бу ҳам бўлса, Аллоҳ таолонинг Ўз бандасига меҳрибонлигиданdir. Чунки, У мазкур амали солиҳлар учун бандаси тирик вақтида унга қандоқ савоб берса, вафот этгандан сўнг ҳам шундоқ савоб беришини ваъда қилди. Ислом инсонни дәхқончилик ва боғдорчиликка фақат унинг ўзига фойда бўлиши учун тарғиб қилмайди, балки ўзи фойда топмаса ҳам, ўзгалар фойдаси учун бу ишларни амалга оширишга чорлайди.

Ривоят қилинадики, бир одам улуғ саҳобий Абу Дардо розияллоҳу анхунинг олдиларидан ўтиб бора-

ётса, у зот ёнғоқ күчати экаёттан экан, шунда йўловчи Абу Дардога: «Қариб, улуг ёшга кирган бўлсангиз ҳам күчат экасизми, ахир бу фалон йилдан сўнг мевага киради-ку», дебди. Абу Дардо розияллоҳу анҳу бунга жавобан: «Менга савоби етса бўлди. Мевасини бошқалар истеъмол қиласверсин», деган эканлар.

Қуръони Каримда Аллоҳ сувни ҳаётнинг асосий унсури сഫاتида яраттани алоҳида қайд этилади. Дарҳақиқат, бутун ер юзида сувсиз ҳаётни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қиласади:

وَجَعَلْنَا مِنَ الْمَاءِ كُلَّ شَيْءٍ حَيًّا

«...ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганмиз» («Анбиё» сураси, 30-оят).

Бошқа бир оятда эса:

وَاللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَابَّةٍ مِّنْ مَاءٍ

«Аллоҳ ҳамма жониворни сувдан яратди», дейди («Нур» сураси, 45-оят).

Шундан фаҳмлаймизки, барча жонли коинотнинг асли ҳам, таркиби ҳам сувдир. Буни илмий таржибалар ҳам кўрсаттган. Илмли кишиларнинг, таъкидлашича сув инсон жисмининг асосий унсури бўлиб, унинг 76%ни ташкил этади. Шунингдек, сув бошқа тирик жонзотларнинг ҳам асосий унсурини ташкил этади. Наботот оламини ҳам сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бир килограмм қанд ишлаб чиқариш учун минг литр чучук сув, бир килограмм буғдой етиштириш учун эса, бир ярим минг литр сув керак бўлади. Ҳудди шу ҳол саноатда ҳам бор. Масалан, бир килограмм пўлат ишлаб чиқариш учун 400 литр сув зарур ва бошқалар ҳам шунга ўхшайди.

Ислом дини назарида, сув Аллоҳнинг улкан неъмати бўлиб, уни зое ва ифлос қиласлик ло-

зим. Ислом умматининг ўтган авлодларининг сувга бўлган эътиборлари шу даражага етганки, ҳатто уламоларимиз фижқ китобларида «Денгиздан олганда ҳам сувни исроф қилмаслик ҳақида» деган боблар очганлар. Бу ҳукмга эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўйидаги ҳадисларини далил қилиб келтирганлар:

Ином Бухорий ва имом Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу айтадиларки:

كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَعْتَسِلُ بِالصَّاعِ إِلَى خَمْسَةِ أَمْدَادٍ
وَيَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ.

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир соъдан беш муддгача (бўлган сув) билан ғусл қиласар эдилар ва бир мудд билан таҳорат қиласар эдилар».

Ином Аҳмад Абдуллоҳ, ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ مَرَّ بِسَعْدٍ وَهُوَ يَتَوَضَّأُ فَقَالَ مَا هَذَا
السَّرَّفُ يَا سَعْدُ قَالَ أَفِي الْوُضُوءِ سَرَفٌ قَالَ نَعَمْ وَإِنْ
كُنْتَ عَلَى نَهْرٍ جَارٍ.

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилаётган Саъднинг ёнидан ўтаётиб, бу қандоқ исрофгарчилик, эй Саъд, дедилар. Сувда ҳам исроф бўладими, деб сўради Саъд. Агар оқиб турган дарёдан олсанг ҳам, дедилар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам».

Маълумки, ғусл ва таҳорат мусулмон бандаларга фарз ибодатлардир. Агар шу нарсаларда исроф жоиз бўлмаса, ибодатмас бошқа ишларда, албатта, мумкин эмас.

Аллоҳ таоло бизларни барча ишларда, шу жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги ишларда ҳам түғри йўлга бошласин!

Ислом ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тарбияси

Аввалги сухбатларимизда таъкидлаб ўтганимиздек, атроф-муҳитнинг ифлосланишига кишилар тарбиясида табиатни муҳофаза қилиш ҳақида тарбиявий ишлар етарли даража йўлга қўйилмаганлиги ҳам сабабдир.

Маълумки, Ислом бу муаммола, хусусан, табиат муҳофазаси тарбиясига алоҳида эътибор билан қарайди.

Тарбия хусусида Қуръони Каримнинг кўплаб оятлари ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадиси шарифлари мавжуддир. Исломда бу масалага жуда катта аҳамият берилган.

Ислом динида табиат муҳофазаси муаммоси муҳим, жиддий бир масала бўлиб, у билан давлат ҳокимияти қандай шуғуланиши ҳақида бир қатор кўрсатмалар мавжуд. Бу фикрни таъкидловчи кўпгина далиллар бор, уларнинг бир қисми ҳақида аввалги мақолаларимизда ҳам мисоллар келтирган эдик. Масалан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллам сафарда кетаётгандарида ҳамсафарларининг қуш уясидан олган қуш болаларини ўз оналарига қайтариб беришга буюрганлари, факихларнинг китобларида ҳайвон эгаларининг ҳайвон олдидағи мажбуриятлари ёзилганлиги ҳақида маълумотлар келтиргандик.

Атроф-муҳитга, табиаттага нисбатан меҳр-шафқатли ва адолатли бўлишга ўқитишнинг, ўргатишнинг ўзигина катта фойда келтирмайди, албатта. У билимлар, у тарбиялар амалда ишлатилиши, қўлланиши лозим.

Ислом ўз таълимотини, жумладан, табиатни муҳофаза қилиш таълимотини ҳам худди шундай йўл

билин амалта оширади. Масалан, Ислом дини кишилар атроф-муҳитни асраш ва құриқлашни тушуниб етсінлар деб, бир қанча жойларда маълум вақтда ов қилишни, дараахтларни кесишни ва ўсимликларни қўпоришини таъқиқладыйди. Табиатни қўриқлашга оид бу каби ман қилишлар, инсоният тарихида биринчи марта Ислом дини томонидан жорий қилингандир. Шу маънодаги энг ибтидоий «Кизил китоб»ни ҳам Ислом дини ташкил этган, деса бўлади. Масалан, «эҳром» вақти овлаш таъқиқданган вақт ҳисобланади, бу вақт ҳаж ва умра вақти бўлиб, унда атроф-муҳитта қўл теккимаслик ҳам мажбурий ҳисобланади. Аллоҳ, таоло «Моида» сурасида:

أَحَلَّ لَكُمْ صَيْدُ الْبَرِّ وَطَعَامُهُ مَنْعَالَكُمْ وَلِلسَّيَارَةِ وَحُمْ
عَلَيْكُمْ صَيْدُ الْبَرِّ مَا دُمْتُ حُرُمًا

«Денгиз ови ва унинг таоми сизга ва сайр қилювчиларга ҳалол қилинди. Модомики, эҳромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди», деган (96-оят).

Бу ояти каримадан кўриниб турибдики, ҳар бир ҳаж ва умра қилювчига эҳром либосини кийганидан сўнг қуруқлик ҳайвонларини овлаш ёки, ҳайвон турган жойини овчига кўрсатиб бериш, уларни чўчитиш қатъян ман қилинади. Шунингдек, уларга қушларнинг тухумига зарар етказиш ва ҳайвонларга озор берадиган шу каби ишлар ҳам таъқиқланади.

Уруш фавқулодда бир ҳолат бўлиб, бунда тинчлик вақтида қилинмайдиган ёки манъ этилган қоидаларни бажариб бўлмайди.

Жумладан, одам ўлдириш, вайронагарчиликлар ва бошқаларнинг олдини олиб бўлмайди.

Шунинг учун, Ислом тинчлик, осойишталик дини ўлароқ, барча ўйллар билан урушнинг олдини олишга уринади. Зарурат туғилганда, фақат

жон сақлаш, қирғин-вайронагарчилікка йўл қўй-маслик учун душманга қарши урушга йўл бор. Урушда ҳам ҳар бир мусулмон одамгарчилік хусусиятини йўқотмаслиги, ваҳшийликларга йўл бермаслиги таъқидланади ва бу қоидаларга сўзсиз амал қилинади. Бу ҳақда кўплаб таълимотлар мавжуд. Улардан фақат бирини келтирамиз. Яъни, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ўз қўмон-донларидан бирига қилган васиятларини қараб чиқайлик. Имом Молик ибн Анас «Ал-Муватто» китобида:

«Абу Бакр Шомга қўшин жўнатаётиб, унинг қўмондони Язид ибн Абу Суфёнга «хотинларни, болаларни, қарияларни ўлдирма, мевали дараҳтларни поймол қилма, вайронгарчилікка йўл қўйма, қўй ва туяларни фақат емоқ учун сўй, хурма дараҳтларини кесиб, ёқишга ижозат берма, ўлжаларни кишилардан яширма, қўрқма, ботир бўл, деб васият қиласман», деган васиятни келтиради.

Кўряпсизми, иймонли, мусулмон киши ҳар қандай мураккаб шароитда, ҳатто ўз иймони, тақдиди хавфли бўлган ҳолда ҳам, табиат муҳофазаси масаласини четта суриб қўймайди. Ана ўшандай оғир ҳолатда ҳам инсоннинг жониворларни ўлдириш, ўсимлик ва дараҳтларни поймол қилишга ҳаққи йўқ.

Ислом дини инсон камолотида табиатни муҳофаза қилиш тарбиясини асосий ўринлардан бирiga қўяди.

Ислом дини нуқтаи назарида табиатни муҳофаза қилиш тарбияси жамиятнинг катта ёщдаги аъзолари вазифасидир. Улар ёш авлодни табиатни муҳофаза қилишда етук онгли, ҳайвонот ва наботот оламига раҳимдил қилиб тарбиялашлари зарур. Катта ёщдагилар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қўриқлашда дин қоидаларини бузмай, доимо ёшларга ибрат кўрсатишлари шарт.

Уламоларнинг ривоят қилишларича, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу йўлда кетаёттанида бир

төвүқни нишонга олиб, унга ўқ отиб ўйнаёттан ёш болаларни күриб қолади.

Иbn Умарни күриб қолган ёш болалар қочиши-
га ҳаракат қилишади. Аммо Иbn Умар уларни
түхтатиб, «Бу ўйинни ким бошлади? Ҳайвонларга
бундай азоб берган кишиларни Пайғамбар сол-
лаллоҳу алайҳи васаллам лаънатлагандылар», деб
танбех берган эканлар. Күпгина шархдовчилар
ҳам Иbn Умарнинг бу каби ҳодисаларга ніҳоятда
қаттиқ турганини тасдиқлайдылар.

Шу нарсаны ҳар бир мусулмон яхши билмоқ-
лиги ва умр бўйи амал қилмоқлиги керакки, Ис-
лом нуқтаи назарида табиатни муҳофаза қилиш
тарбияси ҳамма жойда ва ҳамиша амалдадир. Ҳар
бир мусулмон ўз динининг таълимотларига содик
бўлмоқлиги лозим ва уларни ҳаётта тадбик эт-
моқлиги даркор.

ИСЛОМ ВА БОШҚА ДИН ВАКИЛЛАРИ

Инсоният тарихида инсонлар орасидаги тенг ҳуқуқликтининг бузилишига сабаб бўлган омиллардан бири мълум дин вакилларининг бошқа бир дин вакилларига диний айримчилик асосида қарашидир. Ўз динига бўлган тарафкашлик туйғуси ўзга диндаги кишиларга бошқача назар билан қарашга олиб борган. Бу омилдан эса сиёсатчилар доимо ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келгандар. Қайси бир урушни олиб кўрсак ҳам, унинг келиб чиқишида асосий айб сиёсатчиларда бўлиб, ўша сиёсатчилар, ким бўлишидан қатъиназар, ҳатто ўзи динсиз бўлса ҳам, ўз мақсадига эришиш учун кишилардаги диний омилни яхшилаб ишга солиш пайдан бўлганлар. Сиртдан эса, бир дин билан иккинчи дин урушган, диний уруш деб номланган урушлар бўлиб кўринган.

Хозирги кунимизда эса, инсонлар динлари қандоқ бўлишидан қатъиназар тенг ҳуқуқли эканликлари шиори олдинга суримоқда.

Ўз-ўзидан, Ислом бу масалага қандоқ қараган, деган савол пайдо бўлади. Баъзи кишилар, саволга ўрин йўқ, ҳамма нарса маълум-ку, дейиши мумкин. Нима маълум? — десангиз, Ислом мусулмонларга ғайри динларни ўлдиришни фарз қилган, жиҳод фарз, мусулмон одам қаерда ғайри динни кўрса, ўлдириши керак, ҳозирги тинч-тотув яшаш ҳақидаги гаплар замоннинг зайди билан айтилаётган гаплар, холос, дейишади.

Ҳақиқатан шундоқми? Келинг, бир холисона ўрганиб чиқайлик. Инсоният тарихида «Бошқа дин вакиллари билан қандоқ қилиб тинч-тотув яшаш мумкин?» деган савол Исломгача ташланган эмас. Тарихда биринчи бўлиб Ислом дини турли динга эътиқод ва амал қилувчилар биргалиқда, бир жамиятда яшашлари мумкинлиги фикрини олдинга сурди ва бу фикрни ҳаётда татбиқ қилди.

Агар Исломдан олдин бу масалани күтартган, унга амал қилған дин ёки тузум бўлса, унинг исботи бўлса, биладиган кишилар раддия қилсинлар, марҳамат!

Ислом эса самовий динларнинг барчасининг асли бир, ҳаммаси Аллоҳдан, деб эълон қилди.

Аллоҳ таоло «Шўро» сурасида:

﴿ شَرَعْ لَكُم مِّنَ الَّذِينَ مَا وَصَّيْ بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تُنَفِّرُ قُوَّافِيهِ ﴾

«У сизга диндан Нуҳга тавсия қилған нарсани шриат қилди. Сенга (эй Мұҳаммад) ваҳий қилған нарсаизни, Иброҳимга, Мусо ва Ийсога тавсия қилған нарсаларимизни шариат қилиб: «Динни барпо қилинглар ва унда тафриқага тушманглар», дедик», дейди (13-оят).

Демак, Нуҳ, Иброҳим, Мусо ва Ийсо алайҳиссаломларга дин юборган Аллоҳ Мұҳаммад алайҳиссаломга ҳам дин юборган. Уларни пайғамбар қилиб танлаб олган. Шу билан бирга, Аллоҳ томонидан юборилган мазкур пайғамбарларга Аллоҳ томонидан бир хил фармон ҳам бўлган. У фармон «Динни барпо қилинглар, унда тафриқага тушманглар» деган амри илоҳийдан иборат бўлган.

Албатта, бу эълон дунё динлари тарихида янги саҳифа эди. Бу маънони Исломгача бирор дин ёки тузум эълон қила олмаган эди. Ушбу қоидага биноан мусулмонларга барча асл самовий динларга Исломга иймон келтиргандек иймон келтириш фарз қилинган. Агар мусулмон киши мазкур асл самовий динлардан бирортасини инкор қиласа, уларга хурматсизлик назари билан қараса, диндан чиқади.

Шунингдек, мусулмон инсон Аллоҳ таоло томонидан юборилган пайғамбарларнинг барчасига, уларга нозил қилинган китоб ва саҳифалар-

нинг аслига бирдек иймон келтирмоғи, улардан бирортасини фарқлаб четта чиқариб қўймаслиги лозимлиги қаттиқ таъйинланган.

Аллоҳ таоло бу ҳақда мусулмонларга хитоб қилиб «Бақара» сурасида:

فُلُوأَمَتَكَ إِلَهٰ وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْنَا وَمَا آتَاهُمْ وَلَا سَعَى إِلَّا سَخَّرَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطَ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَا أُوتِيَ النَّبِيُّونَ مِنْ رِبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَمَنْ خَنَّ لَهُ مُسْلِمُونَ



«Аллоҳга иймон келтирдик. Ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб, Асботларга туширилган нарсага, Мусова Ийсога берилган нарсага ва пайғамбарларга Роббиларидан берилган нарсага ҳам. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламаймиз ва биз унга мусулмонлармиз», деб айтинглар» (136-оят).

Ушбу ояти каримага биноан ҳар бир мусулмон шахс Аллоҳ томонидан юборилган ҳамма пайғамбарларга Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтиргандек иймон келтириши, Аллоҳ томонидан туширилган барча китобларга Қуръони Каримга иймон келтиргандек иймон келтириши лозим. Агар улардан бирортасига иймон келтиримаса ёки уларни беҳурмат қылса, мусулмонлиги қолмайди. Бу ҳам дунё динлари ва тузумлари тарихида улкан янгилик эди.

Лекин Ислом мазкур масалада фақат ақийда масаласидаги кенгбаирлик билан кифояланиб қолмади. Балки, ҳаётнинг барча соҳаларида ҳам турли дин вакиллари бир жамиятда, биргалиқда яшашлари учун керак бўлган қонун-қоидаларини йўлга қўйди.

Мисол учун, энг нозик масалалардан бўлмиш оила ва озиқ-овқат масаласини олиб қўрайлилк.

Ҳамма дінлар, ҳамма тузумлар бу икки масалага алоқыда эътибор берадилар. Ислом эса, бу икки нарсага ҳаммасидан ҳам кўра нозик иш сифатида қарайди. Шундок бўлса ҳам, турли дин вакиллари бирга яшашлари, бир-бирларига қўнгил қўйишлари, бир-бирларини меҳмон қилишларини ҳисобга олиб, мусулмонларга бошқа диндаги аёллар билан турмуш қуриш ва улар сўйган ҳалол ҳайвонлар гўштини тановул қилишни ҳалол қилди.

Аллоҳ таоло бу ҳақда «Моида» сурасида:

أَيُّومٍ أُحِلَّ لَكُمُ الظَّبَابُ وَطَعَامُ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حِلٌّ لَكُمْ
وَطَعَامُكُمْ حِلٌّ لَهُمْ وَالْحَسَنَاتُ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُحْسَنَاتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا
الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ

«Бугунги кунда сизга пок нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилганларнинг таоми сиз учун ҳалолдир. Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолдир. Афийфа мўминалар ва сиздан олдин китоб берилганлардан бўлмиш афийфа аёллар ҳам (ҳалолдир)» (5-оят).

Ушбу ояти карима ҳукмига биноан, мусулмон шахс самовий китобга эга дин аҳларининг таомини тановул қилса ва уларга ўзи таом берса, шунингдек, уларнинг аёлларига уйланса, бўлади.

Ислом давлати соясида яшашни хоҳлаган бошқа дин вакиллари «Аҳли зимма» деб номланадилар. Яъни, мусулмон жамияти кафолатидаги кишилар, деганидир. Аҳли зимма учун шахсий хуррият, фикр эркинлиги, ақийда эркинлиги, жон, мол, обру́ ва бошқа нарсалар даҳилсизлиги тўлиқ кафолатланади. Бу маънодаги умумий қоида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Уларга бизга бўлган имтиёзлар бор ва уларга бизга қўйилган мажбуриятлар бор», деганларидир.

Демак, Ислом давлати соясида бошқа дин вакиллари ҳам худди мусулмонлар эга бўлган имтиёзларга эга бўлади ва уларга юклатилган мажбуриятлар олдида масъул ҳам бўлади. Фақат, Арабистон ярим оролида яшовчи араб мушрикларигина аҳли зимма бўла олмайдилар. Улардан Исломдан бошқа нарса қабул қилинмайди. Бу ўзи алоҳида бир масала. Лекин шу масалани Ислом душманлари нотўғри талқин қилиб умумлаштириб юборгандарини айтиб ўтишимиз лозим.

Бошқа мушриклар, яъни, аҳли китоб бўлмаганлар ҳақида эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллам:

«Уларга аҳли китобга қилинган суннатни қилинглар. Фақат, аёлларига уйланманг ва сўйишларини емаган ҳолда», деганлар.

Демак, самовий бўлмаган, кишилар ўзларича эътиқод қилиб юрган дин вакиллари ҳам тўлиқ ҳақ-ҳуқуқларга эгадирлар. Ушбу маъноларни Ислом ўн тўрт аср илгари, дунёда биринчи бўлиб жорий қилган. Қандоқ қилиб жорий қилганини эса, қўйида ўрганамиз, иншоаллоҳ.

Ислом дини дунё тарихида илк бор ўз дини ва эътиқодидан ўзга дин ва эътиқодларга қарши мутаассибилиқдан холи бўлган жамият қурди. Бу жамият ўз аъзоларининг барчасига баробар назар билан қараб, уларга teng шароит яратиб берди. Бу маънолар мусулмонлар ўз динларига тўлиқ амал қилган чоғларида бутун гўзаллиги ила намоён бўлди.

Ислом дини мусулмонларга бошқа самовий динларга, уларнинг пайғамбарларига, муқаддас китобларига иймон келтиришни фарз қилиш билан бирга, ўша динларга эътиқод қилувчи кишиларга ёмонлик қилмаслик, улар билан яхши муомалада бўлиш, яхши қўшничилик қилиш, зиёфатта чақириш, оиласий алоқалар ўрнатишга ҳам ижозат берди.

Шунингдек, Ислом дини мусулмон давлатга бошқа дин вакилларининг ибодатхоналарини химоя қилишни, уларнинг диний-ақийдавий маса-

лаларига аралашмасликни, ҳукмда уларга жавр қилмасликни, оммавий ҳуқуқ, ва мастьулиятларда уларни мусулмонлар билан тенг күришни, уларнинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишини вожиб қилди.

Бу маънода Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва-салламнинг:

مَنْ قَتَلَ رَجُلًا مِنْ أَهْلِ الدِّينِ لَمْ يَجِدْ رِيحَ الْجَنَّةِ وَإِنَّ
رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ سَبْعِينَ عَامًا. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

«Ким аҳли зиммадан бир кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Албатта, унинг ҳиди етмиш йиллик масофадан келиб тураг», деган (*Насаий ривоят қилган*) ва

أَلَا مَنْ ظَلَمَ مُعَاهِدًا أَوْ اتَّقَصَهُ أَوْ كَلَفَهُ فَوْقَ طَاقَهُ أَوْ
أَخْذَ مِنْهُ شَيْئًا بِغَيْرِ طِيبٍ نَفْسٍ فَأَنَا حَجِيجُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.
رَوَاهُ أَبُو دَاؤدَ.

«Ким бир аҳдлашган (файридин) кишига зулм қилса ёки унинг ҳаққини поймол этса ёхуд уни тоқати етмайдиган нарсага мажбур қилса ёки ундан ўз розилигисиз бир нарса олса, қиёмат куни мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан», деган (*Абу Довуг ривоят қилган*) ҳадисларининг ўзи кифоя қиласи.

Ислом давлати соясида яшаётган файридин киши учун бундан ҳам ортиқ кафолот бўлиши мумкинми?

Айтилаётган маънолар қуруқ гап эмаслиги исботи тарзида воқеалиқдаги ҳужжат-далил ва мисолларга назар солайлик.

Пайғамбар алайҳиссалом Мадийнага ҳижрат қилганларидан сўнг у ердаги яхудийлар билан

аҳднома тузиб, тинч-тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорликда яшаш асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшадилар. Мұхаммад алайхиссалом бошқа дин вакиллари билан шахсан яхши алоқада бўлар, уларга гўзал муомала қиласр эдилар. Жумладан, уларга ҳадялар бериб, улар томонидан қилинган ҳадяларни қабул қилиб ҳам олар эдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа дин вакиллари томонидан ҳадя қилинган кийимларни кийиб юрганлари маълум ва машҳур. Бу кенгбөрилик баъзи ўзини билмаган кишилар томонидан суиистеъмол қилингани ҳам маълум. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бир яхудий аёл заҳар солиб берган қўй гўштини еб заҳарлангандари ҳеч ким учун сир эмас.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳабашистондан келган насроний меҳмонларни ўз масжидларига туширганлар ва «Улар бизнинг соҳибларимизни ҳурмат қилган эдилар. Мен уларни ўзим икром қилишни хуш кўраман» деб, шахсан ўзлари уларга хизмат қилганлар.

Шунингдек, У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Нажрон насроролари гурухини ҳам ўз масжидларига туширганлар ва у ерда ибодатларини қилишга рухсат берганлар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин Ислом давлатига бошлиқ бўлган шахслар ҳам бошқа динлар вакилларига нисбатан бағри-кенглик сиёсатини давом эттирганлар. Ҳазрати Умар Байтул Мақдисга келганларида у ердаги масийҳий динидаги аҳолининг шартларини қабул қилган ҳолда аҳднома тузганлар.

Файридинларга берилган кенглик, омонлик ва ҳуррият борасида зарбулмасал бўлган мазкур аҳдноманинг матни қуйидагича:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ушбу, Аллоҳнинг баңдаси, амирул мўминийн Умар томонидан Илиё аҳлига берилган омондир. Уларнинг жонла-

рига ва молларига, қанисалари ва бутларига, шашарнинг бемору соғ барча миллатига омонлик берур. Уларнинг қанисаларида бирор истиқомат қылмас ва уларни бузилмас. Уларга ва уларга тегишли жойларга, шунингдек, уларнинг бутларига ва молу-мулкларидан ҳеч бир нарсага нүқсон етказилмас. Уларнинг бирортасига ҳеч ким қасдан зарар етказмас. Илиёда улар билан бирорта ҳам яхудий бирга яшамас. Аҳди Илиё ҳам, Аҳди Мадоин каби, жизя ўтарлар. Улар у ердан румликлар ва ўғриларни чиқаришлари керак. Улардан ким бошқа томон чиқса, тинч жойига етиб олгунча жони ҳам, моли ҳам омонда бўлур. Ким туриб қолса, омонлиқдадир. У ҳам Аҳди Илиё мислича жизя ўтайди. Илиё аҳдидан жонини ва молини олиб, ибодатхонаси ва бутларини қолдириб румликлар билан кетмоқчи бўлганларнинг ўзларига, ибодатхоналари ва бутларига тинч жойларига етиб олгунларича омонлик берилур. Фалончининг ўлдирилишигача ер эгаси бўлганлардан ким ўтириб қолишни хоҳласа, қолиб, аҳди Илиё каби жизя ўтасин. Хоҳдаганлар румликлар билан кетсин. Ким хоҳлаб ўз аҳлига қайтиб келса, ҳосилни йиғиб олгунларича, улардан ҳеч нарса олинмайди. Ушбу ёзилганларга Аллоҳнинг аҳди, Унинг Ра-суалининг, халифаларининг ва мўъминларнинг зими-маси бўлур. Агар Аҳди Илиё ўзларига белгиланган жизяни ўтасалар.

Ушбуга Холид ибн Валид, Амр ибн Осс, Абдурроҳман ибн Авф, Муовия ибн Абу Суфён гувоҳ бўлдилар. Ўн бешинчи санада ёзиб, таҳrir қилинди».

Ҳазрати Умарга насороларнинг Патриархи ўша ернинг бош қанисасида Аср намозини ўқиб олиш мумкинлигини айтган. Аммо, ҳазрати Умар рози-яллоҳу анҳу: «Мен бу ерда намоз ўқисам, кейин бошқа мусулмонлар ҳам, «Умар намоз ўқиган жойда намоз ўқиймиз» деб сизларни безовта қиласи-лар», деб у ерда намоз ўқимаганлар.

Мисрлик бир масийхий аёл Умар ибн Хаттаб розияллоҳу анхуга Миср волийси Амр ибн Осс унинг ҳовлисини масжидга қўшиб олгани ҳақида шикоят қиласди. Суриштирилганда, аёлнинг ҳовлисининг пули ортиқча нархи ила Байтул молда тургани маълум бўлади. Шундоқ бўлса ҳам, ҳазрати Умар янги масжидни бузиб, масийхий аёлга ҳовли-жойини тиклаб беришга амр қиласдилар.

Бошқа томонларга кишиларни Исломга даъват қилиш учун борган фотиҳлар ҳам мазкур қоидаларга оғишмай амал қиласар эдилар.

Миср, Сурия, Иордания, Эрон каби давлатларда Ислом 14 асрдан кўп муддат ҳукм суроётган бўлса ҳам туб аҳолининг Исломни қабул қилишини хоҳдамаган қисми ҳозиргача ўз динида турганлиги Ислом динининг бошқа динларга нисбатан бағри кенглигидандир.

Ҳиндистон ва Ливан каби юртларда мусулмонлар узоқ вақт ҳукм юриттаниларига қарамай озчиликни ташкил қилишлари эса, фикримизни яна ҳам қувватлайди.

Шариатни яхши тушунган Ислом давлатларида турли вазифалар кишининг динига ёки мазҳабига қараб эмас, шахсий қобилиятига, вазифани бажариш савиясига қараб берилар эди.

Машҳур халифа Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анхунинг шахсий табиби Ибн Ассол исмли насроний табиб бўлган. Халифанинг котиби эса Саҳнун исмли масийхий бўлган.

Халифа Марвон ибн Ҳакам Атанасиюс исмли насроний кишига Мисрда давлат мансабларини берган ва у, охири келиб, давлат девонлари раиси мансабига эга бўлган.

Бу ҳақиқатни кўплаб ажнабий тарихчилар ҳам тан олиб, китобларига ҳавас билан ёзганлар.

Мисол учун, Марк Сайс Ҳорун ар-Рашид давридаги Ислом давлати васфида қуийдагиларни ёзади:

«Масийхийлар, бутпаратлар, яхудийлар ва мусулмонлар баб-баробар ҳукумат хизматида ишлар эдилар».

Илмий баҳслар, изланишлар ва мансаблар ҳақида ҳам худди юқоридаги фикрни айтиш мүмкін. Ислом давлати соясида кишилар дини ва мазҳабидан қатъиназар тенг шароитда яшаб, ижод қилишар эдилар.

Халифа Маъмун ўз академиясига турли дин ва мазҳаб соҳиблари бўлган олимларни тўплаган ҳамда: «Илмдан нимани хоҳласангиз, баҳс қила-веринглар, фақат тоифачилик мушкулоти келиб чиқмаслиги учун, бирингиз ўз диний китобидан далил келтирмаса, бўлди», деган эди.

Исломдаги бундоқ илмий кенгбағириликнинг васфида машҳур Америкалик олим мистер Драбер қўйидагиларни ёзган эди:

«Хулафолар давридаги аввалги мусулмонлар Несторий насроролари ва яхудийлардан бўлган олимларни эҳтиром қилиш билан кифояланиб қолмаганлар. Балки, уларга улкан ишларни ишониб топширганлар. Уларни давлат мансабларига кўтартганлар. Ҳаттоқи, Ҳорун ар-Рашид барча мадрасаларни текшириб туришни насроний Ҳално ибн Мосавайҳга топширган. Олимнинг яшаган юртига, унинг динига қаралмас эди. Фақаттина унинг илм ва маърифатдаги маконатига қаралар эди».

Бу маънода ҳар қанча гапирысак, шунча оз. Лекин, яна бир нарсага ишора қилмоғимиз лозим. Исломнинг бошқа динларга нисбатан бағрикенглиқ сиёсати, нафақат бошқа динларнинг бир-бirlарига нисбатан, балки бир диннинг турли мазҳаблари орасидаги муносабатларидан ҳам яхши эди.

Антокия патриархи Михаил, арабларнинг бизнинг диёримизга келиши Аллоҳнинг иноятидир, деган маънодаги сўзларни айтиб, Геракл кўрсатган зулм ва кувғинларни айтиб ўтгандан сўнг, қуйидагиларни ёзган:

«Шу сабабдан қувватли интиқом худосики, давлатни кимга хоҳласа, шунга беради, пастларни юқорига күтариғи, мана шу римликларнинг шаррини, уларнинг қувват ишлатиб каниса ва монастырларимизни талаб, бизга шафқатсиз равищда азоблар берганини кўриб, бизни Рим чангалидан халос қилиш учун жанубий диёрлардан И smoилининг фарзандларини юборди. Шаҳар араблар қўлига ўтгандан сўнг, улар ҳар бир тоифага ўз канисасини қайтариб бердилар (ўша вақтда биздан Хилес ва Ҳаррон канисалари тортиб олинган эди). Шу билан бирга, римликларнинг зулми, озори, бизга қарши ҳикду-ҳасадидан қутулиб, ўзимизни тинчликда қўриш ҳазил гап эмас».

Машҳур тарихчи Белазурӣ эса, ўзининг «Футуҳул Булдон» китобида Абу Ҳафс Димашқий Саъид ибн Абдулазиздан ривоят қилган қуидаги гапларни келтиради:

«Геракл мусулмонларга қарши қўплаб аскар тўплаб, Ярмук томон бостириб келаётганидан хабардор бўлган мусулмонлар Ҳимс аҳлига улардан олинган харожни қайтариб бердилар ва: «Сизларни ҳимоя қилишдан машғул бўлиб қолдик, ўзингиз бир иш кўрарсизлар», дейиши. Ҳимс аҳли эса:

— Албатта, сизларнинг волийлигингиж ва адолатингиз биз учун ўзимиз яшаб турган зулм ва истибоддан яхшидир. Сизга қўшилиб шаҳарни Геракл лашкарларидан мудофаа қиласиз», дедилар.

Шунда яхудийлар ҳам туриб:

— Тавротга қасамки, Гераклнинг омили фақат биз мағлуб бўлиб, тугамагунимизча, Ҳимс шаҳрига кирмас», дейиши. Дарвозаларни ёпиб, қўриқлаша бошлиди. Мусулмонлар билан сулҳ тузган бошқа шаҳарларнинг насоро ва яхудийлари ҳам шундоқ қилишди. Улар, агар румликлар мусулмонлардан ғолиб келса, аввалги ҳол бошимизга яна келади. Шунинг учун, модомики, му-

сулмонларнинг душмани бор экан, ушбу ишда маҳкам турамиз, дейишиди.

Аллоҳ, коғирларни мағлуб, мусулмонларни ғолиб қилгандан сўнг, улар шаҳарларининг дарвозаларини очишиб, харожни ўтадилар».

Ҳа, Исломга амал қилмаслик фақат мусулмонларга эмас, балки бутун дунёга заарар келтиришини шу мавзудан фаҳмлаб олсак ҳам бўлади. Бу ҳақиқатни эса, аввало, мусулмонлар тушуниб етмоқдилари лозим.

Фарб олимларининг Ислом маданияти ҳақидаги гувоҳликлари

Тарихдан маълумки, аввалиги мусулмонлар ер юзида тарқалиб, ҳалқларга Ислом даъватини етказганлар. Шу билан бир вақтда, ўша ердаги ўзлари учратган илм-фан, маданият ва санъатни ўргангандар. Уларнинг илмга бўлган қизиқишилари шу нарсалар ёзиб қолдирилган манбаларни ўрганишга ундаган. Мусулмонлар ўзлари кириб борган юртлардаги илмий китобларни бошқаларга ўхшаб, куйдириб йўқ қилиб юбормаганлар, балки уларни тўплаб, катта-катта илмий марказлар қурганлар. Шу китоблар ёзилган тилларни билувчи кишиларни ёрдамга чақириб, уларни таржима қилдирганлар. Таржимонларга эса, қилган ишлари учун жуда катта миқдорда мол-дунё берганлар. Сўнгра эса, ўша китобларни ўқиб-ўрганишга ва ҳаётга татбиқ қилишга бел боғлаганлар. Бу улкан ишларда уларга мусулмон подшоҳлар, амирлар ва давлатмандлар яқиндан ёрдам берганлар.

Шундай қилиб, грек ва римликлардан сўнг илмда пешқадамлик мусулмонлар қўлига ўтган. Уларнинг олий ўқув юртлари барча ҳалқларнинг фойда ва илм оладиган марказига айланган. Мусулмонлар табобатчилик, кимё, табиий фанлар, математика ва бошқа илмларнинг ривожланишига

улкан ҳисса қўшганлар. Қуйида баъзи фарб олимларининг бу ҳақдаги фикрларини эътиборингизга ҳавола қиласиз.

Нью-Йорк дорулфунунининг профессори Драбер ўзининг «Илм ва дин ўргасидаги тортишув» номли китобида шундай дейди: «Мусулмонларнинг илм билан шуғулланишлари 638 йили Искандария шаҳрини қўлга олишларидан сўнг бошланган. Яъни, Мұхаммад пайғамбарнинг вафотидан 6 йил ўтгандан сўнг. Шу вақтдан бошлаб икки аср ўтмай грекларнинг барча илмий китобларини чуқур ўргандилар ва тўғри баҳоладилар. 813 йили Маъмун халифа бўлганидан сўнг, Бағдод шаҳри ер юзидаги илм пойтахтига айланди. Бу халифа Бағдодга беҳисоб китоблар тўплади, уламоларни йиғди ва уларга зўр ҳурмат кўрсатди».

Муаллиф мусулмонларнинг табиий илмлардаги асарларини санаб бўлгандан кейин шундай дейди: «Агар биз бу улкан илмий ҳаракатнинг барча асарларини санамоқчи бўлсак, китобимизнинг чегарасидан чиқамиз. Мусулмонлар қадимги илмларни жуда ҳам ривожлантиридилар. Шу билан бирга, ўзларидан аввал маълум бўлмаган илмларни кашф этдилар».

Бошқа бир жойда шундай дейди: «Мусулмонларнинг дорулфунулари овруполик толиби илмлар учун доимо очиқ эди. Овруполик подшолар мусулмонлар диёrlарига даволаниш учун борар эдилар».

Профессор Седилат ўзининг «Араблар тарихи» китобида шундай дейди: «Мусулмонлар ўрта асрларда илм, фан ва фалсафада ягона эдилар. Улар бу нарсаларни қадамлари қаерга етса, шу ерга тарқатдилар. Бу нарсалар улар орқали Оврупода ҳам тарқалди. Оврупонинг уйғониши ва тараққиётининг асосий сабабчилари ҳам мусулмонлардир».

Сосиолог профессор Густав Лубон ўзининг «Араб сивилизасияси» китобида шундай дейди: «Шарқ кўпгина халқларга бўйсунган – форс, рим ва бошқаларга. Бу халқларнинг сиёсий таъсири

кучли бўлса ҳам, маданий таъсири бўлмаган. Форс, Рим ва бошқа ҳалқларнинг Шарқда қила олмаган ишларини араблар тезда ва ҳеч бир мажбур қилмасдан амалга оширгандар. Улар Мисрда нимани амалга оширган бўлсалар, байроқлари устида ҳилпираб турган Африка, Сурия, Форс каби бошқа юртларда ҳам амалга оширгандар. Улар йўл-йўлакай кириб ўтган Ҳиндистонда ҳам улкан таъсирларини қолдирдилар. Ҳатто, фақат савдо учун қадамлари етган Хитойда ҳам улкан таъсир кўрсатдилар. Тарихда бундай зўр таъсирга эга бўлган араблардан бошқа ҳеч бир ҳалқ йўқ. Араблар билан алоқада бўлган ҳалқлар уларнинг маданиятини қабул қилгандар. Арабларнинг Шарққа кўрсатган таъсири фақат диёнат, тил ва санъат билан чегараланиб қолмай, балки уларнинг илмий, маданий таъсирлари ҳам улкан бўлган. Араблар Ҳиндистон ва Хитой билан бўлган алоқалари давомида кўпгина илмий-маърифий таъсирларни қолдиргандар. Овруполиклар эса, бу нарсаларни нотўғри баҳолаб, Ҳиндистон ёки Хитой илми ва маърифати, деб атайдилар.

Арабларнинг Шарққа бўлган таъсири улуғ бўлганидек, Фарбга ҳам таъсирлари улуғdir. Оврупо сивилизасияси араблар олдида қарздордир. Арабларнинг Фарбга бўлган аҳамиятини араблар ўз сивилизасиясини Оврупога киритишларидан аввал у ерда аҳвол қандай эканлигини англамай туриб баҳолаш қийин. Агар IX мелодий асрга қайтадиган бўлсанк, бу вақтда арабларнинг Андалусиядаги (Испания) маданияти ўз чўққисига чиққан эди. Шу вақтда Фарбдаги маданият ўчоқлари ваҳшний феодал помешчикларнинг қароргоҳи бўлиб, улар ўзларининг саводсизлигини ҳис қилгунича кўп вақт ўтди. Фақат XI – XII асрлардагина имга рафбат пайдо бўлди. Оврупода жаҳолат кафанини устидан олиб ташлашни хоҳловчи одамлар пайдо бўлганда, арабларга қараб юзландилар».

Профессор Либри шундай деган эди: «Агар тарих саҳнасида араблар пайдо бўлмаганида, Оврупонинг уйғониши бир неча асрларга орқага сурилар эди. Арабларнинг таржималари Оврупо дорулфунунларида олти аср давомида ягона ўқув қўлланмаси бўлиб келган. Айтиш мумкинки, арабларнинг баъзи бир илмдаги таъсирлари, мисол учун, тиббиётда, ҳозиргача давом этиб келмоқда. Ибн Синонинг китоблари ўтган асрнинг охирла-рида шарҳ қилинди».

Юқоридаги гаплар овруполик уламоларнинг гаплари бўлиб, уларни келтиришдан мақсад шуки, Ислом жами инсониятни тараққиётга чорлайди ва, албатта, Ислом Аллоҳнинг дини бўлиб, инсон ўйлаб чиқарган нарса эмас.

Фарб олимларининг Ислом юришлари тўғрисидаги шаҳодатлари

Фарб олимлари Ислом динининг Ер юзига тарқаши, бир сўз билан айтганда, Ислом юришлари ҳақида ҳам ўз фикру мулоҳазаларини баён этганлар. Қуйида Ислом билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, фақат ижтимоий илмлар билан машғул бўлган олимлар сўзларидан намуналар келтирмоқчимиз.

Профессор Густав Лубон ўзининг «Араб сивилизасияси» номли китобида ёзди:

«Биз арабларнинг юришлари ва ғалабалари ҳақида баҳс юриттанимизда, Қуръони Каримнинг тарқалишида куч ишлатиш омил бўлмаганлигини ўқувчи англаб олади. Араблар енгилган халқларни ўз динларида эркин қўйганлар. Баъзи бир мисийхий халқлар Исломни ўзларига дин қилиб, арабчани тил қилиб олган бўлсалар, ғолиб арабларнинг адолати, Исломнинг бошқа динлардан кўра енгироқ эканлиги сабабидандур».

Бошқа бир жойда профессор шундай зикр қиласди:

«Дастлабки ғалабалардан арабларнинг кўзига парда тортилиб, одатда ғолиблар мағлубларга нисбатан қиласидиган зулм, ёмон муомала ва динга куч билан киритиш каби ишларни қилишлари мумкин эди. Агар улар шундай қилганларида, худди салбичиларга қарши бирлашгандек, барча ҳалқлар арабларга ҳам қарши бирлашган бўлар эдилар. Лекин нодир даҳога эга бўлган аввалги халифалар турли тузум ва динлар қўпполлик билан мажбур қилинадиган нарса эмаслигини тушуниб еттанлар. Сурия, Миср, Испания ва бошқа жойларда аҳолига ажойиб лутф-марҳамат билан муомала қилдилар. Уларнинг ақийдалари, тузумлари, қонунларига тегмадилар. Озгинагина жизя солиги солищдан нарига ўтмадилар. Доимо тинчлик ҳукм сурди.

Ҳақиқатни айтганда, дунё ҳалқлари араблар каби шафқатли, меҳрибон фотиҳларни кўрмаган. Уларнинг меҳрибончилиги ва очик кўнгиллилиги кўплаб диёрларни очишга, кўплаб ҳалқларни арабларнинг дини, тузумини, тилини хурсандчилик билан қабул қилишга олиб келди. Бу нарсалар, ҳатто, араблар ўзлари чиқиб кетгандаридан сўнг ҳам йўқолмади. Бунга Миср яққол мисол бўла олади. Мисрликлар араблар олиб келган барча нарсаларни қабул қилдилар ва маҳкам тутиб қолдилар. Араблардан олдин келган Форс, Рим, Юонон ва бошқа фатҳлардан эса ҳеч нарса қолган эмас».

Профессор яна ёзади:

«Бундай яхши фазилатларни оз сонли, инсофли Оврупо олимлари араблар тарихини ўрганиб чиққанларидан сўнг эътироф қилганлар». Робертсон ўзининг «Шарлкун тарихи» номли китобида бундай ёзади:

«Фақат мусулмонларгина жиҳод билан раҳимдилликни ўзларида жамлай олганлар. Улар ўзлари ғолиб келган ҳалқларни тўла диний эркинлигда қолдиргандар».

Мишуд эса, ўзининг «Салб юришлари тарихи» китобида шундай дейди:

«Жиҳодга буорган Ислом бошқа дин вакилларига нисбатан жуда ҳам меҳрибонлик қылған. Патриарх, роҳиб ва уларнинг хизматкорлари солиқдан озод бўлганлар. Хусусан, ибодат билан машғул бўлганларни учун роҳибларни ўлдириш ман этилган. Умар Ибн Хаттоб Қуддусни фатҳ қылганда, христианларга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмаган. Салбчилар Қуддусга кирганларида эса мусулмонларни сўйганлар, яҳудийларни ўтда куйдиргандар».

Генри Де Костри ўзининг «Ислом, хотиралар ва ёдномалар» номли китобида шундай дейди:

«Араблар динни қабул қилиб, Қуръонга иймон келтириб, қалблари иймон нури билан нурланганидан сўнг, ер юзи ҳалқлари рўпарасига янги бир суратда, мусулмон бўлиб чиқдилар. Бу, ўзаро келишув ва муомалаларида хурфиксиклик эди. Қуръон оятлари бирин-кетин яхшиликларга даъват қилиб туша бошлади. Араблар мусулмон бўлганларидан сўнг, пайғамбарнинг уларга берган таълимоти шундан иборат эди.

Ундан сўнг халифалар ҳам унинг изидан бордилар. Бу нарса бизни Робертсоннинг фикрига қўшилиб, Мұхаммаднинг одамлари, фақат ёлғиз уларгина яхши муомала билан ўз динларини тарқатишни қўшиб олиб борган кишилардур, дейишга ундейди. Мана шу муҳаббат фатҳга чорлади. Бунинг ҳеч айби йўқ. Қуръон музaffer армия ортидан қанотини ёзиб борди. Шомга кирганларидан сўнг, яшин тезлигида шимолий Африкага, Қизил дengиздан тортиб Атлантика океанингача етиб бордилар. Ўз йўлларида афсус қиласи ҳеч нарса қолдирмадилар. Агар баъзи бир ҳодисалар бўлган эса, улар ҳамма жойда ҳам бўлиб туради. Исломдан бош тортган бирор ҳалқни ўлдиргандари йўқ».

«Осиё ва Африка қитъасида Исломнинг кенг тарқалиб мустаҳкам ўрнашишига бошқа яна бир сабаб бор. У ҳам бўлса, Константинополнинг жабр-зулмидир. Бу ерда зулм ҳаддан ошган,

ҳокимлар жаврининг чегараси йўқ эди. Ислом келганда, барча ҳалқлар жабр-зулмдан, оғир со-лиқлардан қочиб, Исломни ихтиёр қилдилар».

«Бошқа динлардаги қаби, Исломнинг даъват билан шуғулланадиган махсус кишилари йўқ эди. Христиан подшоҳларидан бири Шарламон ўзи билан бирга доимо кўп сонли роҳиб ва диний ходимларни олиб юрар эди. Уруш қилиб диёrlарни босиб олганидан сўнг, бу диний ходимлар кишиларга динни тушунтиришга ҳаракат қилар эдилар. Исломда эса, бу нарсанинг асари ҳам йўқ эди. Бирор киши Исломга қилич ёки тил кучи билан мажбуран киритилмаган, балки қалблар уни завқу шавқ билан қабул қилган. Қуръони Каримнинг ўзи кишилар ақдини асир қилиб олар эди».

Кўпгина тарихчилар шарқий каниса христианлари орасида Ислом тарқалишининг асосий сабабларидан бири, уларнинг динидаги турли сафсата ва тушуниб бўлмайдиган мазҳабпарамастликлару Исломдаги аниқлик ва равшанлик сабаб бўлган, дейишади.

«Янги Ислом олами» номли китобда шундай дейилади:

«Араблар ўз юришларида ўлжа тўплашни мақсад қилиб қўйган эмас эдилар. Аксинча, улар фазилатли кишилар бўлиб, илмни ва илм ўрганишни яхши кўрар эдилар. Аввалги маданий меросларни эъзозлардилар. Голиб ва мағлублар орасида қудачилик алоқалари мустаҳкамланди, уларнинг қалблари диний биродарлик руҳи билан тўлди. Бу икки тараф бир-бири билан қўшилиб, кишилар учун фойдали бўлган сивилизасияни яратди. Бу, барча нарсадан устун турувчи Ислом Сивилизасиясидур».

Мана шу сўзлар Ислом фатҳлари ҳақида баъзи бир тарихчи ва ёзувчиларнинг фикрлариидир. Бу нарсага ўхшаш ҳолат ҳеч бир ҳалқ тарихида учрамайди. Мусулмонлар бу билан ҳар қанча фахрлансалар арзиди.

Ислом юришлари ҳақида шундай фикрда бўлган олимлар бу диннинг меҳр-мурувватини ҳам англамасликлари мумкин эмас.

Ислом муруввати ҳақида тарб уламоларининг гувоҳлиги

Кўпгина христиан хабарномаларида Ислом муруввати ҳақида гувоҳликлар келган, жумладан 647 – 657-ҳижрий йилларда патриархлик қилган Ишуяба номли арбоб қўйидагича ёзган:

«Парвардигор оламга ҳокимлик қилишлик имконини берган араблар бизлар билан ўзингиз билгандек муомала қиласар эдилар. Албатта, улар христианлик душмани эмаслар, балки миллатимизни мақтайдилар, роҳиб ва авлиёларимизни эҳтиром қиласилар, каница ва монастирларимизга ёрдам кўлини чўзадилар».

Жаноб Томс Орланд ўзининг «Исломга даъват» номли китобида шундай дейди:

«Ҳозиргина мусулмонларнинг масийхийларга нисбатан 1-ҳижрий асрда кўрсаттан мурувватлари ҳақида келтирган мисолларимиз кейинги авлодларда ҳам давом этди. Биз айтишимиз мумкинки, Исломни қабул қиласар масийхий қабилалар бу ишни ўз ихтиёрлари билан қиласилар. Ҳозирги кунда мусулмон жамоалари орасида яшаб келаётган масийхийлар ана шу мурувватнинг ёрқин далилидур».

У ўз китобининг 48-бетида шундай ёзади:

«Мусулмон ва масийхий араблар орасидаги дўстлик алоқаларини билганимиздан кейин, айтишимиз мумкинки, одамларни Исломга киритишда куч ишлатиш омили бўлмаган. Мұхаммаднинг ўзи ҳам баъзи масийхий қабилалар билан шартнома тузиб, уларни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган эди. Уларга диний ибодатларни тўла ҳуррият билан бажаришга эркинлик берган эди ва диний арбобларга ўз ҳуқуқлари ва обрўларидан фойдаланишга имкон берган эди».

Митз номли масийхий устоз Ислом муруввати ҳақида қуйидаги гувохликни беради:

«Үрта асрларда Ислом мамлакати билан христиан Оврупоси орасидаги фарқ шундан иборат эдикі, биринчисида Исломдан бошқа күпгина динларнинг вакиллари ҳам bemalol яшар эдилар, иккинчисида эса ундей эмас эди. Ислом мамлакатида каница ва сеногоклар ҳукумат ихтиёридан ташқарида давр сурар эди, худи бу мамлакатда эмасдек. Бу борада улар аҳдномаларда кўрсатилганидек ҳукуқдан тўла фойдаланар эдилар. Зарурат юзасидан яхудий ва христианлар мусулмонлар билан ёнма-ён яшадилар. Бу ҳолат ўрта асрларда Оврупо билмаган мурувватни юзага келтирди. Яхудий ва христианлар ўз динларида ҳур эдилар».

КУЧЛИ МҮМИН КУЧСИЗ МҮМИНДАН ЯХШИРОҚ

Ислом инсон ҳаётининг фақат рухий, маънавий камолотига эътибор беригина қолмай, айни вақтда, унинг жисмоний жиҳатларини ҳам қамраб олган. Мусулмон файласуфлар рухий ва моддий ҳаётни худди нарвоннинг икки поясига ўхшатишади, яъни, икки тараф баравар – тенг бўлишига эътибор бермоқлик лозимлиги уқдирилади. Инсоннинг эътиқоди кучли, мустаҳкам бўлиши билан бирга бадани, жисми ҳам соғ, чиниққан, ҳар қандай машаққатларга дош бера оладиган бўлмоғи лозим. Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом: кучли мүмин киши Аллоҳ ҳузурида кучсиз мүминдан яхшироқ ва маҳбуброқdir, деганлар. Бу ҳадиси шарифдан кучли, чиниққан бўлишнинг нақадар афзалигини тушуниб оламиз.

Ҳозиргина эслаб ўтган ҳадисимизда таъкидланганидек, кучли мүмин киши Аллоҳ ҳузурида маҳбуб бўлса, бундай фазилатга эга бўлиш ҳар бир мүмин учун зарур. Башарти, жисмоний мусобақа кишиларнинг кучли, чидамли бўлиши йўлида ташкил этилса, маъқул.

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом ўз аёллари Оиша онамиз билан югуриш бўйича мусобақа қилганларида ортда қолганлар. Кейинроқ, Оиша онамиз бирмунча тўлишиброқ қолганларидага, яна бир мусобақалашганларида Пайғамбаримиз ўзиб кетганлар, шунда: «Аввалгиси билан биру бир бўлди», деганлар.

Шунингдек, ёш болаларнинг югуриш бўйича пойгасини ўзлари уюштирганлари ҳақида ривоятлар бор. Бундан ташқари, муҳим топшириқларни бажаришни ихтиёр қилган ёш саҳобаларни аввал кураштириб кўриб, ким голиб чиқса, ўшангага шарафли юмушни топширганлар.

Озодалик саломатликнинг асосий шартларидан бири эканлиги барчага яхши аён. Пайғамбар алай-

ҳиссалом: «Поклик иймондандир» деганлар, яъни, озодалик иймоннинг бир бўлаги, белгиси. Бу жуда улуғ гап. Шу мазмундаги оят, ҳадислар кўп.

Ислом кишиларни оммавий озодаликка чақиради. Кишининг бадани, кийими, турган-ўтирган жойи ва ҳоказо ўзига тегишли нарсаларнинг барчаси озода бўлмоғи керак. Таҳорат барча ибодатлардан аввал фарз қилинган. Ювиниш ҳам худди шундай.

Еб-ичмоқ инсон саломатлигининг энг асосий омиларидан бири эканлигини эндилиқда ҳамма бир овоздан таъкидламоқда. Ислом, аввало, инсоннинг таоми ҳалол бўлишини уқдиради. Одамнинг соғлиғига зарар келтирувчи барча таомлар бизнинг динимизда ҳаром қилинган. Муҳими, ҳалол таомларни ҳам истеъмол қилишда ажойиб одоб-ахлоқ ва кўрсатмалар борки, улар соғлиқ учун ниҳоятда зарур.

Қуръони Каримда «... Енглар, ичинглар ва исроф қилманглар», деган оят бор.

Яъни, керагидан ортигини еманглар, дегани бу. Ушбу оятни эшитган бир яҳудий олим «Бутун бошли тиб илми сизларнинг китобингизнинг ярми оятига жойлаштирилган экан» деганди. Дарҳақиқат, тежамли, меъёрида, тўғри овқатланиш соғлиқнинг асосий гаровларидан эканлигини ҳозирда турли соҳа олимлари такрор-такрор таъкидламоқдалар. Исломдаги овқатланиш одоблари бу талабларнинг барчасига жавоб берибгина қолмай, улардан устун туради ҳам. Афсуки, кўпчилик бундай одоблардан ё бехабар ёки хабардор бўлсалар-да, уларга етарли риоя қилмайди.

Бир сўз билан айтганда, ислом соғлиқ учун зарар нимаики бўлса, уларни мусулмонлар учун буюрган. Ислом таълимотларида бир ажойиб қоида бор – нима билан вожиб жорий бўлса, ўша нарса ҳам вожибdir. Кишининг соғлиғи учун қайғуриши ҳам шу масалалар қаторида. Бошқача айтадиган бўлсан, мусулмон одам соғлиғи учун ҳамма нарсаларни қилмоғи лозим. Жисмоний тарбия ана шундай зарурий нарсалардан ҳисобланади.


Нафақат намозда, балки барча исломий ибодатларда жисмоний ҳаракат бор. Умуман Ислом – ҳаракат динидир. Бошқа динларда қимирламай туриб ёки ўтириб махсус дуолар ўқиши билан ибодат қилинса, Исломда ўқиши билан бирга ҳаракат ҳам зарур. Ҳажни оладиган бўлсак, аввалидан охиригача жисмоний ҳаракатдан иборат. Уйдан ният қилиб чиқиб, Маккаи мукаррамага бориш, Каъбани етти карра айланиб тавоғ қилиш, Сафо ва Марва тепаликлари орасига етти марта бориб келиб сайд қилиш ва ҳоказолар жисмоний чиникан бўлишни тақозо этади.

Мол-дунёси кўп мусулмонлар закотни ҳам ҳақдор кишиларни қидириб топиб, ўзлари олиб бориб беришга ҳаракат қиладилар.

Албатта, ибодат жисмоний мақсадда қилинмайди. Ибодатнинг мағзи руҳий ҳолатдадир. Аммо, айнаң шу руҳий ҳолатдаги ибодатлар, Аллоҳнинг инояти лиа, руҳимизга ҳам, жисмимизга ҳам фойда берадиган қилиб буюрилган.

Рўза туттган киши эрталаб туриб саҳарлик қилмоғи, бошқа ҳаракатлари, кечаси эса одатдагидан ташқари яна қўшимча йигирма ракъат намоз ўқиши – буларнинг бари ҳаракат, жисмоний тарбиядан иборат.

Рўза жисмоний қувватта фойда беради. Бу ҳақда мусулмон бўлмаган доираларда кўпроқ гап бўлмоқда. Очлик билан даволаш услублари ва шифохоналарини кўпайтирмоқдалар. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ, бир неча йил муқаддам профессор Николаевнинг «Оддий ҳақиқатлар» деб номланган китоби ўзбек тилида чоп этилди. Унда «Софлик учун оч-наҳор юриш» сарлавҳали боб бор. Ўша бобда кўп фойдали маълумотлар берилган. Биз учун эътиборли жойи, ўз соғлиги учун қайfurган ҳар бир киши йилига 28-32 кун ихтиёрий равища оч қолиши зарурлиги таъкидланган. Рўза тутиб кўп йиллик касалликларидан фориғ бўлган кишиларнинг эътирофларини кўп эшийтдик.



ИЙМОН

АЛЛОҲНИНГ БОРЛИГИГА ИШОНИШГА ҚОДИРМИСИЗ?

Иймон ва илмий далиллар

Ҳар қандай инсон феълида қандайдир мутлоқ қодир куч борлигига ишонч түйгуси мавжуд. Бу, ақднинг самараларидан биридир. Борлиққа назар солинса ва коинотдаги нарсалар синчиклаб ўрганилса, барча нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганининг, балки улар бир яратувчи томонидан яратилганининг гувоҳи бўламиз.

Инсоният тарихи ва тафаккур тараққиёти тарихи диний бўлмаган манбалардан ўрганилса ҳам, яратувчи кучга бўлган эътиқод ўша яратувчанинг борлигига кўрсатиладиган далиллардан олдин вужудга келгани аён бўлади. Умуман, диний билимларга таянмай туриб яратувчига нисбатан ақийданинг пайдо бўлган вақтини аниқлаш қийин. Зеро, ҳамадан қудратли ҳамда мангубарҳаёт Зот ҳақидаги фикр ва мушоҳада, ақийда бошқа билимлар қатори, ўзимиз сезмаган ҳолда пайдо бўлади.

Инсоннинг Аллоҳга бўлган эътиқоди ривожлана боргандан сўнг, Аллоҳ пайғамбарларини одамларга тўғри йўлни кўрсатиш учун даъват этиб, уларни мўъжизалар билан қўллаб-қувватлади. Мўъжиза инсоннинг қудрати етмайдиган одатдан ташқари амаллар бўлиб, уни кўргандан сўнгтина одамлар пайғамбарларнинг Аллоҳнинг ҳақиқий элчилари эканлигига ишонганлар. Исломда эса, инсонларни Аллоҳга ишонтириш учун ақдни ишга солиш услуби қўлланган. Бу ҳолат бошқа динларда учрамайди. Қуръон оятлари ҳам Аллоҳга Иймон келтириш учун ақдий далилларга суюнишга чақирган. Табиийки, «Қандай далиллар?» – деган савол туғилади.

Энг катта далил

Аллоҳнинг борлигига энг улкан далиллардан бири галактикамиздир. Ўзимиз яшаб турган Ер ва унинг атрофидаги сон-саноқсиз юлдузлар ҳақида фикр юритиб ўйлаб кўрсак, кишини ҳайратга соладиган даражада ажойиботларни кўрамиз. Буларга инсоф билан назар солган кишининг, албатта, яратувчининг улуғлигига иймони зиёда бўлмасдан иложи йўқ.

Қуръони Каримдаги қўпгина оятлар ҳам инсонни мана шу борлиқнинг яратилишига, осмону ерга назар солиб фикр юритиши ва уларнинг сирларини билиб, ўзининг иймонини бақувват қилиб, шакшубҳаларини ўзидан йироқлаштиришга чақиради.

Жумладан «Юнус» сурасида:

قُلْ أَنْظُرْنِا مَا ذَرَّا فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ

«Сен: «Осмонлару ердаги нарсаларга назар солинглар», деб айт», дейилган бўлса (101-оят), «Аъроф» сурасида эса:

**أَوْلَمْ يَنْظُرُوا فِي مَلَكُوتِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ مِنْ شَيْءٍ
وَأَنْ عَسَى أَنْ يَكُونَ قَدْ أَقْرَبَ أَجْلَهُمْ فَيَأْتِيَ حَدِيثٌ بَعْدَهُ يُؤْمِنُونَ**

«Осмонлару ернинг мулкларига, Аллоҳ яратган нарсаларга ва, ажаб эмаски, ажаллари яқинлашиб қолган бўлишига назар солмайдиларми?» – дейилади (185-оят).

Қуръони Карим таъбири билан айтганда, мана шу борлиқка назар солиб, ундаги ҳикмату сирларни билиб туриб ҳам Аллоҳга ишонмаганларга бошқа далил йўқдир. Чунки, шуларни кўриб туриб Аллоҳга ишонмаганларга бошқа далиллар таъсир қилмайди. Мўминлар эса шу борлиқнинг яралишини Аллоҳнинг борлигига далил қилиб келтирадилар.

Қуръони Каримда:

خَلَقَ اللَّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَذِيْةً

لِلْمُؤْمِنِينَ

«Аллоқ осмонлар ва ерни ҳақ ила яратгандир. Албатта, бунда мұмынлар учун оят-белги бордир», дейилган («Анкабут» сураси, 44-оят).

«Жосия» сурасида эса:

إِنَّ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَذِيْتٍ لِلْمُؤْمِنِينَ

«Албатта, осмонлару ерда мұмынлар учун оят-белгилар бордир», дейилган (3-оят).

«Борлық» нима дегани? Мунажжимларнинг айтишича, Еримиз қүёш системасидаги бир кичик сайёра ҳисобланади. Қүёш системаси эса умумий галактиканан бир парча. У эса, ўз навбатида, мунажжим тили билан айттанды, юлдуз шаҳарлари түплемидан бир шаҳар, холос. Хўп, галактика-камизданған юлдузлар нечта? Оддий кўз билан қарраганда, ердан туриб кўриш мумкин бўлган юлдузлар сони 6000 тадан ошмайди. Лекин маҳсус асбоблар орқали кузатилса, бутунлай ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлинади. Юлдузларнинг умумий сони қирқ минг миллиондан юз минг миллионгacha бўлиши мумкин! Бу юлдузлар ҳажмини нисбат келтириш йўли билан таърифласақ, қўёш ҳам шу юлдузларнинг биридир. Лекин у бизга яқин бўлганлиги сабабли катта кўринади, холос. Аслида, қўёш ўртача юлдуз ҳисобланади.

Хозирги вақтгача қашф қилинган юлдузлардан энг миттиси «Ванманин» юлдузи бўлиб, у Ердан озгина каттароқдир. Шундай юлдузлардан миллион донасини олиб қўёшнинг ичига жойлаштирилса яна бўш жой қолар экан. Бошқа бир юл-

дузнинг номи «Манкабил Жавзо» бўлиб, катталиги шу даражада эканки, қуёш ҳажмидағи юлдузлардан бир неча миллионини унинг ичига жойласа бўлар экан.

Энди бу юлдузларнинг биздан узоқлиги ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Фазодаги юлдузларнинг бир-биридан узоқличини тасаввур қилиш учун қуёш галактикасидағи юлдузлар торгина бир бурчақда қолиб кеттан юлдузлар ҳисобланишини эслаш кифоя. Мисол учун, қуёш биздан 93 миллион мил узоқлиқдадир, яъни ойга қараганда 400 марта узоқ. Лекин бошқа юлдузлар масофасини ўлчамоқчи бўлсак, бизга триллион ҳисоби ҳам етишмайди. Шунинг учун ҳам, мунажжимлар масофани ўлчаш учун ёруғлик тезлигини ишлатадилар. Уларнинг ҳисобича, ёруғлик тезлиги секундига 186 минг мил экан. Қуёш галактикасидағи узоқ сайёralардан бири «Плутон»дан чиққан нур тўрт-беш соатда ерга етиб келади. Бошқа галактикадаги юлдузлардан чиққан нур тўрт-беш йилда, ҳозирча энг кучли асбоблар билан кўришга муваффақ бўлинган юлдузлардан чиққан нур эса икки миллион йилда етиб келади. Яна эътиборга сазовор нарса шуки, галактикамиз ўз ўқи атрофида секин айланади. Албатта мана шу миллиардлаб юлдузлар ва уларнинг тартибли равишда тизилиб туриши, маълум бир қонуниятга биноан ҳаракатланиши, бир-бири билан тўқнашиб кетмаслиги Аллоҳнинг борлигига очиқ-оидин далилдир.

Куръони Каримнинг «Воқиъа» сурасида:

﴿فَلَا أَقِسْمُ بِمَوْرِقِ الْجُوْمِ لِنَبْرَأْ إِلَيْهِ لَقَسْمٌ﴾
«Ло تعلمونَ عَظِيمٌ

«Юлдузларнинг манзиллари билан қасам ичаман. Албатта, агар билсангиз, бу – улуғ қасамдир», дейилган (75, 76-оят).

Бунинг сирига фақат яқиндагина, мунажжим олимлар улкан телескоплар орқали коинотнинг

махфий сирларини қысман ўрганғанларидан сүнг, тушуниб етилди. Эйнштейн шундай деган эди: «Менинг диним чегарасиз бир улкан рухға бўлган ажабланишимдан иборатдир. Бу рухнинг қудратидан бизнинг арзимас ақлимиз ўзи идрок қилганича баъзи бир нарсаларни кашф қилган, холос. Бу чуқур Иймонни ва олий илоҳий кучни тушуниб етиш учун мана шу коинотга қараб турсам, Аллоҳнинг борлигини қалбимга солади».

Америка Табиий Фанлар академиясининг аъзоси Марит Стенли шундай дейди:

«Борлиқдаги барча нарсалар Аллоҳнинг борлигига гувоҳлик беради, унинг қудрати ва улканлигига далил бўлади. Биз, олимлар, бу борлиқдаги баъзи бир нарсаларни текшириб кўрганимизда, Аллоҳнинг ҳикмати, қўли ва қудрати билан яратилган нарсаларни мулоҳаза қилишдан нарига ўта олмаймиз».

Шундай экан, биз борлиқни кўриб туриб, унинг ҳақиқатларини билиб туриб, Аллоҳга ишонмай нима қиласиз?! Аниқроғи, Қуръони Каримда келтирилган қуйидаги оятларни такрор эсга олмай иложимиз йўқ:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَآخِرَتِ الْلَّيْلِ وَالنَّهَارِ لَذِيْنَ
لَا يُؤْلِمُ الْأَلْبَدِ ﴿١﴾ الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِبَلَمَا وَقَعُودًا وَعَلَى جُنُوبِهِمْ
وَيَنَفَّعُكُرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَطِلًا
سُبْحَانَكَ فَقَنَاعَدَ أَبَابَ النَّارِ

«Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашинишида ақл эгалари учун белгилар бор. Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиласиганлар: «Робимиз буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни ўт азобидан

сақлагин», деб айтадилар («Оли Имрон» сураси, 190, 191-ояттар).

Далиллардан яна бири

Қуръони Каримнинг «Фуссилат» сурасида шундай дейилади:

وَمِنْ أَيَّتِهِ الْيَلْ وَالنَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالقَمَرُ لَا سَبَدُوا
لِلشَّمْسِ وَلَا لِلْقَمَرِ وَأَسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَهُمْ

«Кечаю кундуз, қүёшу ой Унинг оят – белгиларидан. Бас, қүёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинг» (37-оят).

Кечаю кундузниң алмашыб туриши, маълумингизким, ернинг ўз ўқи атрофида айланишидан вужудга келади. Бу айланиш Аллоҳниң борлигига энг ёрқин далиллардан биридир. Чунки, бу айланыш шу қадар аниқлик билан йўлга қўйилганки, унда бирор лаҳза ҳам адашиш юз бермайди.

Металдан ясалган бир неча мисқолли соат бир кунда бир неча секунд ҳато қиласди. Шундай бўлса ҳам, биз уни «Жуда тўғри юради», деб мақтаймиз. Соат билан ер куррасини солиштириб кўринг-а! Миллион-миллион тонна оғирликка эга бўлган ер курраси бир секундга, ҳаттоқи секунднинг ўндан бирига ҳам адашмайди. Фарқ, секунднинг 1000 дан бири бўлиши мумкин, лекин бу ҳато дейилмайди. Қолаверса, Аллоҳниң ўзигагина аён бу жузъий фарқнинг инсонлар ҳаётига мутлақо таъсири йўқ. Ҳолбуки, ер айланишининг ер юзига жуда катта таъсири бор. Агар ер ўз ўқи атрофида айланиб турмаса, денгизу океанлар сувсиз бўлиб қолар эди. Агар ер ўз ўқи атрофида ҳозиргидан салгина тезроқ айланса, дунёдаги барча нарса парчаланиб кетарди. Аксинча,

салгина секинроқ айланса, дунёдаги барча нарса ис-
сиқ, ёки совуқ, сабабидан ҳалок бўлар эди.

Куръони Каримда ернинг шунчалик нозик ҳара-
катланишига қўйидаги оятда ишора қилинган:

وَرَى الْجِبَالَ تَحْسِبَهَا جَامِدَةً وَهِيَ تُمُرٌ مِّنَ السَّحَابِ صُنْعَ اللَّهِ الْمُذِّلِ
أَنْقَنَ كُلَّ شَيْءٍ

**«Тоғларни кўриб, қимирамай турибди деб
ҳисоблайсан. Ҳолбуки, улар булутнинг ўтиши-
дек ўтурлар. Бу ҳар бир нарсани пухта қила-
диган Аллоҳнинг санъатидир»** («Намл» сураси,
88-оят).

Мана шу оята ернинг айланишини унинг юзи-
даги энг улкан нарса – тоғлар мисолида баён қилин-
ган. Тоғлар ерга ёпишиб турган нарса бўлганидан,
тоғнинг ҳаракати – ернинг ҳаракати, демақдир.

Табиатдаги далиллардан яна бири

Дунёдаги миллиардлаб юлдуз ва сайёralарни
ва ҳоказо осмон жисмларини бир-бири билан
тўқнашиб кетишдан «Аллоҳ, яратган бутун дунё
тортишиш» қонуни сақлаб туради. Биз яшаб тур-
ган ер шарида эса барча ўсимликлар, ҳайвонлар,
пасттекисликлар, тоғлар, денгизлар – барча-бар-
часи жуда ҳам аниқ, бир режа ва қонун-қоида-
ларга мувофиқ мавжудлигини илм-фан аллақа-
чон исбот этган. Булар ҳам илоҳий кучнинг бор-
лигига ва моддапа-растларнинг «Бу дунё ўз-ўзи-
дан пайдо бўлиб қолган» деган фикрларининг
асоссиз эканлитига ёрқин далилдир.

Буюк олим Крейси Моррисон шундай деган экан:
«Табиатдаги ажойиботлар ўрганиб чиқилса, улар-
нинг ҳар бирида ажойиб бир қасд ва режа борли-
гига ишонч комил бўлади. Уларнинг барчасида яра-
тuvчининг хоҳишига биноан тузилган режа амалга

ошаёттандырылған шубҳа қолмайды. Ер куррасининг ҳажми, унинг қуёшдан узоклиги, ер қобигининг қалинлиги, сув миқдори, кислород ва карбонад ангиридинг миқдори ва инсоннинг ҳаёти – буларнинг бари ўз-ўзидан, бекасд ва тартибсиз бўлаётганни йўқ, албатта. Уларнинг барчаси ажойиб бир низом, қасд ва режа орқали вужудга келгандир».

Мана шу режа ва қасд ҳақида Куръони Каrimнинг кўпгина оятларида гапириб ўтилган. Жумладан, «Бақара» сурасида шундай дейилади:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَآخِرَتَهُنَّ أُلَيْلٌ وَالنَّهَارِ
وَالْفُلْكُ الَّتِي بَحْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْعَفُ النَّاسُ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ
مِنْ مَاءٍ فَأَخِيَّا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتَهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ
وَتَصْرِيفِ الرِّيحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ
لَا يَكُنْ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ



«Албатта, осмонлару ернинг яратилишида, кечаю кундузниң алмашыб туришида, одамларга манфаатли нарсалари ила денгизда юриб турган кемада, Аллоҳнинг осмондан сув тушириб, у билан ўлган ерни тирилтириши ва унда турли жондорларни таратишида, шамолларни йўналтиришида, осмону ер орасидаги итоатгўй булутда ақл юритувчи қавмлар учун белгилар бор» (164-оят).

Ер фазода осилиб турган шардан иборатdir. Унинг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли, юқорида айтганимиздек, кеча-кундуз вужудга келиши билан бирга бу айланиш шамоллар ҳаракатига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шамоллар, ўз навбатида, океанлардан чиққан сув буғларини қитъаларнинг ичига олиб боради. У буғлар қалинлашгач, ёмғир бўлиб ерга тушади. Ёмғир эса чучук сув манбаини

дир. Ёмғир бўлмаса ер юзи қакраб, ҳаётдан асар ҳам қолмас эди. Шунингдек, Аллоҳ тупроқнинг таркибида ўсимликлар учун моддаларни яраттан. Улардан озиқланган ўсимликлар униб-ўсади, уларни эса, ўз навбатида, жонзорлар тановул этади.

Мана шу нарсалар ер юзидағи ҳаёт сири ҳақидағи илмий ҳақиқатлардир. Қуръон ояты шу нарсани баён қилиб, табиатда режа борлиги, ундағи барча нарсалар ўзаро алоқадор эканлыгини тасдиқлайды.

Қуръони Каримнинг «Раъд» сурасида шундай дейилади:

وَهُوَ الَّذِي مَدَ الْأَرْضَ وَجَعَلَ فِيهَا رَوْسَىٰ وَأَنْهَرًاٰ وَمَنْ كُلَّ
الشَّمَرَتِ جَعَلَ فِيهَا زَوْجَيْنِ أَثْنَيْنِ يُغْشِيَ الْيَلَّالَهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ
 لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

«У ерни чўзиб, унда баланд тоғлар ва анжорларни қилган, ҳар хил мевалардан жуфтжуфт қилган зотдир. У кечани кундузга ўраттур. Бунда, албатта, тафаккур қилувчи қавмлар учун оят – **белгилар бордир**» (3-оят).

Тушунмаган кишилар тоғларни ер юзидағи ортиқча нарса дейиши мумкин. Лекин уларнинг фойдаси жуда улкандир. Тоғларнинг чўққисида ҳаёт манбаи бўлмиш сувга айланадиган қор узоқ вақтгача сақданиб туради.

Қуръон ояларидан бирида яна шундай дейилади:

وَمَنْ أَيْنَدِهِ بِرِبِّكُمُ الْبَرَقُ خَوَافَ وَطَمَعاً وَيَنْزَلُ مِنَ السَّمَاءِ
مَاءً فَيُحْيِي بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ
 يَعْقِلُونَ

«Ва Унинг ояларидан сизга қўрқув ва умид учун чақмоқни кўрсатади ва осмондан сув-

ни нозил қиласы да, у билан ерни ўлғандан кейин тирилтиради. Албатта, бунда ақл юритадиган қавм учун оят – белгилар бордир» («Рум» сураси, 24-оят).

Чақмоқ билан ёмғир ёғиши ва ернинг тирилиши орасида қандай алоқа бор? Ернинг ҳаёти фақат сувнинг ўзига боғлиқми? Йўқ, бу ерда яна бош-қа нарсалар бўлиб, ўсимликларнинг ўсишида асосий вазифани бажаради. У ҳам бўлса азот моддаси бўлиб, бу модда бўлмаса, ҳеч қандай ўсимлик ўсмайди. Азот тупроққа икки хил йўл билан аралашади:

1. Чақмоқ орқали. Ҳар чақмоқ чакқанда кислород билан азот аралашиб, ёмғир орқали ерга тушади. Чақмоқ билан шуғулланувчи олимлардан Карл Макрунинг айтишича, ҳар йили чақмоқлардан 100 миллион тонна азот пайдо бўлар, бу эса ер юзидағи заводларда ишлаб чиқарилган азотдан 10 марта кўп экан.

2. Бактериялар орқали. Ўсимликларнинг томирларида маълум бактериялар бўлиб, бу бактериялар ҳаводаги азотни олиб, қайта ишлаб, озуқа азотига айлантиради. Оятда оддин чақмоқ зикр қилиниб, ундан сўнг ёмғирни ва ерга ҳаёт киришини эслатиб ўтиш илмий ҳақиқатлар бўлиб, буларни Куръон 15 аср оддин айтиб ўтган. Шунинг ўзи ҳам табиатда режа ва қасд борлигига ёрқин далилдир.

Далиллардан яна бири

Куръони Каримнинг «Анъом» сурасида шундай дейилади:

﴿إِنَّ اللَّهَ فَالْحُكْمُ وَإِلَنَّوْيٌ يُخْرِجُ الْحَمَّى مِنَ الْمَيْتِ وَمُخْرِجٌ
الْمَيْتِ مِنَ الْحَمَّى ذَلِكُمُ اللَّهُ فَإِنَّ تُؤْفِكُونَ﴾

«Албатта, Аллоҳ донни ҳам, данакни ҳам ёрувчи зотдир. У ўлиқдан тирикни чиқарадир

ва тириқдан ўлукни чиқарғувчидир. Ана шундай Аллоҳдир. Сиз қаёққа бурилиб кетяпсиз?!» (95-оят).

Яна бошқа бир оядта:

إِنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ يُحِبُّ وَيُمِيتُ

«Албатта, осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидири. У тирилтиур ва ўлдирур», дейилади («Тавба» сураси, 116-оят).

Ҳар бир нарсани ташкил қилувчи асосий нарса бўлади. Ер юзидаги жонзорларнинг энг олийсидан тортиб мураккабигача асосий ташкил қилувчи нарса ҳужайралардир.

Ҳужайра жуда кичкина нарса бўлиб, ўзида ҳаёт моддасини мужассамлаштирган. Ҳужайра катта-кичик барча жоноворларга ҳаёт сабаби бўлиш қудратига эга. Ҳар бир ҳужайра ўз ҳаётида турли вазифаларни шундай аниқлик билан бажарадики, унинг олдида инсоннинг энг зўр соатларни ишлаб чиқаришдаги маҳорати иш эшолмай қолади. Ҳужайрани «протоплазма» деб ҳам аташади. Ҳар бир ўсимлик ва ҳайвон протоплазмалардан ташкил топган. Ўсимлик ва ҳайвонлардаги протоплазмалар бир хил бўлиб, озгина фарқ қиласди. Бу эса, асосий ҳаётий фарқдир. Аслида, бу фарқлар жуда катта бўлиб, фақат, бизга маҳфий бўлиб қолган. Ҳаёт илмининг ҳақиқатлари шуни кўрсатадики, ҳамма протоплазмалар кўринишдан бир-бираига жуда ўхшайди-ю, аслида, бошқача бўлиб чиқади. Бу ҳақда доктор Чарлис Эртест шундай дейди: «Менинг фикримча, ҳар бир ҳужайра шундай улкан бир жумбоқки, уни тушиуниш биз учун жуда ҳам қийин. Ер юзидагисаноfiga етиб бўлмайдиган барча ҳужайралар Аллоҳ қудратининг гувоҳидир. Фикр ва мантиқ шунга гувоҳлик беради. Шунинг учун ҳам, мен Аллоҳга қаттиқ ишонаман».

Далилларнинг яна бири

Ер юзидағи ўсимликларнинг яратилиши ҳам Аллоҳнинг борлигига ёрқин далилdir. Қуръони Каримнинг «Анъом» сурасида шундай дейилган:

وَهُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَآءَ فَأَخْرَجَنَا بِهِ، نَبَاتٌ كُلُّ شَيْءٍ
 فَأَخْرَجَنَا مِنْهُ حَضْرًا لَّخْرُجٌ مِنْهُ جَبَانٌ مُّرَاجِكَابًا وَمِنَ التَّخْلِ مِنْ
 طَلْعِهَا قِنْوَانٌ دَانِيَةٌ وَجَنَتٌ مِنْ أَعْنَبٍ وَالرَّيْتُونَ وَالرَّمَانَ مُشْتَبِهًا
 وَغَيْرَ مُتَشَبِّهٍ أَنْظَرُوا إِلَى شَمَرِفَةٍ إِذَا أَثْمَرَ وَيَنْعَهُ إِنَّ فِي ذَلِكُمْ لَا يَدِي
لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ

«У осмондан сув нозил қилған Зотdir. Бас, у(сув) ила турли набототлар чиқардик: Ундан яшил гиёхларни чиқардик. Ундан ғужум-ғужум бошоқлар чиқарамиз. Ва хурмодан, унинг новдаларидан яқин шингиллар чиқарамиз ва узум боғлари чиқарамиз. Бир-бираига ўшаган ва ўхшамаган зайдун ва анорларни чиқарамиз. Унинг мева қилиш пайтидаги мевасига ва пишишига назар солинг. Албатта, бундай нарсаларда иймөн келтирадиган қавм учун оят-белгилар бордир» (99-оят).

«Ундан ғужум-ғужум бошоқлар чиқарамиз» деган жумла, яшил ўсимликдан дон чиқади, демакдир. Ҳозирги замон илмининг таъкидлашича, ўсимликнинг яшил баргларидаги ҳужайралар воситаси билан озуқа моддаси етилиб чиқади. Инсон барпо қилған энг мукаммал корхона ҳам яшил баргдаги ҳужайра корхонасичалик нарса ишлаб чиқара олмайди.

Яна, Қуръони Каримнинг «Раъд» сурасидаги оят-да тупроғи, суви бир хил бўлгани билан, ўсимликларнинг мазаси ҳар хил бўлиши баён қилинган:

وَفِي الْأَرْضِ قِطْعٌ مُّتَحَوِّرَاتٌ وَجَنَّتٌ مِّنْ أَعْنَبٍ وَرَزْعٍ وَنَخِيلٌ
صِنْوَانٌ وَغَيْرُ صِنْوَانٍ يُسْقَى بِمَاءٍ وَحِيدٍ وَنَفَضِيلٌ بَعْضُهَا عَلَى بَعْضٍ فِي
الْأَكْلِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَذَّاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

«Ва ер юзида қүшни бўлаклар бор. Шунингдек, узумлар, боғлар, экинзорлар, шохлаган ва шохламаган хурмолар бўлиб, бир хил сув ила суворилурлар ва уларнинг баъзиларининг мевасини баъзилариникидан афзал қиласиз. Бунда, албатта, ақл ишлатувчи қавмлар учун оят – белгилар бордир» (4-оят).

«Зумар» сурасида Аллоҳ таоло ер юзидағи ўсимликларнинг ранги ҳар хил бўлишига эътиборни жалб қиласи:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَسَلَّكَهُ، يَكْبِعُ فِي الْأَرْضِ
ثُمَّ يُخْرُجُ بِهِ زَرْعًا مُخْنِلِفًا لِلَّوْمَةِ

«Аллоҳ осмондан сув тушириб, уни ердаги манбаълардан юритиб қўйганини кўрмадингми?! Сўнгра у ила турли рангдаги экинларни чиқарур» (21-оят).

Қуръони Карим ўсимлик аъзоларининг эркак ва урточига бўлинишини ҳам Аллоҳнинг борлигига далиллардан бири, дейди.

Баъзи бир ўсимликлар ўзини-ўзи чанглата олиши маълум. Лекин шундай ўсимликлар ҳам борки, улар ҳаво ва ҳашаротлар воситаси билан бошка ўсимликлардан чангланади. Шу тўғрида «Шуаро» сурасида шундай дейилган:

أَوْلَمْ يَرَوْا إِلَى الْأَرْضِ كَمْ أَنْبَثْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ رُزْجٍ كَرِيمٌ لِبَرِّ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَذَّاتٍ

**«Улар ерга қарамайдыларми?! Биз унда ке-
ракли жуфтлардан қанчаларини үндериб
қўйибмиз. Албатта, бунда оят – белги бор»
(7, 8-оятлар).**

Ўсимликнинг ўсиши ҳақида доктор Зумерман айтади: «Ҳар бир ўсимликнинг ўсиши учун ёруғ-
лик, кимёвий моддалар, сув ва ҳаво кифоя қилмай-
ди, балки уругнинг ичида бир қувват бўлиб, муно-
сиб вақти келганда ҳаракатта тушади ва бир ажо-
йиб аниқлик билан ўсади. Уруғ, аслида, иккита
хужайрадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири кўп
сонли ҳаракатлардан сўнг янги бир нарсани вужудга
келтиради. У нарса ҳаётта ўсимлик бўлиб йўл ола-
ди. Шундай қилиб, бугдойнинг уруғидан буғдой, ар-
панинг уруғидан арпа ўсиб чиқади. Кўлчилик ўсим-
ликлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлишига қара-
май ҳар бирининг ўзига хос сифатлари бордир».

Ўсимликлар бир-биридан фарқ қилишига қара-
масдан, барчаларида топиладиган ўхшаш белги-
лари ҳам бор.

Масалан: барча ўсимликлар ўзидан озуқа мод-
даларни, шунингдек, кислород ва сув чиқаради.
Баъзи бир ўсимликларнинг уруғи, танаси, барг ва
гуллари бир-бирига ўхшайди, улар турли ўсим-
ликларда бўлишига қарамай, бир-бирига ўхшаш
вазифаларни бажаради. Ўсимликлар, шу билан
бирга ташқи таъсирлардан бир хилда таъсирла-
нади. Масалан: барча ўсимликлар ёруғликка ин-
тилади. Ёруғлик бўлмаса, улар ҳалок бўлади.

Мана шу кўплаб қоидаларни, жумладан, ўсим-
ликларнинг ўсиши ва баъзи сифатларнинг мерос
бўлиб қолишини ким ишлаб чиққан?

Бу савол бизни бундан ҳам қийинроқ иккинчи
бир саволга олиб боради. Биринчи ўсимликлар
қаердан келган ёки бошқача айтганда, биринчи
ўсимлик қандай яратилган?

Теран тафаккур кўзи билан қарасак, мана шу-
лар ўзини-ўзи яратган ёки бирданига, сабабсиз,
ўзича пайдо бўлиб қолган, дея олмаймиз. Балки, бу-
ларни яратувчи зотни излашга мажбур бўламиз.

Аллоҳга ишониш инсонга хос

Дин түғрисида олиб борилган илмий ишлар натижасыдан аён бўладики, диндорлик барча башияятнинг умумий сифати бўлиб, унда қадимгилар ҳам, ҳозиргилар ҳам баробардир.

Ҳеч бир халқ динсиз бўлмаган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, Аллоҳ, дин каби тушунчалар инсоннинг асли табиатида мавжуд бўлиб, бу тушунчани уларга одатдан ташқари куч, яъни Аллоҳнинг ўзи бергандир. Ушбу фикрни қўллаб-куватловчи олимларнинг энг машҳурларидан бири шотландиялик Андри Линж қўйидагиларни баён этади:

1. «Ҳар бир инсон «Дунёдаги нарсаларнинг сабаби бор» деган фикрда юради. Мана шу фикрнинг ўзи диндор бўлишга етарлидир. Чунки, борлик борми, унинг яратувчиси ҳам бор. Ҳар бир инсон бор нарсаларнинг яратилиши ҳақида тушунчага эга. Шунинг учун ҳам, инсон ўзи яратга олмаган нарсаларни бошқа бир яратувчи яратган, деган фикрга келиши турган гап.

2. Биз барча инсонлар даврида ҳам ота, хўжайин, Аллоҳ, деган тушунчаларнинг борлигига ишонч ҳосил қўлдик.

3. Ибтидоий жамоа тузумида ҳам диний эътиқод пок равища бўлган. Кейинчалик эса афсоналар аралашиб кетган».

Бироқ А. Линж назарияси бирмунча вақтгача эътироф этилмади. Одамлар ирқини ўрганиш илмида тарихий услугаб ишлаб чиқилгандан сўнгтина мазкур назария тўғри эканлиги тасдиқланди. Бу борада Вена дорулфунунининг профессори Леопольд Фон Шредер Европа ҳиндулари тарихини ўрганишда катта натижаларни қўлга киритди. У қадимги Европа ҳиндулари фикрида ҳам олий худо назарияси борлигини исботлади. Уларда дин учта асос: 1) табиатта сифиниш; 2) мархум шахсларга сифиниш; 3) катта яратувчи, яхшилик худосига сифинишдан иборат, дейди.

Лекин олим мана шу уч нарсадан қай бири қадимийроқ эканлигини баён қилмаган.

Худди шу вақтда доктор Крабер Калифорния ҳіндулари ҳәёти тарихидан қатор илмий асарлар ёзис, мазкур энг қадимий қабилаларда ҳам катта худо назарияси борлигини исботлади. Ҳатто, улар ҳамма нарсаны яратувчи қодир ва тақдирнинг эгаси бўлган улуғ худога ишонишган.

Яна бир қанча олимлар инсоният тарихининг барча даврларида ҳам кишилар худога ишонгандикларини исбот қилганлар.

Доктор Поль Клеронс айтадики: «Инсон доимо ўзининг ақлидан кучли ақл ва ўзининг маҳоратидан кучли маҳорат борлигини сезиб туради. Мана шунинг ўзи ҳам Аллоҳга бўлган ишончга олиб келади».

Инсон моддий далиллар билан Аллоҳнинг борлигини исботлаши қийин. Шунинг учун ҳам, Аллоҳнинг борлигига тўлиқ ишониш учун моддий далилларнинг ёнида руҳий далиллар ҳам бўлмоғи керак, яъни, бу кенг борлиқдаги моддий нарсалар тўғрисидаги маълумотларимизни ўзимиздаги муаммоли ҳис-туйғулар, меҳр-муҳаббат ва турли сезгилар билан аралаштирганимизда тўлиқ иймонга эришамиз.

Агар биз миллионлаб ўта ақсли кишиларнинг Аллоҳга ишониш сабабларини синамоқчи бўлсак, саноfiga eta олмаймиз. Лекин ана шу сабабларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг борлигига далолат берувчи кучли далиллардир. Инсоннинг ақлини лол қолдирадиган нарсалардан бири шуки, мана шу юқорида зикр этилган ҳақиқатни Қуръон 15 аср муқаддам таъқидлаб ўтган.

Чунончи, «Рум» сурасида шундай дейилади:

فَإِنْ وَجَهَكَ لِلَّهِ مَا لَمْ يَرَهُ فَأَنْظَرَ اللَّهُ أَلَّا تَرَى النَّاسَ عَلَيْهَا
لَا بَدِيلٌ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الْبَيِّنُ الْقَيِّمُ وَلَكِنْ أَكْثَرَ

النَّكَاسُ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١﴾ مُنِيبِينَ إِلَيْهِ وَأَتَقُوُهُ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ
وَلَا تَكُونُوا مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿٢﴾

«Бас, сен ҳақда мойил бўлиб, динга юз тут. Бу фитрат, Аллоҳ одамларда яратган асл табиатdir. Аллоҳнинг яратганини ўзgartириб бўлmas. Ушбу дин қаййумdir. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар. (Ҳар бир нарсада) Унга қайтгувчи бўлароқ, У зотта тақво қилинг, намозни тўкис адо этинг ва мушриклардан бўлманг» (30, 31-оятлар).

Куръон таъкидлаб айтадики, дин инсоннинг асл табиатидаги бор нарса. Аслида, инсон борлиқнинг яратгувчисига ва бу яратгувчи ягона эканлигига ишонадиган бўлиб туғилади. Агар инсон ўзи ёлғиз қолиб ўйлаб кўрса, муқаррар шундай фикрга келади. Лекин Куръони Каримда айтиб ўтилганидек, бу ҳақиқатни кўпчилик билмайди. Одамлар диндорлик инсоннинг асл табиатида борлигини тушуниб етмайдилар. Фақат, чуқур ўйлаганлар, иммий изланиш олиб борганларгина буни тушуниб етишлари мумкин. Ҳеч ажабланарли ери йўқ, бу Куръони Каримнинг мўъжизасидир!

Пайғамбар алайҳиссалом ҳам шу маънода қуидаги ҳадисни айттанлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: مَا مِنْ مَوْلُودٍ إِلَّا يُولَدُ
عَلَى الْفِطْرَةِ فَإِذَا أَهْوَهُ دَانَهُ أَوْ يُنَصَّرَّهُ أَوْ يُمَجْسَّنَهُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (софтибият) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яхудий ва насроний ёки мажусий қиласи»», дедилар».

Бухорий, Муслім, Абу Довуг ва Термизий ривоят қылган.

Інсон оғир ҳолатта түшганды, беихтиёр, худодан ёрдам сұраб қолады. Мана шунинг ўзи ҳам инсоннинг асл табиатида діндөрлик борлигига далилдір. Шу фикрни Морисов деган олим қуйидаги иборалар билан ифода этади: «Инсон тарихининг бириңчи күнларидан бoshлаб ҳозирги күнгача беихтиёр ўзидан күвватли, ўзидан улуғ ва юқори турувчи бир шахсни ахтаради. Мана шунинг ўзи ҳам діндөрлик инсоннинг асл табиатида бор эканлигига катта далилдір. Бу ҳақиқатни илм ҳам таъқидлайды».

Бу борада Қуръони Каримда күпгина оялтар бор. «Рум» сурасыда шундай дейилган:

وَإِذَا مَسَّ النَّاسَ ضُرٌّ دُعَاوَاهُمْ مُنِيبِينَ إِلَيْهِ ثُمَّ إِذَا أَذَّقَهُمْ مِنْهُ
رَحْمَةً إِذَا فَرِيقٌ مِنْهُمْ بِرَبِّهِمْ يُشْرِكُونَ ﴿٢٣﴾

«Қачон одамларга зарар етса, Роббилиарининг Ўзигагина қайтиб, дуо қилурлар. Сүнгра, У зот уларга Ўзидан раҳмат тottирганды, күрибсанки, улардан баъзи гуруҳлари Роббилиарига ширк келтирурлар» (33-оят).

«Луқмон» сурасыда эса:

وَإِذَا عَشِيهِمْ مَوْجٌ كَأَظْلَلَ دَعَوْا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لِهِ الَّذِينَ

«Қачон уларни төң каби түлқин ўраб қолса, Аллоҳнинг динига ихлос этароқ, дуо қилурлар», дейилади (32-оят).

Мана шу нарсалардан күриниб турибдіки, астаримиздаги дин тұғрисидаги илмий ишлар Қуръон айттан назарияни исбот қилибди. Яғни, Аллоҳга, Яратувчига ишониш түйфуси инсоннинг асл табиатига хос хусусият экан. Шунинг ўзи ҳам Қуръон Аллоҳнинг китоби эканлигига катта далилдір.

КИМГА ВА НИМАГА СИФИНИШ КЕРАК

Шахсга сифиниш

Үзимиз яшаб турған жамият тарихининг яқин 60-70 йиллик даврига назар солсақ, ійүл қўйилган катта иллатлардан бири, шахсга сифинишнинг хилма-хил кўринишларининг гувоҳи бўламиз. Сталин, Хрущев, Брежнев каби «улкан даҳо»лар, бошқа «кичик даҳо»лар шахсига мутелик одати бутун-бутун халқларни ўз исқанжасидан бўшаштирмади ва охир-оқибатда бу иллат жамиятни, умумтараққиётни орқага сурувчи тўғаноқقا айланди. Ваҳдоланки, ислом шахсга сифинишни мутлақо инкор этади. Шахсга сифиниш Аллоҳга шак келтириш турларидан бири саналади. Кўпгина одамлар ўзларига ўхшаш бир кишига сифинадилар. Бунинг сабаби, ўша инсонни «бошқа инсонлардан устун туради, ўзига хос ортиқчалик хислатлари бор», деб эътиқод қилишдир. Ўзларини худо даражасига кўтариш учун ўша такаббур шахслар турли услубларни ишга согланлар. Масалан, кишиларнинг соддалигидан фойдалангандар, куч ишлатиш ва даҳшатта солиш йўлларини кўллагандар ва ҳоказо...

Бундай ярамас кишилар инсоният учун жуда кўп ёмонликлар келтиришган. Табийки, уларга қарши қўзғолонлар ҳам бўлиб турган. Охирида шундай кишиларнинг барчаси ҳалокатта учраган. Қуръони Карим эълон қилган улуғ қоидалардан бири – ягона Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиш ва ҳар қандай инсонга сифинишдан бош тортишдир. Қадимда баъзи бир пайғамбарлар ва яхши кишилар ўлганларидан сўнг қавмлари уларни худо деб эътиқод қилганлар. Қуръони Карим «Оли Имрон» сурасида бу эътиқод нотўғри эканлигини баён қилган. Пайғамбар ва аҳли солих кишиларга сифиниш одати кўп миллатларда машҳурдир. Будда ҳам ўзи ҳаёт вақтида худолик даъвосини қилмаган. Ле-

кин у ўлғандан сүңг, ихлосманалари уни худо деб эълон қилиб, ҳайкалларини ўрнатишган. Ана шу бузук эътиқодни Ислом жуда эҳтиётлик билан муолажа қилди, чунки кишилар Ислом дини пайғамбарини ҳам худолик даражасига кўтариб юборишилари хавфи бор эди. Соф Ислом эътиқоди бўйича Мұхаммад алайҳиссалом бошқа кишилар каби оддий инсондир. Аллоҳнинг баңдаси ва пайғамбариdir.

Ислом пайғамбарига Аллоҳ таоло ўз умматингга айтгин, деб қуийдаги оятни туширган:

قُلْ لَا إِمَّاْكُ لِنَفْسِي نَفَعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ
الْغَيْبَ لَا سَتَّةَ كَثُرُتْ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ الشَّوْءُ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ
وَبَشِّرْ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ

«Ўзим учун на фойда ва на заарага молик эмасман. Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади. Агар вайбни билганимда яхшиликни кўпайтириб олган бўлар эдим ва менга ёмонлик етмасди. Мен, фақат, иймон келтирадиган қавмлар учун огоҳлантирувчи ва башорат берувчиман, холос», деб айт» («Аъроф» сураси, 188-оят).

Бошқа бир оядта:

قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيْيَّ أَنَّمَا إِلَّا هُمْ كُمْ إِلَهٌ وَلَجُدُّ فِنْ كَانَ
يَرْجُو اِلْقَاءَ رِبِّهِ فَلَيَعْمَلْ عَهْلًا صَنِّعًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا

«Сен: «Мен ҳам сизларга ўхшаган башарман. Менга, шубҳасиз, илоҳингиз битта «илоҳ» экани ваҳий қилинди. Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қиласин ва Робби ибодатига биронтани шерик қиласин», дегин», деб ваҳий қилинди («Кахф» сураси, 110-оят).

Исломнинг шахс ва халқ муносабати хусусидаги таълимлари бевосита бизнинг шароитларда айни даврда жуда-жуда зарурдирки, бу ўринда мухтасар сўз юритдик, холос.

Бут ва санамларга ибодат

Аллоҳга ширк келтириш турларидан яна бири бут ва санамларга сифиницидир. Санам ўзига сиғи-нувчилар назарида юқори қувватта эга бўлиб, табиятдан устун туради. Санамлар ҳақида турли афсоналар ва ривоятлар тўқилган. Санамларнинг баъзилари «уруш худоси», баъзилари «ҳосилдорлик худоси» деб номланган. Шунингдек, яхшилик ёки ёмонлик худоси, севги маъбудаси, ёмғир илохи, тоғруҳи каби кўплаб тўқима «илоҳ»лар бор. Тарихчиларнинг таъкидлашича, Исломдан аввал Арабистон ярим оролида ҳам бут ва санамларга ибодат қилиш авж олган. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкини, Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом Макка шаҳрини фатҳ қилгандарида Каъба ва унинг атрофидағи 360 та санамларнинг барчасини парчалаб ташлашни буюрганлар. Бут ва санамларга ибодат қилиш инсониятта ор келтирувчи иш бўлиб, узоқ вақт давом этган ва ягона Аллоҳнинг пайғамбарлари орқали йўқ қилинган.

Ислом янги тарқала бошлаган пайтда араблар турли нарсаларга, жумладан, ўzlари кўллари билан ясад олган санамларга сифинар эдилар.

Араб мушрикларида ҳар бир уйнинг, ҳар бир шахснинг ўз «худоси» бор эди. Ҳаттоқи, түяни қумга соғиб, лой қилиб, бут ясад, сиғинган пайтлари ҳам бўлган.

Ҳазрати Умардек закий, оқил инсон ҳам мушриклик пайтида ақл бовар қилмайдиган ишни қилгани ривоятларда келган. У киши сафарда кетаётib, ибодат қилгиси келиб қолибди. «Худо»си эсидан чиқиб, уйида қолган экан. Ўйлаб туриб, халтасидаги хурмоларни олибди-да, бир-бирига ёпиш-

тириб, бут ясаб, унга ибодат қилибди. Сүнг йүл юриб, чарчаб, оч қолиб, халтадан ҳалиги «худо»-сини олиб, еб қўйибди. Қорни тўйғандан сўнг, ақли жойига келиб, ўзи еб қўйиши мумкин бўлган нарсага сифинганидан ўзининг кулгиси келиб, ахмоқлигини англаб, кула-кула йиқилиб қолган экан.

Арабларнинг турли тош ва металларга, гарчи фойда ва зарар етказмаса-да, ибодат қилишларининг сабаби нима? Бу сабабни мушрикларнинг ўзлари айтишган. Қуръони Каримда уларнинг ти-лидан шундай дейилади:

مَنْعَبِدُهُمْ إِلَّا لِيُقْرِبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَىٰ

«Биз уларга, фақат, бизларни Аллоҳга жу-да ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қи-лурмиз» («Зумар» сураси, 3-оят).

Худди шу фикрни ҳозирги қунимиздаги бутта сифинувчилар ҳам айтишади. Уларнинг фикрича, ибодат қилувчининг олдида бут ёки санам турса, у фикрни жамлаш ва Аллоҳга яқин бўлиш, янада чуқурроқ фикр юритишга ёрдам берар эмиш. Лекин, бизнингча, санамга сифиниш, унга ибодат қилиш, у Аллоҳнинг рамзи деб ишониш, фақат шу нарса Аллоҳга яқинлаштиради, деб эътиқод қилиш мантиқан тўғри эмас. Чунки, ибодат қилувчининг қаршисида турган санам Аллоҳга бевосита боғланишдан, Унинг қудратини тафаккур қилишдан чалғитади. Аллоҳга яқинлашиш эса бир сурат ёки оддий жисм орқали эмас, балки бевосита Аллоҳнинг Ўзига сифиниш орқали бўлади.

Ҳавоий нафсга ибодат

Аллоҳга ширк келтиришнинг турларидан бири, нафс бандаси бўлишдир. Бундай кишилар ҳавоий нафси нимани буюрса, шуни қилишга мажбур-дирлар.

Аллоҳ таоло «Фурқон» сурасыда:

﴿أَرَيْتَ مَنِ اتَّخَذَ إِلَهًا هُوَنَهُ أَفَإِنْ تَكُونُ عَلَيْهِ وَكِيلًا
أَمْ تَحْسَبُ أَنَّ أَكْثَرَهُمْ يَسْمَعُونَ كَوْنَهُمْ إِلَّا كَالْأَنْعَمِ
بَلْ هُمْ أَضَلُّ سَيِّلًا﴾

«Ҳавойи нафсини ўзига худо қилиб олганни күрдингми?! Энди сен унга вакил бўласанми?! Ёки сен уларнинг кўплари тинглай олурлар ё англай олурлар, деб ҳисоблайсанми? Аслида, уларнинг ҳайвонлардан фарқи йўқ. Балки яна ҳам йўлдан озганроқдирлар», деган (43, 44-оятлар).

Аллоҳ таоло «Қасас» сурасыда:

﴿فَإِنْ لَمْ يَسْتَجِيبُوا لَكَ فَاعْلَمْ أَنَّمَا يَتَبَعَّونَ أَهْوَاءَهُمْ وَمَنْ أَضَلُّ
مِنَ الْأَنْعَمِ أَتَبْعَ هُوَنَهُ بِغَيْرِ هُدًى مِنْ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي النَّقْوَمَ
الظَّالِمِينَ﴾

«Агар сенга жавоб берса олмасалар, бас, билгинки, улар фақат ҳавойи нафсларига эргашмоқдалар, холос. Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавойи нафсига эргашгандан кўра ҳам гумроҳроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас», деган (50-оят).

Инсонни ўзига қул қилиб олган ҳавойи нафснинг турларидан бири мол-дунё бўлса, иккинчиси мансабдир. Мол-дунё деб аталган шафқатсиз санам ҳозирги кунда кўпчилик кишиларнинг ақлини забт этган. Бу кишилар мол-дунё тўплаш учун бутун умрини сарфлайдилар. Мол-дунё деб бир-бирлари билан уришадилар, унинг йўлига кириб, айттанини қиласман деб, яратган Аллоҳ таолони эсдан чиқарадилар. Унинг кўрсатган йўлдан эмас, мол-дунё кўрсатган йўлдан юрадилар.

Күръони Карим мусулмонларни доимо мол-дунё таъсирига берилмасликка қақыради:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَجْمَعُوا لِهِمْ أَمْوَالُكُمْ وَلَا أَوْلَادُكُمْ مَعَنِ
ذِكْرِ اللَّهِ وَمَن يَفْعَلْ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

«Эй, иймон келтирганлар. Молларингиз ва болаларингиз сизни Аллоҳнинг зикридан чалғитмасин. Ким шундай қылса, бас, ана ўшалар ютқазувчилардир» («Мунофиқун» сураси, 9-оят).

Ўтган кишиларга сифиниш

Ўтган кишиларга сифиниш барча халқлар ўртасида кенг тарқалған ақиыйдадир. Одамлар ўтиб кетгандарга ўзларича худолик сифатларини беришади. Кимки бу эътиқод моҳиятини чуқур ўйлаб кўрса, унинг нотўғри ва қониқарсиз эканлигига ишонч ҳосил қиласди.

Бу маънони тузукроқ англатиш мақсадида «Тафсири Ҳилол»дан иқтибос келтирамиз:

«Аллоҳ, таоло Одам Атони жаннатдан ерга туширгач, унинг зурриётiga барака берди. Улар тезда қўпайиб кетдилар, касбу кор ўргандилар. Улар Одам Атога келган динга эътиқод қилиб, ягона Аллоҳга ибодат қилишар эди. Одам авлодини хайрли ишлардан қайтаришга онт ичган шайтон бу ҳолга тоқат қила олмади. Кишиларни ширкка қақиришга, буту санамларга ибодат қилиришга урина бошлиди. Одам Атонинг дастлабки авлодлари ичида Аллоҳдан қўрқадиган, тақводор, солиҳ, кишилар бор эди. Уларни атрофидагилар яхши кўришар, ҳурмат қилишарди. Вақти-соати етиб, улар оламдан ўтганларидан сўнг, шайтон қолган кишилар орасида васаваса қилиб: «Агар сизлар вафот этган солиҳ, кишиларни ҳақиқатан

яхши күрсаларингиз ва эслаб туришни хоҳласаларингиз, суратларини чизиб қўйинг, эртаю кеч назар солиб турасизлар», деди. Одамларга бу гап ёқиб тушди. Аввал бошда суратга қараб уларни эслаб туришди, сўнгра суратлар ўрнига ҳайкаллар қилиб, ибодатхона ва уйларга қўйишиди. Улар бу ҳайкаллар ҳеч кимга фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмаслигини яхши билишар эди. Лекин солиҳ, кишиларнинг ҳурмати учун ҳайкалларни иззат қилишарди. Вақт ўтиши билан ҳайкалларнинг сони ҳам, иззат-икроми ҳам ортиб бора-верди. Қайси солиҳ, киши вафот этса, унга ҳайкал қўядиган бўлишиди.

Кейинги авлодлар ўз оталари уйларидаги ҳайкалларини улуғлаёттанини, уларнинг ҳузурида дуо қилишаёттаникларини кўриб вояга етди. Охир оқибатда кишилар ҳайкалларга сажда қиладиган, улардан ёрдам сўрайдиган ва қурбонлик атайдиган бўлиб қолишиди. Шундок қилиб, ҳайкаллар буту санамларга айланди. Одамлар уларни худо даражасига кўтариб, уларга эътиқод билан ибодат қила бошлидилар».

«Ривоятларда келишича, Қуръони Каримда номлари зикр этилган Вадд, Сувавъ, Яғус, Яъуқ ва Насрлар аҳли солиҳ, тақвodor кишилар бўлганлар. Кишилар уларни ниҳоятда яхши кўрганлар ва ҳурмат қилганлар. Вақти-соати етиб, улар вафот эттаниларидан сўнг, Шайтон васвасасига учиб, кишилар уларнинг суратларини чизганлар, сўнгра ҳайкалларини ясаганлар. Уларни зиёрат қилганлар. Аста-секин дардларини уларга айтадиган бўлишган. Оқибатда, вақт ўтиши билан, уларни Худо деб эътиқод қилганлар ва уларга ибодат қилганлар».

Ўтиб кетганлар ким ўзи? Ўйлаб қўрайлик-чи. Улар ҳам, аслида, оддий одамлар бўлган, еб-ичган, касал бўлиб, тузалган ва ниҳоят, ажали етиб ўлган. Баданларини қурт еб, чириб кетган. Хўш, шундан ёрдам сўраш, унга илтижо қилиш ақлага

түгри келадими? Албатта, йўқ. Баъзилар уларнинг аждодлари вафот эттанларидан сўнг, руҳлари жасадларидан ажраб чиқади, шу руҳлар улар билан бирга юриб, қўллаб-қувватлайди ёки ёрдам беради, дейди. Шундай тушунчадаги кишиларга савол берамиз: «Ўша сиз айтган руҳлар қани? Уларнинг ҳақиқати нима ўзи? Ва сизларни қандай қилиб ҳимоя қиласиди?» Аслида, руҳ жисмдан ажрагандан сўнг кучсиз бир нарсага айланади ва ҳеч нарсага таъсир қила олмайди. Руҳ фақат жисм билан бириккандагина қувватга кириб, таъсирга эга бўлади. Тирик инсон қувватга тўлган чоғларида ҳам кўпгина нарсаларни амалга ошира олмайди. Ўз атрофидағи нарсаларга таъсир қила олмайди. Шундай экан, ўликлар қандай қилиб таъсир ўтказсин? Ўттан аждодларга сифиниш кўпгина хурофот ва афсоналарнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Табиий кучларга сифиниш

Табиат ўз ажойиботлари, гўзаллиги, сир-асорори ва кишиларга етказаётган фойдалари билан ҳар бир кишида диндорлик туйғусини уйғотади. Табиат ўзининг шафқатсизлиги билан, ғайритабиий кучи билан инсонни ундан паноҳ излашга, нажот ахтаришга мажбур ҳам қиласиди. Машҳур олимлардан бири шундай дейди: «Табиат кучлари қадимги инсонларнинг эътиборини ўзига тортган ва даҳшатга солған биринчи нарса бўлган. Шунинг учун ҳам, инсонда диндорлик туйғуси пайдо бўлиб, табиат кучларига сифина бошлаган. Табиат қучлари, қадимги кўпгина халқларнинг назарида, илоҳий бўлиб, унга сифиниш ва бўйсуниш зарур, деб тушунганлар. Баъзи бир халқлар эса табиат кучларининг бирини худо деб тушунган. Осмоннинг алоҳида худоси бор, шунингдек, ернинг, дengизнинг, ҳавонинг ва ҳоказо...»

Куръон табиат кучларига сифинишни саёз фикрлаш деб, фақат ягона Аллоҳнинг ўзига ибодат

қилишга қақиради. Чунки, Аллоҳ ўша табиат ва унинг кучларини ҳам яраттан зотдир. Қуръони Ка-римнинг «Соффат» сурасида шундай дейилади:

رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَرَبُّ الْمَسَرِقِ

«У зот осмонлару ернинг ва иккиси орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Ва машриқларнинг Роббидир» (5-оят).

Аллоҳ—ягона илоҳу маъбудингиз бўлган зот «...осмонлару ернинг ва иккиси орасидаги нарсаларнинг Роббидир».

Яратувчиси ва тадбирини қилувчисидир. Осмонларга қаранг! Қанчалик бепоён! Қанчалик юксак! Қанчалик мустаҳкам! Қанчалик муҳташам! Қанчалик бенуқсон! Ана шуларнинг ҳаммасини Аллоҳ яратган, Аллоҳ тадбирини қилиб туради. Уларнинг Робби Аллоҳдир.

Ерга назар солинг! Унинг ажойиботларига боқинг! Уни ҳам Аллоҳ яратган, Аллоҳ тадбирини қилиб туради. Унинг ҳам Робби Аллоҳдир.

Осмонлару ернинг орасидаги соңсиз-саноқсиз нарсаларга қаранг! Ҳаммасини Аллоҳ яратган. Ҳаммасининг тадбирини Аллоҳ қилиб туради. Ҳаммасининг Робби Аллоҳдир. Шунингдек, Аллоҳ **«Ва машриқларнинг Роббидир».**

Күёш ҳар куни чиқадиган жойларни — машриқларни яратган зот ҳам Аллоҳдир. Уларнинг тадбирини қилиб турувчи зот ҳам Аллоҳдир. Уларнинг Робби ҳам Аллоҳдир.

Аллоҳ машриқларнинг Робби бўлганидан кеийин мағрибларнинг ҳам Робби бўлиши турган гапдир. Шундай Зотга ибодат қилмай, У яратган нарсаларга ибодат қиласизми?

Бошқа бир оятда эса:

إِنَّ رَبَّكُمْ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ

شَمَّ أَسْتَوَى عَلَى الْعَرْشِ يُغْشِي الْأَيْلَلَ النَّهَارَ يَطْلُبُهُ حَيْثُ شَاءَ وَالشَّمْسَ
وَالقَمَرُ وَالنُّجُومُ مَسْخَرَاتٍ بِأَمْرِهِ

«Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратған, сүнгра Аршни эгаллаган Роббингиз кеча ила кундузни қопладыр. Униси бунисини шошилиб қувладыр. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди» («Аъроф» сураси, 54-оят).

ШАФОАТ

Исломдан аввал араблар санамларни шафоат қилгувчи (орага тушиб, ишини осон қилгувчи), деб ишонгандар. Уларнинг фикрича, шафоат турли йўллар билан, жумладан, намоз ўқиш, дуо қилиш, азиз-авлиёларга ёлбориш, санамларга қурбонлик қилиш, назр-ниёз аташ ва шунга ўхшаш нарсалар билан бўлар экан. Шу нарсаларни ўртага қўйиб сўраган кимсаларга худолар сўралган нарсани етказар эмиш. Қуръон эса шафоат ёлғиз Аллоҳнинг ўзига хос деб эълон қиласиди. «Зумар» сурасида шундай марҳамат қилинади:

قُلْ لِلَّهِ الْكَفِيلُ جَمِيعًا لَّهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

«Сен: «Барча шафоат ёлғиз Аллоҳнидири. Осмонлару ернинг мулки – эгалиги ҳам ёлғиз Унидири», деб айт» (44-оят).

Ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ ёлғиз Ўзи борлиқни яратған ва ундаги барча нарсаларни Ўз тасарруфига олган. Шафоат эса шулардан биридир. Қуръони Карим таъкидлаб айтадики, ҳеч кимнинг шафоат қилишга ҳаққи йўқ. Фақат кимга Аллоҳнинг Ўзи ижозат берса, шу кишигина шафоат қила олади.

«Юнус» сурасида шундай дейилади:

مَآمِنْ شَفَعِيْجُ لَا مِنْ بَعْدِ إِذْنِهِ

«Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас»
(3-оят).

Қуръони Каримда баён қилинишича, пайғамбарлар Аллоҳ хоҳлаган баъзи бир кишиларни шафоат қила олар эканлар. Қуръон мушрикларнинг шафоат қилишга суюнишларини ва бу эътиқод нотўғри эканлигини баён қилиб, шундай дейди:

وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُوبَتِ اللَّهِ مَا لَا يَصْرُهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ
وَيَقُولُونَ هَؤُلَاءِ شَفَعُوْنَا عِنْدَ اللَّهِ

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зарар ҳам, манфаат ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қилурлар ва: «Ана ўшалар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги шафоатчиларимиздир!» – дерлар» («Юнус» сураси, 18-оят).

Қуръони Каримдаги шафоат тўғрисида айтилган бу оятлар катта аҳамиятта эга бўлиб, шафоатни ўзига дастак қилиб олган баъзи бир дангаса осийларнинг умидини пучга чиқаради. Шунингдек, тақводорлигини ва бошқа фазилатларини пеш қилиб, мен сизларни шафоат қиласман, деб кишиларни алдовчи баъзи бир шахсларни ҳам фош қиласди. Ислом шариатида Аллоҳни ягона деб билишга даъват қилинади. Аллоҳнинг ўзини, унинг сифатларини ягона деб билиш ва ибодатни, ёлборишни, ёрдам сўрашни ягона Аллоҳгагина қаратишни тарғиб этилади. Шунда, Аллоҳдан бошқага сифиниш, ёлборишнинг зарурати қолмайди.

Бу эса, ўз навбатида, инсонни азиз, иродасини кучли қиласди, ҳаётидаги турли қийинчиликларни мардонавор енгишига йўл очиб беради ва уни жамиятнинг энг яхши аъзоларидан бирига айлантиради.

ХАР НАРСАНИ БИЛГУВЧИ ЗОТ

Ислом дини ақийдаларидан сўз очилганда, қайси мавзуда баҳс юритилмасин, гап Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига бориб тақалади ва шу ҳақиқатни тасдиқлайди. Аллоҳнинг ҳар бобдаги қудратининг бир қиррасини унинг мутлоқ билгувчилиги ташкил этади. Яъни, Аллоҳнинг илми чексиздир.

Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билгувчиидир. У ҳеч қачон бирор нарсани билмай қолмаган. Унинг эсидан ҳам ҳеч нарса чиқмайди. У кечаги нарсани ва бугунги нарсани ва эртага бўладиганини, очиқ нарсаларни, махфий нарсаларни, осмондаги нарсаларни, ердаги нарсаларни, бу дунёдаги нарсаларни, у дунёдаги нарсаларни – барча-барчасини билади. Бу борлиқ, ва ундаги барча ажойиботлар Аллоҳнинг илми ва ҳикмати чексиз эканлигига ёрқин далилдир. Қуръони Каримда Аллоҳнинг илми ҳамма нарсани ўз ичига олишига мисол қилиб айтиладики: Аллоҳ, ҳамма нарсани Ўзи яратган. Шу нарсаларни яратган зот, албатта, уларнинг сир-асрорларини ҳам ҳаммадан яхши билади.

«Мулк» сурасида шундай дейилади:

وَأَسْرُوا قَوْلَكُمْ أَوْ أَجْهَرُوا بِهِ إِنَّهُ عَلَيْمٌ بِذَاتِ الْأَصْدُورِ أَلَا
يَعْلَمُ مِنْ خَلْقِهِ وَهُوَ الْلَّطِيفُ الْخَبِيرُ

«Ва сиз сўзингизни сир тутасизми ёки ошкора айтасизми, албатта, У кўнгиллардагини ҳам билгувчи зотдир. Яратган зот Ўзи билмасмиди? Ва У дақиқларгача билувчи ва хабардор зотдир» (13, 14-оятлар).

Тафсирчилар бу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида шундай ривоят қиласидилар: Баъзи кофиirlар ўзаро сухбатларида Мұхаммад соллалоҳу алайҳи васалламга қарши гапларни гапираёттандиларида, «Секинроқ гапиринглар, Мұхаммад-

нинг Худоси эшитиб қолмасин», дер эканлар. Куръони Карим уларнинг калтафаҳмлилигини шу оят билан рад этган.

Аллоҳ таоло инсоннинг барча сирларини, жумладан, қалбидаги нарсаларни ҳам билиб туриши ҳақидаги бу тушунча инсон қалбига Аллоҳ таолодан қўрқиб туриш ҳиссини солади. Бу эса, юқорида таъкидлаганимиздек, барча гуноҳлардан четда бўлишга чорлайди.

Ожиз инсон бирор асбоб ихтиро қилса, ўша нарсанинг ҳамма тарафини, кам-кўстини, қандоқ ишлашини, қачон бузилишини ва ҳоказоларни билади-ю, ҳаммани яратган Аллоҳ Ўз бандаларининг ҳолини билмайдими?

Куръони Карим Аллоҳ таоло инсоннинг сирасорини ва очиқ гапларини ҳам билишлигини айтишдан ташқари, борлиқдаги барча нарсаларни билишини ҳам баён этган:

اللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَحْمِلُ كُلُّ أَنْثَى وَمَا تَغْيِضُ الْأَرْحَامُ وَمَا تَرَدَّدُ
وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِمِقْدَارٍ ﴿١﴾ عَلَيْهِ الْغَيْبُ وَالشَّهَدَةُ
الْكَبِيرُ الْمُتَعَالُ ﴿٢﴾ سَوَاءٌ مِنْكُمْ مَنْ أَسْرَ الْقَوْلَ وَمَنْ جَهَرَ
بِهِ وَمَنْ هُوَ مُسْتَحْفِظٌ بِالْأَيْلِ وَسَارِبٌ بِالْهَارِ ﴿٣﴾

«Аллоҳ ҳар бир ургочининг ҳомиласини ҳамда бачадонлар нуқсон ёки зиёда қиласиган нарсаларни биладир. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида ўлчовлидир. У зот ғойибни ҳам, шоҳидни ҳам билгувчиидир. У буюқдир, юксакдир. Сиздан ким гапни сир тутса, ким уни ошкор қилса ёки ким кечаси беркинувчи бўлсаю ким кундузи ошкор юрувчи бўлса, барибир» («Раъс» сураси, 8–10-оятлар).

Аллоҳ таоло ўзи йўқ (ғойибдаги) нарсани ҳам билади, ҳозирда мавжуд нарсани ҳам билади. У

бутун мавжудотдан каттадир, улуғдир. Ундан катта, Ундан улуг ҳеч бир мавжудот йўқдир. Аллоҳ таоло бутун борлиқдан юқоридир. Ундан юксак ҳеч бир нарса йўқдир. Аллоҳ таоло барчанинг гаплари ва қилмишларини бирдек билиб туради.

Аллоҳ таоло борлиқнинг барча маҳфий сирларини ҳам жуда яхши билади.

وَعِنْدَهُ مَفَاتِحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْأَرْضِ
وَالْبَحْرِ وَمَا تَسْقُطُ مِنْ وَرْقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٌ فِي ظُلْمَتِ
الْأَرْضِ وَلَا رَطْبٌ وَلَا يَأْسٌ إِلَّا فِي كِتَابِنِنِ

«Файбнинг калитлари Унинг ҳузурида бўлиб, уларни унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. У ердаги, қуруқлик ва дengиздаги нарсаларни биладир. Битта япроқ узилиб тушмайдики, магар уни ҳам биладир. Ер тубидаги бир дона дон борми, ҳўлу қуруқ борми, барчаси очик **китобда бордир»** («Анъом» сураси, 59-оят).

Ушбу ояти каримадан Аллоҳ таолонинг илми чексизлиги ва бу илм ўзига хос ягона васфга эга илм экани билиб олинади. Бу илмнинг бош сифатларидан бири:

«Файбнинг калитлари Унинг ҳузурида бўлиб, уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас».

«Файб» – инсондан фойиб ҳодисалар, инсон сезги аъзолари билан ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари билан идрок қила олмайдиган ҳодисалар. Инсон ўзининг нечоғлик билимдонлиги билан гурурланмасин, унинг билганидан билмагани кўп бўлиб қолаверади. Ўша фойиб нарсаларни билишда инсоннинг бирдан-бир воситаси бор, у ҳам бўлса, илоҳий ваҳийдир. Қолган барчаси тахмин ва гумонлардан бошқа ҳеч нарса эмас.

Файбга ишониш инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган асосий жиҳатлардан биридир. Қўли

билин ушлаб, күзи билан күрганидан бошқа нарсанинг борлигига ишонмайдыган моддапарастнинг ҳайвондан нима фарқи бор?

Мұмін-мусулмонлар ғайбга иймон келтириш билан бошқалардан ажралиб турадилар. Чунки, ақийда боби, асосан, ғайбга, яъни, күзи билан күриб, қўли билан ушламаган нарсаларга ишонищдан иборатдир. Аллоҳга иймон келтириш ҳам ғайбга иймондир. Шунингдек, фаришталарга, илоҳий китобларга, Пайғамбарларга, қиёмат кунига, жаннатга, дўзахга, яхшию ёмон қадарнинг Аллоҳдан бўлишига иймон келтириш ҳам ғайбга ишонищдир.

Ушбулар ва бундан ташқари инсонни ҳар тарафдан ўраб турган, ўтмишни, ҳозирни ва келаҗакни илоҳий парда ортида тутиб турган сонсаноқсиз нарсалар ғайбиётдир.

Инсон ғайбни билиш борасида фоят ожиздир. У биринчи инсон – Одам Атонинг қаерда ва қачон пайдо бўлганини билмайди. Билиши мумкин бўлган нарса – Қуръони Каримдаги маълумотлар. Бошқаси ҳаммаси тахмин, гумон, фараз ва ҳоказо. Ўзининг ўтмишини билмаган инсон учун ўтмишнинг асосий қисми ғайб бўлиши турган гап. Аллоҳ, таоло эса, ҳаммасини билади. Инсон ҳозирги лаҳзада ўз танасида кечаётган сонсиз-саноқсиз ўзгаришларни билмайди. Катта-катта ўзгаришларни билиши мумкин, аммо кўплаб нарсаларни умуман билмайди. Мисол учун, танасидаги ҳужайраларнинг ҳаракати унинг учун ғайбdir. Ўз танасини мукаммал билмаган инсон ҳозирги даврда борлиқда рўй берәётган ҳодисалардан қанчасини била олади? Ҳеч қанчасини билмайди. Аммо, Аллоҳ, таоло уларнинг ҳаммасини билади.

Инсон ҳатто ўз бошига келажакда қандай ҳодисалар келишини билмайди. Ўзига тегишли нарсаларни билмаганидан кейин, оламдаги бошқаларга алоқадор нарсаларни умуман билмайди. Аллоҳ, таоло эса, уларнинг ҳаммасини билгувчиидир. Мод-

дапарастлар илм ңомидан гапираёттандарини даъво қиласылар, лекин ҳар бир илмий кашфиёттіннің атрофини күплаб ғайбиёт ўраб туришини унугиб қўядилар. Шунинг учун ҳам, ҳар илмий кашфиётлари атрофида тахминлар ва фаразлар кўпаяди. Аллоҳ таоло эса, ўша тахминларнинг ҳақиқатини билади. Файбнинг калитлари Аллоҳ, таолонинг Ўзидалиги шундадир. Бу калитни ҳатто Пайғамбарлар ҳам билмайдилар.

«У ердаги, қуруқлик ва дengиздаги нарсаларни биладир.»

Яъни, маконга тааллуқли ҳамма нарсаларни билади. Инсон уларнинг ҳаммасини билмайди. Ҳозирги кунда ҳам қуруқлик ва дengиздан инсон аввал билмаган янгидан-янги нарсалар пайдо бўлиб тургани шунга далолат қиласи.

«Битта япроқ узилиб тушмайдики, магар уни ҳам биладир.»

Демак, Аллоҳ борлиқдаги ҳар бир зарра ҳараратини ҳам билади. Дунё миқёсида биргина япроқнинг узилиб тушиши сезиларли ҳодиса эмас. Аммо, Аллоҳ таоло шу ҳодисани ҳам, ҳатто ундан ҳам дақиқ нарсаларгача яхши билади.

«Ер тубидаги бир дона дон борми, ҳўлу қуруқ борми, барчаси очиқ китобда бордир.»

«Очиқ китоб»дан мурод – Лавҳул Маҳфуздир. «Ер остида яширин турган бир дона дон бўлса ҳам, ҳўлу қуруқни бўлса ҳам билади» дегани «унинг билмайдиган нарсаси йўқдир» деганидир. Бу таъриф фақат Аллоҳнинг Ўзигагина хосдир.

Мана шу оятлардан маълум бўладики, Аллоҳ ҳақиқдаги Ислом назарияси қуруқ фалсафий, метафизик назария эмас. Баъзи бир диндагилар эътиқод қилишларича, Аллоҳ оламни яратиб, ўзи осмонга чиқиб кетганмиш-у, ҳозир олам билан иши йўқ эмиш. Ислом эътиқоди бўйича эса, Аллоҳ доимо бу оламга ўз таъсирини ўтказиб туради. Дунёда бўлаёттган барча воқеалар Аллоҳнинг илмидан четда қолмайди.

Мазкур ҳақиқаттнинг бевосита ёшларга дахлдор аҳамияти борки, у ҳақида қисқача түхталиш зарур. Ҳозир ҳар куни, ҳар соатда юз бериб турған бир-биридан дақшатли жиноятларда жиноятчиларнинг қарийб барчаси «шу ишимни бирор күрмаяпти-ю» деган түшунчада бўлади. Борди-ю, шундай бўлди ҳам, дейлик. (Аслида, астойдил кетига тушилса, очилмайдиган жиноят йўқ.) Жиноятчи изсиз йўқолди, қутулиб кетди ҳам, дейлик. Бироқ, у қутуломайди, чунки у ҳар қанча устомонлик қилмасин, қилмишларига Аллоҳ гувоҳдир. Бинобарин, жиноятнинг жазоси баңдасидан қайтмаса, Аллоҳдан қайтгусидир.

Хулоса шуки, Аллоҳнинг ҳар нарсани кўрибилиб турувчилигини билган ҳеч бир ёш «ҳеч ким кўрмаяпти-ю» деган алдоқчи ишончда жиноятта қўл урмайди, бундан сакланади.

МИСЛИ ЙЎҚ, ЗОТ

Аллоҳнинг зоти бошқа нарсаларга ўхшамаслиги аёндир. Ўз-ўзидан маълумки, яратувчи зот ўзи яраттан нарсалардан тубдан фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам, «Аллоҳ, эшитади» деганимизда, унинг эшитиши ўзига хос бўлиб, биз каби ёки бошқа маҳлуклар каби (кулок ёки бошқа аъзолар билан) эмас, бизга маълум бўлмаган ўзига хос бир эшитиш билан эшитади. Шунингдек, «Аллоҳ, кўради» деганимизда, бизнинг кўзимиз каби кўз билан эмас, балки ўзига хос кўриш билан кўради. Шунингдек, бошқа сифатлари ҳам шунга ўхшашидир. Лекин баъзи одамлар бу борада катта хатога йўл қўйгандар ва Аллоҳнинг сифатларида ихтилоф қилишган. Баъзи қавмлар Аллоҳ бир неча руҳлардан изборат бўлиб, бу руҳлар санаму руҳларга тарқалгандир, деб эътиқод қилишган. Бошқа бирорлар эса, Аллоҳ ерда яшовчи нарсалардан баъзиларида ўрин олган, деб эътиқод қиласдилар. Ислом эса, бу масалани ўз ўрнида тўғри ҳал қилиб, Аллоҳ тўғрисида-

ги барча шубҳали ва ботил эътиқодларни пучга чиқарди. Ислом назарияси бўйича, борлиқнинг ягона яратувчиси бўлиб, у барча баркамол, бенуқсон сифатларга эгадир. Биз Аллоҳни турли нарсаларга ўхшатишдан ва «Унинг жисми бор» деб таърифлашдан, Аллоҳ, яратган нарсаларнинг сифатини Аллоҳга нисбат беришдан ўзимизни сақламоғимиз лозим. Куръони Карим оятлари Аллоҳни қуидагича сифатлайди:


لَا تُدْرِكُ الْأَبْصَرُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَرَ

«Кўзлар уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар» («Анъом» сураси, 103-оят).

Аллоҳ, кўзларни бу дунё ашёларини кўриш учун яратган. Кўзлар мазкур вазифаларини ба-жарадилар, холос. Аммо имконларидан ташқари нарсани бажаришга қодир эмаслар. Кўзлар маълум масофадаги нарсаларни кўради. Ундан узоқдагисини кўра олмайди. Бу эса, ўша маълум масофадан наридаги кўзга кўринмаган нарса йўқдир, дегани эмас.


Шунингдек, кўз маълум ҳажмдаги нарсаларни кўради. Ундан кичикроғини кўра олмайди. Сўнгра, нарсаларни катталаштириб берувчи асбобларни ишга солади. Улар ҳам маълум катталиқдаги нарсаларнигина кўришда ёрдам бера оладилар. Аммо атом, протон, нейтрон каби унсурларни кўра олмайди. Ҳозирги фан бу зарраларнинг борлигини тасдиқлайди, аммо ҳеч ким уларни ўз кўзи билан кўрган эмас. Шундай экан, Аллоҳни ўз кўзим билан кўрмагунимча, Унинг борлигига ишонмайман, дегувчиларнинг ақлига шубҳа билан қаращдан бошқа илож қолмайди. Аллоҳ, яратган нарсаларни кўришга ожизлик қилаётган сенинг ожиз кўзинг азалий, сен кўрган ва билган ва ҳис қилган нарсалардан батамом бошқа хусусиятдаги Зотни қандай қилиб кўра олади? Инсонга Аллоҳ, зотини

күриш қөбилияты берилмаган. Улардан бу нарсаны күриш талаб қилинмаган ҳам.




«У латиф ва хабардор зотдир» («Анъом» сураси, 103-оят).

У ҳар бир нарсаны дақиқ ва нозик жойларига-ча билувчи зотдир. У ҳар бир нарсадан хабардор зотдир.



«У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир» («Шуро» сураси, 11-оят).

Аллоҳ таоло Ўз зотида, сифатида, амалларида як-каю ягонадир. Зотида, сифатида, амалларида бирор нарсага ўхшаш бўлиш нуқсонидан поқдир. Аллоҳнинг зотини, сифатини ёки амалларини махлукотининг зотига, сифатига ёки амалларига ўхшатиш гуноҳи азимдир. Аллоҳнинг зотига ўхшаш зот йўқ. Аллоҳнинг сифатига ўхшаш сифат йўқ. Аллоҳнинг исмига ўхшаш исм йўқ. Аллоҳнинг амалига ўхшаш амал йўқ. Аҳли сунна ва жамоанинг эътиқоди шудир.



«У уларнинг олдиларидағи нарсаларни ҳам, орқаларидағи нарсаларни ҳам билур. Улар эса, уни илм ила иҳота қила олмаслар» («Тоҳа» сураси, 110-оят).

Аллоҳ таоло бандаларнинг келажагини ҳам билади, ўтмишини ҳам билади. Унинг билмаган нарсаси йўқ. Илмнинг барчаси Аллоҳникидир. Одамлар эса, ҳеч нарса билмаслар. Айниқса, Аллоҳ таолони ҳеч қандай илм ила иҳота қила олмаслар.

سُبْحَنَ رَبِّ الْسَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبِّ الْعَرْشِ عَمَّا يَصِفُونَ

«Осмонлару ернинг Робби, Аршнинг Робби улар қилаётган васфдан поқдир» («Зухруф» сураси, 82-оят).

Яъни, осмонлару ерни яратиб, тадбирини қилиб турувчи зот, Аршни яратиб, тадбирини қилиб турувчи Аллоҳ мушриклар унга қарши тўқиётган нуқсондан поқдир.

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом Аллоҳ, яратган нарсалар ҳақида фикр юритишга буюрган бўлсалар-да, Аллоҳнинг зоти ҳақида фикр юритишини ман қилганлар.

У ҲАЁТНИНГ МАНБАИ

Аллоҳ, ҳаётнинг манбаидир, У барча жонзотларга ҳаёт ато қилгувчидир. Шундай экан, унинг ўзи ҳаётнинг мукаммал суратига эга бўлиши турган гап. Аллоҳнинг ҳаёти абадий бўлиб, у ҳеч қачон йўқ, бўлмайди, ҳаттоқи, мудроқ ҳам босмайди ёки ухлаб ҳам қолмайди. Қуръони Каримда бу ҳақда шундай дейилган:

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْقَيُومُ لَا تَأْخُذْهُ سِنَةٌ وَلَا نُومٌ

«Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ зотдир. У тирик ва қаййумдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас» («Бақара» сураси, 255-оят).

Аллоҳ, ягонадир. Дунёда фақат Аллоҳнинг Ўзигина ибодатга сазовор зотдир. Яъни, бандалар фақат Аллоҳнинг айтганини қилиб яшамоқлари, фақат Унинг Ўзигагина банда бўлмоқликлари керак. Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина итоат қилмоқликлари, сифинмоқликлари, бўйсунмоқликлари ва фақат Ундангина қўрқмоқликлари керак. Фақат Аллоҳнинг шариати,

қонун-қоидалари, дастури асосида яшамоқликлари керак.

«У тириқдир ва қаййумдир».


Ягона Аллоҳнинг тириклиги Ўзигагина хос алоҳида ҳаёт бўлиб, баңдалар ҳаётига ўхшаш бошқа масдардан берилган эмас. Бу ҳаёт азалий ва абадийдир. Бошланиш чегараси ҳам, тугаш чегараси ҳам йўқ. Аллоҳнинг тириклиги ҳеч бир жиҳатдан баңдаларнинг ҳаётига ўхшамайди.

Аллоҳнинг «қаййум»лик сифатининг маъниси – Аллоҳ таборак ва таолонинг ҳар бир нарса устида турувчи эканлиги ва ҳар бир турувчи нарса Унинг сабабидангина туришидир. Шу билан бирга, Аллоҳнинг туриши бошқаникига ўхшамайди ва доимийдир. Бу сифат шу даражадаки:

«Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас».

Яъни, У доимо сергак, бир лаҳза ҳам Унинг туришлиги сусаймайди.

Куръони Каримда борлиқдаги барча тирик нарсаларнинг ва Аллоҳнинг сифати қисқагина ибора билан тўлиқ таърифлаб берилган:



«(Ер) юзидағи барча жонзот фонийдир. Улуглик ва икром әгаси Роббингнинг Ўзигина бокийдир» («Роҳман» сураси, 26-27-оятлар).

Ушбу икки оят энг улкан ҳаётий ҳақиқатни акс эттиргандир. У ҳам бўлса, ер юзида ҳеч бир жонзотнинг боқий қолмаслигидир. Бу ҳақиқат олдида инсон ожиз, боши эгик. Унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Навбатма-навбат келиб, бирин-кетин кетаверади. Шундай экан, ўткинчи дунёга берилмай, Аллоҳга ибодат қилишга уринмоқ лозим. Чунки, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина бокийдир.

Аллоҳ бошқалар (инсонлар, хайвонлар ва бошқа жонзотлар)га ўхшаб овқатга муҳтож эмас. «Анъом» сурасида шундай дейилади:

قُلْ أَعْيُّهُ اللَّهُ أَنْتَ هُدُوْجُ وَلِيًّا فَاطِرُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ يُطْعَمُ وَلَا
يُطْعَمُ قُلْ إِنِّي أُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ أَوَّلَ مَنْ آتَسْمَمْ وَلَا تَكُونَ مِنَ
الْمُشْرِكِينَ

«Сен: «Аллоҳдан ўзгани валий – дүст қилиб оламанми? У осмонлару ерни яратгувчи! У таом беради ва таомланмайди», деб айт. Сен: «Мен аввалги таслим бўлувчи бўлмоққа амр қилиндим ва менга «Ҳеч мушриклардан бўлмагин», деб айтилди», деб айт» (14-оят).

Инсон фақат Аллоҳнингина Ўзига валий – мавло, йўлбошли, ҳоким, ёрдам берувчи қилиб олмоги лозим. Чунки,

«У осмонлару ерни яратгувчи!»

Ўша Яратгувчи зотни – осмонлару ернинг бағридаги жамики нарсаларнинг молики – эгаси бўлган Зотни қўйиб, кимни валий қилиб олиш мумкин?

«У таом беради ва таомланмайди.»

Агар бу дунёда яшашга имкон берувчи зотта ибодат қилиш керак бўладиган бўлса, бу иш ҳам Аллоҳнинг Ўзигагина тегишли. Бу дунёда маҳлуқотларга ҳақиқий таом берувчи фақат унинг Ўзи, холос. Бундан бошқа нарсалар ўзлари бирорвга таом бера олмайдилар, балки ўзлари таомга муҳтождирлар. Аллоҳ, эса, барчага таом бергани билан, Ўзи таомга ҳожатманд эмас...

«Мен аввалги таслим бўлувчи бўлмоққа амр қилиндим.»

Таслим бўлиш мукаммал мусулмон бўлиш маъносини англатади. Аллоҳ, таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, у кишидан ўз динларига бир оз бўлса-да ён босишни сўраб турган мушрикларга қарши очиқ-ойдин тарзда, Исломдан бошқа йўлга юрмасликларини эълон қилишни буюрмоқда.

«...менга «Хеч мушриклардан бўлмагин», деб айтилди», деб айт.»

Яъни, Аллоҳ амр этди. Зинҳор-базинҳор ширкка яқинлашиб бўлмайди.

Мана шу оят ила Ислом дини бутпараст дин пешволарининг бутларга атаб, уларнинг хузурида қурбонлик сўйишга кишиларни буюришлари нотўгри эканлигини уқтиради, қилинган қурбонликларни ўша бутпараст дин пешволари ўзлари ейдилар. Чунки, Аллоҳ ҳеч нарса емайди.

Ушбу ҳақиқат билан Қуръон қадимда кўпгина халқларни шундай ботил амалдан озод қилди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу оятлар билан Қуръон динга таъна етказувчи баъзи динсизларнинг оғзини ҳам боғлайди. Қуръон айтадики, Аллоҳ хотинга ёки болага муҳтоҷ эмас. Бу билан Ислом баъзи бир алдамчиларнинг «Биз Аллоҳнинг болаларимиз» ёки «яқин кишиларимиз» деб, содда кишиларни алдаб, ўз фойдаларига ишлатишларидек ёмон одатнинг йўлини тўсди.

«Анъом» сурасида шундай дейилади:

بِدِينِ الْسَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ إِنَّ يَكُونُ لَهُ وَلَدٌ وَلَمْ تَكُنْ لَهُ صَاحِبَةٌ
وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ذَرَكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَا إِلَهَ
إِلَّا هُوَ خَلِقُ كُلِّ شَيْءٍ فَاعْبُدُوهُ

«У осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи Зотдир. Унинг хотини бўлмай туриб, боласи қандай бўлсин?! У ҳамма нарсани Ўзи яратди ва У ҳамма нарсани яхши билгувчидир. Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ. У ҳар бир нарсанинг Яратгувчисидир. Бас, Унга ибодат қилинг» (101, 102-оятлар).

Аллоҳнинг яратувчанлиги Ўзига хосдир. Бор нарсаларни бир-бирига чатиштириш яратувчилик

эмас. Асли йўқ нарсани вужудга келтириш яратишидир. Аллоҳнинг яратувчанлиги ҳам шундай.

«У осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи зотдир.»

Бир вақтлар осмонлар ҳам, ер ҳам, уларнинг бағридаги нарсалар ҳам умуман йўқ эди. Аллоҳ таоло уларни йўқдан бор қилди. Мушрикларнинг «илоҳ»лари нимани йўқдан бор қилибди? Ҳолбукки, уларнинг ўзи ҳам йўқ эди. Уларни ҳам Аллоҳ бор қилган-ку?!

«Унинг хотини бўлмай туриб, боласи қандай бўлсин?!»

Ота-бала, ота-ўғил-қиз каби насл ҳақида гап кетганда, ҳаммага маълум ва машхур қоидалар ёдга келади. Ўғил-қиз пайдо бўлиши учун отанинг ўзи кифоя қилмайди. Балки, она ҳам бўлиши керак. Худонинг ўғли бор, қизи бор, деяётганларга, унинг хотини ҳам борми, десанг, йўқ, дейдилар. Хўш, хотини бўлмаса, қандай қилиб боласи бўлади? Ушбу оддий ва табиий саволга жавоб берсинлар. Бера олмайдилар. Жавобни Қуръони Каримнинг ўзи беради:

«У ҳамма нарсани Ўзи яратди ва У ҳамма нарсани яхши билгувчидир.»

Аллоҳ ҳамма нарсани, жумладан, Ийсо, Узайр ва фаришталарни ҳам Ўзи яратган. Шунинг учун, улардан ҳеч бири Үнга ўғил ёки қиз бўлиши мумкин эмас. У ҳамма нарсани яхши билади. Унинг билгани – билган.

Аллоҳ ҳамма нарсани яратди. Шунинг учун, ҳамманинг эгаси ҳам Ўзи, ҳаммага ризқ берувчи ҳам Ўзи.

«Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир.»

Ана шу сифатларга эга Аллоҳ сиз одамларнинг ҳам Роббингиздир. Робб «тарбиячи» маъносидадир. Робб, тарбиячи – ҳамманинг раҳбари, йўл кўрсатувчиси ва султони бўлмоқ, демақдир. Ушбу сифатларни ёки улардан бирортасини инкор этувчи, бу хусусиятлар Аллоҳдан бошқанинг ҳаққи, деб би-

лувчилар коғири бўлади. У, Аллоҳдан бошқани ўзига Робб қилиб олган бўлади.

«Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ.»

У ўзи ёлғиз яраттан, ёлғиз ўзи Молик бўлган, ёлғиз ўзи ризқ берган ва ёлғиз ўзи раҳбар бўлиб, ёлғиз ўзи йўл кўрсатувчиdir. Ёлғиз ўзи султон бўлганидан кейин ибодатта сазовор ҳам ёлғиз ўзидир. Бандалар фақат Унга ибодат қилишлари керак. Яъни, Унга сажда қилишлари, айттанларини бажаришлиари, қайтаргандаридан қайтишлари ва фақат Унинг розилигини топиш учун ҳаракат этишилари лозим.

«У ҳар бир нарсанинг яратгувчисидир.»

Бирор нарсани Аллоҳдан бошқа зот яратган, йўқдан бор қилган бўлса, бутунгача хабари чиқар эди. Кўз ўнгимиздаги сонсиз-саноқсиз нарсалар борлиги ҳақиқат. Хўш, булар қандай пайдо бўуди? Ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолдими? Ундей дейилса, исботи қани? Дунёда ўз-ўзидан пайдо бўлган бирор нарса борми ўзи? Ким «Дунёда ўз-ўзидан пайдо бўлган нарса бор» деса, бу фақат ушбу фоя соҳибининг ақли заифлигига далолат қилгувчи бир фикрdir.

Баъзилар, дунё азалдан мавжуд эди, дейдилар. Бу фикр, яъни, азалий мавжудият фақат Аллоҳгина хос. Шу маънода тўғри фикр. Аммо дунёдаги бошқа мавжудот ҳаммаси аста-секин тутаб бораётгани дунё аҳдига маълум. Ҳатто қўёш ҳарорати ҳам ийл сайин пасайиб бораётгани иммий ҳақиқат. Тутаб бораётган нарсалар эса, ҳеч қачон азалий бўла олмайди. Демак, ягона тўғри фикр – дунёдаги жамики нарсаларни Яратгувчи Азалий Зотнинг мавжудлигидир. У Зот ҳар бир нарсанинг Яратгувчи-сиdir. Шунинг учун, У зот фақат инсоннинг эмас, балки бутун оламнинг Робби ҳамдир.

«Бас, Унга ибодат қилинг.»

Яъни, фақат Унга бўйин эгинг, итоат қилинг ва Унинг ҳукмига юринг.

АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ КАЛОМИ (СҮЗЛАШУВИ)

Калом Аллоҳнинг сифатларидан биридир. Лекин Аллоҳнинг каломи билан инсоннинг каломи орасида фарқ бор. Инсон гапини лафзлар, нутқ ёки ёзиш билан ифода қиласи. Аллоҳ эса бу нарсага муҳтож эмас. Бандаларига юборган ваҳий ёки илhomларнинг ўзи Аллоҳнинг каломи бўла олади.

Куръони Каримда бу ҳақида шундай дейилади:

وَمَا كَانَ لِبَشَرٍ أَنْ يُكَلِّمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا وَمِنْ وَرَائِيْ جَهَابٌ
أَوْ يُرِسِّلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بِإِذْنِهِ مَا يَشَاءُ إِنَّهُ عَلَىٰ حَكْمٍ

«Аллоҳнинг башар билан гаплашмоғи бўлмаган, магар ваҳий орқали, ёки парда ортидан ёхуд элчи юборадио, У зотнинг изни ила хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур. Албатта, У зот ўта олий ва ўта ҳикматлидир» («Шўро» сураси, 51-оят).

Инсон зоти учун Аллоҳ таоло билан бевосита гаплашиш мұяссар бўладиган нарса эмас. Аллоҳ билан башар орасидаги алоқа бавосита бўлур. Воситанинг бир тарафида инсонлар орасидан танлаб олинган энг етук зотлар, пайғамбар алайҳиссаломлар турадилар. Яъни, ўша воситали гаплашишга ҳам ҳар бир инсон қодир эмас. Энди, одамлар орасидан танлаб олинган пайғамбарлар ҳам баробар эмаслар, худди осмондаги нур сочиб турган юлдузлар ҳажм ва нур жиҳатидан хилмакил бўлгандаридек, улар ҳам хилма-хилдирлар.

«Аллоҳнинг башар билан гаплашмоғи бўлмаган.»

Аллоҳ таолонинг инсон зоти билан бевосита гаплашиши бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки, ожиз инсон бу мақомга чидай олмайди. Бу ҳақиқатни одам боласининг улуғи, пайғамбарларнинг афзали Муҳаммад соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг ваҳийни қабул қилиб олиш вақтларидағи ҳолларидан билиб олсак бўлади. У зот ўзларининг юксак мақомларига қарамай, Аллоҳнинг қаломини ваҳий воситаси ила қабул қилиб олиш жараёнида терлаб кетар, нафас олишлари тезлашиб, пишиллаб қолар эдилар. Ваҳий тушган вақтда у зот тиз чўккалаб қолар эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам қаршиларида тиззаларини тиззаларига текқазиб ўтирган пайтда ваҳий тушиб қолганда Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг сонлари ёрилиб кетай деган.

Демак, Аллоҳнинг қаломини ваҳий орқали қабул қилиб олишга ҳар бир одам ҳам қодир эмас. Фақат танланган, етук ва маълум сифатларга эга шахсларгина бунга лойиқдирлар. Уларни ҳамма нарсани яхши билувчи зот – Аллоҳ таолонинг Ўзи танлаб олади. Аллоҳ таоло ўша, Ўзи танлаб пайғамбар қилган бандаларига Ўз қаломини қўйидағи уч воситанинг бири ила етказади.

1. «Магар ваҳий орқали.»

Ваҳий Аллоҳ томонидан бандага бирор хабарнинг махфий ва тез етказилишидир. Аллоҳ таоло, пайғамбар алайҳиссаломнинг қалбига бирор хабарни етказади, пайғамбар эса, унинг Аллоҳ таолодан эканлигини дарҳол билади.

2. «...ёки парда ортидан.»

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Ўзи кўринмай туриб гапиргани каби.

3. «...ёҳуд элчи юборадио, У зотнинг изни ила хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур.»

Бунда Аллоҳ таоло Ўзи билан пайғамбари орасида воситачи-элчи қилиб фариштани юборади. Фаришта келиб Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсани пайғамбарга етказади.

Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг тажрибаларида ушбу, фаришта воситасида бўладиган учинчи тур ваҳий тўрт хил келган:

1-хили: Фаришта келиб ўзи кўринмаган ҳолда керакли хабарни пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига етказар эди. Бунга мисол қилиб уламоларимиз қўйидаги ҳадиси шариғни келтирадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Муқаддас рух (фаришта) менинг қалбимга етказдики, албатта, ҳеч бир жон ўз ризқини мукаммал олмай туриб ўлмас. Бас, Аллоҳга тақво қилинглар ва талаби ризқни гўзал қилинглар», дедилар.

2-хили: Фаришта пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эркак киши шаклида қўриниб гаплашар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг гапларини ўзларига сингдириб олганларидан кейин қайтиб кетар эди. Фариштанинг Диҳъятул Калбий исмли кишига ўхшаб келгани ҳақида ривоятлар кўп.

3-хили: Кўнгироқ чалинганидек овоз билан келарди. Худди мана шу хили пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун қийин кечар эди. Ана ўшанда қаттиқ совуқ кунларида ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам терлаб, терлари оқиб кетар эди, улов минган бўлсалар, улов чўккалаб қолар эди. Бир марта у зотнинг тиззалири Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг тиззалирига тегиб турган пайт ваҳий келиб қоганда Зайд розияллоҳу анҳунинг тиззалири ёрилиб кетай деган.

4-хили: Фаришта пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига ўзининг асл яратилган сувратида келар эди. Бу ҳолат икки марта такрор бўлган. Ўша марта ларда Жаброил алайҳиссалом қанотлари билан осмони фалакни тўсган ҳолларида қўриниб пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хабарни етказгандар. Кўриниб турибдики, бу ҳаммага ҳам мұяссар бўлаверадиган нарса эмас. Бунинг учун Аллоҳнинг ихтиёри ва иноятига, фазлу карамига сазовор бўлган инсон керак. Бунинг учун Мұхаммад Мустафо сол-

лаллоҳу алайҳи васаллам керак. Бунинг учун у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюқ қалби керак!

Аллоҳ таоло Ўз қаломини ким орқали, кимга юборишини жуда яхши билади. Аллоҳ таоло Ўзининг охирги динини кимга юборишини жуда яхши билади. Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва мукаммал пайғамбарлиги учун Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни танлади. Аллоҳнинг танлови түғриди.

«У зот ўта олий ва ўта ҳикматлидир.»

Шунинг учун ҳам, У зотнинг бу танлови олий мақом ва пурхикмат бўлди.

ҚАДИМИЙ ВА БОҚИЙ

Аллоҳ таоло «Ҳадид» сурасида шундай дейди:

هُوَ الْأَوَّلُ وَالآخِرُ وَالظَّهِيرُ وَالبَاطِنُ

«У аввал ва охир, ошкор ва пинҳондир»(З-оят).

Яъни Аллоҳ ҳамма нарсанинг бошланишидан аввал ҳам бор эди ва барча нарса тутаб кетгандан кейин ҳам бокий қолади.

Ушбу оятда Аллоҳнинг тўртта сифати зикр қилинмоқда:

1. «Аввал» — У ҳамма нарсадан аввал, яъни, барча мавжудотлар йўқлигида Аллоҳ бор эди. Мавжудотларни «Аввал» сифатига эга бўлган Аллоҳ яратди.

2. «Охир» — У ҳамма нарса йўқ, бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолади.

3. «Ошкор» — Унинг мавжудлиги ошкор, очиқ-ойдиндир, бунга беҳисоб далолатлар бор. У ҳамма нарсадан зоҳир, устундир.

4. «Пинҳон» — У кўзга кўринмайди. Ҳаммадан пинҳон, маҳфий нарсаларни билиб турувчиидир.

«Қасас» сурасида Аллоҳ таолонинг боқийлиги ҳақида шундай дейилади:

وَلَا تَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِنَّهَا أَخْرَى لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا
وَجْهَهُ لِهِ الْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَمَانُ

«Аллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳга илтижо қылма. Үндан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Үндан ўзга ҳар бир нарса ҳалок бўлгувчиdir. Ҳукм Унинг Ўзигагинадир ва фақат Унгагина қайтариурсиз» (88-оят).

МУТЛАҚ ҚОДИРЛИК ЖАБР МАҶНОСИДА ЭМАС

Аллоҳнинг Қуръони Каримда зикр этилган қаҳр ва қувват сифатлари ҳеч қачон зулм маъносини англатмайди. Шунингдек, Аллоҳнинг жаббор сифати жабр маъносини англатмайди, балки бандаларини ўзи хоҳлаган нарсага ундовчи маъносини англатади. Иккинчи маъноси эса, ёмонлик қасд қилувчиларнинг қасди ва ҳийлагарнинг ҳийласи таъсир қилмайдиган зот деганидир. Қаҳдор сифати эса, «бутун мавжудот устидан ҳукм юритувчи» деган маънони англатади. Бундай сифатлар Қуръони Каримда ҳам зикр қилинган, раҳимли, муҳаббатанглатувчи сифатлар жуда ҳам кўп келган. «Роҳман» сифати барчага неъмат берувчи маъносини, «Роҳийм» сифати барчага раҳим қилувчи, «Салом» сифати барчага тинчлик берувчи сифатини, «Faффор» сифати кечирувчи, «Раззоқ» сифати барчага ризқ берувчи, «Латиф» сифати лутф, марҳаматлилик маъносини, «Шукур» сифати итоат қилганларни мақтовчи, «Мужиб» сифати ўзидан сўралган барча нарсани берувчи маъносини, «Карим» сифати баҳиллик қилмасдан, ҳар қанча нарсани ҳам берувчи маъносини, «Таввоб» сифати тавба қилувчиларнинг тавбасини қабул қилгувчи маъносини англатади. Шунингдек, Аллоҳнинг бу ерда зикр қилинмаган сифатлари яна кўп.

У ЗУЛМКОР ЭМАС


Қуръони Каримда Аллоҳнинг сифати түғрисидаги оялтарда шундай дейилади:

وَلَا يَظْلِمُ رَبُّكَ أَحَدًا

«Роббинг ҳеч кимга зулм қилмас» («Каҳф» сураси, 49-оят).

وَمَا أَنَّ اللَّهُ يُرِيدُظْلَمَ الْعَالَمِينَ

«Аллоҳ оламда ҳеч қандай зулмнинг бўлишини хоҳламайди» («Оли Имрон» сураси, 108-оят).

إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ مُشْقَالَ

«Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмас» («Нисо» сураси, 40-оят).

Аллоҳнинг сифатларида зулм йўқлигидан кўриниб турибдики, унинг Қуръони Каримда келган сифатлари баркамоллик сифатлари бўлиб, кўпчилиги раҳимлилик ва муҳаббат сифатларидир. Шу ўринда айрим дин мухолифларининг ҳозирги кунда тарқатаётган шубҳаларига жавоб бериб ўтишни лозим деб биламиз. Улар: «Агар Аллоҳ таоло бўлса, нима учун инсонга ўз мулкини оёқ ости қилишга, Ойга чиқишига ёки бошқа сайдераларга ракеталар учириншга йўл қўйиб бераяпти?» – деган гап тарқатишяпти. Уларга айтадиган гапимиз шуки: Сизларга ким Аллоҳнинг мулки Ойда, Марсда ёки Зухрова деб айтди? Қуръон назариясига қараганда, Аллоҳнинг мулки бутун борлиқдир.

«Иброҳим» сурасида шундай дейилади:

اللَّهُ الَّذِي لَمْ يَمَنِفْ السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ

«Аллоҳ осмонлару ердаги нарсалар Унике бүлган затдир» (2-оят).

Сүнг, Қуръони Каримда бир оят борки, ўша мухолифлар даъвосини батамом пучга чиқаради. «Луқмон» сурасыда шундай дейилади:

أَلَمْ تَرَوْ أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُمْ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَأَسْبَعَ عَلَيْكُمْ نِعْمَةً ظَاهِرَةً وَبَاطِنَةً وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُجَدِّلُ فِي اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا كِتَابٌ مُّنِيرٌ

«Аллоҳ сизларга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни беминнат хизматкор қилиб қўйганини ва сизга зоҳирий ва ботиний неъматларни мукаммал қилиб берганини билмадингизми?! Одамлардан илмсиз, ҳидоятсиз ва ёритувчи китобсиз ҳолда Аллоҳ ҳақида тортишадиганлари ҳам бор» (20-оят).

Аллоҳ таоло инсонларга осмондаги барча нарсаларни беминнат хизматкор қилиб қўйган. Осмонларда нимаики мавжуд бўлса: ҳавоми, қуёшлими, ойми, юлдузми, ёмғирми, қорми, қушми ёки бошқа нарсаларми, ҳеч бири ҳеч нарса талаб қилемасдан, инсон учун хизмат қиласди. Бу беминнат хизматларнинг кўпини инсон билмайди ҳам. Агар ўша хизматлардан бирортасига ҳақ сўралганида эди, мисол учун, қуёш таратаётган текин нур пуллик қилиб қўйилганида эди, инсон ўзи учун Аллоҳ қанчалар неъматларини беминнат ато этганини, уларнинг қиймати қанчалик баланд эканини англаб етган бўлар эди. Лекин Аллоҳ бундай қилмади, инсонга ақл берди, ақл билан бу неъматни танисин, деди. Пайғамбарлар юборди, улар одамларга Аллоҳнинг беминнат неъматла-

рини танитиб, шукр қилишга чақырдилар. Китоблар нозил қылди, улар ҳам одамларга мазкур хизматларни баён этди. Мана, илохий китобларнинг охиргиси бўлмиш Қуръони Карим ҳам инсонларни Аллоҳнинг неъматларига шукр қилишга даъват этиб турибди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло ердаги мавжудотларни ҳам инсон учун беминнат хизматкор қилиб қўйган. Ернинг ўзи ҳам, ундаги барча жамодот, наботот, ҳайвонот ҳам инсон учун беминнат хизматкордир, Аллоҳнинг унга кўрсатган марҳаматидир.

«...ва сизга зоҳирий ва ботиний неъматларни мукаммал қилиб берганини билмадингизми?!»

Ҳа, Аллоҳ таолонинг инсонга ато этган неъматлари жуда кўп, уларнинг зоҳирийси (ошкораси) ҳам бор, ботинийси (пинҳонаси) ҳам бор. Баъзиларини инсоннинг ўзи билиб, ҳис қиласи. Баъзиларини эса, билмайди, ҳис ҳам қилмайди. Инсон Аллоҳ берган неъматлар билан тирик, ўша неъматлар билан кун кўради. Шунинг учун ҳам, ўша неъматларни унга ато этган зот — Аллоҳ таолога иймон келтириб, Унга ибодат қилиб яшамори лозим. Бу унинг бурчи. Шундагина инсон ўзига берилган неъматларга шукр қилган бўлади.

Лекин, афсуски, одамларнинг орасида бу неъматларни билмайдиганлари ҳам бор.

«Одамлардан илмсиз, ҳидоятсиз ва нур таратувчи китобсиз ҳолда Аллоҳ ҳақида тортишадиганлари ҳам бор.»

Баъзи одамлар ўзларида ҳақиқатни исбот қилувчи илм бўлмаса ҳам, Аллоҳ ҳақида тортишаверадилар. Тўғри йўлга бошловчи ҳидоятчилари бўлмаса ҳам, Аллоҳ хусусида баҳслашаверадилар. Турли бўлмағур фикрларни айтадилар. Унга куфр келтирадилар. Унга ширк келтирадилар.

Шу оятдан кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло осмонларни ва улардаги барча нарсаларни, шунинг-

дек, ердаги барча нарсаларни инсон фойдаси учун яратибди. Агар инсон шу нарсалардан фойда олса, ўзига керак бўлган нарсаларни топса, яхши эмасми?

Оятнинг охирига назар солсак, ўша, дин душманларининг аниқ башараси аён бўлади. Уларнинг ҳеч бир билими ва ҳужжати бўлмаса ҳам, динга қарши ифво тошини отаверадилар.

ҚИЁМАТ КУНИГА ИЙМОН

Қиёмат кунининг борлигига келтириладиган да-лиллар иккига бўлинади.

1. Нақлий далиллар (бошқаларнинг хабари).
2. Ақлий далиллар.

Нақлий далиллар, қисқа қилиб айтганда, инсоният тарихидаги барча динлар иттифоқ қилишганки, инсон ўлгандан сўнг, қайта тирилади ва бу дунёда қилган ишларининг ҳисоб-китоби бўлади.

Ақлий далилларга келсак, барча-барча одамлар – қадимгилар ҳам, ҳозиргилар ҳам, саҳрода-гилар ҳам, шаҳардагилар ҳам, ҳатто, энг чекка жойларда яшайдиганлар ҳам, илмиллар ҳам, илмизлар ҳам ўзида илҳомга ўхшашибир маҳфий сезги борлигини биладилар. Бу сезги айтадики, бу дунёдаги ҳаётдан сўнг яна бошқа ҳаёт бўлади. Унда ҳозирги ҳаётда топилмаган адолат ҳақиқатга айланади, ҳар бир инсон ўзининг қилган ишига яраша мукофот ёки жазо олади.

Норман Билл исмли олим бу борада шундай дейди:

«Кишида «ўлгандан сўнг, яна ҳаёт бўлади» деган сезгининг борлиги, қиёмат кунининг ҳақлигига энг кучли далиллардан биридир. Аллоҳ таоло агар инсонни бирор нарсага қониқтироқчи бўлса, ўша фикрни унинг қалбига солиб қўяди. Одамларда абадий ҳаётта интилиш (агар у дунёда бўлса ҳам) кенг тарқалган сезгидир. Бунга енгилтаклик билан қараб бўлмайди. Биз интилаётган бу нарса ва чин қалбдан ҳис қилаётган бу нарса бирор

ишончли асоснинг акс-садоси бўлиши турган гап. Бундай улкан ҳақиқатларга материалистик йўл билан, моддий далиллар билан етишиб бўлмайди. Балки ақийда, илҳом ва руҳий сезгилар йўли билан ишонилади. Илҳом ҳақиқатни илмий фаҳмлашда муҳим омилдир».

Аллоҳ инсонни ақлли қилиб, баркамол ва кўпгина нарсаларга тайёр қилиб, коинот сирларини очишига қодир қилиб яратди.

Шундай олий мартабага эга бўлган инсон, бошқа ақлсиз, идроксиз, истеъдодсиз ҳайвонлар каби ҳолга тушиб қолиши тўғри эмас. Балки, тўғри йўл шуки, инсон бу дунёдаги ҳаётдан сўнг, яна қайта тирилиб, ўз амалларининг самарасидан баҳраманд бўлиши керак.

Агар Аллоҳ таоло инсонга турли қобилиятларни бериб қўйиб, сўнгра бепарво ташлаб қўйса, бу иш беҳикмат бўлиб, адолатдан ҳам узок бўлган бўлар эди.

ФАРИШТАЛАРГА ИЙМОН

Ислом мусулмонларни фаришталарга иймон келтиришга чақиради. Бу Иймон руҳий ҳаётнинг асосидир. Бундай ҳаёт эса кишиларни фақат яхшиликка ундаиди. Бундан мақсад, инсонни камолот чўққисига олиб чиқишидир. Шунинг учун ҳам, фаришталарга иймон келтириш Ислом динининг асосларидан биридир. Қуръон инсон тупроқдан, жинлар ўтдан яратилганини айтиб ўтган. Лекин фаришталар нимадан яратилганини пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида «фаришталар нурдан яратилгандур», деб баён қилгандар. Шундан кўриниб турибдики, улар латиф, кўзга кўринмайдиган, ушлаб бўлмайдиган нарсадан яратилган экан. Биз фаришталарни кўзимиз билан кўрмасак ҳам, ақлимиз уларнинг борлигини инкор этмайди. Ҳозирги замон илмий тажрибаларидан сўнг аён бўлдики, инсоннинг кўзи нур тезлигидан

секинроқ ҳаракат қиласынан нарсаларнигина құрар экан. Нур тезлигіда (186 минг мил) ҳаракат қиласынан барча нарсаларни инсон күриши асло мүмкін эмас экан. Қолаверса, ҳеч бир асбоб билан ҳам күриб бўлмас экан. Шундай экан, нурдан яратылған фаришталар нур тезлигіда ҳаракат қилса, уларни қандай күриб бўлади. Инсон ўзи кўришга қодир бўлмаган нарсаларнинг барини йўққа чиқаравериши ҳам ақлдан эмас. Олимлар бутунги кунда инсон барча нарсани билиб олди, деб даъво қилаёттандар ийӯқ, Деярли ҳар куни янги бир иммий кашфиёт бўлиб, инсон билмаган нарсалар юзага чиқмоқда. Шу янги пайдо бўлган нарсалар аввал ийӯқ эди-ю, инсон кашф этгандан сўнг вужудга келди ёки пайдо бўлди, десак адолатданми?

Фаришталарнинг ишлари

Фаришталар инсонлардан фарқ қиласы. Уларнинг ўз ихтиёрлари ийӯқ, улар доимо Аллоҳга итоат қиласынан, исён қилишга имконлари ийӯқ. Куръони Каримда шундай дейилган:

وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مِنْ دَآبَةٍ وَالْمَلَائِكَةُ
وَهُمْ لَا يَسْتَكِبُرُونَ ﴿١١﴾ يَخَافُونَ رَبَّهِمْ مِنْ فَوْقِهِمْ وَيَفْعَلُونَ مَا
يُؤْمِرُونَ

«Осмонлару ердаги барча жонзотлар ва фаришталар фақат Аллоҳга сажда қилурлар. Улар мутакаббирлик қилмаслар. Улар устиларидағи Роббиларидан қўрқурлар ва ўзларига амр қилинган нарсаларни қилурлар» («Наҳл» сураси, 49, 50-оятлар).

Фаришталар бажарадиган ишларнинг энг аҳамиятлisisи, Аллоҳнинг ваҳийисини пайғамбарларга етказишидир. Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхис-

саломга Қуръон ояларини келтирган фариштанинг исми Жаброилдир. Қуръон уни «Рухул Амин» ва «Рухул қудус» деб ҳам атайды. Фаришталарнинг вазифаларидан яна бири пайғамбарларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилишдир. Қуръони Каримда Аллоҳ таоло Ийсо пайғамбарни Рухул қудус билан қўллаб-қувватлаганини айтиб ўтади. Фаришталар тақвадор мўмин-мусулмонларни қўллаб-қувватлаб, уларни тўғри йўлга илҳомлантирадилар. Шунингдек, фаришталар мўмин-мусулмонларнинг жонини озор етказмай олишда ҳам иштирок қиласидилар. Бу санаб ўтилган ишлардан ташқари, фаришталарнинг бошқа вазифалари ҳам кўпдир.

Қуръони Каримда айтилишича, Аллоҳ таоло инсонга бир неча фариштани бириктириб қўйганки, улар инсоннинг қилган ишларини ёзib борадилар. Ўнг томондаги фаришта яхшиликларни, чап томондагиси ёмонликларни ёзив боради. Агар инсон шу нарсага ишонса, дунёда ҳеч ёмонлик қилмайди.

Аллоҳ таоло «Қоғ» сурасида:

إِذْ يَأْتُكَ الْمُتَلَاقِيَانَ عَنِ الْيَمِينِ وَعَنِ الشَّمَالِ فَيَدْعُونَكَ مَا يَفْظُلُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا
لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَيْنِدُ

«Зотан икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олурлар. Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозиру нозир борлар», деган (17, 18-оятлар).

Демак, инсоннинг икки тарафида икки фаришта жойлашган ва улар инсоннинг ҳар бир амали ва сўзларини кутиб олади. Оятда уларни «икки кутиб олувчи», деб айтилмоқда.

«Вақтики икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олурлар.»

Мазкур фаришталар содир бўлган барча ҳодисаларни ёзив боришга вакил қилинганлар.

«Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозиру нозир борлар.»

Биз «ҳозиру нозир» деб таржима қилған икки фариштанинг арабча номи «Рақіб ва Атийд»дир. Инсоннинг оғзидан чиққан битта лағз ҳам уларнинг назарларидан четда қолмайди. Улар ҳамиша ҳозиру нозирдирлар, дарров ёзиб қўядилар.

Таъкидлаш лозимки, Аллоҳ таоло баңдасининг амалларини ҳисоб-китоб қилишда бу икки фариштанинг ишига муҳтож эмас. Ўзи ҳамма нарсани комил илми ила билиб туради, ҳаттоқи, аввалги оятларда айтилганидек, одамнинг хаёлидан ўтган нарсаларни ҳам билади. Мазкур фаришталарнинг ёзиб боришининг бошқа ҳикмати бор, Қиёмат куни инсонга ҳужжат сифатида кўрсатиладиган номаи аъмол ушбу фаришталар ёзган ёзувлар бўлади. Бунга иймон келтириш эса, ҳар бир баңданинг кўпроқ яхшилик қилишига, ёмонлиқдан янада кўпроқ четланишига сабаб бўлади.

Ушбу мавзуда кўплаб ривоятлар келган, шулардан баъзилари билан танишиб чиқсан, тушунчаларимиз мукаммалроқ бўлади.

Али ибн Аби Толҳа Абдуллоҳ, ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қиласиди, у зот:

«Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозиру нозир борлар» ояти ҳақида: «Ҳар бир яхши-ёмон гапи ёзиб борилади. Ҳаттоқи, едим, ичдим, бордим, келдим, кўрдим кабиларни ҳам. Пайшанба куни унинг иши ва гапи арз қилинади, яхшилиги, ёмонлиги бори қолдирилиб, қолгани ташлаб юборилади», деган эканлар.

Имом Ҳасан Басрий «...ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида...» оятини ўқиб туриб:

«Эй, одам боласи, сенинг саҳифанг очилди, икки хурматли фаришта сенга вакил қилинди, биттаси, ўнг тарафингдаги яхшиликларингни ёзади, иккинчиси, чап тарафингдаги ёмонликларингни ёзади, нимани хоҳласанг, қилавер, озми, кўпми. Вафот эттанингда, саҳифанг беркитилади,

қабрингда бўйинингта осиб қўйилади. Қиёмат куни шундай ҳолда қабрингдан чиқасан...» деган эканлар.

И мом Аҳмад ибн Ҳанбал ўлим тўшагида инграб ётганларида, Товус розияллоҳу анхудан: «Фаришта ҳар бир нарсани, ҳатто инграшни ҳам ёзади», деган ривоятни эшитибдилару дарҳол инграшни тарқ этиб, шу билан то жон таслим қилгунларича инграмаган эканлар.

ПАЙФАМБАРЛАРГА ИЙМОН

Пайфамбарлар кимлар? Ислом дини тарихини, моҳият ва вазифаларини билиш истагидаги одам бу саволга ҳам аниқ жавоб олмоғи лозим.

Пайфамбарларга иймон келтириш Ислом ақийдасининг асосларидан биридир. Ҳар бир мўмин киши Аллоҳ таоло инсонларга инсондан бўлган пайфамбарлар юборганига эътиқод қилиши лозим. Бу пайфамбарлар ўз умматларига Аллоҳнинг барча буйруқларини, нима қилиш керагу нима қилмаслик керак, шуларнинг барини етказганлар. Пайфамбарлар Аллоҳ таоло тарафидан оддий шахсларнинг қўлидан келмайдиган баъзи бир ишларни қила олиш, яъни мўъжиза кўрсатишдек улуғ бир фазилатга эга бўлиб, бу нарса уларнинг ҳақиқий пайфамбар эканликларига далил бўлиб келган. Барча пайфамбарлар Аллоҳнинг йўриғида юрган кишиларга бу дунёю у дунёда саодатманд бўлиш башоратини берганлар. Аллоҳнинг айтганига қўнмай, ҳавойи нафсга берилиб юрганларга эса, бу дунёда хорзор бўлиб, у дунёда азобга дучор бўлишларининг хабарини етказганлар.

Қуръони Карим мусулмонларни барча пайфамбарларга иймон келтиришга чақирган. Кимки улардан баъзи бирларига иймон келтирмаса, мўмин-мусулмон бўлмайди. Бу эса, дунёдаги барча ҳалқлар дўст, биродар бўлиб яшашларига са-

баб бўлади. Чунки, одамлар барча пайғамбарларга иймон келтирсалар, бир-бирларини ўзаро тушунишлари осон кечади, келишмовчиликлар йўқолади. Бу нарса Исломга хос бўлиб, у Аллоҳга ишонувчи барча мусулмонларга ҳамма пайғамбарларга иймон келтириб, уларни ҳурматлашни вожиб қилиб қўйган. Барча диндаги кишилар Куръони Каримда ўз пайғамбарларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромни топадилар. Бошқа динларда эса бу нарса учрамайди. Аллоҳ таоло барча пайғамбариларни инсонларни ҳавойи нафс қуллигидан озод қилиш, турли гуноҳлардан қайтариш, яхши хулқларга эга бўлиш учун чақиришга юборган. Шундай экан, аввало пайғамбар алайҳиссаломларнинг ўzlари шу яхши фазилатларнинг соҳиблари бўлишлари зарур. Агар уларнинг хулқи яхши бўлмаса, ёмон ўrnak бўлади ва Аллоҳнинг таълимотлари пучга чиқади. Улар тўғрисида Куръони Каримда шундай марҳамат қилинади:

وَجَعَلْنَاهُمْ أَيْةً يَهْدُونَ بِمَا نَرَأَوْا وَحَسَنَاهُمْ فِعْلَ الْخَيْرَاتِ
وَإِقَامَ الصَّلَاةَ وَإِيتَاءَ الزَّكُوْنَةَ وَكَانُوا لِلنَّاسِ عَبْدِينَ

«Ва уларни Ўз амримиз ила ҳидоятга бошловчилар қилдик. Уларга яхшиликлар қилишни, намозни тугал адо этишни ва закот беришни вахий қилдик. Улар Бизга ибодат қилгувчилар бўлдилар» («Анбиё» сураси, 73-оят).

Пайғамбарлар ҳеч қачон хиёнат қилмайдилар ва ҳар бир пайғамбарнинг ўзига хос хислати бор. Масалан: Иброҳим алайҳиссалом сиддиқ (ростгўй) сифатига эга. Мусо алайҳиссалом мухлис (ихлосли) сифатига, Исмоил алайҳиссалом ваъдасига вафодор ва ҳоказо. Аллоҳ таолонинг иродаси билан ҳар умматта ўзидан чиққан пайғамбар юборилиб, у кишиларни саодат йўлига бошлаган. Куръони Каримда 25 та пайғамбарнинг исми зикр

қилинган. Аммо улардан бошқа яна бир қанча пайғамбарлар ўтганлиги таъқидланган.

Агар аввалги пайғамбарлар фақат ўз қавми учун пайғамбар бўлса, пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом ҳамманинг пайғамбариidlар. Аллоҳ, Куръони Каримда шундай дейди:

وَمَا أَرْسَنَاكَ إِلَّا كَافَةً لِلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا

«Биз сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юбордик» («Сабаъ» сураси, 28-оят).

Лекин кўпчилик одамлар буни билмайдилар. Аллоҳ ўз пайғамбари Мұхаммад алайҳиссаломга бу ҳақиқатни барчага эълон қилишни буюради:

فُلْ يَكَيْيَهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَمْ
مُلْكُ الْمَمْوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِيٌ وَيُمِيتُ

«Сен: «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга, осмонлару ернинг мулки Уники бўлган, Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган ва тирилтириб ўлдирадиган Аллоҳнинг Пайғамбариidlарман», деб айт («Аъроф» сураси, 158-оят).

Мұхаммад алайҳиссалом охирги пайғамбаридилар. Бу кишининг пайғамбарлиги аввалги пайғамбарликларнинг буйруқлари нихоясига етганлигининг аломатидир. Куръони Каримда шундай дейилади:

مَا كَانَ مُحَمَّدُ أَبَا أَحَدٍ مِّنْ رِجَالِكُمْ وَلَكِنْ رَسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ

«Мұхаммад сизлардан бирон эрқакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва Набийларнинг сўнгтисидир» («Аҳзоб» сураси, 40-оят).

Шу оят пайғамбарлық замонаси ниҳоясига ет-ғанлиғи, Мұхаммад алайхіссаломдан сүнг ҳеч қандай пайғамбар бўлмаслигини баён қиласди. У кишидан аввал ўтган узоқ давр мобайніда бирин-кетин кўплаб пайғамбарлар ўтган ва ўша пайғамбарларнинг китобларида ўзларидан сүнг яна пайғамбарлар келишининг хабари бор эди. Лекин Қуръони Каримда бундай гап йўқ. Шунинг ўзи ҳам Қуръони Каримнинг илоҳий китоблиги, Мұхаммад алайхіссалом ҳақиқий пайғамбар эканларининг катта далилидир. Мана 15 асрдан буён бирорта пайғамбар чиққани йўқ ва чиқмайди ҳам. Шуниси қизиқки, Исломдан бошқа динга ишонувчилар ҳануз ҳам ўзларининг муқаддас китобларида хабари келган пайғамбарни кутмоқдалар. Лекин 15 асрдан кўп вақтдан бери уларнинг бу орзуси амалга ошмай турибди. Энди, умидларини узиб, Мұхаммад алайхіссалом ўша кутилаётган пайғамбарнинг айни ўзи эканлигини тан олиш вақти келмадимикин?

МАТЕРИАЛИСТИК ДУНЁҚАРАШ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ТАЪСИРИ

Материалистлар бу дунёдаги ҳаётдан бошқа ҳаёт йүқ, дейдилар. Яна уларнинг фикрича, сезгига ва туйғута факат материя таъсир күрсатади.

Жигар сафро, буйрак сийдик ишлаб чиқарганидек, мия фикрни, иродани ва ҳис-туйғуни ишлаб чиқаради, дейишади. Ўша нарсаларнинг миқдори ва тури миянинг миқдори ва ишига боғлиқдир, дейишади. Ҳаёт материядан иборатдир, рух деган нарса йўқ. Рух, абадий қолади, дегани нима? Буларнинг барчаси хурофот, афсона нарсалар, дейишади.

Ўтган асрда материалистлар табиий илмлар кашф қилган нарсаларга суюнган ҳолда, ўз фикрларини кенг тарқата бошладилар. Уларнинг айтишича, ақл табиий бўлмаган нарсалардан ҳоли бўлса, юксак қувватга эришади. Бу эса, ўз навбатида ахлоқ, одоб, муомала ва амалий камолотга олиб келади ва инсониятнинг олтин даврини ҳосил қиласди.

Бу борада материалистлар жуда қўп ҳаракат қилдилар, ўз фикрларини тарқатиш учун фалсафий маъruzалар уюштирудилар, китоблар босиб чиқардилар ва уларни бекорга ва арzon нарҳда тарқатдилар.

Шундай қилиб, улар ўзларининг баъзи мақсадларига эришдилар ҳам. Диндорларнинг ақийдаларига футур ҳам етказдилар ва ниҳоят эришилган натижа шу бўлдики, ахлоқ-одоб сусайиб кетди.

Бу ҳақда доктор Леон Вутти шундай дейди:

«Материалистлар ўз назарияларини кишилар қалбига сочдилар. Бу назариялар эса, «Инсон ўлгандан сўнг тамом бўлади, қайта тирилмайди» дер эди. Бу эса, ўз навбатида, инсонлар ҳавоий нафс ва шаҳват орқасидан юришларига олиб келди. Бу ижтимоий касаллик худди гастерияга ўхшаб,

инсониятни тузатиб бўлмайдиган тубанлик касалига йўлиқтиради. Шундай тубанлиқда қолган инсон қалбида бир чуқур алам сезади, бу ҳаётидан бошқа бир афзал ҳаётни излайди, лекин ўзи тушиб қолган нокулай ҳолатдан чиқишига йўл топа олмайди. Ҳозирги кунда бизни бошқариб турган тушунча ўткир заҳар бўлиб, инсонийлигимизни емирмоқда. Бу заҳар бизнинг қалбимиизда қолган барча пок нарсаларни ҳам ифлосламоқда. Инсонлар чиқарган қонунлар инсонларнинг ўзбошимчалигини бошқаришдан ожиздир. Инсон қалбида одоб, ахлоқ таъсири қолмагандан сўнг, у тубанлик дарёсига ғарқ бўлиши аниқ. Агар биз ўз обрўйимизни тиклашга уринмасак, ҳалокат сари қадам ташлаб бораверамиз. Ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бор».

Франсуз адаби Виктор Гюго шундай дейди:

«Замонамиз ҳалокатдадир, ҳалокат ёқасида демокчи эдим, лекин бўлмади. Бу ҳалокат барча эътиборни бу дунё ҳаётига боғлашга уринишидир. «Бу дунёдаги ҳаёт асосий мақсаддир, бундан бошқа ҳеч қандай мақсад йўқ» деб инсонни ишонтириш ҳаётдаги барча қийинчиликларнинг асосий сабабчисидир. Бизнинг вазифамиз, барчани ҳозирги ҳаётдан сўнг яна ҳаёт бўлишига, унда адолат қарор топишига ва ҳар бир киши қилганига яраша жазо ёки мукофот олишига ишонтиришдир».

Бу дунё материядан иборатдир, деган гап ҳеч ақлга тўғри келмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фикр, ирода ва меҳрибонликка ўхшаш нарсалар қандай қилиб материянинг таъсири бўлсин? Кишининг ўз шахсини сездирувчи фикри қандай қилиб ўзини сеза олмайдиган материянинг натижаси бўлсин? Қолаверса, қандай қилиб материя ўзига хилоф бўлган ғоянинг сабабчиси бўлсин?

Агар, шу айтганларимиз бўлмайди, десак, у ҳол материя, жисм ортида қандайдир бошқа бир нарса бўлиши зарур. Ўша нарса Исломда Рух деб ата-

лади. Бу ҳақыда ақадемик Морисон шундай дейди: «Хеч бир атом ёки унинг бўллагида ҳеч вақт фикр бўлмаган. Турли моддаларнинг аралашуви натижасида ҳам ҳеч қачон фикр вужудга келмаган. Ҳеч қандай табиат қонуни ибодатхона яратадиган. Лекин муайян жонли нарсалар, турли сезгилар билан қўшиб, ҳаётга қобилиятли қилиб яратилгандир ва мана шу нарсалар ўз навбатида бошқа нарсаларни тартибга солиб, уларга ўз навбатида материя бўйсунади. Шундай қилиб, биз дунёда кўриб турган ажойиботлар ҳосил бўлади. Бу жонзорот дегани нима? У атомнинг бўлакларидан иборатми? Ҳа. Яна нимаси бор? Яна бир сезиб бўлмайдиган нарсаси бор. У материядан жуда ҳам юқори туради. Ҳатто барча нарсага ўз таъсирини ўтказади. Бир-бирига ўхшамайди, дунёдаги барча моддий нарсаларга ҳеч ўхшамайди. Ҳаттоки, уни кўриш, ўлчаш ёки тортиш мумкин эмас ва унинг бўйсунадиган қонунлари ҳам йўқ. Рух инсондаги энг олий нарсадир ва ўзининг олий манбаси билан боғлиқ эканини доимо сезиб туради. Рух инсонда ахлоқ, қонунини вужудга келтирганки, у бошқа жонзоротларда йўқдир. Энди, бирор сизга шундай ажойиб нарса бўлган руҳни турли моддалар таъсирининг қолдиги деса, ишонасизми? Ёки рух йўқ, дейишади. Улар руҳни микроскопда кўрмаганликлари учун ёки бошқа нарсалар билан тута олмаганликлари учун, йўқ дейишади. Аслида эса, бу пуч гап. Рух бор. У ўз ишлари билан ва материяга хукмини ўтказиши билан, материядан иборат бўлган инсонни инсоний заифлиқдан олий бир даражаларга кўтара олиши билан ўзининг борлигини билдириб туради.

Инсон доимо ўзидан юқори нарсалар билан боғланишга иштиёқда бўлади. Шунинг ўзи динни ахтариш демақдир. Бошқача қилиб айтганда, бу – дин демақдир».

Илм исбот қилишича, материя йўқ бўлиб кетмас экан. Ҳатто майда зарралар ҳам йўқ бўлиб

кетмайды, балки иккинчи бир нарсага айланади. Шам ёниб тугайды, лекин кимёгарлар унинг тугамганини, балки ҳавога тарқаб кеттанини осонгина исбот қила оладилар. Ҳақиқатан ҳам, шам ҳавода бошқа ҳолатда мавжуд. Унинг шакли ўзгарса ҳам, жавҳари ўзгаргани йўқ. Бу, замонавий илмнинг исбот қилган нарсаси. Шунга биноан, жисмлар ҳам ўлса, унда ўзгариш юз берди, дейиш мумкин, лекин йўқ, бўлиб кетди, деб бўлмайди, балки бир шаклдан иккинчи бир шаклга ўтади. Агар одам модда ва руҳдан иборат бўлса, қандай қилиб руҳ йўқ бўлиб кетади? Аслида, руҳ моддадан кўра боқий қолиши осон нарса. Унинг тузилиши ва сифатлари бардавомликка муносибdir. Моддани ҳаракатта келтирувчи нарса ҳам руҳdir. Руҳ жисмга киргандагина ақл юритиш, фикрлаш каби нарсалар содир бўлади. Жисмдан руҳ чиққанда эса, у бошқа моддалар каби жонсиз бир нарсага айланиб қолади. Шундай бўлса, инсоннинг у дунё ҳақидаги фикри ҳам бекорчи гап эмас, Бу фикр рост бўлиб, инсоннинг табиатида ва сезгисида жо бўлган ҳақиқатdir.

РУХ НИМА

Рух хусусида

Рух мавзуси илмда ҳам, фалсафада ҳам қадим-қадимдан энг мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Бу муаммонинг энг тўғри ечимини Қуръони Каримда кўрамиз. Жумладан «Исро» сурасида шундай де-йилади:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الرُّوحِ فُلِّ الرُّوحٌ مِنْ أَمْرِ رَبِّيِّ وَمَا آتَيْتُمْ مِنَ
الْعِلْمِ إِلَّا قَلَّا

«Ва сендан рух ҳақида сўрарлар. Сен: «Рух Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир», деб айт» (85-оят).

Аллоҳ таолонинг «сизларга фақат озгина илм берилган» деган гапини франсуз академиги Шарл Риша қўйидаги сўзлари билан таъкидлайди: «Нима учун биз очиқ-оидин ўзимиз фахрланаётган бу илмимиз теварак-атрофдаги нарсаларнинг баъзи қўринишларини идрок қилишдан бошқа нарса эмаслигини айта олмаймиз? Аммо бу нарсаларнинг ҳақиқатлигини биз билмаймиз ҳам, ҳис қilmаймиз ҳам. Жонли ёки жонсиз нарсаларнинг ҳақиқий табиати бизнинг ақлимиздан устун турди». Ўз сўзининг охирида у шундай ёзади: «Ҳақиқий олим камтарин ва журъатли бўлиши керак. Камтарин бўлиши – чунки илмимиз жуда кам, журъат эса – кишини ҳали кашф этилмаган кўп нарсаларга чорлайди».

Қайта тирилиш

Аллоҳ таолонинг ҳикмати бу дунёдан сўнг у дунё келиб, унда ҳар бир киши қилган ишига қараб жазо ёки мукофот олишини тақозо қилди.

Күръон эса одамларга у дунё ҳақ эканлигини баён қылди. Мақсад шуки, кишилар у дунёни ўйласинлар, қилаётган ишларида Аллоҳнинг розилигини ва савобини умид қылсинглар. Күръон қайта тирилиш ва у дунё ҳақидағи гапларга катта эътибор берган. Деярли барча суралар қайта тирилишни эсга солади. Кўпинча эса, бутун бир бошли сурада фақат шу масала баён қилинади. Бу масала дунёдаги яхши ишларнинг асоси, негизи бўлгани учун ҳам Кўръон унга катта аҳамият берган. Агар инсонлар шу ақийдага ишонсалар, шубҳа қилмасалар, барча ишлари равон бўлур эди. Яхшилик кўпаяр, ёмонлик камаяр эди. Лекин ҳар бир асрда одамларда бу дунё ҳаётига қизиқиш голиб келади, улар бу дунё зеб-зийнатига берилиб кетадилар. Кўпчилик ўлгандан сўнг қайта тирилишга шубҳа қила бошлайдилар, қиёмат кунига ҳам ишонмайдилар. Қайта тирилишни инкор қилиш ёки унга ишонмаслик, шубҳа билан қарашиб қуйидаги тушунчаларга кўра юзага келади:

1. Бу – одамларнинг ҳожати тушмайдиган иш ёки ундан бирор фойда чиқмайди.

2. Бу – бўлиши қийин бир иш. Одамлар ўликларнинг жасади чириб, тупроққа аралашиб кетаётганини кўриб турибдилар. Қандай қилиб жасадлар қайта тирилиб аввалги ҳолига қайтади?!

3. Ҳозирги кунгача ҳеч бир ўлик қайта тирилиб, аввалгидек яшаб кетмаган.

Кўръон қайта тирилишни инкор қилувчиларга шундай дейди:

لِيَجِزِيَ الَّذِينَ أَسْتُوْأْبِمَا عَمِلُوا وَلِجِزِيَ الَّذِينَ أَحْسَنُوا بِالْحُسْنِ

«У ёмонлик қилганларни амалига яраша жазолар ва яхшилик қилганларни гўзал(мукофот) ила мукофотлар» («Нужум» сураси, 31-оят).

Бошқа бир ўринда эса:

أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبْشَاوَانَكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ ﴿١٣﴾

«Наҳотки, Бизнинг сизни яратишимиз бе-худа бўлган ва сиз Бизга қайтарилимассиз, деб ҳисобласангиз?!» («Мўминун» сураси, 115-оят).

Қайта тирилишга ишонмайдиганларга қарата Куръон шундай дейди:

وَهُوَ الَّذِي يَبْدُؤُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَهُوَ أَهُونُ عَلَيْهِ

«У, махлуқотни йўқдан бор қиладир, сўнгра уни яна қайтадан вужудга келтирадир, бу унга жуда осондир» («Рум» сураси, 27-оят).

Бошқа бир оятда эса:

وَصَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسَى خَلْقَهُ قَالَ مَنْ يُحْيِي الْعِظَمَ وَهِيَ رَمِيمٌ ﴿١﴾
 قُلْ يُحْيِيهَا الَّذِي أَشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ ﴿٢﴾
 الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ مِنَ الشَّجَرِ الْأَخْضَرِ نَارًا فَإِذَا أَنْتُمْ مِنْهُ تُوقَدُونَ ﴿٣﴾
 أَوَلَيْسَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِقَدِيرٍ عَلَى أَنْ يَخْلُقَ
 مِثْلَهُمْ بَلَى وَهُوَ الْخَلَقُ الْعَلِيمُ ﴿٤﴾

«У Бизга мисол келтириди ва ўз яратилиши-ни унутди. «Суякларни ким тирилтиради? Ҳол-буки, улар титилиб кетган-ку?!» – деди. Сен: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган зот ти-рилтирур ва у ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчиидир», деб айт. У зот сизларга яшил да-рахтдан олов қилиб бергандир. Энди эса, сиз ундан олов ёқмоқдасиз. Осмонлару ерни ярат-ган зот уларга ўхшашни яратишга қодир эмас-ми?! Йўқ! У ўта яратгувчи, ўта билгувчи зот-дир» («Ёсин» сураси, 78–81-оятлар).

Қайта тирилишни инкор қилувчиларға қарата
Куръон шундай дейди:

يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّنَ الْبَعْثِ فَإِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِّنْ
تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍ ثُمَّ مِنْ مُضْغَةٍ مُّخْلَقَةٍ وَغَيْرِ
مُخْلَقَةٍ لِّنُبَيِّنَ

«Эй, одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиласынан бўлсангиз, бас, Биз сизга баён қилишимиз учун сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра алақадан, сўнгра битган-битмаган бир чайнам гўштдан яратдик» («Ҳаж» сураси, 5-оят).

Аллоҳ, таоло инсонни тупроқдан яратганигини ҳозирги замон илми ҳам таъкидлайди. Агар инсон жисмидан бир бўлагини олиб, унда қандай модда борлиги текшириб кўрилса, тупроқдаги моддалардан ҳеч фарқ қилмас экан. Шунинг ўзи ҳам инсон тупроқдан яратилганлигига ёрқин далилдир.

Қуръони Каримнинг «Қоф» сурасида шундай дейилади:

وَنَزَّلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً مُّبَرَّكًا فَأَنْبَتْنَا بِهِ جَنَّتٍ وَحَبَّ الْحَصِيدِ
وَالنَّخلَ بَاسِقَتِ لَهَا طَلْعٌ نَصِيدٌ ﴿١٦﴾ رِزْقًا لِلْعِبَادِ وَأَحَيَنَا بِهِ
بَلَدَةً مَيَّتَنَا كَذَلِكَ الْخُرُوجُ

«Ва осмондан барака сувини туширдик, ҳамда у билан боғ-трефларни ва дөн ҳосилини ўстирдик. Ва зич мевали шингиллари бор хурмоларни ҳам. Бандаларга ризқ қилиб. Ва у (ёмғир) билан ўлган шаҳарни тирилтиридик. (Қабрдан) чиқиш ҳам шундай бўладир» (9–11-оятлар).

Аллоқ таоло мана шу оятда қайта тирилиш мүмкінлегини үсімліклар ва дараҳтлар мисолида баён қылди. Әмғир ёғандан сүңг, ундан фойдаланған үсімліклар ва дараҳтлар үсади, ерга жон киради. Худди шунга үхаш, қиёматда ҳам одамларга жон кириб, қайта тириладилар.

ҚИЁМАТ КУНИНИНГ ДАХШАТЛАРИ

Күръон қиёмат кунининг барча борлықни тутиб кетадиган даҳшатларини баён қилишга ҳам аҳамият берган. Ўша кунда бутун дунёда үзгариш рўй беради. Қуёшнинг нури йўқолиб, ўз жойидан қўзғалади. Нурини йўқотган юлдузлар ҳам ҳар тарафга сочилиб кетади. Улкан тоғлар эса ҳавода учиб юради. Ваҳший ҳайвонлар ҳам қўрққанидан бир ерга гуж бўлиб олади. Денгизу дарёлар тошиб, сувлари бир-бирига аралашиб кетади. Руҳлар жисмларга қайтиб киради. Ҳар бир кишининг бу дунёда қилган ишларининг номаи аъмоли ҳисоб учун келтирилади. Осмон ўз ҳолатини үзгартириб, низомсиз бир нарсага айланиб қолган. Дўзахга қаттиқ ўт ёқиб қиздирилади. Тақводорлар учун эса жаннат ҳозирланиб қўйилган. Ҳамма нарсанинг ҳоли үзгарадиган ушбу кунда ҳар бир шахс ўзининг бу дунёда қилган ишларига қараб мукофот ёки жазо олади. Яхши ишлар қилган бўлса – жаннатга, ёмон ишлар қилган бўлса – дўзахга йўл олади.

ОХИРАТДАГИ ҲИСОБ

Инсон ўз атрофида яхшилик билан ёмонлик кураш олиб бораёттганининг гувоҳидир. Кўпинча бу курашда ёмонлик ғолиб чиқади. Бир одам ўзининг қисқа умри давомида яхшиликнинг ёки ёмонликнинг оқибати нима бўлганини билиб олиши қийин. Инсон яхшилик ғолиб кела олмаганини ва ёмонликка яраша жазо берилмаганини

күриб, афсус чекади. Энг одил бўлмиш Аллоҳ, бу дунёда бўлмаса ҳам, у дунёда барча яхшиликка мукофот ва ёмонликка жазо бериши муқаррар. Қуръони Каримда ҳар бир инсон қилган ишлари учун ҳисоб-китоб қилиниши муқаррар эканлиги ҳақида кўп сўз юритилган. «Қиёмат» сурасида тасвирлаб айтиладики, ўша кунда кўзлар даҳшату ҳайратда қолади, Ой ўз ўрнидан жилади ва Қуёш иккови бир-бирига қўшилиб кетади. Борлиқ, тартиб деган нарса қолмайди. Шундай бир даҳшатли ҳолатда, қўрқинчда қолган инсон, қаерга қочсам бўларкин, қаердан бошпана топсам экан, деб қолади. Албаттa, Аллоҳдан бошка қочадиган жой ва бошпана йўқ. Ана шу кунда ҳар бир инсон ўз қилган ишлари учун жавоб беради. У вақтда ҳеч қандай узр қабул қилимайди. Ҳисоб-китобдан сўнг, тақводор мўмин-мусулмон кишилар жаннатга киритиладилар ва бу жаннатда моддий ва мъянавий неъматлардан хоҳлаганларича баҳраманд бўладилар. Ёмон иш қилган кишилар эса, дўзахга киритиладилар ва у ерда кучли оловда ёндирилиб, қаттиқ азобларга дучор бўладилар.

ҚАДАР

Ислом душманлари таъна тошини отадиган масалалардан бири қазо ва қадар масаласидир. Уларнинг айтишича, бу масала мусулмонларнинг кучсиз бўлишига, илм, фан ва маданиятда фарбликлардан ортда қолиб кетишларига асосий сабаб эмиш. Чунки, қадарга ишониш, уларнинг фикрича, барча куч ва қувватни bemажол қилиб, дангасалик ва ҳар нарсани фойибдан кутишга олиб борар экан. Ҳолбуки, пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломдан иймоннинг асосларини сўрашганда, қазо ва қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳдан эканлигига Иймон келтириш шу асослардан бири эканлигини айтиб ўтганлар.

Бунинг маъноси: дунёдаги барча яхшилик ва ёмонлик маълум ўлчовга биноан, Аллоҳ, хоҳлаган сабабларга кўра бўлади, деганидир. Албатта, Аллоҳ, таоло барча нарсани ўз иродаси билан яратган ва борлиқдаги барча нарсани ўз илми билан билгандир.

Агар қадар сўзини Қуръони Карим суралари бўйича яхшилаб ўргансак, бир нарсани маҳсус ўлчов билан ўлчаш ё тортиш ёки маълум қоидага биноан муайян тарафга йўллаш маъноларини билдиради. «Мўминун» сурасида шундай дейилган:

وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً يُقَدَّرُ فَأَسْكَنَاهُ فِي الْأَرْضِ

«Биз осмондан ўлчов ила сув тушириб, уни ерга жойлаштиридик» (яъни, муайян миқдорда) (18-оят).
«Раъд» сурасида эса:

اللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَحْمِلُ كُلُّ أُنْثَى وَمَا تَغْيِضُ الْأَرْحَامُ وَمَا تَزَادُ دُوَّلُ كُلُّ شَئٍ عِنْدَهُ بِمِقْدَارٍ ﴿١٨﴾

«Аллоҳ ҳар бир урючининг ҳомиласини ҳамда бачадонлар нуқсон ёки зиёда қиладиган нарсаларни биладир. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида ўлчовлидир», дейилган (8-оят).

Шулардан кўринадики, Аллоҳ, яратган барча нарсаларнинг ўзига хос одатлари, қоида-қонунлари ва тартибли ўлчовлари бор. Мисол учун: ҳомиладор бўлиш ёки бўлмаслик, бола-чақанинг кўп ёки оз бўлиши ва шунга ўхшашлар. Инсон ҳам шу борлиқнинг бир бўлаги бўлгани учун бу қонун-қоидалар унга ҳам тегишлидир.

«Абаса» сурасида шундай дейилган:

مِنْ أَيِّ شَيْءٍ حَلَقَهُ لَيْسَ مِنْ نُطْفَةٍ حَلَقَهُ فَقَدْ رَأَهُ

«Уни қайси нарсадан яратди? Нутфадан яратди. Уни яратди ва уни ўлчовли қилди» (18, 19-оятлар).

Замон ҳақида ҳам шундай дейилади:

وَاللَّهُ يُقْدِرُ أَيْمَلَ وَالنَّهَارَ

«Ва Аллоҳ кечаю кундузни Ўзи ўлчайдир»
(«Муззаммил» сураси, 20-оят).

«Фурқон» сурасида эса:

وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدْرُهُ نَقْدِيرًا

«Ҳар бир нарсанни ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир», дейилади (2-оят).

Шу нарсалардан күрініб турибиди, Қуръони Каримда қазою қадар масаласи мұмін-мусулмонларга борлықнинг мустаҳкам низоми борлиги ва улар бардавом қонун-қоидалар бўлиб, турли сабабларга кўра жорий бўлиб туриши, Аллоҳ яратган нарсаларда қамчилик ва кўр-кўронга иш олиб бориш йўқлигини билдириб туради. Шундай эътиқодда бўлган кишилар доимо борлиқдаги ўша низом ва қоидаларни ўрганишга ҳаракат қиласидилар, уларнинг сабабини билишга интиладилар.

Инсоннинг ихтиёри

Энди, Қуръони Каримда инсон ихтиёри масаласи қай тарзда ҳал қилинганини кўриб ўтайлик. Мушриклар ўзларининг ёмон ишларининг сабаби Аллоҳнинг иродаси ва хоҳиши эканлигини баҳона қилишганда, Аллоҳ таоло уларга қаратады. Қуръони Каримда шундай деган:

سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكَنَا وَلَا مَا بَأْتَنَا

وَلَا حَرَّمَنَا مِنْ شَيْءٍ كَذَّالِكَ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ حَتَّىٰ ذَاقُوا
بَأْسًا ثُقُلَ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ فَتَخْرُجُوهُ لَنَا إِنْ تَبْيَعُونَ إِلَّا
الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ قُلْ فِيلَهُ الْحُجَّةُ الْبَلْغَةُ فَلَوْ شَاءَ
 لَهُدَّاكُمْ أَجْعَيْنَ

«Ҳали, ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганда биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик ва бирор нарсаны ҳаром қилмас эдик», дерлар. Улардан олдингилари ҳам азобимизни татигунларига қадар шунга ўхшаш ёлғонга чиқариб турғанлар. «Сизнинг ҳузурингизда бизга чиқариб кўрсатдиган бирон илм-хужжат борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар фақат ёлғон гапирмоқдасизлар», деб айт. Сен: «Етук ҳужжат Аллоҳнинг Ўзиадир. Агар хоҳласа, ҳаммангизни ҳидоятга солар эди», деб айт» («Анъом» сураси, 148, 149-оятлар).

Шундан очиқ-ойдин кўриниб турибдики, агар Аллоҳ таоло барча одамларнинг бир йўлда бўлишини хоҳласа, уларни тўғри йўлга бошлаган бўлар эди. Лекин одамлар муайян йўлга юришга мажбур эмаслар. Аллоҳ таоло ўз хоҳиши билан тўғрини нотўғридан, ҳақни ноҳақдан ажратиб, одамларга тушунтириш учун пайғамбарлар юборди ва одамларга истаган йўлига юриш ихтиёрини берди.

«Инсон» сурасида шундай дейилган:

 إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّيْلَ إِمَامًا كَرَأَوْ إِمَامًا كَفُورًا

«Албатта, Биз унга йўл кўрсатдик. (У эса) ёки шукур қилувчи, ёки куфр қилувчи бўлди» (Зоят).

Бошқа бир оятда эса:

وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيَكُفِرْ

«Сен: «Бу ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсін, ким хоҳласа, куфр келтирсін», дегін» («Қаҳф» сураси, 29-оят).

Аллоҳнинг хоҳиши одамларни түғри йўлга бошлиш ва ёмон йўлдан қайтариш учун пайғамбарлар юборища намоён бўлса, инсоннинг хоҳиши икки йўлдан бирини танлашда намоён бўлади. Қуръони Каримнинг кўпчилик ояларида инсоннинг ихтиёри ўзида бўлиб, у қилган ишларидан жавобгар эканлиги баён этилган. Агар инсон яшёттан жамиятда ёмонлик тарқаса, майишатида турли камчиликлар пайдо бўлса, буларнинг барчасига унинг ўзи сабабчидир.

«Рум» сурасида шундай дейилган:

ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ

«Одамлар қўллари касб қилган нарсалар туфайли қуруқликдао денгизда фасод зохир бўлди» (41-оят).

«Шўро» сурасида эса:

وَمَا أَصَبَّكُمْ مِنْ مُصِيبَةٍ فِيمَا كَسَبَتْ أَيْدِيْكُمْ

«Сизга қайси бир мусийбат етса, бас, ўз қўлингиз қилган касбдандир», дейилган (30-оят).

«Фуссилат» сурасида эса:

مَنْ عَمِلَ صَلِحًا فَلِنَفْسِهِ وَمَنْ أَسَاءَ فَعَلَيْهَا وَمَارِبُكَ يَظَالَمُ لِلْعَبْدِ

«Ким солиқ амал қылса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қылса, ўзига зарар. Роббинг бандаларга зулм қылгувчи эмас», дейилган (46-оят).

Куръони Каримда жамият ишини яхшилаш учун, ҳаётни фаровон, турмушни чароғон қилиш учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган. «Раъд» сурасида шундай дейилган:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ

«Албатта, то бир қавм ўзларини ўзgartирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзgartирмас» (11-оят).

Куръони Каримда келтирилган бу иборалардан очик-оидин күриниб турибдики, инсоннинг иродаси ва қылган иши савобга ёки азобга сабаб бўлар экан. Бу, Ислом душманларининг «Ислом ўзига эргашганларни тараққиётдан қолдиради ва уларнинг ҳаётларини бузади», деган тухматларининг фирт ёлғон эканлигини кўрсатади.

Ҳидоят ва залолат

Ҳидоятга бошлаш ёки залолатни раво кўриш Аллоҳнинг қўлидадир. Бу дегани, баъзилар ўйлаганидек, «Инсоннинг ихтиёри ўзида эмас, у барча ишларни мажбур бўлганидан қиласи», деган фикрга олиб келмаслиги керак. Ҳидоят ва залолат Аллоҳнинг қўлида, деган фикрнинг сабаблари Қуръони Каримда тушунтириб айтилган:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي النَّاسَ أَلَّا يَتَّبِعُوا الظَّالِمِينَ

«Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят этмас» («Муғада» сураси, 51-оят).

«Зумар» сурасида эса:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كَذِبٌ كَفَّارٌ

«Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва коғир кимсағ ларни ҳидоят қилмас» (3-оят).

«Соф» сурасида:

فَلَمَّا زَأْعَوْا زَأْعَانَ اللَّهَ قُلُوبَهُمْ

«Улар (ҳақдан) бурилган эдилар, Аллоҳ уларнинг қалбини буриб қўйди», дейилган (5-оят).

Демак, инсонга мос бўлмаган ёмон сифатларга эга бўлган кишилар Аллоҳнинг ҳидояти ва раҳматига сазовор эмасдир. Аллоҳнинг ҳидояти яхши сифатларга, гўзал инсоний фазилатларга эга бўлган кишиларга берилади.

«Тағобун» сурасида:

وَمَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ يَهْدِ قَلْبَهُمْ

«Ким Аллоҳга иймон келтирса, У зот унинг қалбини ҳидоятга солур» (11-оят);

«Раъд» сурасида эса:

قُلْ إِنَّ اللَّهَ يُضْلِلُ مَنْ يَشَاءُ وَهُدِيَ إِلَيْهِ مَنْ أَنَابَ

«Сен: «Албатта, Аллоҳ кимни хоҳласа, залолатга кетказадир ва Ўзига йўналганларини ҳидоят қиладир», деб айт», дейилган (27-оят).

Ислом дини ҳар бир инсон ўз иродасига эга эканлигини тан олади. Лекин бу хоҳиши ва ирода Аллоҳнинг хоҳиши ва иродасидан ташқарига чиқа олмайди.

Ажал ва ризқ ўлчовлидир

Ажал түғрисида Қуръони Каримда шундай деңгелеген:

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تَمُوتَ إِلَّا يَأْذِنُ اللَّهُ كَثِيرًا مُّؤْجَلًا

«Хеч бир жон Аллоҳнинг изнисиз ўлмас. Бу ёзилган ажалдир» («Оли Имрон» сураси, 145-оят).

أَئِنَّمَا تَكُونُ نُوَيْدِ كُلُّ الْمَوْتِ

«Қаерда бўлсангиз ҳам, ўлим сизни топадир» («Нисо» сураси, 78-оят).

Бу оятлар ҳаётдаги биз кўриб турган нарсаларни тасдиқлади. Ҳар куни кўрамизки, ажал тақдирдан бўлиб, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Кимдир юриб туриб, бирданига вафот этади, унинг ҳеч бир касали ҳам йўқ. Ҳатто, баъзи бир шифокорларнинг айтишича, инсон тугилган кундан бошлаб ҳаётининг тугашида иштирок этадиган микробларга эга бўлар экан. Инсоннинг ажали тақдирдан бўлса, унинг ризқи ҳам ўлчовлидир.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида:

إِنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ

«Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ беради», деган (37-оят).

Қадарга ишонишнинг фойдаси

Қадарга бўлган ишонч ўз эгасини доимо ҳаракатда бўлишга чорлайди. У ўз фойдасини ҳаракатдан топади. Бу ишим самарали бўлмаса, кейингиси

самара берар, деб доимо яхши умид билан иш олиб боради. Чунки, унга нима тақдир қилингани маълум эмас, белгилари ҳам йўқ. Қадарга бўлган ишончнинг ҳикматларидан яна бири, инсон бошига мусийбат етганида қайгуни енгиллаштиришадир. Шунингдек, ҳаётида муваффакиятларга эришган чоғида ҳам ўзини йўқотиб қўймайди, балки барча нарсани Аллоҳдан деб билиб, мусийбат етганда сабр қиласди, яхшиликка эришганда шукр қиласди.

مَا أَصَابَ مِنْ مُّصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنفُسِكُمْ إِلَّا فِي
 كِتَبٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَبَرَّأُهَا إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ
 لَكَيْلَاتٌ سَوْا عَلَى مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرَحُوا بِمَا أَتَنَاكُمْ

«Бирор мусийбатни пайдо қиласимииздан олдин у Китобда битилган бўлур, акс ҳолда, ер юзида ва ўз шахсларингизда сизга бирор мусийбат етмас. Албатта, бу иш Аллоҳ учун осондир. Токи, кетган нарсага қайғуриб, келган нарсадан хурсанд бўлмаслигиниз учун» («Ҳадиг» сураси, 22, 23-оятлар).

Шу оятда Аллоҳ айтадики, инсонга бирор мусийбат етса, бу аввалдан тақдир қилинган нарсадир. Инсон бунинг учун қайгу чекиб ўзини қийнамаслиги зарур. Чунки, тақдирда бор нарса у хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам содир бўлиши муқаррар. Шунингдек, унга бир яхшилик етса ҳам, бу тақдирдаги нарса бўлиб, инсоннинг хоҳишига қарамай бўлиши муқаррар бир нарсадир. Бунинг учун инсон ортиқча хурсанд бўлиб, ҳовлиқмаслиги зарур. Қадарга бўлган ишонч кишини шижоатли, қўрқмас, сахий ва карамли қиласди. Чунки, у киши ажали ва ризқи ўлчовли эканлигига, дунё-даги барча ишлар Аллоҳнинг қўлида эканлигига ишонади. Шунинг учун ҳам, ўз халқини, ватанини ва миллатини ҳимоя қилишда ўлимдан

ҳам қўрқмайди. У «ризқ бергувчи Аллоҳнинг Ўзи» деган эътиқодда бўлгани учун, камбагал бўлиб қолишдан чўчимай, бева-бечораларга, муҳтожларга хайру эҳсонлар қилади. Шунга ўхшаш, қадарга бўлган ишончнинг ҳар бир киши ва ҳар бир жамият учун манфаатлари беҳад кўпдир.

ИСЛОМ ВА РУҲИЙ ҲАЁТ

Ислом мухолифлари бу муқаддас динни айблаш мақсадида «Ислом моддапараст дин, унда руҳонийлик етишмайди» ёки «Ислом қонун-қоидалардангина иборат, унда ахлоқий, руҳий таълимотлар жуда кам», деган сўзларни айтганлар.

Ҳақиқатни айтганда, бу икки гумон катта хатодан иборатдир. Ислом руҳий таълимотларни инсонга ажойиб бир услуг билан тақдим қилганди, бу нарса бошқа ҳеч бир динда йўқ. Куйида Исломдаги руҳий таълимотлар ҳақида қисқача гапириб ўтамиз:

Инсон руҳ ва моддадан иборатдир.

Инсон икки нарсадан ташкил топган.

Биринчиси, моддий нарса бўлиб, у ўсади, ҳараткат қилади.

Иккинчиси эса, моддий нарса бўлмай, ўзига хос бошқа бир ҳолатлардан иборат бўлиб, фикрлаш, билиш, ирода, яхши кўриш, ёмон кўриш, яхши ахлоқ ёки ёмон ахлоқ каби нарсалардан иборатдир. Шу икки тарафнинг ўзига яраша талаблари бўлиб, уларни қондиришга ҳаракат қилинади. Жисм овқат, ичимлик ва жинсга рағбат қилади. Руҳ, эса, ўзига хос рағбатларга эга. Руҳ билан жисм қўшилганда эса, ўзига яраша янги қийинчиликлар пайдо бўлади ва шу қийинчиликларни енга олиш ёки енга олмасликка қараб инсонлар турли тоифаларга бўлинадилар. Кўпчилик ўз шаҳватларига берилиб кетиб, инсонлик даражасидан ҳайвонлик даражасига тушиб қоладилар. Улар ҳаёт деганда, турли овқат ва ичимликларни ҳамда шунга

ўұшаш моддий фаровонликнигина тушунадилар. Баъзи бирлари ҳавойи нафсга берилиб, ҳайвондан ҳам паст даражаларга юз тубан кетадилар. Шунинг учун, Қуръон руҳий ҳаётта алоҳида эътибор берган. Бу ҳаётнинг асосини Аллоҳға ишониш ташкил қиласы. Бу нарса инсонни олий даражаларга олиб чиқади ва инсоният жамиятининг асил кишилари қиласы. Сүнгра, Қуръон инсонни үз нафсини бошқара оладиган ва фақат яхши нарсаларнигина қиласынан этиб тарбиялашга уңдайди. Инсон үз қалбини турли шаҳвватлардан, ҳасаддан, фисқу фасоддан ва бошқа зарарлы касалыклардан мусаффо қилиши зарур. Токи, барча кишилар ўзаро муҳаббатда, биродарликда ва тинчликда яшасин.

Дунё руҳий маданиятта муҳтож

Бутунги кунда дунё руҳий маданиятта муҳтождир. Оlam моддий тараққиёт таъсири остида ўзининг баркамоллигига эришди, деган фикр охирги 30 йил ичида чиппакка чиқди. Бу асрда эришилган моддий тараққиёт кишиларни саодатта эриштириш йўлида үз самарасини бермади. Аксинча, инсониятта бадбаҳтлик ва вайронагарчилик келтирган иккита жаҳон урушига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда ҳам кучлилар кучсизларга үз ҳукмини ўтказишига уриниб келмоқда. Бир жинс иккинчисини ёмон кўришда давом этмоқда. Шу ва шунга ўұшаш кўпгина нарсалар руҳий бойликларга эга бўлмаган ёлғиз моддий тараққиёт касодга учрашини яққол кўрсатиб турибди. Буюк ҳинд шоири Рабинранат Тагор моддий маданиятни танқид қилиб, унга руҳий маданият қўшилмаса фойдаси йўқлигини таъкидлаб ўтишдан аввал үз шогирдларидан бирига қуйидаги сўзларни айтиб, ёздириб қолдирган эди: «Илмий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар табиатдаги нарсаларни яхшилаши, сайқаллаши мумкин, лекин инсонни ҳеч нарса қила ол-

майды. У нарса кишига рухий камолотта эришиши учун йўл қўрсатиб бера олмайды. Чунки, менимча, рухий камолот моддий тараққиётта боғлиқ нарса бўлмай, бизнинг қалбларимиздан жой олган нарсадир. У моддий жиҳатдан қолоқ ҳалқларда ҳам, тараққиётта эришган ҳалқларда ҳам бир хил бўлади. Шундай экан, қўлимизда келганча рухий нарсаларни изламогимиз керак. Биздан аввал ҳам кўпчилик кишилар бу ҳақиқатта эришганлар, рухий камолотда тимсол бўла олганлар. Агар уларда биздагичалик илм ва моддий тараққиёт бўлмаса ҳам, улар тарбия ва мулоҳаза йўли билан улкан рухий тараққиётта эрищдиларки, бу тараққиёт кейинчалик ўзининг буюк самараларини берди. Улар эришган нарса нима эди? Бу нарсалар яхшилик, муҳаббат, биронни ўзидан юқори қўйиш, фидокорлик каби фазилатлар эди. Шу нарсаларга эришганимизда, қалбимиз тинч бўлиши, кишилар ўртасида дўстлик, биродарлик ҳукм сурини учун ҳеч қандай қонун ёки тузумга муҳтоҷ бўлмас эдик. Энг ажабланарлиси шундаки, ҳозирги кунда маданиятимиз тараққиётта эришиш учун қонун ва тузумларни ислоҳ қилишга уринади, лекин рухий қувваттага суюнишга ҳаракат қилмайди. Менимча, болаларимизга электр токининг фойдаларига қўшиб, ўзаро муҳаббатнинг фойдаларини, кўмир ва темирнинг манфаатларига қўшиб, очиқкўнгиллик ва раҳимдилликнинг манфаатларини ҳам ўқитмоқ даркор. Бошқача қилиб айтганда, улар ўқиёттан илмларга абадий қоладиган рухий сифатларни ҳам қўшиб юбормоқ даркор. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга эриша олмаймиз».

Бошқа динлардаги рухий низомлар

«Исломда рухий низом қандай?» деган саволга жавоб беришдан аввал бошқа динларда бу масалага қандай қаралишини қисқача эслаб ўтайлик. Уларда «руҳ билан жасад доимо келишолмай юради» де-

ган фикр бор. Шунинг учун ҳам, уларнинг эътиқодича, рух билан жасад ёнма-ён туриб тараққиётта эриша олмайди. Жасад рух учун қамоқдир. Дунё ишлари, унинг лаззатларидан баҳраманд бўлиш киши руҳини кишанлаб қўядиган ёмон нарсалардир. Шу фикр натижасида улар руҳий йўлни моддий йўлдан ажратишда моддий нарсани устун қўйганлар. Руҳни устун қўйганлар эса, уни тараққий эттириш учун турли йўлларни ахтариб, дунёвий ишлардан четда қолганлар. Улар «руҳни ривожлантираман» деб, жасадни қийноққа солганлар, ўзларига бадани қийновчи турли машқларни ихтиро қилганлар, баъзилари эса овқат ейишни қисқартирганлар. Бошқа бирлари эса, баданларга оғир бўлсин деб, темир занжирларни осиб юрганлар. Ҳаттоқи, мих устида ўтирадиган ёки ётадиганлари ҳам бор. Христиан дини таркидунёчиллик дини бўлиб, жасадни қўйиб, эътиборни фақат ҵуҳга қараттан.

ИСЛОМДА ИНСОННИНГ ДУНЁ БИЛАН АЛОҚАСИ

Ислом, бошқа динлардан фарқ қилган ҳолда, руҳий ва моддий талабларга ўртача адолат билан қарайди. У, инсонга моддий манфаатлардан ва лаззатлардан тўғри йўл билан фойдаланишини ман қилмайди. Қуръони Каримнинг кўпгина оятлари руҳий ва моддий манфаатларни бирдек кўришга чакиради.

«Қасас» сурасида:

وَأَبْتَغِ فِيمَا آتَنَاكَ اللَّهُ الْدَّارُ الْآخِرَةُ وَلَا تَنْسِ نَصِيبَكَ
 مِنْ الدُّنْيَا وَأَحْسِنْ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ

«Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унумта. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил», дейилган (77-оят).

Ислом мусулмонларга турли зийнатлар ва ман-фаат, лаззат ато қылгувчи нарсалардан оқилона фойдаланишга рухсат берган.

«Аъроф» сурасида:

﴿ يَبْنِيَءَادَمَ خُذُوازِينَتَكُرْعَعْنَدَ كُلَّ مَسَجِدٍ وَكُلُوَاشَرُوبُواوَلَا
شَرِفُوا إِنَّمَهْ لَا يُحِبُّ الْمُسَرِّفِينَ قُلْ مَنْ حَرَمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ
لِعِبَادَوْهُ وَالظَّبَابَتِ مِنَ الْرِّزْقِ قُلْ هَيَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا
خَالِصَةً يَوْمَ الْقِيَمَةِ ﴾

«Эй, Одам болалари, ҳар бир ибодат чори-да ўз зийнatingизни олинг. Еб-ичинг ва ис-роф қилманг. Чунки, У зот исроф қилувчи-ларни севмас. Сен: «Аллоҳ, Ўз бандаларига чи-қарған зийнатларни ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!» деб айт. «Улар ҳаёти дунёда иймон келтирғанларга, қиёмат кунида эса фақат ўзларига хосдир», деб айт», дейилган (31, 32-оятлар).

Аллоҳ таоло мүмінларни бу дунё ва охират нарсаларини қүшиб дуо қилишга йўлмаган.

У зот «Бақара» сурасида:

﴿ فَإِذَا قَضَيْتُم مَنَاسِكَكُمْ فَأَذْكُرُوكُرْلَهُ كَذِكْرُكُرْ
ءَابَاءَكُمْ أَوْ أَشَكَّ ذِكْرًا فَمَنِ الْكَافِرُ مَنْ يَكْتُلُ
رَبِّنَا ءَائِنَا فِي الدُّنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلَقٍ ﴾
وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ رَبِّنَا ءَائِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَهُ وَفِي الْآخِرَةِ
حَسَنَهُ وَقَنَاعَدَابَ الْتَّارِيْخِ أَوْلَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِمَّا كَسَبُوا
وَاللَّهُ سُرِيعُ الْحِسَابِ ﴾

«Одамлардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда бергин», дейди ва унга охиратда насиба йўқдир. Ва улардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин», дейди. Ана ўшаларга қилган касбларидан насиба бор. Ва Аллоҳ тез ҳисоб қилувчиdir», деган (200–202-оятлар).

«Моида» сурасида эса:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُحَرِّمُوا طَبِيبَتِ مَا أَحَلَ اللَّهُ لَكُمْ وَلَا
تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٦٧﴾ وَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ
حَلَالًا طَبِيبًا وَأَنْقُوَ اللَّهُ أَذْنَى أَنْتُمْ بِهِ مُؤْمِنُونَ ﴿٦٨﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилмангиз. Ҳаддингиздан ошманг. Албатта, Аллоҳ ҳаддидан ошувчиларни севмас. Ва Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан енглар. Ўзингиз ишонган Аллоҳга тақво қилинг», дейилган (87, 88-оятлар).

Мулоҳаза қилинса, шу оядта Аллоҳ, таоло ўзи ҳалол қилган нарсадан одамлар ўзларини олиб қочишини «ҳаддан ошишлик» деб таърифлайди. Бу эса, руҳий ва моддий табиятдаги одил йўлдан четта чиқишлик, демакдир. Қуръон моддий манфаатларни тушунтириб бериб айтадики, Аллоҳ ер юзидаги барча нарсаларни инсон манфаати учун яратгандир.

«Бақара» сурасида шундай дейилган:

هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا

«У сизлар учун ер юзидаги барча нарсанни яратган Зот» (29-оят).

«Жосия» сурасида эса:

وَسَخَرَ لَهُمْ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ جِبِيلًا مِنْهُ إِنَّ فِي ذَلِكَ
لَآيَاتٍ لِفُؤُورٍ يَنْفَكِرُونَ

«Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни – ҳаммасини Ўз томонидан бўйсундириб қўйди. Албатта, ана шунда тафаккур қиладиган қавм учун оят – белгилар бордир», дейилади(13-оят).

Шу икки оятда инсон моддий оламнинг султони эканлигига очик-оидин ишора бор. Бу эса, Қуръони Каримнинг мўъжизаларидан биридир. Чунки, бу ҳақда 15 асрдан аввал ҳеч ким сўз юритмаган. Инсон дунёдаги кўп нарсаларни ўз манфаати учун бўйсундириб олганини даъво қилаётган бугунги кунда айтишимиз мумкинки, Ислом бу нарсани ҳаммадан олдин кашф қилган ва бу ҳақида кишиларга башорат бериб, уларни олға чорлаган.

Шу ҳақда пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом айтадиларки: «Исломда таркидунёччилик йўқ». Чунки, таркидунёччилик салоҳиятли кишиларни ўзидан бошқаларни ўйламайдиган қилиб қўяди. Улар ибодатхоналарда беркиниб олсалар, дунёнинг ишлари салоҳиятсиз, фосик, ёмон фикрли кишиларнинг қўлига ўтиб қолади. Ҳақиқатни айтганда, Исломдаги руҳий ва моддий талабларга тенг қарашлик инсон ҳаётига мос ва зарур нарсадир.

Аллоҳ, таоло инсонни фақат моддий манфаатлар орқасидан қувадиган ёки фақат руҳий ибодатлар билан машғул бўладиган қилиб яратгани йўқ. Балки, ҳар икки тарафга ҳам ҳожати тушадиган ва ҳар икки тарафни тўғри бошқариб борса, камолга етадиган қилиб яратган. Ҳаддан ташқари руҳий нарсаларга берилиб кетишдан кўра ўртacha ҳолатда бўлиш инсон жамиятига мос нарсадир. Бу таълимот фақат Исломда бор, холос.

Охиратнинг дунёдан афзаллиги

Ислом рух билан жасад орасида ўртача йўл тутиб, икковлари тенг даражада, деб қўйган эмас. Балки, Аллоҳнинг ҳикмати тақозоси билан, Ислом илм ва табиат қонунларига асосан бино қилинган. Илм айтадики, «Соф танда – соф ақд». Руҳий тараққиёт тананинг кўп ҳожатларидан маҳрум қилиниши орқали ҳосил бўлмайди, балки ўша ҳожатларни ўртача ҳолда қондириш лозим, шу билан бирга, Қуръон таъкидлаб ўтадики, охират ҳаёти бу дунё ҳаётидан яхшидир. Ҳар бир мусулмоннинг кўзлаган мақсади руҳий камолотга эришишдир. Шунинг учун, Аллоҳ одамларни охиратга яхши ишлар билан тайёргарлик кўрмай бу дунё ҳаётига берилиб кетишдан қайтаради.

«Худ» сурасида шундай дейилган:

مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَرَبَّنَاهَا نُوفِ إِلَيْهِمْ أَعْمَلُهُمْ فِيهَا
وَهُمْ فِيهَا لَا يُخْسِنُونَ ﴿١٥﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ لَيَسَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ إِلَّا أَنَّكُارُ
وَحِيطَمَا صَنَعُوا فِيهَا وَبَطَّلُ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾

«Кимки бу дунё ҳаётини ва унинг зийнатини хоҳласа, бу борадаги амалларининг (самараси)ни тўлиқ берурмиз. Улар бунда камситилмаслар. Ана ўшаларга охиратда дўзах оловидан бошқа ҳеч вақо йўқдир. Бу дунёда қилган ишлари ҳабата бўлди ва қилган амаллари ботил бўлди» (15, 16-оятлар).

Аллоҳ таоло ўзига яқин бандаларини шундай сифатлайди:

وَقَيْلَ لِلَّهِنَّ أَتَقَوُ مَاذَا أَنْزَلَ رَبُّكُمْ قَالُوا خَيْرًا لِلَّهِنَّ

أَحْسَنُوا فِي هَذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةً وَلَدَارُ الْآخِرَةِ خَيْرٌ وَلَنَعْمَ دَارُ
 **الْمُتَقِّينَ**

«Ва тақво қилғанларга: «Роббингиз нимани нозил қилди?» – дейилди. Улар: «Яхшиликни», дедилар. Чиройли амаллар қилғанлар учун бу дүнёда чиройли (мукофот) бордир. Албатта, охират диёри яхшироқдир. Роббилиарининг диёри нақадар яхшидир» («Наҳұл» сураси, 30-оят).

Куръони Каримда охиратнинг бу дунёдан афзалиги турли оялтарда айтиб ўтилган. Мисол учун, «Анкабут» сурасида шундай дейилган:

وَمَا هَذِهِ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا لَهُوَ وَلَعِبٌ وَإِنَّ الدَّارَ الْآخِرَةَ
 لِهِيَ الْحَيَاةُ الْأَوَّلُ كَانُوا يَعْلَمُونَ

«Бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулгидан иборатдир. Агар билсалар, охират диёри, ана ўша, ҳақиқий ҳаётдир» (64-оят).

«Анфол» сурасида эса:

تُرِيدُونَ عَرَضَ الدُّنْيَا وَاللَّهُ يُرِيدُ الْآخِرَةَ

«Сизлар дунёning ўткинчи матоҳини истарсизлар. Аллоҳ эса, охиратни истар», дейилган (67-оят).

Бу дунё ҳаётидан афзал охират ҳаёти борлигига ишониш, дунёда мусибат еттан, азобда қолған кишилар күнглини тинчлантиради. Шунингдек, бу эътиқод мүминлар ҳаётида ноумидлик, муваффакиятсизлик содир бўлган дамларда уларни янги руҳий қувват билан қувватлантириб, бу мусибатларга нисбатан бардошли бўлишга чорлайди.

**Бу дунё ҳавасларига
ғуурланишдан қайтариш**

Күръон бу дунё ҳавасларини сифатлаган вақтда уларни танқид қилиб, улар билан ғуурлан-масликка чақиради.

«Ҳадид» сурасида шундай дейилган:

اَعْلَمُوا اَنَّمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا لَعْبٌ وَهُوَ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌ بَيْنَكُمْ
وَتَكَاثُرٌ فِي الْأَمْوَالِ وَالْأُولَادِ كَمُثُلٍ غَيْرِهِ أَعْجَبَ الْكُفَّارَ بِنَاهْئِهِمْ
بِهِيجُ فَتْرَنَهُ مُصْفَرَّاً مِمَّا يَكُونُ حُطَنَمًا وَفِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَغْفِرَةٌ
مِنَ اللَّهِ وَرَضِوانُ وَمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا إِلَّا مَنْعُ الْغُرُورِ

«Билингки, албатта, бу дунё ҳаёти ўйин, күнгил эрмаги ва зеб-зийнатдан, ўзаро фахрланишдан, мол-мulkни ва бола-чақани күпайтиришдан иборатдир. Худди ўсимлиги дәхқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдыр. Кейинроқ бу ўсимликлар қурийдир ва сарыайганини күрасан. У, сұнгра, хас-чүпга айланиб кетадыр. Охиратда эса, қаттық азоб бор, Аллохдан мағфират ва розилик бор. Бу дунё ҳаёти ғууруга кетгазувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас» (20-оят).

«Қаҳф» сурасида бу дунё ҳаёти қуидагида тасвириланады:

وَأَسْرِبْ لَهُمْ مَثَلُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَاءِ أَنْزَلْنَاهُ مِنَ السَّمَاءِ فَأَخْنَاطَ
بِهِ نَبَاسُ الْأَرْضِ فَأَصْبَحَ هَشِيمًا نَذْرُوهُ الْرِّيحُ وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ
مُقْنَدِرًا بِالْمَالِ وَالْبَنُونَ زِينَةُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَالْبَقِيَّةُ الصَّالِحَاتُ
خَيْرٌ عِنْدَ رَبِّكَ ثَوَابًا وَخَيْرٌ أَمْلَا

«Уларга ҳаёти дунёниг мисолини келтир. У, Биз осмондан туширган сувга ўхшайдыр. Унинг сабаби ила ер набототлари аралашыб чиқди. Бас, хашакка айланиб, уни шамол учирив кетди. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир бўлган Зотдир. Мол-мулк, бола-чақа ҳаёти дунё зийнатидир. Боқий қолгувчи солиҳ амаллар Роббинг ҳузурида савоб ва умид жиҳатидан яхшироқдир» (45, 46-оятлар).

Бу оятда Аллоҳ, дунёниг ўткинчилигини бир ўсиб кўкарған, сўнгра эса қуриб, шамол учирив кетган ўсимликка ўхшатади. Шунинг учун ҳам, пулдор мол-мулк эгалари бу нарсалар билан фурурланмасликлари лозим. Яхши ишлар эса, Аллоҳ ҳузурида ўз эгасига беҳисоб савоблар келтиради.

Дунё имтиҳондан иборат

Куръон бу дунё ҳаётини кишиларнинг «имтиҳон жойи» деб таърифлайди. Бу дунё ҳаёти охират саодатига эришиш учун воситадир. Ҳаётнинг барча соҳаси, оиласи шароит, бозор, ишхона, чойхона ёки парламент ва бошқалар – барчаси кишиларнинг имтиҳон жойларидир. «Анкабут» сурасида шундай дейилган:

أَحَسِبَ النَّاسُ أَنْ يُتْرَكُو أَنْ يَقُولُوا أَمَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ
وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ
الْكَاذِبِينَ

«Одамлар «иймон келтиридик» дейишлари ила имтиҳон қилинмай тарқ этилишларини ўйладиларми? Ва, батаҳқиқ, Биз улардан олдингиларни ҳам имтиҳондан ўтказгандыз. Бас, Аллоҳ, албатта, содиқ бўлганларни ҳам билажак, ёлғончиларни ҳам билажак» (2, 3-оятлар).

Оятнинг маъноси шуки, кишилар кўпинча «иймон келтирдик» деб айтсак, шунинг ўзи кифоя қилади, биз ҳақиқат йўлида юрган бўламиз, деб ўйлайдилар. Шу билан бирга, бу йўлда имтиҳон, синовга дучор бўлишларини унугтиб қўядилар. Аллоҳ таоло аввалги умматларини турли синовлардан ўтказган. Шундан сўнгтина росттўйлар ёлғончилардан ажраби чиққан. Исломда нажотта эришиш фақат «шу динга мансубман» дейиш билан бўлмайди, балки кенгчилик ва қийинчилик соатларида Ислом таълимотларига бир хил амал қилган кишигина ҳақиқий мусулмон бўлади. Дунёдаги яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, аслида, имтиҳон учундир.

«Мұхаммад» сурасида шундай дейилади:

وَنَبْلُونَكُمْ حَتَّىٰ تَعَلَّمَ الْمُجَهِدِينَ مِنْكُمْ وَالصَّابِرِينَ وَنَبْلُو أَخْبَارَكُمْ

«Ва таъкидки, Биз сизларни синаймиз, токи сизлардан муjoҳидларни, сабрлиларни билсак ва хабарларингизни(амалларингизни) имтиҳон этсак» (31-оят).

«Анбиё» сурасида эса:

وَنَبْلُوْكُمْ بِالشَّرِّ وَالْخَيْرِ فِتْنَةً وَإِلَيْنَا تُرْجَعُونَ

«Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз ҳамда Бизгагина қайтарилурсиз», дейилган (35-оят).

«Мулк» сурасида эса:

تَبَرَّكَ الَّذِي بِيَدِهِ الْمُلْكُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ الَّذِي خَلَقَ
الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِبَلْوُكُمْ إِنَّكُمْ أَحَسَنُ عَمَلاً

«Қўлида мулк бўлган У зот улув, муқаддас бўлди. У барча нарсага қодирдир. У ўлим ва

ҳаётни сизларнинг қайсиларингиз амалда яхшироқ эканлигингизни синаш учун яраттандир», деган оят бор (1, 2-оятлар).

Ҳаётта шундай назар билан қараш кишиларда юксак ахлоқий фазилатларни келтириб чиқаради. Шунингдек, инсонлар руҳини ёмонликлар устидан ролиб келишга тайёрлайди.

Дабдабабозлик иллатлари

Руҳий қоидалар күпгина лаззатлардан ва бадан хоҳлаб турган нарсалардан воз кечишни талаб қиласи. Бу эса, дабдабабозликка, ҳойи ҳавасга берилган кишиларда содир бўлиши қийин. Чунки, шу ҳашаматчилик ўз эгасининг иродасини заифлаштириб қўйган бўлиб, доимо лаззат ичида бўлишни хоҳлайди, янги уфқларга назар солмайди, ўз халқининг тараққиёти ва гуллабяшнаши учун қайфурмайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ исроғчиларни, дабдабабозларни ҳар бир яхшиликнинг душмани, ҳақиқатни кўра билмайдиганлар, доимо унга қарши турадиганлар, деб сифатлаган. Улар доимо Аллоҳнинг пайғамбарларига ҳам қарши чиққанлар.

«Сабаъ» сурасида шундай дейилган:

وَمَا أَرْسَلْنَا فِي قَرْيَةٍ مِّنْ نَذِيرٍ إِلَّا قَالُوا مَنْ تَرْفُوهَا إِنَّا بِمَا أَرْسَلْتُمْ
بِهِ كَفِرُونَ ﴿١٧﴾ وَقَالُوا نَحْنُ أَكْثَرُ أَمْوَالًا وَأَوْلَادًا وَمَا نَحْنُ
بِمُعَذَّبِينَ ﴿١٨﴾

«Қайсики бир шаҳар-қишлоққа огоҳлантиргувчи юборсак, албатта, унинг майишатбозлари: «Биз, албатта, сиз ила юборилган нарсага куфр келтиргувчилармиз», дедилар. Улар: «Бизнинг молу дунёмиз, бола-чақамиз кўпроқ. Биз азоблангувчи эмасмиз», дерлар» (34, 35-оятлар).

Аллоҳ, яна, уларни «турғун ҳолатдагилар», «тақ-лид қилювчилар» деб сифатлаган. Улар ҳеч қандай янгиликка эътибор қилмайдилар. Аллоҳ тао-ло пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломга қарата Қуръони Каримнинг «Зухруф» сурасида шундай дейди:

وَكَذَلِكَ مَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ فِي قَرْيَةٍ مِنْ نَزِيرٍ إِلَّا قَالَ مُرْفُوهَا إِنَّا
وَجَدْنَا آءَابَاءَنَا عَلَىٰ أَمْمَةٍ وَإِنَّا عَلَىٰ أَشَرِهِمْ مُقْتَدُونَ

«Худди шунингдек, Биз сендан илгари ҳам қайси бир қишлоқ-шаҳарга огоҳлантиргувчи юборсак, албатта, унинг зодагонлари: «Таъкид-ки, биз ота-боболаримизни бир динда топдик ва, албатта, биз уларнинг изларидан эргашгувчилардирмиз», дедилар» (23-оят).

Дабдабозлар ёмон ишларга доим тайёр турған кишилардир. Чунки, уларнинг қоринлари түк бўлиши, лаззатга берилишлари, чўнтаклари пулга тўла бўлиши ҳаётдаги ягона мақсадлариdir. Буюк франсуз адаби Монтескъе шундай деган эди: «Ҳашаматчилик республикачиликнинг икки турига ҳам фасодни келтиради. Демократчиликда кишиларнинг ватанпарварлик руҳини кетказди. Аристократларда эса, обрўли кишиларни шахсий манфаатлари ортидан юришга мажбур қиласди. Шу билан, барча оффатта учрайди».

Қуръони Карим эса, ҳашаматчилик ва исрофгарчилик барча умматни ҳалокатта олиб келади, дейди. Шунинг учун, ҳашаматчилар ва уларнинг фасодларига қарши уруш очиш керак. Уларни қонун чегарасидан чиқармаслик зарур. Чунки, факат ҳашаматчининг ўзигина эмас, балки унга йўл очиб берган жамият аъзолари ҳам биргаликда ҳалокатта учрайдилар.

«Исрө» сурасида шундай дейилган:

وَإِذَا أَرْدَنَا أَنْ شَهِلَكَ قَرَيْهَةً أَمْرَنَا مُرِفِّهَا فَسَقُوا فِيهَا فَحَقَّ عَلَيْهَا الْقَوْلُ

فَدَمَرَ نَهَارَدَمِرَا

«Қачон бир шаҳарни ҳалок этишни истасак, унинг майишатпарастларини (итоатга) амр қилурмиз, бас, улар у(шаҳар)да фисқ қилурлар. Шунда унга «сўз» ҳақ бўлур. Бас, Биз у(шаҳар)-ни мутлақо вайрон қилурмиз» (16-оят).

Бу оятнинг маъноси шуки, агар бирор ерни Аллоҳ таоло бутунлай ҳалокатта учратиши ирова қилган бўлса ҳам, албатта, ўша ерда содир бўлаётган гуноҳ ишлар учун у ерга уқубатни юбормаймиз, дейди. Балки, ўша ернинг ҳашаматчи, дабдабабозларини тоатта буюрамиз, улар эса бўйсунмайдилар. Оқибатда, қилган гуноҳлари ва фахш ишлари учун азобга дучор бўладилар. Шу билан бирга, дабдабабозлик ва ҳашаматчилик ҳар бир миллатда кўплаб кишиларнинг камбагал, оч-ночор бўлишига сабаб бўлади. Жамиятнинг баъзи бир аъзолари зарурий нарсаларни топа олмай, оч-ночор юрсалар-у, бошқа бир аъзолари ҳашаматчилик, дабдабабозлик билан машғул бўлсалар, албатта, орада келишмовчилик чиқади ва бу бориб-бориб ўзаро курашга айланиб, жамиятни ҳалокатта учратиши мумкин. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ, дабдабабозларни «золимлар ва жиноятчилар» деб атаган.

Афсуслар бўлсинким, бизнинг асримизда молдунё учун кураш авж олиб кетди. Бу эса, одамларни Аллоҳдан ва яхши хулклардан узоқлаштириди ҳамда бутунги кунда оламнинг бошига кўпгина ташвишлар келтираётган муаммоларни вужудга келтириди. Куръон таълимотлари худди шу иллating заарларини баён қилиш, одамларни молдунёга бутунлай берилиб кетишдан қайтаришга қаратилган. Чунки, ҳаромдан топилган мол-дунё кишини йўлдан оздиради, диндан чиқаради. Аллоҳни унуттиради.

Қуръон мүмин бандаларни сифатлаб шундай дейди:

رِجَالٌ لَا نُلْهِمُهُ بِحَدْرَةٍ وَلَا يَبْعُدُ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيَّاهُ
الرِّزْكُوْهُ يَخَافُونَ يَوْمًا ثَقَلَ فِيهِ الْقُلُوبُ وَالْأَبْصَرُ

«Бир кишиларки, уларни тижорат ҳам, олди-сотди ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни тўкис адо этишдан ва закот беришдан машғул қила олмас. Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган кундан қўрқарлар» («Нур» сураси, 37-оят).

Ҳа, мүмин кишиларни мол-дунё Аллоҳнинг зикридан қолдирмайди, улар қиёмат кунидан қўрқиб намоз ўқийдилар, закот берадилар. Аллоҳ бошқа бир оятда ўзининг розилиги ва раҳмати мол-буюм тўплашдан яхши эканлигини эслатиб ўтади:

وَرَحْمَتُ رَبِّكَ خَيْرٌ مِمَّا يَجْمَعُونَ

«Роббингнинг раҳмати улар жамлайдиган нарсадан яхшидир» («Зухруф» сураси, 32-оят).

Сўнгра, Қуръон мол-дунёнинг ҳақиқатини баён қилиб, ундан келиб чиқадиган ёмонликларни эслатиб ўтади.

Қуръон мол-дунёнинг кўплиги Аллоҳнинг розилигига далил эмаслигини, Аллоҳга фақат иймон ва яхши ишлар билан яқин бўлиш мумкинлигини айтиб ўтган:

وَقَالُوا نَحْنُ أَكْثَرُ أَمْوَالًا وَأَوْلَادًا وَمَا نَحْنُ بِمُعَذِّبِينَ قُلْ إِنَّ
رَبِّي يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ وَلَنِكَنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ
وَمَا أَمْوَالُكُمْ وَلَا أَوْلَادُكُمْ بِالَّتِي تُقَرِّبُونَ كُمْ عِنْدَنَا زُلْفَىٰ إِلَّا مَنْءَامَنَ

وَعَمِلَ صَنْدِحًا فَأُولَئِكَ هُمُّ جَزَاءُ الظَّفِيفِ بِمَا عَمِلُوا وَهُمْ فِي الْغُرْفَةِ

ءَامِنُونَ

«Улар: «Бизнинг молу дунёмиз, бола-чақамиз күпроқ. Биз азоблангувчи эмасмиз», дерлар. Сен: «Албатта, Роббим хоҳлаган кишисига ризқни кенг қилур ва тор қилур. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар», деб айт. На молу дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизни Бизнинг ҳузуримизга яқин қила олмас. Магар ким иймон келтирган ва солиҳ амал қилган бўлса, ана ўшаларгагина қилган амаллари туфайли кўпайтирилган мукофот бордир» («Сабаъ» сураси, 35, 37-оятлар).

ҚУРЬОНИ КАРИМ

ҚУРЬОНИ КАРИМ

Қуръони Карим Аллоҳ таоло томонидан ўз пайғамбари Мұхаммад алайхиссаломга туширилган ваҳий бўлиб, у зотдан бизларгача сон-саноқсиз кишилардан нақл орқали етиб келган ва самовий китобларнинг охиргиси ҳисобланади. Ваҳий ўзи нима ва у Мұхаммад алайхиссаломга қандай келганилиги билан танишиб чиқайлик.

Ваҳий Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбарига юборган диний қўрсатмаларидир. Ваҳий фаришталар орқали юборилиши ёки бевосита Аллоҳ таоло билан роз айтиш (гаплашиш) воситаси-ла бўлиши мумкин. Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом тажрибаларида эса, ваҳий қўйидагича кечган:

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо айтадиларки:

1. «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийнинг биринчи келиши ўнгидан келган туш бўлган. Кўрган ҳар бир тушлари уйғоқлик вақтларида ҳам худди тонг ёргуфидек келар эди.

2. Фаришта ўзи кўринмай туриб, Пайғамбар қалбларига керакли хабарни етказар эди.

3. Қўнғироқ чалингандек овоз чиқариб келар эди.

4. Жаброил фаришта Пайғамбаримизга одам шаклида бўлиб кўринар эдилар».

Шу тўғрисида «Саҳиҳ Бухорий» китобида қўйидаги ҳадиси шариф келтирилган:

«Ҳорис ибн Ҳишом Пайғамбаримиздан: «Ё Расулуллоҳ, сизга ваҳий қандай келади?» – деб сўрабди. Шунда ул жаноб қўйидаги жавобни берибдилар: «Аҳёнда худди қўнғироқдек жаранглаб келади, шуниси менга қийин. У кеттгандан кейин ҳамма нарсани мен ўзимда сингдириб олган бўламан. Гоҳида эса, фаришта менга одам шаклида келиб сўзлаб кетади ва унинг айттганларини англаб оламан».

5. Фаришта ўзининг асл шаклида кўринади ва ваҳийни етказади.

6. Аллоҳ таоло Пайғамбар алайҳиссалломга меърож кечасида намозни фарз қилиш ва шунга ўхшаш баъзи нарсаларни бевосита ваҳий қилган.

Кўринадики, ваҳий хилма-хил тарзда нозил бўлган.

Бироқ, бу ҳодисага шубҳа билан қаровчилар кўп. Ҳатто, Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётида юз берган ушбу ҳодисанинг ҳақиқий эканлигини тан олиш у ёқда турсин, айри гумроҳлар буни «гастерия касаллигининг бир тури» деб талқин қиласидар ҳам. Гўёки, пайғамбаримиз гастерия хасталиги билан оғриғанлар-у, биз «ваҳий» деб атаган нарса аксари бе-морлик ҷоғида кечадиган жазава, босинқирашдан фарқ қилмас эмиш.

Бундай фикрнинг хато ва туҳмат эканлигини исботлаш қийин эмас. Зоро, гастерия касаллиги зўриқиши ҷоғида бемор инграйди, бақиради-чақиради, алмойи-алжойи ҳаракатлардан, пойинтар-сойинтар сўзлардан ўзини тўхтата олмайди. Касаллик хуружи қайтгач, бемор бояги «қилиқ»ларининг биронтасини эслаб қололмайди. Муҳаммад алайҳиссаломда эса бундай аломатлар мутлақо юз бермаган. Аксинча, у киши ваҳий дамларида аён бўлган жумла, ибора ва сўзларнигина эмас, балки ҳарфларигача, барча оҳанг ва талафуздаги мусиқавийлиги билан ёд олиб қолганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ваҳийнинг ҳақиқат эканлигига ўзида ишонч тудира олмаган кишилар Қуръони Каримнинг нозил бўлиши илоҳий бир ҳодиса эканлигига ҳам Иймон келтира олмайдилар.

Қуръон тушишининг бошланиши

Макка. Хиро гори. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ёлғиз ибодат қилмоқдалар. Шу ҷоқ «Иқро» сурасининг айрим оятлари нозил бўла бошлади. Бу, Қуръони Карим тушишининг аввали эди! Қуръон шу тариқа Аллоҳ таоло томони-

дан ўз бандаларига нозил этила бошланди! Таъбир жоиз бўлса, Қуръони Каримнинг тушиши 23 йил мобайнида давом этди.

Қуръон суралардан иборат. Сура Қуръони Каримнинг бир бўлаги, у уч ёки ундан ортиқ оятни ўз ичига олади.

Қуръони Каримда 114 сура бўлиб, ҳар бирининг ўз номи бор. Баъзи сураларнинг аталиши унинг дастлабки сўзларидан олинган. Айримлариники эса мазкур сурада кўпроқ зикр этилган нарсаларнинг номига қўйилган.

Қуръон суралари икки қисмга бўлинади:

1. Пайғамбаримизнинг ҳижрат қилишларидан муқаддам тушган суралар («Маккий суралар», яъни «Маккада тушган суралар» дейилади).

2. Ҳижратдан сўнг тушган суралар («Мадийний суралар», яъни Мадийнада нозил бўлган суралар). Маълумки, Мұҳаммад алайҳиссалом ўқиши-ёзишни билмаганлар. У киши Қуръон оятларини фариштадан эшишиб, ёд олганлар ва шундан сўнгтина мусулмонлар учун ўқиб эшигтирганлар. Ўша кезларда саводли кишилар кам бўлганидан, ёзиш воситалари тақчиллигидан кишилар ваҳийни – Қуръони Каримнинг илк оятларини ёд ола бошлаганлар. Хатсаводни эгаллаган Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб сингари зотлар Мұҳаммад алайҳиссалом ҳузурларида хурмо пўстлогига, япалоқ-ясси тошларга, ҳайвон суяги ёхуд терига Қуръон сўзларини қайд этиб борганлар. Пайғамбаримиз ҳар бир янги оятнинг қайси сурага таалмуғли эканлигини ва ўрнини дастлабки Ислом мирзалирига тушунтириб берганлар.

Қуръон суралари шу тариқа 23 йил асносида ёд олинган ва хатта битилган.

Қуръони Каримнинг жамланиши

Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом ҳаётлик вақтларида «Яна ваҳий тушиб қолар» деган умидда

Күръон жамланиб, китоб шаклига келтирилмаган. У зотнинг вафотларидан кейин Күръон кишиларнинг қалбида ва ёзган нарсаларида сақланиб қолди.

Мұхаммад алайхиссаломдан сүнг мусулмонларга Абу Бакр розияллоху анҳу бошлиқ этиб сайландилар. Бу кишининг даврида диндан қайтганлар билан мусулмонлар орасида қаттиқ жанглар бўлди. Шу жангларда Күръони Каримни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар шаҳид кетдилар. Шунда ҳазрати Умар розияллоху анҳу Абу Бакр розияллоху анҳу «Қорилар ўлиб кетаверса, Күръонга зарар етishi мумкин, шунинг учун уни китоб шаклида жамлаб қўйиш керак», деган маслаҳатни бердилар.

Аввал бошда Абу Бакр разияллоху анҳу иккяланиб турдилар, чунки бу иш пайғамбар алайхиссалом ҳаётлик чоғларида қилинмаган эди. Кейинроқ эса Абу Бакр розияллоху анҳу ҳам Күръони Каримни китоб шаклига келтириб қўйиш зарур эканлигини англаб етдилар ва Зайд ибн Собит номли саҳобани чақириб, бу ишни амалга оширишни унга топширдилар. Чунки Зайд ибн Собит розияллоху анҳу пайғамбар алайхиссалом билан жуда кўп бирга бўлган, Күръони Каримни ниҳоятда яхши ёд олган ва уни пайғамбар алайхиссалом ҳузурларида ёзган, пайғамбаримиз вафот этадиган йиллари Жаброил фариштага Күръони Каримни аввалидан охиригача ўқиб ўтказганларида бирга бўлган эдилар.

Шундай қилиб, Зайд ва Умар розияллоху анҳумолар маشاқатли уринишлардан кейин Күръони Каримни кийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзиб бўлдилар ва боғлаб Абу Бакр розияллоху анҳунинг уйида сақлаб қўйдилар. У киши оламдан ўтгандан кейин саҳифалар ҳазрати Умар розияллоху анҳунинг уйларида, у кишидан сүнг эса қизлари, пайғамбаримиз алайхиссаломнинг хотинлари Ҳафса онамиз ихтиёларида қолди.

Вақт ўтиши билан Ислом давлатининг чегараси кенгайиб, кўплаб араб бўлмаган халқлар ҳам мусул-

монликтин қабул қылға, Қуръони Каримни ўқишида түрли келишмовчиліктер чиқа бошлады. Бу ҳолатни күрган ўша вактдеги халифа ҳазрати Усмон роазияллоху анху Ҳафса онамиздан Абу Бакр розияллоху анху давридаги саҳифаларни сүраб олиб, бұнда күчиришга буйруқ бердилар. Нұсхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёллардаги марказий шаҳарларга биттадан нұсхага биттадан қори қўшиб жўнатдилар ва ҳаммага Қуръони Каримни фақат шу нұсхадан кўчириш ва шу қоридан қироатни ўрганиш бўйича буйруқ бердилар.

Дунёда ҳеч бир уммат ҳеч бир китобга, Ислом уммати Қуръони Каримга эътибор берганидек, аҳамият берган эмас. Юқорида баён эттанимиздек, биринчи оятлар тушган вактдан бошлабоқ аввало пайғамбаримиз ёдлар, сўнг мусулмонларга ўқиб берар, ёзишни билганларга ёздириб қўяр эдилар.

Бошқа муқаддас китоблар сингари Қуръон маҳсус бир тоифа кишилар кўлида сақланмади. Бу ҳолат эса, Қуръонга ҳар ким истаганича ўзгартириш кириптан, деган фаразларни истисно этади. Зоро, Қуръон омманинг кўз ўнгида, шоҳиддигида тушганидан сўнг ҳам доимо омманинг наздида бўлди. Турмущдаги барча чигалликлар, маслаҳату ҳукмлар Қуръон кўрсатмаларига асосан чиқарилди. Қуръон мусулмонларнинг диний, ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ягона қўлланмага, доимий йўлбошчига айланди.

Хулоса келиб чиқадики, Қуръон кимларнинг-дир хоҳиш-истагига кўра ўзгартирилган ёки ўзгартиш киритилаверадиган китоб эмас. Аллоҳ таолонинг Ўзи бунга йўл қўймасликни ушбу сўзларида таъкидлагандир:

إِنَّا نَحْنُ نَرَأَنَا الَّذِي كُرَوْ إِنَّا لَهُ لَحَفْظُونَ

«Албатта, зикрни Биз нозил қылдик ва, албатта, уни Биз мұхофаза қилурмиз» («Ҳижр» сураси, 9-оят).

Қуръони Каримнинг тушиш ҳолатлари

Қуръони Карим узлуксиз эмас, балки 23 йил мобайнида тарқоқ ҳолда тушди. Гоҳо бир оят, айрим ҳолларда ўнтағача оят кетма-кет ваҳий орқали нозил бўлди.

Оятларнинг ана шундай аста-секин нозил бўлиши уларнинг кишилар онгига яхшироқ сингиши ва қалбларга жо бўлишини осонлаштирган. Қолаверса, атроф-муҳит воқеалари, шарт-шароитта мос оятлар тарқоқ ҳолда бўлса-да, ўз ўрнида нозил бўлгани учун ҳужжат сифатида эътиборга тушган ва мўъжизакор қуввати шунга қараб ортган.

Башарти, Қуръон оятлари тарқоқ ҳолда эмас, балки пайдарпай тушган тақдирда ҳам, кишиларда «Биз бунчалик кўп йўл-йўриқларни бажара олмаймиз» деган баҳоналар туғилиши эҳтимолдан холи эмас. Қуръони Каримнинг тушиш тартиби одамларни ана шундай малолликдан халос этган.

Қуръони Каримнинг тарқоқ тушишида ҳикмат кўп. Чунончи, ҳар қандай ҳалқ аждодларидан ўтиб келган ва ўзи яшаётган тартиботлар, урф-одатлар ва расм-русумлардан бирданига воз кечиб юбормайди. Бу, аста-секинлик билан содир бўладиган жараёндир. Қуръон оятларининг тарқоқ ҳолда ва йиллар мобайнида тушишида ҳамда Исломий тартиб-қоидалар кишилар ҳаётида қарор топа боришида ҳам ушбу омил ҳисобга олинган бўлса, не ажаб.

Оятларнинг тарқоқ тушишидаги яна бир ҳикмат шундаки, бу ҳол уни ёд оловчиларга (хусусан хат-саводи бўлмаган саҳобалар учун) қулайлик туғдирган.

Ер юзидағи ҳеч бир ҳалқ ўзида мавжуд бирор китобида ё оғзаки ижодида Қуръон сураларига ўхшаш бирорта сурә келтиришга ожизлиги Қуръони Карим ҳақиқатан Аллоҳнинг қаломи эканига яна бир далилdir.

Қуръон тушишидан олдин ва хусусан Қуръон тушаётган пайтда арабларда сўз санъати –

адабиёт (шеърият), ваъзхонлик бениҳоя олий дарражада эди. Улар йил мобайнида бир неча сайд ва маросимлар ташкил этишар эди. Хусусан, Үкоз деган жойда шеърхонлик ва ваъзхонлик бобида катта-катта мусобақалар ўтказилар, нуфузли ҳайъат аъзолари ҳакамлигидә ғолиблар аниқданар эди.

Араблар бу қадар сўз санъатини улуғлашининг, маҳоратлари даражаси улканлигининг икки сабаби бор эди:

1. Одатда сахро ҳаёти кишиларни хаёлчанликка ундейди, воқеликни шоирона идрок этиш эса, хаёлчанлик мевасидир. Араблар шундай шароитда яшаганлар.

2. Айни чорда, улар қабила-қабила бўлиб яшаганлар. Бу тарзда ҳаёт кечириш ўзаро уруш, зиддият, тортишувларсиз бўлиши мумкин эмаслиги табиий.

Яъни, ҳар бир қабила қўшни қабилага нисбатан (орада жанжалли низо бўлмаган тақдирда ҳам) ўз қадр-қимматини сақдашга, ўз фахри-ифтихорини кўз-кўз қилишга интилган. Бундай устунликнинг ягона йўли сўзга чечанлик, шоирлик эди. Мушоира устига мушоиралар, мубоҳасалар изидан мубоҳасалар, турган гап, сўз санъатини олий мақомларга кўтараверган. Айни чорда, сўз санъати соҳиблари ниҳоятда қадрланган, эъзозланган.

Куръони Каримнинг сеҳрли оятлари ана шундай тарзда яшаёттган бир халқ ҳузурига тушибшга раво кўрилди. Арабистон яrim ороли халқдари Аллоҳ таоло қаломини биринчи бўлиб ўз қалбларига жо этдилар.

Шу ўринда мантиқ ила қуролланган тафаккуримизни ишга солайлик-да, «Башарти, Аллоҳнинг сўзлари юқорида биз айтиб ўтган даражадаги сўз сеҳргарларини лол қолдирмаса, Куръони Карим бу даражада муваффақият қозона оларми?» — деган саволни ўртага ташлайлик-чи. Куръони Карим суралари арабларнинг ҳассос шоирларини ҳам лол қолдирмадими?!

Ҳа, энг мумтоз сўз соҳиблари ҳам Куръони Карим оятларининг битмас-тутганмас мўъжизаси

олдида бош әгдилар. Тиллари лол қолди уларнинг.

Табиийки, илохий оялтарни ҳамма бирдан ва бирдек қабул қылмади. Коғирларнинг етакчилари янги динга ва Мұхаммад алайхиссаломнинг пайғамбарликларига иймон келтирмадилар. Аксинча, турли қаршиликлар күрсатдилар: Қуръони Каримни «оддий шеър» дедилар, гоҳ «қадимги халқлар афсоналари» дедилар. Мұхаммад алайхиссаломни эса, дам телбага, дам фолбинга чиқардилар.

Лекин уларнинг ҳар қандай ҳаракатлари зое кетаверди.

Кези келганды яна бир дағыл келтиrsак: Арабларнинг сўзга чечанлигини айтдик. Хусусан, суҳандонлиқда «елкаси ер искамас»лиги учун сўнгсиз мубоҳасаю мушоирадан қайтмайдиган шоири ваъзхонлар ўзларига рўпара келадиган рақибни енгиш учун доимо имкон ва маҳорат топганлар. Шундай экан, Қуръони Карим ҳам уларга бир рақиб маъносида тушди-ку. Нега улар Қуръон сураларидан ўтказиб бирор жумла ясай олмадилар? Нега энди уларнинг ижодий салоҳияти Қуръони Карим чақириқлари олдида бу қадар ожизлик қилиб қолди? Нега энди кейинчалик учраган бирор бузғунчи: «Агар араблар истасалар, Қуръонга тенглашадиган китоб яратар эди», деган даъво билан бош кўтартмади? Нега шундай?

Бу борада ҳам адолат Қуръон тарафида. Зоро, Аллоҳ даставвал араблардан Қуръон сингари бир нарса ижод этишни талаб қилди. Мазкур талаб Қуръони Каримнинг ушбу сўзларида мужассам:

قُلْ فَأَتُوا بِكَيْنَ بِمِنْ عِنْدِ اللَّهِ هُوَ أَهْدَى مِنْهُمَا أَتَبْعَهُ إِنْ
كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿١﴾ فَإِنْ لَمْ يَسْتَحِبُّوا لَكَ فَاعْلَمْ أَنَّمَا
يَتَّبِعُونَ أَهْوَاءَهُمْ وَمَنْ أَضَلُّ مِنْ أَنْتَ بِهُوَنَهُ بِغَيْرِ هُدَىٰ مِنْ
اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٢﴾

«Сен: «Агар ростгүйлардан бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузуридаги у иккисидан кўра тўғрироқ бир китоб келтиринг, мен унга эргашаман», дегин. Агар сенга жавоб бера олмасалар, бас, билгинки, улар фақат ҳавои нафсларига эргашмоқдалар, холос. Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавои нафсига эргашгандан кўра ҳам гумроҳроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас» («Қасас» сураси, 49, 50-оятлар).

Ушбу оят Куръони Каримдан 47 та сура тушган вақтда бўлган. Уни эшитган араблар Куръонга бас келадиган китоб яратиш тараддудига тушганлар, бироқ ҳарчанд уринмасинлар, бунинг удасидан чиқолмаганлар. Куръони Каримнинг «Исрө» сурасида айни шу ҳолат алоҳида таъкидланган, яъни одамлар, ҳатто жинлар билан бирлашган тақдирда ҳам, Куръонга бас келадиган китоб яратса олмаслиги баён қилинган.

قُل لَّيْنَ أَجْمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُ عَلَىٰ أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا
يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِيَعْضِلُ طَهِيرًا ﴿٤٧﴾

«Агар инсу жинлар тўпланиб, ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтирмоқчи бўлсалар, бунда баъзилари баъзиларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, унга ўхшашини келтира олмаслар» («Исрө» сураси, 88-оят).

Қуръони Каримнинг адолатпарварлигини, Аллоҳ марҳаматининг чексизлигини кўрингки, Қуръони Каримдаги ушбу таъкиддан сўнг иккичи босқичда кишиларда янада ортиқча шубҳа-гумон қолмаслиги учун уларни холис «имтиҳонга» чорлайди. Яъни, «Ҳуд» сурасида тубандаги оятларни ўқиймиз:

أَمْ يَقُولُونَ كَأَفْرَنَهُ قُلْ فَأَتُوا بِعَشَرِ سُورٍ مُّشَّلِهِ مُفَرِّيَتٍ

وَأَدْعُوكُمْ أَسْتَطِعُكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِيْنَ ﴿١﴾ فَإِنَّمَا
يَسْتَحِبُّوْلَكُمْ فَاعْلَمُوا أَنَّمَا أُنْزِلَ عِلْمٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَأَنَّ لَآ إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَهُمْ
أَنْتُمْ مُسْلِمُوْكُمْ

«Ёки: «Үзи түқиб олди», дерларми? Сен: «Бас, агар ростгүй бўлсаларингиз, Аллоҳдан бошқа кимни чақиришга қодир бўлсангиз, чақириб, бунга ўхшаш ўнта тўқилган сурा келтиринг-чи», дегин. Агар жавоб бера олмасалар, бас, билинг-ки, у фақатгина Аллоҳнинг илми или нозил қи-лингандир. Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Энди мусулмон бўларсизлар?!» (13, 14-оятлар).

Табиийки, шубҳа-гумон эгалари Қуръони Каримнинг бу шарти олдида ҳам ожиз эканликларига ўзлари амин бўлдилар.

Учинчи босқичда Қуръони Карим улардан битта сурা келтиришни талаб қилди. «Бақара» сурасида Аллоҳ, таоло бу ҳақда шундай дейди:

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَبِّ مِمَّا زَلَّنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأَنُّوْا بِسُورَةٍ مِنْ مِثْلِهِ
وَأَدْعُوكُمْ شَهَادَةَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِيْنَ ﴿٢﴾ فَإِنَّمَا
تَفْعَلُوْكُمْ وَلَنْ تَفْعَلُوْا فَأَنْقُوا النَّارَ إِلَيْكُمْ وَقُوْدُهَا أَنَّاسٌ وَالْجَاهَةُ
أُعِدَّتْ لِلْكُفَّارِينَ

«Ва агар бандамизга туширилган нарсамизга шакингиз бўлса, унга ўхшаш бир сурा келтиринг ва рост сўзловчилардан бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг. Бас, агар қила олмасанглар, ҳеч қачон қила олмайсизлар ҳам, ёқилғиси одамлар ва тош бўлган, кофирлар учун тайёрланган ўтдан қўрқинглар» (23, 24-оятлар).

Бундай сүзларни одамларга қарата баралла айтишга ёлғиз Аллоҳгина қодир! Ўз бандаларининг ижодий салоҳиятини билган Аллоҳгина шундай қарорга келган ва уни баралла эълон қилган.

Мана, Куръони Карим нозил бўлгандан буён неча асрлар ортда қолди, бу фоний дунёдан не-не уламою фузалолар, шоири давронлар яшаб ўтмади, лекин биронта инсон фарзанди Куръони Карим оятларининг охорини тўқадиган сўз ижод қиломади, бильякс, Куръон мўъжизалари тан олинаверди.

Қуръони Каримнинг мўъжизаси фақат араб тили балоғат ва фасоҳати билан чекланиб қолмаган. Ўша, Қуръони Карим нозил бўлиб турган пайтдаги одамларни лол қолдириш учун бошқа мўъжизалар ҳам келтирилган. Буларнинг ичида келажак ишлар ҳақида хабар бериш мўъжизаси ҳам бор эди. Биргина мисол келтирайлик.

Аллох таоло «Рум» сурасида қуидагиларни айтади:

الْمَرْءُ عَلِيَّتِ الرُّومَ فِي أَدْفَأِ الْأَرْضِ وَهُمْ مِنْ بَعْدِ غَلَبِهِمْ
سَيَغْبَيُونَ فِي بِضَعِ سِينٍ لِلَّهِ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلٍ وَمِنْ بَعْدٍ
وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَخُ الْمُؤْمِنُونَ يَنْصُرِ اللَّهُ يَنْصُرُ مَنْ
يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ

«Алиф. Лам. Мийм. Рум мағлуб бўлди. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар. Саноқли йилларда. Ундан оддин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир. Ўша кунда мўминлар шодланурлар. Аллоҳнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азизу роҳиймдир» (1-5-оятлар).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Пайгамбарликларининг бешинчи йили (613 милодий) Рум ва Форс императорлеклари орасида жуда катта

ва қонли уруш рўй берди. Ўша пайтда Форсга Хусрав II, Румга Ҳеракл подшоҳлик қиласарди. Бу икки давлатнинг ўзига яраша ерлари, аскарий куч-қувватлари бор эди. Ўша даврда Фаластин, Сурғия, Миср, Ироқнинг бир қисми ва Кичик Осиё Румга тобе эди. Мазкур урушда форсликлар Румга икки томондан ҳужум қилдилар. Дажла ва Фурот дарёлари бўйлаб Сурғия ерларига, Озарбойжон ва Арманистон тарафдан Кичик Осиёга бостириб кирдилар. Форс лашкарлари Рум кучларини икки жабҳада ҳам енгид, денгизгача таъқиб этиб бордилар. Улар Суриядаги насороларнинг барча муқаддас шаҳарларини эгалладилар. 614 милодий йилида бутун Фаластинни, жумладан, Қуддусни ҳам қўлга олдилар. Уруш давомида барча канисалар йиқитилди, диний бинолар хароб этилди. Форсликлар йигирма олти минг яхудийни ва олтмиш мингдан зиёд христианни қиличдан ўтказдилар. Форс подшоҳи саройига ўлдирилган одамлардан ўттиз мингининг калласи келтирилди.

Уруш ҳаракатлари Мисрга ҳам етиб борди. 616 милодий йилида форсликлар Нил водийсини ишғол қилдилар. Сўнгра Искандарияга юриш қилдилар. Бошқа томондан эса, бутун Кичик Осиёни қўлга киришиб, ўша пайтдаги Рум пойтахти Кустантанияга (Константинополга), унинг олдидағи бўғозга етиб келдилар. Форсликлар қаерни босиб олсалар, у ерда оташпаратлик ибодатхонаси қуарар ва шу йўл билан христианлик ўрнига оташпаратликни жорий қиласар эдилар. Бу катта мағлубиятдан сўнг Рум императорлигига қарашли бир қанча вилоят ва ўлкаларда марказий давлатта қарши исён кўтарилди. Африқо ва Оврупадаги бир қанча ўлкалар, ҳатто пойтахтта қўшни баъзи ўлкалар ҳам империя қарамоғидан чиққанларини эълон қилди. Қисқаси, шарқий Рум императорлиги парчаланди. Лашкар тарқалиб кетди. Хазина бўшаб қолди. Император Ҳеракл пойтахтни тарқ этиб, Қартажага қочди. Фалабадан сарҳуш бўлган форсликлар бирқанча

шартларни қўйдилар. Император форсликларга, жумладан, минг юк тилло, минг юк кумуш, минг юк ишак, минг от, мингта аёл бериши шарт эди. Рум императорлиги бу талабларнинг ҳаммасини сўзсиз қабул қилди. Ўзаро шартнома имзоланди.

Румликларнинг вакиллари тўловларни тўлашга розиликларини билдириш учун Хусравнинг олдига кирганларида, у: «Бу етарли эмас, император Ҳеракл ўзи занжирбанд ҳолда келиб, хочга осилган худосини қўйиб, оташга ва қуёшга топинишини истайман», деди.

Мана шунаقا ишлар бўлиб ўтди.

Хуллас, румликларнинг мағлубиятини эшитган Макка мушриклари чексиз қувондилар ва мусулмонларга: «Сиз ва румликлар аҳли китобсизлар, биз ва форсликлар аҳли китоб эмасмиз, бизнинг шерикларимиз сизнинг шерикларингизни енгди, энди биз ҳам сизларни енгамиш», дедилар.

Ана шунда Аллоҳ, таоло «Рум» сурасининг аввалги оятларини нозил қилди.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Алиф. Лам. Мийм. Рум мағлуб бўлди. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар. Саноқли йилларда. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир. Ўша кунда мўминлар шодланурлар. Аллоҳнинг нусратидан. У хоҳлаганига нусрат берур. Ва У азизу роҳиймдир. (1–5- оятлар).

Яъни, Рум Форсдан енгилди. Бу ҳодиса арабларга яқин ерда бўлди. Рум ва Форс ерлари Арабистон ярим оролига бевосита чегарадошдир. Ва румликлар бу мағлубиятларидан кейин тезда, саноқли йиллар ичida қайтадан ғолиб бўлажаклар. Румликлар ғолиб бўладиган кунда мўминлар Аллоҳнинг нусратидан шодланадилар. Аллоҳ, хоҳлаганига нусрат беради. Ва У зот азиз (барчадан ғолиб) ва раҳим-шафқатлидир.

Форс ва Рум давлатлари орасынан қирғинбарат уруш натижаларидан кейин бундай гапларни Аллоҳ, таоло айтмаса, одам боласи журъат қилиб айта олмас эди. Ҳар қандай одамга, шунчалар қақшатқыч зарбага учраган, тилка-пора бўлиб кетган Рум давлати қандай қилиб бир неча йил ичида қудратли Форс давлатини енга олади, деган фикр келиши турган гап эди. Шундай бўлди ҳам. Мушриклар Куръоний хабарни масхара қилиб кула бошлилди. Улар манзарани ўз қаричлари билан ўлчашар, аммо Аллоҳ, таолонинг ўлчови бошқа экани хаёлларига келмасди.

Ушбу ҳодиса ҳақида бир қанча ривоятлар келган. Шулардан бири улуғ муфассир ва тарихчи Имом ибн Жарир Тобарийнинг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан қилган ривоятлариидир:

«Мушриклар форслернинг румликлардан устун бўлишини орзу қиласи эдилар. Мусулмонлар эса, румликларнинг форслардан устун бўлишини орзу қиласи эдилар. Чунки, улар аҳди китоб эдилар. Уларнинг динлари ўзаро яқин эди.

«Алиф. Лам. Мийим. Рум мағлуб бўлди. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин тезда ғолиб бўлажаклар. Саноқли йилларда» оятлари нозил бўлганида, мушриклар:

«Эй, Абу Бақр! Сенинг оғайнинг, Рум саноқли йилларда Форсдан устун бўлади, демоқда-я?!» – дейишди. Абу Бақр:

«Тўгри айтади», дедилар. Улар:

«Биз билан гаров ўйнайсанми?» – дейишди. Етти йил муддатга тўрттадан туяга гаров ўйнадилар. Етти йил ўтди. Ҳеч нарса бўлмади. Бундан мушриклар шодланилди. Мусулмонлар маҳзун бўлишиди. Абу Бақр бўлиб ўтган гапни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизнингча, «бизъу» (саноқли йиллар) қанча?» – деб сўрадилар. Абу Бақр:

«Ўндан оз», деб жавоб қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бор, гаровнинг устига яна зиёда қил ва муддатни икки йилга оширил», дедилар. Икки йил ўтмай туриб отлиқлар келиб, Рум Форс устидан ғолиб келганининг хабарини бердилар. Мұмінлар бундан шодланышты!»

(Илова: У вақтларда гаров ҳаром бўлмаган эди. Ояти каримада Рум «бизъя» – саноқли йилларда ғолиб келиши айтилган эди. Демак, ўн йилдан оз муддатда, деганидир. Шунинг учун ҳам, мушриклар етти йил ўтса-да ҳам бир гап бўлмаганидан хурсанд бўлдилар. Аммо Пайғамбаримиз алайҳиссалом ояти каримада айтилган нарса бўлишига тўла ишончда эдилар. Шунинг учун ҳам, у зот ҳазрати Абу Бакрға гаров қийматини оширишни иршод қилдилар. Аллоҳнинг айттани содир бўлди.)

Ха, мазкур оятларда айтиланидек,

«Ундан олдин ҳам, кейин ҳам барча иш Аллоҳдандир».

Яъни, руммилкларнинг мағлубиятта учрашларидан олдин ҳам, ундан кейин ҳам дунёдаги барча ишлар Аллоҳнинг иродасига боғлиқ эди ва шундай бўлиб қолади. Фақат У зотнинг хоҳлагани бўлади. Аллоҳ таоло руммилкларнинг саноқли йилларда ғалаба қозонишини айттан эди. У кун келади. Ва:

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусратидан шодланурлар».

Шундай бўлди ҳам. Аллоҳ руммилкларга ғалаба берди. Мўминлар бундан шодландилар.

«У хоҳлаганига нусрат берур.»

Аллоҳ таоло кимга хоҳласа, шунга нусрат беради. Унинг хоҳишига ҳеч ким тўсиқ бўла олмайди.

«Ва У азизу роҳиймдир.»

Аллоҳ азиз, ҳамманинг устидан ғолиб ва барчага меҳрибондир. Маълумки, Аллоҳ таоло вақти соати келиб руммилкларни форсдан, мусулмонларни мушриклардан устун қилди. Бу ояtlар тушган пайтда ҳеч бир одам боласи руммилклар форсдан, мусулмонлар мушриклардан ғолиб келишини тасаввuriга сиғдира олган эмас. Лекин орадан ояtdа

айтилган саноқли йиллар – түққиз йил ўтиб, румликлар форсликлар устидан ғолиб келдилар. Айни вақтда, мусулмонлар Бадр урушида ўзларига нисбатан сон ва қурол жиҳатидан бир неча марта устун бўлган мушриклар устидан инсоният тарихини ўзгартирган ғалабага эришдилар. Ҳамда Аллоҳ ваъда қилган нусратта етишиб, шод бўлдилар.

Қуръони Карим Мұхаммад алайҳиссаломга берилган бош мўъжизадир

Ҳар бир пайғамбарнинг ўз мўъжизаси бўлган, бундан умматлари яхши хабардор бўлишган. Чунончи, Фиръавн қавми математика, табиат ва айниқса, сеҳрга уста здилар. Шу боис, Аллоҳ таоло томонидан уларга юборилган пайғамбар Мусо алайҳиссаломга бекиёс сеҳргарликдан устун турдиган мўъжизалар ато этилган, у зотнинг мўъжизалари Аллоҳ тарафидан берилганига уламою сеҳргарлар иймон келтирганлар. (У кишининг ҳассалари илонга айланиб, сеҳргарлар ўз жодусини ўтказган нарсаларни ютиб юборган.)

Ийсо пайғамбар келган кезларда кишилар орасида табиат илми чандон тараққий этган бўлган, шунинг учун у давр одамлари руҳий тушунчаларни инкор этганлар. Бундайларнинг кўзини очишнинг бирдан-бир чорасини билган Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломга сўқирларнинг кўзини очиш, бедаво дардга чалингандарга шифо бериш, ҳатто ўликларни тирилтириш мўъжизасини ато этган.

Шунга алоҳида эътибор бермоқ лозимки, аввалги пайғамбарларнинг мўъжизалари мувакқат бўлган. Яъни пайғамбар ҳаётлиги чогида ўз хизматини ўтаб бўлгач, одамлар ишончини қозонгач, пайғамбар вафотидан сўнг йўққа чикқан. Бироқ, йиллар ва замонлар ўтиши билан инсон ақли тараққий этаверган, илм ортаверган, натижада, бояги пайғамбарлардан мерос қолган мўъжизалар таъ-

сири сүнаверган. Шунга баравар, диний эътиқод ҳам сустлаша борган.

Хўш, одамларнинг эътиқодини абадулабад мустаҳкамлаб турға олувчи, иймонининг заифлашишига йўл кўймайдиган кучни қаердан топиш мумкин эди? Бунинг чораси ҳам ёлғиз Аллоҳга аён эди, шундай бўлди ҳам. Ер юзига бошқа динглардан кўра мукаммал, ҳақиқат чироги бўлмиш Ислом динининг бош ҳужжати Қуръони Карим нозил бўлди! Аллоҳ, таоло Қуръони Каримни ўзининг охирги пайғамбари Мұхаммад Мустафо соллалоҳу алайҳи васалламга мўъжиза қилиб берди. Севимли пайғамбаримиз алайҳиссалом Аллоҳнинг қаломи бўлмиш бу мўъжиза китобни ўз умматларига ҳеч бир ҳарфини ўзгартирмай етказиб зиммаларидағи омонатни адо этдилар. Мана энди, ул зот соллалоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан сўнг ҳам, Қуръон башариятнинг ақлидроқи тараққиёт чўққисига чиққан ҳозирги пайларгача жами тафаккурларни лол қолдириб келмоқда, унинг ҳидояти, қонун-қоидлари, услуби ва маънолари мудом барҳаётдир. Зоро, ҳар қандай соғлом фикрли киши бузғунчи хаёллардан ҳоли равища Қуръони Каримни ўрганса, унинг илоҳий, мўъжиза-кор китоб эканлигига шак-шубҳа қилмайди.

ҚУРЬОН ВА ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ

Мұғжизаларга бой китоб

Юқорида зикр қилинганидек, Қуръон араб тилиде бўлиб, унинг ҳақиқий мұғжизасини тўлиқ тушуниш учун ана шу тилни билиш керак. Кўпчилик араб тилини билмагани сабабли, ундаги айрим мұғжизаларни эслаб ўтамиз. Инсон ақлини лол қолдирадиган даражада баъзи бир хабарлар мавжуд, шу оятларни эшигтан кишилар «албатта, бу муболагадур» дейишлари (деб ўйлашлари) эҳтимолдан холи эмас. Масалан, «Сураи Нур»да шундай дейилган:

وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لِيَسْتَخْفِفَنَّهُمْ
فِي الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَخْفَفَ الَّذِينَ كَانُوا فِي الْأَرْضِ
دِينُهُمُ الَّذِي أَرْتَضَنَّهُمْ وَلَيَعْبُدُنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمَّا

«Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилғанларга уларни ер юзида худаи улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди» (55-оят).

Мана шу оятдан олдин мусулмонлар ҳатто ухлаш учун ҳам хотиржам ётолмас, қуролларини қўлдан қўймай тунар, бизга ҳам бир осойишталик келиб, диний амалларимизни bemalol бажара олармиқанмиз, деб зорланар эдилар. Ушбу оят тушгандан сўнг кўп ўтмай улар орзу қилган вақтлар етиб келди ва Ислом уммати «Аллоҳнинг ергаги халифаси» деб эълон қилинди.

Яна бошқа бир оятни кўрайлик. «Моида» сурасида шундай дейилган:

﴿يَأَيُّهَا الرَّسُولُ بَلَغَ مَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَّرَ تَفْعَلُ فَإِنَّمَا يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ﴾

«Эй Пайғамбар! Сенга Роббингдан нозил қи-
линган нарсаны етказ. Агар шундай қилмасанг,
Унинг элчилигини етказмаган бўласан. Аллоҳ
сени одамлардан сақлайдир. Албатта, Аллоҳ ко-
фир қавмларни ҳидоят қилмас» (67-оят).

Бу оят тушишидан оддин бир қанча саҳобалар
ўз ихтиёрлари билан Мұхаммад алайҳиссаломни
қўриқлаб туришарди. Юқоридаги оядан сўнг эса,
пайғамбар алайҳиссалом ҳужрадан бошларини
чиқариб, қўриқчиларга: «Энди сизлар кетаверинг-
лар, Аллоҳ Ўзи мени кишиларнинг ёмонлигидан
сақлайдиган бўлди», деб айтдилар.

Мана шу икки оят Қуръони Каримнинг ило-
хий китоб эканлигига энг кучли далиллардандир.
Чунки, шу ояtlардан сўнг пайғамбар алайҳисса-
лом кофиirlар орасида ҳам хавотирланмай, бема-
лол юрдилар, биринчи сафда туриб уларга қарши
жанг қилдилар. Кофиirlар қанчалик уринмасин,
у кишига жиҳдий озор етказа олмадилар.

Қуръони Каримда аввал ўтган пайғамбарлар ва
уларнинг умматлари ҳақида кўпгина қиссалар бор.

Маълумки, Мұхаммад алайҳиссалом ўқиши-
ёзишни билмаганлар, умрларида бирор соат ҳам
дарс олмаганлар. Шу билан бирга, юқоридаги қис-
салар энг тўғри ва ишончли бўлиб, ҳатто «Ин-
жил» ва «Таврот» каби китобларнинг хатоларини
тўғрилаб келган.

Мазкур қиссаларнинг айримларига таалуқли
ашёвий далилларни синчиклаб ўрганган асримиз
уламолари ҳам Қуръони Каримнинг чиндан ҳам ило-
хий китоб эканлигига тан беришди, уларнинг му-
сулмон бўлмаганлари мусулмонлик йўлига кирди.

Куръони Карим кишиларни түғри йўлга бошлаш учун туширилган китоб бўлиб коинот, мавжудот ва илмий масалаларда баҳс юритиш унинг вазифаси эмас. Лекин унда шундай бир илмий ҳақиқатлар борки, улар Куръони Каримнинг илоҳий, мўъжизакор китоб эканлигига яна бир карра далилдир.

Маълумки, Мұхаммад алайҳиссалом Маккада ўсганлар, у ерда илм-маърифат, мадраса ёки илмий муассаса асло бўлмаган. Демак, пайғамбар алайҳиссалом илмий мухитдан мутлақо бехабар эдилар. Лекин юқорида айттанимиздек, Куръони Каримда шундай илмий масалалар зикр қилинганки, уни на ўша вақтда ва на ундан кейинги вақтларда ҳам ҳеч ким билмаган. Фақат бизнинг асримизга келиб, илм-фан ниҳоятда тараққий эттан бир даврдагина Куръони Каримдаги илмий ҳикматларга изоҳ, топила бошлади. «Анбиё» сурасида шундай дейилади:

أَوْلَمْ يَرَى الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ كَانَا رَقَابًا
فَنَفَقَتْهُمَا وَجَعَلْنَا مِنَ الْمَاءِ كُلَّ شَيْءٍ حَيٍّ أَفَلَا يُؤْمِنُونَ ﴿٣٠﴾

«Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлган эканини, бас, Биз уларни очганимизни ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмайдиларми?» (30-оят).

Бу оятда айтилишича, осмонлару ер аслида бир нарса бўлиб, кейин бир-биридан ажралган. Куръони Каримдаги мўъжизалардан бири бўлмиш будидисани ҳозирги замон илми ҳам тасдиқлади. Олимларнинг айтилишича, бутун борлиқ бир газдан иборат, кейин бўлакларга бўлинган. Қуёш галактикасига кирувчи олам ҳам шу бўлинишдан келиб чиққан. Бунинг далили сифатида уламолар айтишадики, ерда 92 хил модда бўлиб, шундан 67 таси қўёшда ҳам борлиги аниқланди. Демак, ердаги моддаларнинг ҳаммаси ҳам қўёшда борлиги эҳтимолдан холи эмас. Қуёшдаги кўплаб модда-

лар ерда ҳам учрар экан. Масалан: кислород, азот, фосфор, темир, карбон ва ҳоказо...

Ойда ҳам ердаги моддалар мавжудлиги аниқланди. Бундан чиқдикі, оламдаги барча нарсаларнинг асли, Қуръони Каримда айтилганидек, бир экан.

Энди оятнинг «ва барча жонзотларни сувдан яратдик» деган қисміга келсак, бу – уламолар сирини очган илмий ҳақиқатларнинг энг каттала-ридан бири, десак муболаға бўлмайди.

Ҳаёт ва ўсиш учун зарур ҳисобланган барча кимёвий ўзгаришлар, шубҳасиз, сувсиз бўлмайди. Сув ҳаётнинг давом этиши, барча коинот ва набототларнинг яшаши учун асосий моддадир. Ер юзининг тўртдан уч қисми сувдан иборат. Сувнинг хусусиятларидан бири шуки, у ер юзидағи ҳароратнинг бир хил мўътадил сақланиб туришини таъминлайди. Бу эса, маълумки, Ер юзида ҳаёт бўлишининг бош омилидир.

Сувнинг хусусиятлари жуда кўп, уларнинг ҳар бири Аллоҳ таоло сувни ўзининг махлукларига зарур нарса қилиб яраттанлигига далилдир.

Сув музлаганда зичлиги камайиб, ҳажми катталашадиган ягона модда. Шу хусусият сабабли совуқ қаттиқ бўлганида муз сувнинг юзасига кўтарилиб, бошқа қаттиқ модда сув тубига чўкиши муқаррардир. Муз эса, сувнинг устини қоплаб, унинг ҳароратини сақлаб туради. Бу, сув ҳайвонлари учун ниҳоятда зарурдир.

Паст даражали ҳароратда сув ўзига кўп миқдорда кислород тортади. Музлаган сувдан эса, ҳарорат кўтарилиб, дарё ва денгизларда яшовчи сув ҳайвонларининг ҳаёти сақданади.

Қуръони Каримнинг хикматини қарангки, озгина сўзлар билан ер юзидағи ҳаётнинг чексиз сирлари баён этилади. Фақат мана шу оятнинг ўзи ҳам Мұхаммад алайҳиссаломнинг ҳақиқий пайғамбар, Қуръони Каримнинг ҳақиқий илоҳий китоб эканлигига катта далилдир.

Дунёниң яратилиши

Қуръони Каримдаги «Фуссилат» сурасида шундай дейилади:

﴿ قُلْ أَيُّنِّكُمْ لَتَكْفُرُونَ بِالَّذِي خَلَقَ الْأَرْضَ فِي يَوْمَيْنِ وَجَعَلَ عَلَيْهَا سَبَّابِينَ لَهُ أَنْدَادًا ذَلِكَ رَبُّ الْعَالَمِينَ وَجَعَلَ فِيهَا رَوَسَيْنَ مِنْ فَوْقَهَا وَبَرَزَكَ فِيهَا وَقَدَرَ فِيهَا أَقْوَاتَهَا فِي أَرْبَعَةِ أَيَّامٍ سَوَاءٌ لِلْسَّائِلِينَ ثُمَّ أَسْتَوَى إِلَى السَّمَاءِ وَهِيَ دُخَانٌ فَقَالَ لَهَا وَلِلأَرْضِ أَتَيْنَا طَوْعًا أَوْ كَرْهًا قَاتَّا أَنِّي نَاطَّا عَيْنَيْنَ ﴾

«Сен: «Сизлар ҳақиқатан ҳам ерни икки кунда яратган Зотта куфр келтиряпсизми ва Үнга тенгдошлар қүшяпсизми?! Ахир У зот оламларнинг Робби-ку! У зот ўша(ер)-нинг устида тоғларни қилди, уни баракотли қилди ва унинг (аҳли) ризқини тўрт кунда ўлчовли этиб тақдир қилди. Бу сўровчилар учундир», деб айт. Сўнгра, тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, үнга ва ерга: «Икковингиз ихтиёр қилган ҳолингизда ёки мажбур бўлган ҳолингизда келинг!» – деди. Икковлари: «Ихтиёр қилган ҳолимизда келдик», дедилар» (9–11-оятлар).

Қуръони Каримнинг мана шу оятидан дунё яратилаётган вақтда осмон тутундан иборат эканлиги билиниб турибди. Ҳозирги уламолар дунёниң яратилиши ҳақида турли фикрларни илгари сурганлар. Жумладан, астроном олим Сэр Жеймс Жинс айтадики:

«Борлиқ яратилишидан аввал ундаги моддалар газдан иборат бўлган ва шу газларнинг ўзаро бирекиши натижасида сайёralар келиб чиқсан».

Доктор Жаму эса:


«Дунё вужудга келаёттан вақтда, у тартибли тарқоқ газдан иборат бўлган. Унинг қалинлиги ва ҳароратини тасаввур қилиб бўлмайди ва шу газда турли моддаларнинг аралашуви натижасида атом парчаланиши вужудга келди. Мана шу ҳаддан ташқари иссиқ газга қаттиқ, босимнинг таъсири натижасида борлик вужудга кела бошлади. Иссик ҳарорат пасайди, газларнинг ҳаракатланиши натижасида булатлар вужудга келиб, улар юлдуз ва бошқа сайёralар сифатида шаклланди», дейди.

Қуръони Каримда борлиқнинг яратилиши тутундан бўлган, дейилади. Ўша вақтдаги арабларга мана шу сўз (яъни, тутун) таниш бўлган. Бизга замондош олимлар эса, тутунни «газ» деб атаганлар, холос. Моҳияти битта!

Демак, яна савол туғилади: илмсиз, саводсиз Мұхаммад пайғамбар инсон зоти англаб етмаган ҳақиқатни қаердан олиб айтган? Пайғамбаримизга нозил бўлган оят Аллоҳнинг сўзи эканлигига бу исбот эмасми?

Нарсаларнинг чўзилиши ва кенгайиши

«Зарият» сурасида шундай дейилади:



**«Осмонни Ўз құдратимиз ила бино қилдик.
Албатта, Биз кенг қилувчимиз» (47-оят).**

Ушбу оят борлиқнинг чегараси йўқлигига, айни чоғда, борлиқдаги кенгайиш қонунига ҳам далил бўлади. Эйнштейннинг айтишича: «Борлиқ миллиардлаб қуёш системаси каби системалардан иборат. Ҳар бир система эса юз минглаб юлдуз ва сайёralар бор». Кенгайиш қонунига келсак, мунажжимлар заррабин (телескоп)да кўринаётган осмон жисмлари тартибли равищда қуёш сис-

темамиздан узоқлашиб бораётганини аниқлашган. Демак, борлық тинч турғани йўқ, балки бамисоли совун пулфакчалари каби кенгайиб бормоқда ва шу билан бирга, ундаги жисмларнинг ҳажми ўзгармай турибди.

Бундан 15 аср муқаддам Қуръон айтиб ўтган бу ҳақиқатни инсон фақат XX асрда тушуниш имкониятига эга бўлди.

Қуёш, ой ва ернинг ҳаракатланиши

Қуръони Каримнинг «Ёсин» сурасида шундай дейилади:

وَالشَّمْسُ تَحْجِرٍ لِمُسْتَقَرٍ لَهَا إِذْلِكَ تَقْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ
 وَالْقَمَرُ قَدَرَنَاهُ مَنَازِلَ حَتَّىٰ عَادَ كَالْعَجُونِ الْقَدِيرِ
 الْشَّمْسُ يَنْبَغِي لَهَا أَنْ تُدْرِكَ الْقَمَرُ وَلَا أَلَيْلٌ سَابِقُ النَّهَارِ وَلَلٌ فِي
 فَلَأَكِ يَسْبُحُونَ

«Қуёш ўз истиқори учун жараён этар. Бу, азизу ўта билгувчи Зотнинг тақдир қилганидир. Ойни эса, токи эски (хурмо) шингили (холига) қайтунга қадар манзилларини бичиб қўйганимиз. На қуёшнинг ойга етиб олмоғи дуруст бўлар ва на кеча кундуздан ўзиб кетар. Ҳар бири фалакда сузиб юрар» (38–40-оятлар).

Бу оятда Қуръон қуёшнинг муайян бир тарафга ҳаракатланишидан хабар беради. Буни ҳозирги замон илми ҳам тасдиқлайди. Қуёш ўз системасидаги барча сайёralар билан биргаликда бир ёруғ юлдуз тарафга ҳаракат қилмоқда. Оятдаги «барчаси фалакда сузиб юради» деган иборага келсак, қуёш системасидаги барча сайёralар қуёшнинг тортишиш кучи таъсирида унинг атрофида эллипс шаклида ҳаракатланади.

Коинотдаги жонзотлар

«Ердан бошқа сайёralарда ҳаёт борми?» – деган саволга жавоб бериш учун мунажжимлар күплаб изланишлардан сүнг: «Ха, худди ердаги каби ҳаёт бўлиши мумкин», деган фикрга келдилар. Тажрибалардан шу нарса маълум бўлдики, Марсда ҳарорат етарли, сув ва кислород ҳам бор. Буларнинг уччаласи ҳаётнинг зарур омилларири. Дунё олимлари Марсда ҳаёт борлиги тўғрисида бир фикрдалар.

Уламолар Марсда ҳаёт бор, деган фикрга келган бўлсалар, демак, борлиқдаги миллиардлаб сайёralардан айримларида ҳаёт борлигини инкор этиб бўлмайди. Қуръонга назар солсак, ҳеч шак-шубҳасиз, ердан ўзга сайёralарда ҳам ҳаёт борлигини тушунамиз.

Куръони Карим оятларидан бирида:

شَيْخٌ لِهِ السَّمَوَاتُ السَّبْعُ وَالْأَرْضُ وَمَنِ فِيهِنَّ

«Унга етти осмону ер ва улардаги кимсалар тасбих айтур», дейилган («Исрө» сураси, 44-оят).

Яна бошқа бир оядта:

وَرَبُّكَ أَعْلَمُ بِمَنِ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَقَدْ فَضَلْنَا بَعْضَ النَّبِيِّينَ عَلَى بَعْضٍ وَءَاتَيْنَا دَارَوْدَزَبُورًا

«Роббинг осмонлару ердаги кимсаларни яхши билгувчи Зотдир», дейилган («Исрө» сураси, 55-оят). Яқин келажақда уламолар ўзга сайёralарда ҳам ҳаёт борлигини тасдиқловчи илмий кашфиётлар яратсалар ва бу билан Қуръони Каримнинг мўъжиза китоб эканлигини яна бир бор исботласалар, не ажаб!

Баландликда кислороднинг камайиши

Қуръони Карим оятларидан бирида:

فَمَنْ يُرِدُ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيهِ يَسْرَحْ صَدْرُهُ لِلْأَسْلَمِ وَمَنْ يُرِدُ أَنْ
 يُضْلَلُ يَجْعَلْ صَدْرُهُ ضَيْقَا حَرَجًا كَأَنَّمَا يَصْعَدُ فِي السَّمَاءِ
 كَذَلِكَ يَجْعَلُ اللَّهُ الرِّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ

«Кимни Аллоҳ ҳидоят қилмоқчи бўлса, унинг кўксини Исломга очиб қўядир. Кимни залолатга кетказишни ирода қилса, унинг кўксини, худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўядир», дейилади («Анъом» сураси, 125-оят).

Одамлар фазога тайёра, ҳаво шари ва бошқа воситалар ёрдамида кўтарила бошлагандан сўнгги-на, ҳавонинг юқори табақаларида кислороднинг камайишини билиб олдилар. Юқорига кўтарилиган сари нафас олиш қийинлашиб, кишининг юраги сиқила бошлиши ҳодисасини эндиликда ёш бола ҳам билади. Лекин бу ҳақиқат на катталар ва на алломалар англаб етмаган бир замонларда Қуръони Каримда айтилган экан-ку!

Қуръон ояти ким осмонга кўтарилса, юраги сиқилишини сезади, деган. Қолаверса, бу ҳам пасттекисликлардан иборат, тоғлари унча баланд бўлмаган бир диёрда яшовчи саводсиз одамнинг илмий ҳақиқатими?!

Атомнинг бўлиниши

Қуръони Каримнинг «Юнус» сурасида шундай оят бор:

وَمَا يَعْزِبُ عَنْ رَبِّكَ مِنْ مُشْقَالٍ ذَرَقَ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ

وَلَا أَصْغَرَ مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرَ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ ﴿١٠﴾

«На ер юзида ва на осмонларда зарра миқдоридаги, ундан кичикроқ ёки каттароқ нарса Роббингдан махфий бўла олмас, балки очикойдин китобдадир» (61-оят).

Киши билган нарсаларнинг энг кичиги зарра (атом) ҳисобланади. XIX асртагача олимлар ўртасида, «атом бўлинмайди», деган фикр бор эди. Бир неча ўн йиллар давомида кўпгина олимлар атом ҳам бўлинармикан, деган фикрда тажрибалар олиб бордилар ва натижада атомни парчалашга муваффақ бўлдилар.

Атом электрон, протон ва нейтронга бўлинар экан.

Қуръони Каримдаги «заррадан, яъни атомдан кичикроқ нарса ҳам Аллоҳдан махфий қолмайди» дегани, атом ҳам бўлакларга бўлиниади, деганидир. Яна, Қуръони Каримда, «осмонда ҳам» деган сўз бор, бундан келиб чиқадики, ердаги атомлар билан осмондаги атомларнинг хусусиятлари бир хил экан.

Инсоф билан айтинг-чи, бундан 15 аср мұқаддам Мұхаммад исмли ўқиши ва ёзишни ўрганмаган бир киши атомнинг хусусиятларини қаердан ўрганган? Атомнинг бўлиниши ва унинг осмонда ҳам, ерда ҳам бир хил хусусиятга эга бўлишини қандай қилиб билган? Мана шу мисол ҳам Қуръони Каримнинг илохий китоб эканлигига ёрқин далил эмасми?!

Ҳар нарса жуфт яратилган

Қадимдан маълумки, ҳайвонларда ҳам, ўсимликларда ҳам жуфтлик бор. Қуръони Каримда ўсимликлар ҳақида шундай дейилади:

أَوْلَمْ يَرَوْ إِلَيَّ الْأَرْضَ كَمْ أَنْبَثْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ نَعْجٍ كَيْفَ يَرَى
﴿١٠﴾

«Улар ерга қарамайдыларми?! Биз унда қарамали жуфтлардан қанчаларини үндириб қўйибмиз» («Шуаро» сураси, 7-оят).

Инсон ва ҳайвонлар ҳақида эса шундай дейилади:

فَاطِرُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَعَلَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ آزْوَاجًا مِّنَ
الْأَنْعَمِ آزْوَاجًا يَذْرُوْكُمْ فِيهِ

«У осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи Зотдир. У сизларга ўз жинсингиздан жуфтлар яратди. Чорва ҳайвонларини ҳам жуфт қилиб яратди» («Шуро» сураси, 11-оят).

Қуръони Каримда шу билан кифояланиб қолинмайди, балки дунёдаги барча нарсаларда жуфтлик борлиги таъкидланади:

وَمِن كُلِّ شَيْءٍ خَلَقْنَا زَوْجَيْنَ

«Ва Биз ҳар бир нарсани жуфт яратдик» («Зарият» сураси, 49-оят).

Шу оят ҳақида бир оз тўхталиб ўтсак.

Маълумки, электр токи Қуръони Карим нозил бўлганидан бир неча асрлар кейин кашф этилди. Унда манфий ва мусбат зарядлар бўлиб, ана шу зарядларнинг бирлашувидан электр токи ҳосил бўлади. Қарангки, моҳияттан битта нврса ҳам аслида жуфтлиқдан иборат экан. Энди буни қўйиб туриб, энг кичкина нарса – атом ҳақида гап юритайлик. Олимларнинг аниқдашича, атомнинг маркази бўлиб, унинг атрофида электронлар бор экан. Электронларда эса манфий заряд, марказда мусбат зарядлар мавжудлиги аниқланди. Тажрибалар давом эттирилди. Ниҳоят, атом марказининг ўзи ҳам протон ва нейтронга бўлинишини 1932 йили инглиз олими Жеймс Чадвик кашф этди.

Булатларни бир-бирига құшиш

Қуръони Каримнинг «Нур» сурасида шундай дейилади:

أَلَّا تَرَ أَنَّ اللَّهَ يُنْزِّلُ سَحَابَةً مُّؤْلِفِينَ شَمَ يَجْعَلُهُ رَكَامًا فَتَرَى
الْوَدْقَ يَخْرُجُ مِنْ خَلْلِهِ

«Аллоҳ булатларни ҳайдашини, сүнгра бирга түплашини, сүнгра уйиб қүйишини күрмаяпсанми? Бас, унинг орасидан ёмғир чиқаёттанини күрурсан» (43-оят).

Одамлар бу оятни эътиборсиз ўқиб юришган. Лекин аслида, у борлиқдаги ҳақиқатларнинг онаси эканлитикини илм кашф этди. Чunksи, булатларнинг құшилиши турли зарядтарга эга бўлган булатларнинг бирлашувини билдирар эди. Ҳеч шуб-ҳа йўқки, булатда заряд бор. Буни Франклин деган олим 1752 йилда кашф этган.

Маълумки, қарама-қарши зарядлар бир-бирини тортади, бир хил зарядлар эса бир-биридан қочади. Бу, аслида, булатларни тарқатиб юбо-риши керак. Лекин уларни шамол бир-бирига яқинлаштиради. Шунда булат катталашади, ердан бораётган шамол мусбат зарядларни олиб боради, улар фазодаги мавжуд зарядлар билан бирлашиб, буғнинг сув томчиларига айланишига сабаб бўлади. Ва ниҳоят, ёмғир ёғади. Ёмғирнинг ҳосил бўлишига асосий сабаб ҳаводаги электр зарядидир. Бу зарядларни эса шамол бирлаштиради. Қуръони Каримда ушбу ҳодиса шундай баён қилинган:

وَأَرْسَلْنَا الْرِّيحَ لَوَاقَ فَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَسْقَيْنَاهُ كُمُوْهُ
وَمَا آنُشَاءُ لَهُ بِخَرْزَنَ

«Биз шамолларни урчитувчилар этиб юбордик. Бас, осмондан сув тушириб, у ила сизларни сероб қылдик» («Хижр» сураси, 22-оят).

Ёмғир ва ернинг ҳаракатга келиши

Куръони Каримнинг сураларидан бирида:

وَتَرَى الْأَرْضَ هَا مِدَةً فَإِذَا أَنْزَلْنَا عَلَيْهَا الْمَاءَ أَهْبَرَتْ وَرَبَّتْ
وَأَنْبَتَ مِنْ كُلِّ زَوْجٍ بِهِيج

«Ва ерни қақраган ҳолда күрасан. Қачонки, Биз унга сув туширсак, у сесканар ва күпчир. Ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир», дейилади («Ҳаж» сураси, 5-оят).

Шундан кўриниб турибдики, ерга ёмғир тушса, у ҳаракатта келиб, ҳажми зиёда бўлар экан. Бу – илмий ҳақиқат. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ерда баъзи бўшлиқ жойлар бўлиб, унда ҳаво мавжуд. Ерга сув тушганда эса, ўша жойлардан ҳаво чиқиб, ўрнини сув эгаллайди. Ана шу эгальаш жараёнида сув ерни ҳаракатта келтирар экан.

Тупроққа сув қўшилса, унинг кенгайишими, намлиги камайса, торайишими кимё илми аниқлади.

Шундай қилиб, ерга сув тушса, яъни ёмғир ёғса, у ҳаракатта келиб, ҳажми катталashiши илмий йўл билан ҳам исбот қилинди.

Борликдаги нарсаларнинг мувозанати

Куръони Каримнинг «Хижр» сурасида шундай марҳамат қилинади:

وَإِنْ مَنْ شَئَ إِلَّا عِنْدَنَا خَرَائِنُهُ وَمَا نَنْزِلَ لَهُ إِلَّا بِقَدْرٍ مَعْلُومٍ

«Хеч бир нарса йўқки, унинг хазиналари Бизнинг ҳузуримизда бўлмаса. Биз уни фақат маълум микдорла нозил қилурмиз» (21-оят).

«Раъд» сурасида эса:

وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ مِقْدَارٌ

«Хар бир нарса Унинг ҳузурида ўлчовлидири», дейилган (8-оят).

Ҳақиқатан ҳам, бу дунёдаги барча нарса ўз ўлчови билан яратилган.

Ҳавода кислород 21 фоизни ташкил этади. Агар кислород 50 фоизни ташкил этиб қолса, нима бўлишини тасаввур қилиб кўрайли: дунёдаги барча ёниши мумкин бўлган нарсаларни ўт олади. Барча жонзотлар кислород билан нафас олади ва ўзидан карбонад ангирид чиқаради. Ўсимликлар эса, аксинча, карбонад ангирид олиб, кислород чиқаради. Агар шу алмашув бузилса, барча жонзот ва ўсимликларнинг ҳаёти бузилган бўлар эди.

Демак, агар кислород бўлмаса, жонзот бўлмайди, агар қарбонад ангирид бўлмаса, ўсимликлар қолмайди.

Қўёшнинг иссиқлиги ерга маълум микдорда тушиб туради. Агар унинг иссиқлиги ҳозиргисининг ярмига камайса, бутун ер юзи музлаб қолади, аксинча, янада исиб кетса, бутун дунё куйиб кул бўлади. Шу боис, қўёшнинг зиёси ҳам маълум ўлчовда тушиб туради. Илмий тажрибалардан шу нарса маълум бўлдики, ўсимликларнинг ўсиши, гуллаши учун ҳам маълум бир микдорда ёруғлик зарур. Мана шундай аниқ ўлчовлар асосида яратилган табиат ҳодисалари «ўз-ўзича бўлиб қолган» дейишлик илмсиз одамларга хосдир. Балки, бундай ҳисоб-китобларнинг бари Аллоҳнинг иродаси билан бўлган, дейиш тўғридир.

Куръони Каримда:

وَالْأَرْضَ مَدَّنَهَا وَالْقِيَمَانِ فِيهَا رَوْسَىٰ وَأَبْتَسَانِ فِيهَا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ

مَوْرُونِ
11

«Биз ерни ёйиб, устига баланд төгларни ташлаб қўйдик ва унда ўлчанган турли нарсаларни ўстириб қўйдик», дейилган («Ҳижр» сураси, 19-оят).

«Ўлчоғлик» деган сўзга эътибор берилса, у бизнинг асримизда уламолар қўлга киритган қашфиётларга қилинган ишора бўлади.

Кимё ва биология соҳасидаги олимларнинг аниқлашича, ҳар бир ўсимлик маълум бир миқдордаги моддалардан ташкил топган, бунинг миқдорини эса фақат энг нозик ўлчов асбоблари билан аниқлаш мумкин. Шундай моддалар турли ўсимликларда турли миқдорда бўлар экан.

Тўлқинларнинг остки ва устки оқими

Куръони Каримда:

أَوْ كَطْلَمَتِ فِي بَحْرِ لَجْنِي بَعْشَهُ مَوْجٌ مِّنْ فَوْقِهِ مَوْجٌ مِّنْ فَوْقِهِ سَحَابٌ طَلَمَتْ بَعْضَهَا فَوْقَ بَعْضٍ إِذَا أَخْرَجَ يَكْدُلُهُ لَوْ يَكْدِرُهَا
وَمَنْ لَرَّ يَجْعَلِ اللَّهُ لَهُ نُورًا فَمَا اللَّهُ مِنْ نُورٍ

«Ёки худди қаърсиз дengиздаги зулматларга ўхшайдир. Унинг устидан мавж қоплагандир, у(мавж)нинг ҳам устидан мавж ва уни эса, булут (қоплагандир). Бир-бирининг устидаги зулматлардир. У қўлини чиқарса, кўра олмас. Кимгаки Аллоҳ нур бермаса, унинг учун нур бўлмас», дейилади («Нур» сураси, 40-оят).

Мазкур оят тўлқинлар остки ва усткига бўлинishiiga далолат қиласди. Бу ҳақда Карсон исмли ден-

гизчи олим ўзининг китобида шундай дейди: «Окенандаги тұлқынларнинг энг күчлиси ва хавфлиси күрінмайдигани, дengiz қаърида бўладиганидир».

Кўп йиллардан бери Шимолий дengизга сафар қиладиган кемалар йўлни жуда қийинчилик билан босиб ўтар эди. Энди маълум бўлишича, бунга ана шу остики тўлқин қаршилик қилас экан.

1900 йилнинг бошларида скандинавиялик дengизчилар дengизнинг остида ҳам тўлқин борлиги-га кишилар эътиборини тортдилар. Ҳозирги кунда уларнинг қаердан келиб чиқиши номаълум бўлса-да, борлиги ва кенг тарқалганлиги ҳаммага аён. Бу тўлқинлар гоҳо сувости кемаларини йўлдан суриб юборади.

Қуръон ояти эса бу нарсаларни неча асрлар бурун айтиб ўтган. Яна шуни айтиш керакки, Қуръон тушган жой – Мұхаммад алайҳиссалом туғилиб ўстган ерларда бундай воқеалар юз бермайди. Чунки у ерда океан ва улкан дengизлар йўқ, умуман, дengизчилик тўғрисида тасаввур ҳам йўқ, эди.

Ҳайвонот ва қушлар оламининг инсоният оламига ўхшашлиги

Қуръони Каримда:

وَمَا مِنْ دَبَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا طَيْرٌ يَطِيرُ بِجَنَاحَيْهِ إِلَّا أَمْمَ أَمْثَالُكُمْ

«Ер юзидағи юрувчи ҳар бир жонзот ва икки қаноти илиа учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир», деган оят бор («Анъом» сураси, 38-оят).

Бу оядта Аллоҳ таоло ҳайвонлар ва қушларнинг инсонларга ўхшаш уммат эканлиги, яъни улар ҳам ўз ишларини ақл билан бажаришларини эслатиб ўтган.

Бу, илмий ҳақиқат бўлиб, яқинда ашёвий далиллар билан исбот этилди.

Хайвонлар жамоат тарзида яшаб, уларнинг орасида узвий бөгланиш бўлиб, баъзилари худди подшоликка ўхшаб яшар экан. Буни чумоли ва асалари мисолида кўриш мумкин. Уларнинг ҳар бир жамоасининг алоҳида тили бўлиб, ўзаро бир-бирини тушунишар экан. Қадимги одамлар қуш ёки ҳайвонларнинг ақд-заковати борлигини инкор этишган. Уларнинг фикрича, бу нарсалар тирик мавжудот бўлса-да, сезиш туйғулари бор-у, ақлсиз жониворлардир. Ҳайвон ва қушлар ҳаракатидан кўриниб турган ақлга далолат қилгувчи тасаррүфотларни эса, илҳом ёки туғма ҳиссиёт, деганлар. Мана шу фикр яқин вақтларгача ҳукм суриб келган.

Декартдек машҳур файласуф ҳам ҳайвонларни «бир жонли нарса бўлиб, ақлий ҳаётдан йироқ», деган эди. Мана шу таъриф машҳур бўлиб, кўпинча олимлар шуни тўғри деб тушунганлар ва ҳайвонларнинг ақли борлигига ишонмаганлар. Лекин XVIII – XIX асрга келиб ҳайвонларнинг ақли борлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Буни биринчи бўлиб Дорун номли олим кашиф этди. Унинг айтишича, ҳайвонда ҳам фикрлаш қобилияти бор-у, лекин инсонникидан кам экан.

Куръон 15 аср аввал эълон қилган бу ҳақиқат унинг мўъжизаларидан биридир.

Инсонлар бу ҳақиқатга бир неча аср ўтиб, кўпгина олимлар ўз умрларини шу ишга бағишланганларидан кейингина амин бўлдилар.

Эмбрионнинг ўсиш жараёни

Куръони Каримда шундай марҳамат қилинади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ سُلَّمَةٍ وَمِنْ طِينٍ ﴿١﴾ ثُمَّ جَعَلْنَاهُ نُطْفَةً فِي قَرَارٍ مَّكِينٍ ﴿٢﴾ ثُمَّ خَلَقْنَا النُّطْفَةَ عَلَقَةً فَخَلَقْنَا الْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا الْمُضْغَةَ عِظَمًا فَكَسَوْنَا الْعِظَمَ لَحْمًا ثُمَّ

أَنْشَأَنَّهُ خَلْقًا إِلَّا حَرَّ

«Қасамки, батаңқық, инсонни лой сулоласидан яратдик. Сүнгра уни мустақкам қароргоҳда нутфа қилдик. Сүнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан чайналған гүшт яратдик, чайналған парча гүштдан сүяқ яратдик, бас, сүяқка гүшт қопладик, сүнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик» («Мұйминун» сураси, 12—14-оятлар).

Мана шу ояrtlарни чуқурроқ ўргансак, биламизки, ундағи нарсалар илмий гаплар бўлиб, инсоннинг тупроқдан яратилганligига ишора қиласди.

Ҳам эркак, ҳам аёлдаги уруғликлардан бола пайдо бўлади. Табиийки, уруғлик ейилган овқатлардан вужудга келади. Егулик озуқалар эса тупроқдан чиққан.

Уруғлик эркак кишидан чиқиб, аёл кишига ўтадиган тирик ҳужайралардир. Бу ҳужайралар урғочи ҳужайралар билан кўшилиш учун ҳаракатга тушади ва ниҳоят, улардан бири урғочи ҳужайранинг тухумини ёриб кириб, унга аралашиб кетади. Натижада онанинг қорнида бола пайдо бўлади. Кейин Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уруғликни алақага (қонга) айлантириши ҳақида хабар берди. Бу эса, урчишдан кейин пайдо бўладиган бир ҳолат бўлиб, маълум муддатдан кейин алақа музғага айланади. Шу вақтдан бошлаб эмбрион шакллана бошлайди. Унда сүяқ пайдо бўлиб, сүяқ атрофида гүшт пайдо бўлади. Оятдаги «сүнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик» жумласи ҳам Куръони Каримнинг ажойиб мўъжизаларидан биридир.

Олимларнинг кашф қилишларича, эмбрион иккинчи ойнинг аввалида инсонга эмас, балки янги пайдо бўлаётган бақага кўпроқ ўхшар экан. Иккинчи ой давомида эса, унда бутунлай бошқача ўзгаришлар содир бўлиб, сув ҳайвони даражаси-

дан инсон шаклиға ўтар экан. «Бошқача қилиб яратиши» дегани шудир.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам хабар берилади. Имом Мұслім ривоят қылған ҳадисда шундай дейилади: «Қачонки нутфа аёлнинг раҳмига тушганда 42 кеча ўтган бўлса, Аллоҳ таоло унга бир фариштани юборади. Фаришта унга инсон суратини киргизади. Унинг қулоғи, кўзи, жилди, гўшти ва суягини қиласди. Кейин айтадики: «Эй роббим, ўғилми, қизми?» Роббинг нимани хоҳласа, ўшанинг ҳукмини қиласди».

Канадалик машҳур олим Ван Броусет ушбу ҳадисдаги гапларни текшириш ниятида тажриба олиб борган. Чунончи, у замонавий жиҳозлар ёрдамида она қорнидаги ҳомиланинг 5 ҳафталик ва 6 ҳафталик суратларини олиб солиштириб кўрган. Ҳомиланинг 5 ҳафталик, 35 кунлик суратига назар соглан инсон ундан одам боласига ўхшашиб, инсонга ўхшашиб бир аломатни топа олмас эди. Бу умуман бошқа бир шакл, бошқа бир тус эди.

Ҳомиланинг 6 ҳафталик, яъни ҳадисда айтилганидек, 42 кунлик суратида эса тўла инсон шакли кўриниб турарди.

Ана ўша суратни Канададаги «Сиба» ширкати оламга тарқатган ва бутун олам табиблари (медиклари) ҳадисда айнан шу ҳолат зикр қилинганига гувоҳ бўлганлар.

«Мўминун» сурасининг 12-14-оятларида ва Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг бу ерда зикр қилинган ҳадисларида айнан бир хил ҳолат ҳақида хабар берилган. Фақат, ҳадисда ҳомиланинг инсон шаклини олиш муддати аниқ кўрсатилган, холос. Бинобарин, Ван Броусетнинг суратлари Қуръони Каримнинг илохий китоб эканлигини ва Мұхаммад алайҳиссаломнинг ҳақиқий пайғамбар эканликларини тасдиқловчи бир далилдир. Зоро, бундан 1400 йил ол-

дин хабар берилған ушбу воқеаларнинг бугунги кундаги илмий тасдиқи Қуръони Каримнинг илохий китоб эканлигига ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбар – Аллоҳнинг элчиси эканликларига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайды.

Илмий адолат юзасидан, инсоф юзасидан шуни таъкидлаш лозимки, бундан 1400 йил аввал ҳомиланинг турли ҳолатлари ҳақида Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда баён қилинган. маълумотларни ўша даврда оддий одамлар тутул, табиблар ҳам билиши мушкул эди.

Қолаверса, ҳомиланинг суратини олиш, унинг шаклинин күриш, унинг ривожланиш босқичларини текшириш фақат XX-асрнинг охирига келибгинан, янги яратилған жиҳозлар ёрдамидагина мумкин бўлиб қолди.

Юқорида айтилған нарсалардан кўриниб турибдики, Қуръони Каримда зикр қилинган эмбрионнинг ривожланиш жараёни ҳозирги замон илмий кашфиётларидан сўнг тасдиқланди.

Эмбрионнинг кўринимас пардаси

Қуръони Каримда шундай марҳамат қилинган:

يَخْلُقُكُمْ فِي بُطُونِ أُمَّهَتِ كُنْ حَلْقًا مِنْ بَعْدِ خَلْقٍ فِي ظُلْمَتٍ ثَلَاثٌ

«У сизни оналарингиз қорнида уч зулмат ичиди, бир яратишдан кейин яна бошқа яратишга ўтказиб, аста яратадир» («Зумар» сураси, 6-оят).

Мана шу оят ҳам Қуръони Каримдаги илмий мўъжизалардан яна бириди. Ҳозир қашф қилинишича, она қорнидаги болани уч қават юмшоқ парда ўраб турар экан.

Шуниси қизиқки, унинг уч қават эканлигини оддий қўз билан кўриб бўлмас, балки маҳсус асбоблар билан қаралсагина аниқ билинار экан.

Эмбрионнинг зулукка ўхшаси

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг «Алақ» сурасида:

﴿أَفَرَأَيْسِرَتِكَ الَّذِي خَلَقَ الْإِنْسَنَ مِنْ عَلَىٰ﴾

«Яратган Роббинг номи билан ўқи. У инсонни алақдан яратди», деган (1, 2-оятлар).

Эрнинг манийси аёлнинг тухумчаларидан бирига етиб бориб урчигандан сўнг икковлари биралишиб, аралашади ва бачадонга ёпишиб ҳомила бўлади. У эса, зулукка ўхшаш бўлади. Оятдаги «Алақ»дан мурод шу.

«Алақ» сўзини бизнинг тилимизга таржима қиласидиган бўлсак, «зулук» маъносини англатади. Ҳа, ҳаммамизга маълум «зулук» номли,чувалчангга ўхшаш, қон сўрдириш учун тиббий мақсадларда ҳам ишлатиладиган ҳайвонни араблар «алақ» дейдилар. Араб тилида «алақ» ўзаги эса ёпишиб, осилиб олиш маъносини англатади. Зулук ҳам теккан жойига ёпишиб-осилиб олгани учун «Алақ» номини олган. Аммо, барча қадимги тафсирчиларимиз оятдаги «алақ» сўзига «қотиб қолган қон» маъносини берганлар. Чунки, онанинг бачадонида зулук бўлиши мумкин эмас. Балки, эркакнинг манийси аёлнинг тухумчалари или урчиши оқибатида лахта қон пайдо бўлади, ана ўша ҳомиланинг биринчи босқичи бўлади. Худди мана шу тушиунча юзасидан ҳамма уламолар «алақ»ни «қотган қон», «лахта қон» деб тафсир қилганлар. Улардан олган маълумотларимизга кўра биз ҳам «Тафсири Ҳилол»нинг биринчи нашрида худди шу маънони келтирғанмиз.

Лекин Қуръони Карим олдида барча инсоният ўзининг чегараланган илми или ожиздир. Илм-фан ривожланиши или Қуръон маънолари ҳам янгидан-янги маълумотлар билан намоён бўлиб бора-

веради. Жұмладан, ҳомила тұғрисидаги илм ҳам ривожланды. Ўта мұраккаб асбоблар ила текширишлар үтказилғандан сүнг, ҳомила илми бүйича әңг олий халқаро мукофотларни олган ғарблик олимлар манийдаги ҳайвончалар зулукка ўхшашлигини кашф этдилар. Эң ажабланарлisisи, әркакнинг уруги аёлнинг тухумчаларига урчиши орқали пайдо бўлган ҳомила ўзининг маълум босқичида худди зулук каби бўлар экан. Бунинг суратлари ҳам нашр этилди. Ўша алақ – зулук аёлнинг бачадонига ёпишиб олиб, ўзига озуқани сўриб, ривожланиб борар экан. Қуръони Каримнинг ушбу илмий мўъжизасига барча ғарблик олимлар ҳам тан бердилар. Илмий анжуманларда, ўз китоб ва мақолаларида буни қайта-қайта таъкидладилар.

Чунончи, Канадалик яна бир олим Кейс Мур «Инсон яратилишининг босқичлари» деб аталған китобида Қуръоннинг илоҳий китоб эканини эътироф қилған ҳолда қуидагиларни ёзади: «Ўрта асрларда илм тараққий этиши жуда ҳам секин борар эди. Ўша пайтларда ҳомила ҳақидаги илмдан жуда ҳам оз бир нарса бор эди, холос. Аммо мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган Қуръони Каримда инсон әркак ва аёлдан чиқадиган суюқликлардан яратилиши тұғрисида баҳс кеттган. Шунингдек, инсон маний деб аталған нутфадан яратилиши тұғрисида ҳам сўз юритилган.

Ўша нутфа аёл кишининг раҳмида қарор топиши, худди урукқа ўхшаб қолиши, олти кундан кейин урчиши ҳақидаги гапларнинг Қуръони Каримда айтилиши улуғ бир нарсадир. Ўша тушган уруглик, маний аста-секин ривожланиб бир парча қонга айланади. Қотиб қолған қонга ўхшаб қолади.

Уни «алақ» дейилади. Ана шу тухумдондан урчиган нарса парчаланади. Бу нарса секин-секин хамирга айланади. У каттайиб бориб зулукни эслатадиган бир шаклга киради. Ана шуни биз кўриб шаклларини чизиб қўйғандик. Ана ўша «зулук» деб аталаётган ҳайвонни ҳомиланинг «зулук» деб

Күръонда аталған ҳолига солишириб күриладиган бўлса, орада ҳеч қандай фарқ сезилмайди. Шунингдек, Куръони Каримда ҳомиланинг бошқа васфлари ҳам ҳаммаси баён қилиб берилган...»

Бу, Куръони Каримнинг ҳақиқий илоҳий китоб эканлигига далил эмасми?! Куръоннинг биринчи нозил бўлган лафзлари шунчалик мўъжизаларни ичига олганлиги ҳаммани иймонга, Исломга, тоатибодатга чорлаши керак эмасми?!

Бармоқ учлари бетакрордир

Куръони Каримнинг «Қиёмат» сурасида:

لَا أَقِيمُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ
وَلَا أَقِيمُ بِالنَّفْسِ الْوَامَةَ
أَنْجَسْتُ
إِلَّا إِنَّمَا الْجَمْعُ عَظَمَهُ
بِلَى قَدَرِينَ عَلَى أَنْ تُسَوَى بِنَانَهُ

«Қиёмат куни билан қасам. Ва маломатчи нафс билан қасам. (Кофир) Инсон Бизни, унинг суюкларини жамлай олмас, деб ўйларми? Ҳа, Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришга қодирмиз», дейилади (1–4-оятлар).

Шу ерда мулоҳаза қилинади, хўш, нима учун инсоннинг бошқа аъзолари эмас, айнан бармоқ учи? Бунинг сабаби шуки, инсоннинг бошқа аъзолари кўзми, бурунми ёки бошқа аъзоларми – иккинчисига ўхшали мумкин. Бармоқ учлари эса тақрорланмас, ҳеч қайсииниси бошқасига ўхшамас экан.

Демак, Аллоҳ дунёда ўтган барча инсонларнинг сон-саноқсиз бармоқларини ҳам қиёмат кунида дунёда қандай бўлса, шундай ҳолга келтира олишларини таъкидламоқда.

Бармоқларнинг бу хусусияти яқин-яқинларгача ҳеч кимга маълум эмас эди. 1884 йилда Англияда кишиларга имзо чекиши ўрнига бармоғини босиш жорий қилингандан сўнг, ҳеч бир инсоннинг бармоқ излари бошқа бирорникига ўхшамаслиги аёналашди.

ҚУРЬОН ВА АХЛОҚ

Мол-дунё фитнаси

Мол-дунё одамларни синаш учун берилган. У ёмонликка ҳам, яхшиликка ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бойликка эришган киши Аллоҳнинг розилигига мусассар бўлиш учун бойликни тўғри йўлда сарфлаши зарур. Қуръони Каримда шундай дейилган:

وَاعْلَمُوا أَنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ وَأَنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ
﴿۱﴾
 أَجْرٌ عَظِيمٌ

«Ва билингки, молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас ва, албатта, Аллоҳнинг ҳузурида улуғ ажр бордир» («Анфол» сураси, 28-оят).

Қуръон таълимоти бўйича бойлик бу дунёning баъзи матоларидан бўлиб, тезда тутайди. Ҳақиқат ва яхшилик эса абадий қолади:

زُيْنَ لِلنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ النِّسَاءِ وَالْبَنِينَ وَالْقَنَطِيرِ
 الْمُقَنْطِرَةِ مِنَ الدَّهَبِ وَالْفَضَّةِ وَالْخَيْلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَنْعَامِ
 وَالْحَرْثُ ذَلِكَ مَتَّعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَاللَّهُ عِنْدُهُ حُسْنٌ
 الْمَعَابِ ﴿۲﴾ قُلْ أَوْنِسْكُمْ بِخَيْرٍ مِنْ ذَلِكُمْ لِلَّذِينَ أَتَقْوَى عِنْدَ رَبِّهِمْ
 جَنَّتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَلِيلِنَ فِيهَا وَأَزْوَاجٌ مُطْهَرَةٌ
 وَرِضْوَانٌ ﴿۳﴾ مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ يَصِيرُ إِلَيْهِمْ بَادِئًا

«Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан,

Экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса, ҳуснли қайтар жой бор. «Ўша нарсаларингиздан яхшироғининг хабарини берайми?!» – деб айт. Тақво қилганларга Роббилари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бор. Унда абадий қолурлар. Покиза жуфтлар ва Аллоҳ тононидан розилик бор. Ва Аллоҳ бандаларни кўриб турувчиdir» («Оли Имрон» сураси, 14, 15-оятлар).

Мол-дунё фитнаси шундан иборатки, Қуръони Каримда тасвиrlанишича, инсон бойлиги ортганда ва ўзида қудрат ҳис қилганида ҳаддидан ошиб, босар-тусарини билмай қолади, бой бўлиши билан ақл ва адолат чегарасини унутади ва номақул ишларни қилишга ўтади. Шунинг учун ҳам, Қуръони Каримда Аллоҳ инсоннинг ожизлигини, жумладан, мол-дунё олдидағи заифлигини бот-бот эслатади.

كَلَّا إِنَّ الْإِنْسَنَ لَيَطْغَىٰ أَنَّ رَءَاهُ أَسْتَغْفِرُ

«Йўқ! Албатта инсон түрёнга кетадир. Ўзини бой кўргани учун» («Алақ» сураси, 6, 7-оят).

Ризқнинг сероб бўлиши аксар одамларни ёмонликка, ҳаддан ошишга олиб борганлиги учун ҳам Аллоҳ бандаларини ўз хоҳиши билан ризқлантиради. Бу ҳақда «Шўро» сурасида шундай дейилган:

وَلَوْ بَسَطَ اللَّهُ الْرِّزْقَ لِعِبَادِهِ لَبَغَوْا فِي الْأَرْضِ وَلَكِنْ يُنْزَلُ
يُقَدَّرُ مَا يَشَاءُ إِنَّهُ بِعِبَادِهِ خَيْرٌ بَصِيرٌ

«Агар Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйса, албатта, улар ер юзида ҳаддан ошиб кетурлар, лекин У ўзи хоҳлаганига ўлчов билан

туширур. Албатта, у ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта күргувчиdir» (27-оят).

Хамонки, бойлик ва давлатнинг чексизлиги одамнинг заифлигига сабаб бўлар, уни йўлдан оздирап экан, Қуръони Карим бандаларни бой бўлган чоғда ортиқча хурсанд бўлиб кеккайиб кетишдан қайтаради. Аксинча, шундай ҳолатда Аллоҳга шукур айтишга чақиради. Чунки, ортиқча хурсанд бўлиш ва кеккайиш камбағалларга, бевабечораларга салбий таъсир қиласди.

Шунинг учун ҳам, Қуръони Каримда:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفَرِحِينَ

«Албатта, Аллоҳ ҳовлиққанларни суймас» дейилган («Қасас» сураси, 76-оят).

Зоро, бадавлат одам хурсандчилигининг юксак нуқтаси Аллоҳнинг розилиги ва раҳматидан иборат бўлиши лозим. Қуръон шунга даъват этган:

قُلْ يَعْصِمِ اللَّهُ وَرِحْمَتِهِ فَيَذَلِّكَ فَلَيَفْرَحُوا هُوَ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمِعُونَ

«Сен: «Аллоҳнинг фазли ила ва Унинг раҳмати ила. Бас, ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир», деб айт» («Юнус» сураси, 58-оят).

Бахилликнинг ёмонлиги

Қуръон бахилликдан қайтарган. Чунки, бахиллик кишилар ўртасидаги муҳаббатни йўқотади. Бахил киши ўзаро ёрдамни ёмон кўради, бечора, камбағал, ночор кишиларга ўз бойлигидан ҳеч нарса бермайди. Бу эса, уларнинг қалбини ҳасадга тўлдиради. Қайси ҳалқда бахиллик тарқаган бўлса, ўша ҳалқда ўзаро ёрдам бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ, бахилликни нафратлади.

وَلَا يَحْسِنُ الَّذِينَ يَتَخْلُونَ بِمَا أَتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ، هُوَ خَيْرٌ
لَهُمْ بَلْ هُوَ سُرُّهُمْ سَيِطُوقُونَ مَا يَنْهَا لَوْا إِيمَانَ الْقِيَامَةِ

«Аллоҳ Үз фазлидан берган нарсага баҳиллик қылғанлар буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасынлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат куни баҳиллик қылған нарсалари ила бўйинлари ўралур» («Оли Имрон» сураси, 180-оят).

Аллоҳ баҳилликдан халос бўлган кишиларни «нажот топгувчилар» дейди:

وَمَنْ يُوقَ شَعْنَقَسِهِ، فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

«Ким ўз нафсининг баҳиллигидан сақланса, ундоқ кишилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир» («Ҳашр» сураси, 9-оят).

Баҳил киши бойликка маҳқам ёпишгани билан, камбағадек яшайди. Чунки, бойликни тўплаб, ундан фойдаланмай юриш камбағалликнинг бир туридир. Балки, энг ёмон туридир. Баҳил киши хор бўлади, кишиларнинг ҳақоратига учрайди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ Қуръони Каримда айтадики,

وَمَنْ يَبْخَلُ فَإِنَّمَا يَبْخَلُ عَنْ نَفْسِهِ، وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِأَنَّمَا الْفُقَرَاءُ

«Ва ким баҳиллик қилса, албатта, ўзига баҳиллик қиласидир. Ва, ҳолбуки, Аллоҳ бой, сизлар камбағалсизлар» («Мұхаммад» сураси, 38-оят).

Кимки кўнглим тинч, ҳаётим саодатли бўлсин, деса, баҳилликдан қочсин. Лекин унинг акси бўлган бошқа бир ёмонликка ҳам дучор бўлмасин. Бу ёмонлик – исрофгарчиликдир. Аллоҳ комил мўминларни сифатлаганидек сифатларга эга бўлишга уринсин:

وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا مِمْ مُسْرِفُوا لَمْ يَقْرُبُوا كَانَ بَيْنَ ذَلِكَ

فَوَامَّا

«Улар инфоқ қилғанларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар» («Фурқон» сураси, 67-оят).

АЛЛОХДАН ҚҮРҚИШНИНГ ЁМОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ФОЙДАСИ

Оlam ҳозирги кунда ахлоқсизлик, разолат ва жиноятнинг кенг тарқалганидан аячли ахволда қолди. Бунинг сабаби инсон Аллоҳни эсдан чиқариши, унинг улуғлигини унтишидир. Аллоҳдан қўрқишилик доимо руҳий ҳаётнинг асосларидан бўлиб келган. Чунки, бу нарса доимо инсонни яхшилик чўққиларига олиб чиққан. Шунинг учун ҳам, барча динлар мана шу фикрни кишилар қалбига жо қилиш учун келган бўлиб, уларга Аллоҳнинг ғазаби бу дунёю у дунё азобига гирифтор қилишини баён этган. Инсон Аллоҳдан қўрқмас экан, у ҳеч қандай ёмонликдан қайтмайди, ҳавои нафси нимани хоҳласа, шуни қиласди, бу йўлда ўзидан бошқаларга қандай жавру жабрлар етисиши ҳақида қайғурмайди. Инсонни ўзидан бошқага ёмонлик қилишдан қайтариш учун тузилган ҳеч қандай қонунлар ҳозиргача фойда бергани йўқ.

Ислом эса, ёмонлик қилганларга муносиб азоб-уқубатларни қонунлаштириш билан бирга, доимо Аллоҳдан қўрқиб туриш, унинг азобидан хавфа бўлишни кишиларга эслатиб келган. Шундай бўлгандағина кишилар Аллоҳга итоат қиласдилар ва унинг розилигига мусассар қилувчи тўғрийўлдан борадилар. Қуръон оятлари бунинг гувоҳидир:

وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَخْشَ اللَّهَ وَيَتَقَبَّلُهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَارِزُونَ

1. «Ким Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат этса ҳамда Аллоҳдан қўрқиб, Унга тақво қиласа, бас, ана ўшаларгина ютуққа эришгувчилардир» («Нур» сураси, 52-оят).

إِنَّ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ بِالْغَيْبِ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَلَا جُرْجُرٌ كَيْرٌ

2. «Албатта ўз Роббилиаридан ғойибдан құрқа-диганлар учун гуноҳларини кечиш ва улкан ажр-савоблар бордир» («Мулк» сураси, 12-оят).

رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَلِكَ لِعَنْ حِشْرِي رَبِّهِمْ

3. «Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам У зотдан рози бўлдилар. Бу, Роббисидан қўрқсанлар учундир» («Баййина» сураси, 8-оят).

Аллоҳдан қўрқиши инсонни одоб доирасида шижаатли қиласи. Бу эса, энг яхши инсоний сифатлардандин. Чунки, бундай киши ўз фикрини, ўзи тўғри деб тушунган нарсани очик-оидин айтади, одамларнинг гап-сўзидан, ҳукмдорларнинг fazabидан қўрқмайди. Нотўғри деб билган ишига асло қўл урмайди, агар одамларга ёқмаса ҳам. Қуръон сураларида мусулмонларни шундай бўлишга чақирилган:

فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُونَ إِنْ كُنُّمْ مُؤْمِنِينَ

1. «Агар ҳақиқий мўмин бўлсаларингиз, улардан (одамлардан) эмас, мендан қўрқинглар» («Оли Имрон» сураси, 175-оят).

أَنْخَسُونَهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ أَحَقُّ أَنْ تَخْشُوَهُ إِنْ كُنُّمْ مُؤْمِنِينَ

2. «Улардан қўрқасизми?! Агар мўмин бўлсангиз, қўрқишингизга лойиқ Аллоҳдир!!!» («Тавба» сураси, 13-оят).

يُجَنِّدُونَ فِي سَيِّلِ اللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَا يَعْلَمُ

3. «Аллоҳнинг йўлида жиход қиласлар ва ма-ломатчининг маломатидан қўрқмаслар» («Моудга» сураси, 54-оят).

Ислом тарихида Аллоҳнинг йўлида жон фидо қилган қаҳрамонлар ҳақида маълумотлар жуда кўп. Улар ҳар қандай азоб-уқубатларга ҳам бардош берганлар. Қуръон Аллоҳдан қўрқишини доимо умидворлик билан ёнма-ён қўйган. Чунки, Аллоҳ тавбасини қабул қилишидан ноумид бўлган киши хатарли бир қувватга айланиб қолади, ундан ҳеч яхшилик кутиб бўлмайди. Чунки, Аллоҳ билан банданинг орасидаги алоқанинг узилиши барча фасодларнинг бошидир. Кишининг ўз Парвардигоридан қўрқишининг чегараси бўлиб, у ноумидликка етиб бормаслиги керак. Фақат қўрқитиш асосида қилинган тарбия, Ислом назарида, нотўғри тарбия ҳисобланади. Чунки, бундай тарбия қалб-лардаги нурни сўндиради ва яхшилик аломатларини беркитади. Ҳар бир кишида яхши иш қилишга хоҳиш бўлиб, бу хоҳишни яхши мукофот ва Аллоҳнинг фазли карамига эришиш ваъдаси билан рухлантириб туриш лозим. Бу ҳақида Қуръон ояти шундай дейди:

وَلَا نُنْسِدُ وَافِ الْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَاحِهَا وَأَدْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا
إِنَّ رَحْمَتَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ

«Ва ислоҳ қилингандан кейин ер юзида фасод қилманг ҳамда унга қўқув ва тамаъ ила дуо қилинг. Албатта, Аллоҳнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга яқиндир» («Аъроф» сураси, 56-оят).

Аллоҳ ҳақиқий мўминларни сифатлаб, шундай дейди:

تَجَاهَ فِي جُنُوبِهِمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهِمْ خَوْفًا وَطَمَعًا

«Уларнинг ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Улар Роббиларига қўрқув ва тамаъ ила дуо қилурлар» («Сажда» сураси, 16-оят).

Баъзи пайғамбарларни сифатлаб, Аллоҳ шундай дейди:

إِنَّهُمْ كَانُوا إِسْرَارًا عَوْنَكَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَكَ أَغْبَانَ
وَرَهْبَانَ

«Албатта, улар яхшиликларга шошилишар эди ва Бизга рағбат ила ва құрқиб дуо қилишар эди» («Анбиё» сураси, 90-оят).

Аллоҳдан умидворлик билан құрқиши инсоннинг ишларига таъсир қилувчи әнг муҳим омилардан биридір. Шу нарса инсон виждонини тарбиялады ва уни инсоният жамиятининг яхши атзосига айлантиради.

Истиғфор (гуноҳни кечишни сўраш) ва унинг таъсири

Хеч шубҳа йўқки, «ҳамма ишларимни Аллоҳ, кузатиб турибди» деб эътиқод қилгувчи мўмин кишининг хатолари кам бўлади. Лекин гоҳида адашиб баъзи бир нолойиқ ишларни қилиб қўйса, дарҳол Аллоҳни эслайди, хатосини тан олади, надомат чекади, истиғфор айтиб, иккинчи бу ишни таракорламасликка аҳд қиласи. Исломда гуноҳни ювиш учун дин арబлари хузурида эътироф этиш (тан олиш)нинг ҳожати йўқ. Шунингдек, қилган гуноҳи кишига доимо ёпишиб юради, ундан қочиб кутулиб бўлмайди, деган эътиқод ҳам йўқ. Ҳар бир мусулмон бевосита Аллоҳга дуо қилиб, ўз надоматини изҳор қилиб, гуноҳидан ўтишини сўраш имконига эга. Қуръони Каримда шундай дейилган:

وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ
عَفْوًا رَحِيمًا

«Ким ёмонлик қылса ёки ўзига зулм этса, сүнгра Аллоҳға истиффор айтса, Аллоҳни мағфиратли ва раҳимли зот эканни топади» («Нисо» сураси, 110-оят).

Аллоҳ таоло ўзининг мағфиратига сазовор бўладиган мўминларни сифатлаб шундай дейди:

وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَأَسْتَغْفِرُ اللَّهُ عَوْنَى وَمَن يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصْرِرُ وَاعْلَمْ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿١٧﴾ أَوْ لَيْكَ جَرَأْوُهُمْ مَغْفِرَةً مِّنْ رَبِّهِمْ

«Ва улар фоҳиша иш ёки ўзларига зулм қилган чоғларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдилар, гуноҳларини Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиласди? Ва улар, билиб туриб, қилган гуноҳларида бардавом бўлмаслар. Ана ўшаларнинг мукофотлари Робиларидан бўлган мағфиратdir» («Оли Йимрон» сураси, 135, 136-оятлар).

Аллоҳ таоло тавба қилиб ўзига ёлворганларнинг гуноҳларини албатта кечади. Бу ҳақда «Зумар» сурасида шундай дейилган:

﴿فُلِّيَعْبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَقُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا نَقْنُطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الظُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴾

«Сен менинг тарафимдан: «Эй, ўз жонларига исроф (жавр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, унинг ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳимли зотdir», деб айт» (53-оят).

Уламолар: мўмин кишининг умидини кучлантирувчи оятларнинг энг зўри мана шу оятдир, деганлар. Ислом динида гуноҳлардан халос бўлиш,

үз-үзини поклаш имкони эзгулик йўлидаги ишларга чамбарчас боғлиқдир. Эзгу ишлар гуноҳни ювиши оят ва ҳадисларда алоҳида таъкидланган Чунончи, Аллоҳ, таоло Қуръони Каримда:

إِنَّ الْحَسَنَاتِ يُدْبِغُونَ السَّيْئَاتِ

«Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказди», деган («Худ» сураси, 114-оят). Бошқа бир жойда Аллоҳ, эзгу амаллар мағфиратта олиб боришини айтади:

وَأَخْرَوْنَ أَعْرَفُوا بِذُنُوبِهِمْ حَلَطُوا عَمَّا صَلَحَاهَا وَأَخْرَ سَيِّئَاتِهِمْ
عَسَى اللَّهُ أَنْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَّحِيمٌ

«Бошқалар эса, гуноҳларини эътироф қилдилар; улар яхши ва ёмон амални аралаштириб қилганилардир. Шоядки, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қиласа. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли зотдир» («Тавба» сураси, 102-оят).

Пайгамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай деганлар:

وَأَتْبِعِ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمْحُهَا.

«Ёмон ишнинг ортидан яхши иш қиласанг, ёмонликни ювган бўлади».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Зоро, инсон «Аллоҳ барча гуноҳларни кечади, мен ҳақиқий тавба қиласам, қабул қиласи» деб қатъий ишонмоғи лозим. Ҳозирги кунда тибиёт илми муҳтож бўлиб турган асаб касалликларини даволаш воситаларидан энг кучлиси ҳам ана шу. Психология олимлари, хусусан, машҳур Фрейднинг фикрича, асаб касалликларининг асосий сабаби

рухий тушкунлік бўлиб, унинг давоси фақат асаб касалликлари бўйича мутахассис кишининг олдида ўз хатоларини тан олиш билан бўлади.

Бу нарса, мутахассисларнинг айтишича, руҳий, мантиқий бир иш бўлиб, касалнинг хатоларини очиб ташлайди, у ўз хатоларини кўриб, ҳис қилади. Шунда унинг руҳи билан вижданни орасида ўзаро келишув пайдо бўлади. Виждан кечиради, инсон эса ўзини руҳи олдида мусаффо ҳис қилади, шу билан асабий тугун йўқолади.

Асабий тугулар хаёлий нарса бўлмай, балки кўпгина касалликларнинг сабабчиси ҳамдир. Масалан: бош оғриғи, юрак нотинчлиги, қон босими ва ҳозирги кунда тарқалган кўпгина касалликлар...

Бунинг давоси табиб ҳузурида эътироф бўлса, табиб ҳузурида эътироф қилди нимаю, Аллоҳнинг ҳузурида эътироф қилди нима? Аллоҳнинг кечириши билан вижданнинг соғ бўлиши орасида қандай фарқ бор?

Аслида, табиб ҳузурида ёки ёлғиз ҳолда ўз вижданни олдида тазарруъ қилаётган одам ўзи билиб-бilmagan ҳолда Аллоҳга юзланиб илтижо этаётган бўлади. Зеро, виждан «Ал-Мийсоқ»дан қолган диндорлик туйғусининг айни ўзидир.

Хатони тан олиш назарияси Қуръоннинг хикматларидан бўлиб, унинг инсон учун фойдаси жуда ҳам каттадир. Мисол учун, Қуръон Юнус алаҳис-саломнинг ўз хатоларини тан олганлари оқибатида ғам-ғуссадан қутулиб, нажот топғанларини айтиб ўтади:

وَذَا الْئُونِ إِذْ هَبَ مُغَصِّبًا فَظَنَّ أَنَّ لَنْ نَقْدِرَ عَلَيْهِ فَكَادَ
فِي الظُّلْمَتِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَنَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ
الظَّالِمِينَ أَنْتَ أَعْلَمُ بِمَا أَعْلَمُ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ وَبَخِينَهُ مِنَ الْفَمِ وَكَذَّلِكَ

ثُجِي الْمُؤْمِنِينَ

«Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кеттан эди. Бас, у Бизни ўзига (ер юзини) тор этмайди, деб гумон қилди. Зулматларда туриб, Сендан ўзга Илоҳ йўқ, Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим, деб нидо қилди. Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик. Унга ғамдан нажот бердик. Мўминларга шундай нажот берурмиз» («Анбиё» сураси, 87, 88-оятлар).

Бу оятдаги «мўминларга шундай нажот беруриз» жумласи барча мўминларни юқоридаги йўлдан боришига ва оғир, ноқулай ҳолатга тушшиб қолганда, ўз гуноҳларини тан олиб, Аллоҳдан ёрдам сўрашга даъват этади. Қуръон яна бошқа бир мисол келтириб, Одам Ато ва Момо Ҳаво Аллоҳнинг буйруғига бўйсунмай, гуноҳ қилганларида, бу гуноҳни тан олиб, дуо қилганларини эслатади:

فَالَّرَبَّنَا ظَلَمَنَا أَنْفُسَنَا وَإِنْ لَمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَرْحَمْنَا نَكُونَنَّ مِنَ الْخَسِيرِينَ ﴿٢٣﴾

«Эй Роббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик. Агар Сен бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳим қилмасанг, албатта, зиён кўрганлардан бўламиз» («Аъроф» сураси, 23-оят).

Қуръон гуноҳларни кечишни сўрашни ва уни қайта тақрорламасликни, «Аллоҳнинг раҳматига етишиш воситаси» дейди.

وَإِنْ أَسْتَغْفِرُوا رَبِّكُمْ ثُمَّ تُوبُوا إِلَيْهِ يُمْتَعَكُمْ مَنْعًا حَسَنًا إِلَى أَجْلٍ مُّسَمٍّ وَمُؤْتَلٍ كُلَّ ذِي فَضْلٍ فَضَلَّهُ

«Роббингизга истигфор айтинглар, сўнгра Унга тавба қилинглар. (Шунда) У сизларни маълум муддатгача яхши роҳатлар ила баҳраманд қилур ва ҳар бир фазл эгасига фазлини берур» («Ҳуг» сураси, 3-оят).

Ривоят қилишларича, Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) даврида бир киши келиб, қурғоқчи-

лиқдан шикоят қилибди. Ҳазрати Умар унга «истиффор айтинглар» деб жавоб берібдилар. Иккінчи бир киши келиб камбағалликдан шикоят қилибди. Үнга ҳам «истиффор айтинглар» деб жавоб берібдилар. Учинчи бир киши бефарзанд-лиқдан шикоят қилибди! Үнга ҳам «истиффор айт» дебдилар. Яна бир киши камқосиlliкdan, бошқаси эса сув танқислигидан шикоят қилибди. Уларға ҳам истиффор айтишни буорибдилар. Шунда, ҳазрати Умар билан ўтирганлардан бири:

«Эй, мүминларнинг амири, турли кишилар келиб, турли нарсалардан шикоят қылдилар, сиз эса барчасига «истиффор айт» дедингиз, бу қандай бўлди?» деганида, ҳазрати Умар юқоридаги оятни ўқиган эканлар.

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломга қаратада:

وَمَا كَانَ لِلَّهِ لِيُعَذِّبَهُمْ وَأَنْتَ فِيهِمْ وَمَا كَانَ لِلَّهِ مُعَذِّبٌ بَهُمْ
وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ

«Модомики, сен уларнинг ичида экансан, Аллоҳ уларни азобламас. Модомики, улар истиффор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобламас», деган («Анфол» сураси, 33-оят).

Пайғамбаримиз алайхиссалом вафот этганла-рида баъзи саҳобалар: «Бизни Аллоҳнинг азобидан сақлаб турувчи икки нарса бор эди, бири пайғамбаримиз алайхиссалом эдилар, энди иккинчи-си, истиффор қолди, у ҳам кетса, ҳалокатта учраймиз», дейишишган экан.


Тавба

Истиффор ҳақида айтилган фикрларни баъзи бир кишилар нотўғри тушуниб, инсон ҳар қанча гуноҳ ишларни қилса ҳам, уларнинг кечирилиши

осон экан, деган хаёлга келиши мүмкін. Аслида эса, ундаі әмас. Бу масалада оғзаки гаплар киғоя қылмайдилар, балки содир бўлган гуноҳга сидқидидан надомат қилиш, уни қайта тақрорла- масликка азму қарор қилиб, шу қарорга амал қилмоқлик ҳам зарур.

Аллоҳнинг мағфиратига эришиш учун осийликдан тавба қилиш керак. Тавба дегани – қайтиш деганидир. «Инсон тавба қилди» дегани «хатолардан, гуноҳлардан қайтди, аввал қилган гуноҳларига надомат (афсус) қилди» деганидир. Қуръон тавбага катта аҳамият бериб, кўлгина оятларда эслатиб ўтади:

فَنَّ تَابَ مِنْ بَعْدِ ظُلْمٍ هُ وَأَصْلَحَ فَإِنَّ اللَّهَ يَشْوُبُ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ




«Ким зулмидан кейин тавба этса ва яхши амал қилса, Аллоҳ, албатта, тавбасини қабул қиласи. Шубҳасиз, Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли зотдир» («Mouga» сураси, 39-оят).

كَتَبَ رَبُّكُمْ عَلَى نَفْسِهِ الرَّحْمَةُ أَنَّهُ مَنْ عَمِلَ مِنْكُمْ
مُؤْمِنًا بِجَهَنَّمَ ثُمَّ تَابَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَصْلَحَ فَإِنَّمَا غَفُورٌ رَّحِيمٌ

«Роббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзи. Сиздан ким билмасдан ёмонлик қилса, сўнгра, ундан кейин тавба қилиб, яхши амал қилса, бас, албатта, У зот мағфиратли ва раҳимли зотдир» («Анъом» сураси, 54-оят).

Кўпинча, Қуръони Каримда истиффор билан тавба кетма-кет келган: «Парвардигорингизга истиффор айтинг, сўнгра унга тавба қилинг» каби. Чунки, тавбага ундовчи нарса истиффордир. Шулардан кўриниб турибдики, Аллоҳнинг мағфи-

ратини сұрашда тавба изҳор қилишдан бошқа йўл йўқ. Чунки, гуноҳкор киши тўғри йўлдан юз ўтирган бўлади. Модомики, у гуноҳларидан қайтмаса, мағфират талаб қилмоқча имкони йўқ. Демак, истиффор зарур нарса бўлиб, тавба уни тўлдириб келади. Қуръон талаб қилган тавба гуноҳ содир бўлиши билан дарҳол бажарилиши керак. Вақт ўтиб, ёмонликлар газак олиб кетмаслиги лозим. Қуръони Каримнинг «Нисо» сурасида:

إِنَّمَا التَّوْبَةُ عَلَى اللَّهِ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ الْسُّوءَ بِجَهَنَّمَةَ ثُمَّ
يَتُوبُونَ مِنْ قَرِيبٍ فَأُولَئِكَ يَتُوبُ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَكَانَ اللَّهُ عَلَيْمًا


«Жаҳолат-ла ёмонлик қилиб қўйиб, сўнгра тезда тавба қиласиганларнинг тавбаси Аллоҳнинг зиммасидадир. Аллоҳ ана ўшаларнинг тавбасини қабул қиласи. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир», дейилган (17-оят).

Аллоҳ тавбанинг қабул бўлишига иккита шарт қўйган:

1. Ёмонликни билмасдан қилиш.
2. Тезда тавба қилиш.

Аммо, инсон ёмонликни ўзига одат қилиб олса ва ажали яқинлашганда тавба қилса, тавба қабул бўлмайди. Бу ҳақда «Нисо» сурасида шундай дейилган:

وَلَيَسْتِ الْتَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ الْسَّيِّئَاتِ حَتَّىٰ إِذَا
حَضَرَ أَحَدُهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي نَبْتُ أَعْنَانَ وَلَا أَلَّذِينَ يَمُوْتُونَ
وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَئِكَ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا


«Ёмонликларни қилиб юриб, бирларига ўлим етганда, «энди тавба қилдим» деган-

ларга ва коғир ҳолларида ўлғанларга тавба йўқ. Ана ўшаларга аламли азобларни тайёрлаб қўйганмиз» (18-оят).

Қуръон Аллоҳнинг мағфиратига эришиш учун тавба билан бирга яхши ишлар ҳам қилиниши кераклигини эслатади:

وَإِنْ لَغَافَارٌ لِمَنْ تَابَ وَأَمَنَ وَعَمِلَ صَلِحًا ثُمَّ أَهْتَدَى

«Албатта, Мен тавба қилган, иймон келтириб, яхши амал қилган, сўнгра тўгри юрганларни кўплаб мағфират қилгувчиман» («Тоҳа» сураси, 82-оят).

إِلَّا مَنْ تَابَ وَأَمَنَ وَعَمِلَ عَكْلًا صَلِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ
اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا

«Магар ким тавба қилса, иймон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳимли бўлган зотdir» («Фурқон» сураси, 70-оят).

Демак, тавба муҳим ахлоқий омилдир. Кимки уни кечга сурса, инсоний фазилатлардан маҳрум бўлади. Кимки унга шошилса, ўзини ислоҳ қилган бўлади ва ёмонликни тутгатишда катта кучга эга бўлади. Голландиялик ёзувчи Франц Сталл бир журналга ёзган мақоласида Исломдаги ахлоқий таълимотлар билан Европадаги ахлоққа чақиривчи ташкилотларнинг таълимотини қиёслаб кўриб, шундай дейди: «Ислом динидаги тавба кишиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш воситасидир. У улкан ахлоқий қуролдир, унда надомат, ўзгариш ва яхшиликка ўтиш бирлашиб келади».

Нажот умидворлиқда

Инсон учун дунёда рухий тушкунлиқдан зарарлыроқ нарса йўқ. У энг хатарли касаллик бўлиб, инсонни қийин ахволга солиб кўяди. Кўпинча ҳало-катта олиб боради. Фараз қиласлиқ, бир рухий тушкунликка учраган одам бу дунёга назар солса, ҳаммаёқда бадбахтлик, касаллик, хафачилик, ғам-ғусса тўлиб ётган-у, хотиржамлик, баҳт-саодатдан асар ҳам йўқдек кўринади. Шунда у келажақдан умидини узади, ҳаёт учун курашни тарк этади ва ниҳоят, ўзини ҳалос қилиш ниятида ўз жонига қасд қиласди.

Албатта, ҳаётда турли мусийбатлар ва фалокатлар содир бўлиб, кишини рухий тушкунликка тушириб туради. Лекин Аллоҳга иймони бор, унинг раҳматидан умидвор кишилар бундай вақтда илоҳий марҳаматдан ҳеч қачон ноумид бўлмайдилар. Шу иймон ва умидворлик уларнинг қийинчиликларини осон қиласди. Шунинг учун ҳам, Куръон доимо Аллоҳнинг раҳматини талаб қилишга, балки бу ҳаётдан мақсад ҳам шу нарса бўлишига чақиради:

قُلْ يَنْفَضِّلِ اللَّهُ وَرَحْمَتَهُ، فِيذِلَكَ فَلَيَفْرُحُوا هُوَ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ

«Сен: «Аллоҳнинг фазли ила ва Унинг раҳмати ила. Бас, ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир», деб айт» («Юнус» сураси, 58-оят).

وَرَحْمَتُ رَبِّكَ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ

«Роббингнинг раҳмати улар жамлайдиган нарсадан яхшидир» («Зухруф» сураси, 32-оят).

Куръон чақириғи ҳаёт фаровонлигидан маҳрум бўлиб юрган миллионлаб қалбларга шифодир. Улар Аллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлишдек шарафли нарсани қалбларига жо қилсалар, бой ва

мансадбор кишиларга ҳавас билан әмас, балки оддий назар соладилар. Чунки, уларнинг мақсади бойлик ёки мансаб әмас, балки Аллоҳнинг марҳаматидир. Қуръон шу мақсадга ишора қиласи ва унга эришиш учун кўпгина буюк сифатларга эга бўлиш, Аллоҳ ва инсонлар олдидағи бурчни шарап билинадо этиш зарурлигини таъкидлайди.

إِنَّ رَحْمَةَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ

«Албатта Аллоҳнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга яқинидир» («Аъроф» сураси, 56-оят).

وَلَئِنْ قُتِلْتُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَوْ مُتُمَّلِّ مَغْفِرَةً مِّنَ اللَّهِ وَرَحْمَةً
خَيْرٌ مَا يَجْمَعُونَ

«Гарчи Аллоҳ йўлида қатл қилинсангиз ҳам ёки ўлсангиз ҳам, Аллоҳдан бўладиган мағфират ва раҳмат улар жамлайдиган нарсадан яхшидир» («Оли Имрон» сураси, 157-оят).

وَرَحْمَتِي وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ فَسَأَكْتُبُهَا لِلَّذِينَ يَنَّقُونَ
وَيُؤْتُونَ الرَّكْوَةَ وَالَّذِينَ هُمْ بِأَيْثِنَا يُؤْمِنُونَ

«Раҳматим эса, ҳамма нарсадан кенгdir. Уни тақво қилганларга, закот берганларга, оятларимизга иймон келтирганларга ёзажакман» («Аъроф» сураси, 156-оят).

Аллоҳнинг раҳматига эришиш учун доимо ҳаракат қилиб келаётганларга ноумидлик муносаб әмас. Улар улкан руҳий қувватта эгадирларки, бу қувват улар учун барча мусийбат ва ғамғуссаларни осонлаштиради. Аксинча, бундай мақсадлари йўқ, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид ки-

шилар нажот йўлини топа олмайдилар ва доимо мусийбатдан, қийинчиликдан бошлари чиқмайди. Бу ҳақида Қуръони Каримда шундай дейилади:

قالَ وَمَنْ يَقْنَطُ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّهِ إِلَّا الظَّالُونَ

«Фақат залолатга кетган кишиларгина ўз Роббисининг раҳматидан ноумид бўлурлар» («Ҳижр» сураси, 56-оят).

Ибодат

Инсон ақли мусаффо бўлиб, чуқур тафаккурга кетганда, нима учун дунёга келдим, менинг дунёга келишимдан мақсад нима, деган саволларни ўзидан-ўзи сўрайди. Бу қабилдаги саволлар барча файласуфларни ўйлантирган, бирон тўғри, етук жавоб беришдан барча алломалар ҳам ожиз қолганлар. Немис файласуфи Кантнинг айтишича, фалсафа масалаларининг энг улуғи учта масала-дан иборатdir. Булар қуийдагилар:

1. Нимани билишга қодирмиз?
2. Нима қилмоғимиз керак?
3. Нимага умид боғлаймиз?

Куръон бу масалаларга очиқ-оидин жавоб беради. Инсоннинг яратилишидан мақсад – Аллоҳга ибодат қилишдир. «Зарият» сурасида шундай дейилган:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّةَ وَالْإِنْسَانَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ

«Жин ва инсонни, фақат, Менга ибодат қишлилари учунгина яратдим» (56-оят).

Аллоҳнинг ибодати бўйсунишнинг ниҳоятда юқори чўққиси, унга итоат қилиб, инсон ўзини хокисор тутишидан иборатdir. Бундай бўлиши учун эса, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга ва ҳеч нар-

сага сиғинмаслигимиз керак. Чунки, ер юзидағи барча нарсалар Аллоҳнинг яраттан нарсалариңдир. Қуръони Каримда бу ҳақида шундай дейилган:

إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ أَمْرٌ أَلَاَقْبُدُوْنَا إِلَّا إِيَاهُ

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир, У фақат Ўзигагина ибодат қилишиңгизни амр этди» («Юсуф» сураси, 40-оят).

ذَلِكُمْ أَلَّهُ رَبُّكُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ خَلِقُ كُلِّ شَيْءٍ فَاعْبُدُوهُ

«Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Үндан бошқа ибодатта сазовор зот йўқ. У ҳар бир нарсанинг Яратгувчисидир. Бас, Үнга ибодат қилинг» («Анъом» сураси, 102-оят).

Демак, ер юзида ҳеч бир кимса ўзини юқори ҳисоблаб, мутакаббир бўлиб, одамларга қаҳрини ўтказиб, уларни ўзига бўйсундиришга, амрига итоат қилдиришга, айттанидан қайтишга мажбур қилишга ҳаққи йўқ. Ана шундай ўзбошимчаларга итоат қилганлар Аллоҳга ширк келтирганлар бўлиб, ер юзида ёмонлик, фасод ва түғённинг тарқалишига улуш қўшган бўладилар. Ислом дини Аллоҳга ибодат қилишга чақириш билан инсонларни асрлар давомида ўзига ибодат қилдириб келган подшоҳлар, золимлар ва ўзларини илоҳийлаштирган дин арбобларининг зулмидан озод қиласди. Шу билан биргага, инсонларнинг фикрларидан «Ўша бошлиқлар биздан афзалдир, бизга фойдани ҳам, зарарни ҳам шулар келтиради» деган фикрни йўққа чиқаради. Бу ҳақида Қуръон шундай дейди:

فَلَمْ يَعْبُدُوْنَ مِنْ دُوْنِ اللَّهِ مَا لَا يَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا

«Сен: «Аллоҳни қўйиб, сизга зарап ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган нарсага ибодат қиласизларми?!» – деб айтгин» («Mouga» сураси, 76-оят).

**إِنَّ الَّذِينَ تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ لَكُمْ رِزْقًا
فَابْشُرُوا عِنْدَ اللَّهِ الرِّزْقَ**

«Албатта, Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган нарсаларингиз сизга ризқ беришга молик эмаслар. Ризқни Аллоҳнинг ҳузуридан истанглар» («Анкабут» сураси, 17-оят).

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ барча асрларда одамларга йўз пайғамбарларини юбориб турди, тоинки, улар кишиларни фақат Аллоҳнинг ўзига ибодат қилишга ва ундан бошқа ҳеч кимга сифин маслилкка чақирсингилар. Аллоҳ, Куръони Каримда шундай дейди:

**وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا إِنَّ أَعْبُدُ وَأَلَّهُ وَأَجْتَنِبُوا
الظَّاغُوتَ**

«Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб Пайғамбар юборганимиз» («Тоғут» – Аллоҳдан бошқа сифинилаётган нарсалар) («Наҳл» сураси, 36-оят).

Кишиларга баҳтсизлик қелишининг асосий сабаби мана шу ҳақиқатни билмасликларидандири.

Дуо

Дуо ибодат турларидан бири бўлиб, инсон билан Аллоҳнинг орасини боғлайди. Дуо инсон рухига қўшиб яратилган нарса бўлиб, қийинчиллик вақ-

тида ўз-ўзидан, бирор үргатмаса ҳам ҳар бир одам Аллоҳға илтижо қилиб келади. Инсон ҳаётдаги ҳодисалар қаршисида ожиз қолғанда ўзига дуодан бошқа суюнчиқ топа олмайды. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло мусулмонларни дуо қилишга буюрган.

وَقَالَ رَبُّكُمْ أَدْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْرِهُونَ
عَنِ عِبَادَتِي سَيَدِ الْحُكُومَ جَهَنَّمَ دَاهِرِينَ

«Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида киругулар», деди» («Ғофир» сураси, 60-оят).

Мана шу оятда Аллоҳ дуони «ибодат» деб атаган. Кимки ундан кибр билан юз ўғирса, Аллоҳнинг fazabiga учрашини эслатиб ўтган. Дуо кўпгина касалликларнинг давосидир. Инсон табиати шундайки, ўзининг қалбидаги дарду ҳасратини энг яқин дўстига тўкиб солиб, ўзининг қайфу-аламини енгиллатгиси келади.

Руҳий касаллик табибларининг таъкидлашича, кўпгина асабий, руҳий аламларнинг тузалиши, шу аламларнинг сабабини бир яқин ёр-дўстга ошкор қилиш билан бўлар экан. Бу нарсани бирорга айтмай, яшириб юрилса, дард зиёда бўлар экан. Агар инсон ўз қайгусини Парвардигорига айтса-чи, ундан ёрдам сўраса-чи? Албатта, бу вақтда унинг қалби осойишталик билан тўлади, қайфу-аламлари кўтарилади. Чунки, иймони унга «Аллоҳ сен билан бирга, ундан бир нарсани сўрасанг, албатта, сўраганингни беради» деб турибди. Аллоҳ бу ҳақида «Бақара» сурасининг 186-оятида шундай дейди:

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادٍ عَنِ فِيَّنِي قَرِيبٌ أُجِيبُ بِدَعَوَةِ الدَّاعِ
إِذَا دَعَاهُ أَنَّ فَلِيَسْتَحِيْبُوا إِلَيْ وَلَيُؤْمِنُوا بِإِلَهِهِمْ يَرْشَدُونَ

«Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилғанда ижобат қиласман. Бас, Менга ҳам ижобат қилсинглар ва иймон келтирсинглар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар».

Ислом талаб қилаёттган дуо ҳамма вақт: хурсанд-чилик вақтида ҳам, хафачилик вақтида ҳам керак. Чунки инсон доимо ўз парвардигорини эслаб, ибодатини қилиб бориши керак. Инсон қийинчилик вақтларида ўз-ўзидан Аллоҳга илтижо қиласди, лекин Аллоҳ унинг мушкулини осонлаштириши биланоқ Аллоҳни эсдан чиқариб, ўз қуввати билан түуруланди. Бу эса, ўз навбатида Аллоҳнинг буйруқларидан бўйин товлаш ва фасод ишларни қилишга олиб келади. Бу ҳақида Куръон шундай дейди:

وَإِذَا مَسَّ الْإِنْسَانَ الضُّرُّ دَعَانَا لِجَنِيْهِ أَوْ قَاعِدًا أَوْ قَائِمًا فَلَمَّا
كَشَفْنَا عَنْهُ ضُرُّهُ مَرَّ كَأَنَّ لَمْ يَدْعُنَا إِلَى ضُرُّ مَسَّهُ

«Қачонки инсонга зарар етса, Бизга ёнбошлигаган, ўтирган ёки турган ҳолида дуо қиласди. Ундан зарарини кетказсак, худди ўзига етган зарар ҳақида Бизга дуо қилмагандек кетаверади» («Юнус» сураси, 12-оят).

Шунинг учун ҳам, инсон Аллоҳ уни ҳалокатдан қутқарип қолганидан сўнг, унга осий бўлмасдан, балки ўша ҳолатини Аллоҳнинг тоат-ибодати учун доимо эслатма бўлиб турадиган қилиб олиши керак. Дуо Исломда руҳий улуғворликнинг асосий рамзи ҳамдир. Бу улуғворлик мусулмон кишини жасади учун керакли баъзи бир дунёвий нарсалардан ўзини юқори тутадиган ва камолот чўққи-ларига чиқадиган қилиб қўяди. Бунинг устига, аввал айтиб ўтилганидек, мусулмон киши дуо орқали Аллоҳдан фазл (устунлик), ишларининг осон, мушкулининг енгил бўлишини ва бошқа нарсаларни сўрайди. Куръони Каримда дуо шаклида жуда

ҳам күп оялтар бор. Бу оялтарни ёдлаб олиб, дуо қилиб юрилса, Қуръонга мувофиқ дуо қилинганды бўлади. Дуо фазилатли иш эканлиги тўғрисида жуда ҳам күп далиллар келган. Шулардан бир ҳикояни эслатиб ўтиш кифоя бўлса керак:

«Алае Ландберг» исмли самолёт командири билан 9 киши ҳалокат туфайли океанга тушиб қолишганда, ҳамма уларни «ҳалок бўлди» деб ўйлаган. Бу ҳакида командир қуйидагича ҳикоя қиласди: «Бир амаллаб иккита қутқарув резина балонига жойлашиб одик. Бизда бир қултум сув ҳам, бир тишлам нон ҳам йўқ эди. Ҳаммамиз даҳшатда эдик. Фақат орқа пулемётчимиз Алъберт Гранандез даҳшатта тушмади, балки ихлос билан ёлбориб, дуо қила бошлади. Бизни тинчлантириб: «Мен биламан, Аллоҳ, менинг дуоимни қабул қиласди, бизга тезда ёрдам беради», дерди. Аёвсиз қуёш иссиғида қолдик. Шундай бўлса-да, ичимиизда Аллоҳга ёлбориб дуо қиласди. Шу ҳолда З кун ўтиб, оқшом пайти кичкина оролчага кўзимиз тушди. Шу пайт ҳеч кутилмаган воқеа содир бўлди – бизга қараб учта қайиқ сузиб кела бошлади. Ичида яланғоч кишилар бор эди. Кейин билсак, бизнинг халоскорларимиз австралиялик туб аҳолилардан бўлиб, қора танли яланғоч кишилар экан. Улар ўз юртларидан юзлаб мил масофани сузиб ўтиб, шу, ерга келибдилар. Ўзларининг айтишларича, улар кечака ўлжаларини олиб, юртларига қайтишмоқчи экан, лекин қандайдир сирли туртки уларни ўз қайиқларини мана шу ҳамманинг эсидан чиқиб кетган, ҳеч кимга фойдасиз тарафга буришни раво кўрибди». (Бу воқеа 1944 йил октябр ойида содир бўлган.)

Шу воқеадан ҳам дуонинг фойдаси қанчалик кўп эканини билиб олса бўлади.

АХЛОҚ

Ахлоқ илми яхшилик ва ёмонлик ҳақида баҳс юритады ҳамда кишиларнинг ўзаро муомалалари қандай бўлиши кераклигини тушунтириб, ўз ишларида қандай ғояларни қасд қилиш зарурлигини шарҳлаб, қилиниши зарур бўлган ишларнинг йўлини ёритади. Ҳеч шубҳа йўқки, халқларнинг ўз хусусиятларини сақлаб қолишларида ахлоқ асосийомил ҳисоланади. Шунинг учун ҳам, барча уламолар ва файласуфлар бир овоздан «Ёлғиз кишиларнинг ва барча жамиятларнинг фойдаси учун ахлоқ ниҳоятда зарур», деганлар. Бир киши ахлоқсиз, ёлғончи, риёкор, ҳасадгўй, маккор бўлса, шу сифатларни ўзи яшаттган жамиятта тарқатиб, шу жамият аъзоларига ҳам зарар етказади. Шунинг учун, инсонлар жамиятини ислоҳ қилишга уринган барча файласуф ва ҳукмдорлар яхши ахлоқларга алоҳида эътибор берганлар. Улардан баъзилари «Ахлоқ ҳар бир жамиятнинг асосидир» деб жуда ҳам тўғри айтган. Шунинг учун ҳам, барча пайғамбарлар кишиларни яхши ахлоқларга чорлаганлар. Қуръони Карим бу масалага алоҳида эътибор берган. Чунки, ахлоқ охират неъматларига етказувчи асосий нарсалардан биридир. Бу ҳақиқатни мусулмон бўлмаганлар ҳам тан олишган. Мисол тариқасида доктор Густав Лобоннинг қуидаги сўзларини келтириш мумкин:

«Қуръони Каримдаги ахлоқ асослари бошқа барча дин таълимотларидан устун туради».

Қуръон бажаришга буюрган яхши хулқлар ҳақиқий инсоний фазилатлар бўлиб, дунёдаги барча файласуфлар ва ислоҳчилар кишиларни шу нарсаларга чақирган. Агар инсонлар шу нарсаларга амал қилишса, ўzlари учун жуда ҳам катта баҳтга сазовор бўлардилар.

Қуръон инкор қилган ёмон хулқлар разолатдан иборат бўлиб, ўзаро келишмовчилик ва душманликнинг сабабидир. Бу дунёда инсон ёмонлик ва яхшилик ўртасида талаща қолади. Бир ички

ёки ташқи сабаб туфайли ё у тарафга, ё бу тарафга бурилиб кетади.

Диннинг асосий мақсадларидан бири, инсонга ёмонликнинг зарарларини баён қилиб, ундан араб қолиши, ҳамда ёмон йўлга кириб кеттаниларни тўғри йўлга чорлаштириб. Тўғри йўлда юриш одобий тараққиётнинг сабабидир. Қайси жамиятда шу иш яхши йўлга қўйилса, ўша жамиятнинг аҳволи ниҳоятда яхши бўлади. Агар инсонда тўғри йўлдан юриш рағбати бўлмаса, унда яхшиликка интилиш сўнади ва ёмонлик ботқоfiga ботиши осонлашади. Шунинг учун ҳам, Исломда тўғри йўлдан юришга алоҳида эътибор берилган. Тўғри йўлда юришни диний китобларимизда «Истиқомат» ва шу ўзакдан олинган бошқа сўзлар билан келтирилади.

Аллоҳ Қуръони Каримда «Истиқомат»ни қўп мақтаган. Мисол учун, «Аҳқоғ» сурасининг 13-оятини олайлик:

إِنَّ الَّذِينَ قَاتُلُوا رَبِّنَا اللَّهَ ثُمَّ أَسْتَقْمُوْفَ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ



«Албатта «Роббимиз Аллоҳдир» деган, сўнгра бунда мустаким турғанларга хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар».

Бир киши Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оддиларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга насиҳат қилинг», дебди. Шунда Аллоҳнинг Расули: «Аллоҳга иймон келтирдим» дегин, сўнгра «истиқоматда бўл» (доимо тўғри йўлда юриш), деган эканлар. Истиқомат маъноси, ўз-ўзини ислоҳ, қилиш маъноси билан борлиқдир. Чунки, ёмонликда бардавом бўлиш инсонни ёмон оқибатларга олиб келади. Бу эса, жамиятта ҳам катта зарардир. Шунинг учун, Қуръони Каримда Аллоҳ ўз-ўзини ислоҳ, қилганларга катта ваъдалар берган:

فَنَّتَابَ مِنْ بَعْدِ ظُلْمٍ هُوَ وَاصْلَحَ فَإِنَّ اللَّهَ يَتُوبُ عَلَيْهِ

«Ким зулмидан кейин тавба этса ва яхши амал қылса, Аллоҳ, албатта, тавбасини қабул қиласы» («Моңда» сураси, 39-оят).

Истиқомат фақат ўз-ўзини ислоҳ қилиш ва қалбни поклаш бўлмасдан, гуноҳ ишларни қилиб қўйганлар учун умид эшигини очади ва уларни янги саодатли ҳаётта бошлайди. Бу нарсалар ундей кишини ноумидликдан қутқаради. Ноумидлик одамларни ҳеч яхшилик кутиб бўлмайдиган, доимо ёмон ишлар билан машғул бўладиган қилиб қўяди. Бу таълимотлар ҳозирги замон психология илмининг барча қашфиётларини ўзида мужассамлаштириб келган. Бу илмнинг айтишича, бир муваффақиятли шахсни ёки яхши ахлоқни ўйлаш, тажриба қилиш йўли билан эмас, балки киши феъл-авторини машқ қилдириш, йўлга солиш билан шакллантириш мумкин экан.

Эҳсон

«Эҳсон» деганда, бирорвга бир неъматни бериш ва фазли қарам кўрсатиш тушунилади. Лугат китобларига қаралганда, «эҳсон»нинг маъноси бундан ҳам кенгроқ эканлиги маълум бўлади. У «яхшилик қилди» маъносида ҳам ишлатилади. «Яхшилик» тушунчаси эса дунёдаги барча яхши ишларни ўз ичига олади. Бунга муомала ҳам ва бошқа барча яхши ишлар ҳам киради. Куръони Каримдаги эҳсон тўғрисидаги таълимот бу Китоб руҳий китоб эканлигининг гувоҳидир. Куръон эҳсон масаласининг инсон шахсиятига таъсир қилиш тарафларини ҳам кўрсатиб ўтган. Эҳсон қилувчиларнинг сифатларини баён қилган. Куръон эҳсон инсоннинг табиий вазифаси эканлигини, Аллоҳ унга эҳсон қилиб ўз неъматларини бергани учун, у ҳам ана шу неъматлардан бошқаларга эҳсон қилиши кераклигини тушунтирган:

وَأَحْسِنْ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ

«Аллоҳ, сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил» («Қасас» сураси, 77-оят).

Куръон эҳсоннинг фойдаси эҳсон қилувчининг ўзига бўлишини уқтиради:

إِنَّ أَحَسَنَتُمْ أَحَسَنَتُمْ لِأَنفُسِكُمْ وَإِنْ أَسْأَلْتُمْ فَلَهَا

«Агар яхшилик қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қиласиз. Агар ёмонлик қилсангиз ҳам, ўзингиз учундир» («Исрө» сураси, 7-оят).

Бу ёрқин ҳақиқатдур. Албатта, яхшилик қилувчилар ўзларида бир руҳий хотиржамликни сезадиларки, у нарса улардан бошқа ҳеч кимда бўлмайди. Яхшилик қилинган кишилардан яхшилик қилувчиларга нисбатан бўладиган мұҳаббат, хурмат-эҳтиром ҳам уларнинг қалбларига саодат бахш этади. Ёмонлик эса, ўз эгасига баҳтсизлик келтиради. Унинг ҳаётда роҳати бўлмайди.


Шунингдек, Куръон яхшилик қилишнинг мартабасини кўтариб, Аллоҳга ихлос қилиш билан тенглаштиради ва бу икки нарса диндор кишининг энг яхши сифатларидантур, дейди. Қуйидаги уч оят фикримизнинг далилидир:

وَمَنْ أَحْسَنْ دِينًا مِّمَّنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ وَاتَّبَعَ
مِلَّةً إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا

«Яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилган ва Иброҳимнинг тўғри динига эргашган кимсанинг динидан ҳам яхшироқ дин борми?» («Нисо» сураси, 125-оят).

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالَهَا

«Ким бир яхшилик қылса, унга ўн баробар қайтарилур» («Анъом» сураси, 160-оят).



«Ким яхшилик қылса, унга ундан күра яхши-роқ (мукофот) **бўлур. Ҳамда улар ўша куннинг даҳшатидан омондадирлар»** («Намл» сураси, 89-оят).


Қуръони Каримда яхшилик қилувчиларнинг сифатлари ҳам келтирилган. Улар кечалари намоз ўқувчилар, туннинг охирида парвардигорларидан мағфират сўровчилар, мол-мулкларидан муҳтожлар учун насиба ажратувчилардур.

Пайгамбаримиз Мұхаммад sollallohu alaihi wasallamga эргашиш – эҳсон, бирони кечириш ҳам эҳсондир:



«Бас, уларни афв эт ва айбларини ўтиб юбор. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни сева-ди» («Mouga» сураси, 13-оят).

Сабр қилиш ҳам эҳсондир:



«Ва сабр қил. Бас, албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг ажрини зое қилмас» («Хуг» сураси, 115-оят).

Қуръони Каримда эҳсонга лойиқ ва сазовор кишилар ҳам айтиб ўтилган. Улардан энг бириңчилари ота-оналадир. Уларнинг ҳаққи жуда ҳам улуғ. Қуръон уларга яхшилик қилишга буюриб-гина қолмай, балки улар билан қандай муомалада бўлишни ҳам чегаралаб берган:

﴿ وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَنًا إِمَّا
يَبْلُغَنَ عِنْدَكُمُ الْكِبَرَ أَهْدُهُمَا أَوْ كِلَّا هُمَا أَفِيٰ وَلَا
نَهْرُهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴾ وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الْذَلِيلِ
مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ أَرْحَمَهُمَا كَارِبَيَافِ صَغِيرًا ﴾

«Роббинг фақат Унинг йўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт! Икковларига меҳрибонлик или хокисорлик қанотингни паслат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳим қилгин», деб айт» («Исро» сураси, 23, 24-оятлар).

Шу оятта назар солсақ, кўрамизки, Аллоҳ, аввало, ота-онага яхшилик қилишни ўз ибодати билан яқинлаштирибди. Сўнгра эса, уларга қандай яхшилик қилишни, хусусан, қариб қолганларида қандай муомала қилишни ўргатибди. Шу ерда бешта нарса буюрилган бўлиб, инсондаги яхши муомалаларнинг энг юқори чўққиси шулардир:

1. Улардан бирор гап ўтса, малол келиб, «уфф» ҳам демаслик.
 2. Ота-онани хафа қиласидиган сўз сўзламаслик.
 3. Уларга доимо эҳтиром билан яхши сўзларни сўзлашлик.
 4. Уларга доимо раҳим-шафқат кўрсатиб, ўзини улар олдида камтар тутиш.
 5. Аллоҳдан уларга раҳмат тилаб дуо қилиш.
- Куръон ота-онадан бошқа яхшиликка сазовор кишиларни ҳам айтиб ўтган:

﴿ وَأَعْبُدُهُ أَللَّهُ وَلَا تُشَرِّكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَنًا

وَبِذِي الْقُرْبَى وَالْيَتَّمَى وَالْمَسْكِينَ وَالْجَارِ فِي الْقُرْبَى
وَالْجَارِ الْجُنُبُ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنْبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا
مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ

«Ва Аллоҳга ибодат қилинглар ва Үнга ҳеч нарсани ширк келтирманглар. Ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга, ёнбошдаги соҳибларга, кўчада қолганларга ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглар» («Нисо» сураси, 36-оят).

Бу оятда эҳсоннинг кўп турлари жамланган, агар кишилар бунга амал қилсалар, улар орасида ҳамиша яхшилик ҳукм сурган бўлур эди. Жумладан, факат Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиш, ота-онага яхшилик қилиш, қариндошларга, ака-ука, опа-сингил ва бошқаларга яхшилик қилиш жамият учун фойдалидир. Чунки, жамият оиласардан тузилган. Сўнгра, Аллоҳ, етимларга яхшилик қилишга буюради, чунки улар тарбиячисини йўқотган бўлиб, ёрдамга муҳтождирлар. Агар етимларга бепарволик билан қаралса, улар ёмон йўлга кириб кетадилар ва ўз жамиятларига катта зарар етказадиган бир унсурга айланадилар. Шунингдек, Аллоҳ, таоло узоқ-яқин қўшниларга ҳам яхшилик қилишга буюради. Шу орқали бир маҳалладаги кишилар орасида муҳаббат кучаяди ва улар эзгулик йўлида доимо ҳамкор бўладилар. Шунингдек, Аллоҳ, яқин кишиларга, яъни, сафарда, ўқишда, ишда ёки бошқа жойларда бўладиган барча ҳамроҳларга яхшилик қилишга буюради. Бу эса, жуда улкан самаралар сабабчисидир. Бундан сўнг, Аллоҳ, йўлда муҳтожликка учраган мусофиirlарга ўз юртларига етиб олишлари учун яхшилик қилишга буюради ва ҳоказо...

Агар кишиларда яхшилик қилиш сифати мукаммал бўлса эди, файласуфлар орзу қилган, бошқа-

ларга ўрнак бўла оладиган жамиятлар пайдо бўлур эди. Ҳақиқатан ҳам, мусулмонлар Ислом таълимотига тўлиқ амал қилган вақтларида ер юзида шундай жамиятлар ҳукм сурган. Бу, тарихий ҳақиқат бўлиб, барча инсофли тарихчилар тарафидан эътироф этилган.

Сабр

Киши ҳаётда турли-туман ҳолатларга тушади: айрим ҳолларда қувончидан боши осмонга етса, баъзан кўзига ёруғ олам зимистон бўлиб туюлади. Бундай пайтларда кўпчилик, айниқса, ёшлар ўзларини омадсиз, нотавон ҳис қиласидар, омадсизлик аламларига дош беролмай, турли бўлмағур чоралар воситаси ила аламдан чиқмоқча тутинацилар. Ваҳоланки, оддий тафаккур кўзи билан кўрилса ҳам, инсон умри бир текисда, равон ўтавермаслигини – баҳтиёр кунларда машаққатлар эҳтимоли йўқолмаганини, уқубатли дамларда эса яхши кунлар умиди сўнмаганини кўриш мумкин. Бинобарин, баҳтли онларда ҳовлиқмаслик, кулфат ва машаққатта йўлиқканда эса, баҳтиёр кунлар яна келажагини ёдда тутмоқ ва шунга биноан, сабр-тоқат, қаноатни кўлдан бермаслик катта фазилат саналади.

Исломда сабр ахлоқий фазилатлардан бўлиб, мусулмон кишининг руҳий таянчларидан биридир. У, мусулмонлар қалбига сукунат ва хотиржамлик солиб, алам берәёттан дардига малҳам бўлади. Сабрли киши қийинчиликларни сабот билан қарши олади, уни «Аллоҳ тарафидан юборилган синов» деб билади. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, албатта, ҳар бир қийинчилик ортида ажойиб ҳикматлар ётади. Шундай пайтда жоҳил киши хафа бўлади, ўзини ҳар ёнга уради, ғам-ғуссага ботади. Аммо оқил эса, Аллоҳ тарафидан юборилган бу қийинчиликлар орасида ҳам ўзига яхшиликни топишга уринади. Агар сабр бўлмаса, еттан балолардан инсон ҳалок бўлиши ва ҳаётдан ортда қолиши турган гап. Сабр руҳий ҳаёт билан моддий ҳаётни ажратиб турувчи бир нарсадир.

Шунинг учун ҳам, Куръон сабрга катта ақамият бөриб, уни мақтаган, обрусины күтартған ва сабрли кишиларни «жуда ҳам ажойиб кишилар» деб атаган. Сабр Куръони Каримнинг 70 жойида зикр қилингандык. Бошқа ҳеч қандай фазилат бу миқдорда зикр қилинмаган. Мана шунинг ўзи ҳам Сабр қандай улуғ нарса эканлигига ва бошқа күпгина фазилатларнинг ҳам асоси эканлигига далилдир. Балки, сабр барча фазилатларнинг онаси ҳисобланади. Чунки, у, инсон қалбіда яхшилик малакасини оширади. Ҳар бир фазилат сабрга муҳтождир. Масалан, шижиоат, жиһод қийинчилікларга сабр қилишдан иборат. Иффат эса, шаҳватларга сабр қилишдір. Ҳәлимлик эса, аччиғни чиқарувчи күпгина нарсаларга сабр қилишдір ва ҳоказо... Шунинг учун ҳам, Аллоҳ сабрлilarни яхши күраиди ва Куръони Каримда айтадики, сабрлilar Аллоҳнинг ортиқча фазлу марҳаматига бу дунёю у дунёда сазовор бўладилар:

إِنَّمَا يُؤْفَى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ

«Албатта, сабр қилгувчиларга ажрлари ҳисбосиз, тўлиқ берилур» («Зумар» сураси, 10-оят).

وَلَنَجِزِّيَنَّ الَّذِينَ صَبَرُوا وَأَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

«Албатта, Биз сабр этгандарни қилиб юрган амалларининг энг гүзалига бериладиган ажр илиа мукофотлармиз» («Наҳл» сураси, 96-оят).

وَجَرَّنَّهُمْ بِمَا صَبَرُوا جَنَّةً وَحَرِيرًا

«Ва сабр қилганларни учун уларни боғу роғ ва ипаклар билан мукофотлади» («Инсон» сураси, 12-оят).

Бунга қўшимча равишда сабрлilarни Аллоҳнинг ўзи ҳам қўллаб-қувватлайди:

إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ

«Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар биландир.» («Анфол» сураси, 46-оят).

Аллоҳ сабр улкан хислатлардан эканлигини уқдириб, мүминлар шу сифатни ўзлаштириб олишлари шартлигини таъкидлайды:

وَإِن تَصْرِرُوا وَتَقُوَّا فَإِنَّ اللَّهَ مِنْ عَزَّزِ الْأَمْوَارِ

«Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу салмоқли ишлардандир» («Оли Имрон» сураси, 186-оят).

Қуръон ўргатган сабрли, саботли бўлиш хақиқат ва ёмонликни йўқотиш йўлида қийинчиликларга бардош бериш, одамларнинг озорларига чидаш, камбағаллик, касаллик ва яқин кишини йўқотиш каби мусийбатларга бардош беришдан иборатдир. Ибодатларни bekami-кўст ба жариш ҳам сабрга муҳтождир:

فَأَعْبُدُهُ وَأَصْطَرُ لِعِنَادِيَةٍ

«Бас, Үнга ибодат қил ва Унинг ибодатида сабрли бўл» («Марям» сураси, 65-оят).

وَأَمْرَ أَهْلَكَ بِالصَّلَاةِ وَأَصْطَرَ عَلَيْهَا

«Аҳлингни намозга амр эт ва ўзинг үнга сабр қил» («Тоҳа» сураси, 132-оят). Қуръон турли балоофатлар етган чоғларда сабр қилишга буюрган:

وَلَنَبْلُوَّكُمْ بِشَيْءٍ مِنَ الْغَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِنَ الْأَمْوَالِ
وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ

مُصِبَّةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَجُुونَ ﴿۱﴾ أَوْلَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَواتٌ مِّنْ
 رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأَوْلَئِكَ هُمُ الْمُهَتَّدُونَ ﴿۲﴾

«Албатта, Биз сизларни бир оз қүрқинч ва очлик билан, мол-мұлкка, жонга, меваларга нүк-сон етказиш билан синаймиз. Ва сабрлиларга башорат бер. Улар мусийбат етгана: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Үнга қайтувчимиз», дерлар. Ана ўшаларга Роббиларидан саловотлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар ҳидоят топғанлардир» («Бақара» сураси, 155–157-ояттар).

Мана шу оялтар ила Аллоҳ сабрли кишиларда уч хислат борлигини, бу хислатлар улардан бошқаларда бўлмаслигини айтмоқда:

Биринчиси – уларга Аллоҳнинг мағфирати бўлишилиги. Бу улар учун мақтов бўлиб, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам шарафдир.

Иккинчиси – Аллоҳнинг раҳмати. Бу, етган мусийбатнинг ўзи ҳам Аллоҳнинг лутфи ва эҳсонидан эканлигини билдиради.

Учинчиси – улар ҳидоятда юрган кишилар эканлиги. Яъни, ҳақ ва тўғри йўлда эканликлари. Мусийбат чогида киши ўзини қандай тутиши кепрак бўлса, шундай туттгаңликлари. Уларга хафчилик ва дарду ҳасрат ўз ҳукмини ўтқаза олмайди. Мусийбат қалбларидағи орзу-умид оловини сўндира олмайди. Қуръон ўргаттган сабр шулардан иборат. У, хафа қалбларга тасаллидир. Бу, ҳаётда муваффакиятга ундовчи бир омилдир.

Афв

Афв мақтовга сазовор сифатлардан бўлиб, у билан зийнатланган инсонни юқори мартабаларга олиб чиқади. Катта ақл эгаси бўлган, бошқаларнинг душманлиги ва озорларига сабр қила оладиган кишиларгина ўзгаларни афв қила олади-

лар. Бизга нисбатан бошқаларнинг душманлиги фақат ёмонлик қалбидан кенг жой олган кишидангина содир бўлади. Шунинг учун ҳам, биз уларни кечирмогимиз яхшидир.

Кўпинча ўзимииздан ҳам хато содир бўлиб, бирорнинг кечиришига муҳтож бўлиб қоламиз. Агар бизга ёмонлик қилганни кечирмасак, ўзгалар ҳам бизни кечирмайдилар.

Агар ёмонлик қилувчидан ўч олмоқчи бўлсак, яхшилик билан олайлик. Чунки ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш, ёмоннинг ўзини ҳам ҳайратга солиб қўяди ва хижолат қиласди. Шундан сўнг у ҳам ёмонлигидан қайтади, душманлиги дўстликка айланади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ Куръоннинг кўпгина оятларида афвни мақтаган:

وَإِنْ تَعْفُواْ وَتَصْفَحُواْ وَتَغْفِرُواْ فَإِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَّحِيمٌ

«Ва агар афв этсангиз, кўнгилга олмасангиз ва айбларини кечирсангиз, бас, албатта, Аллоҳ кечириувчи ва раҳимдил зотдир» («Тағобун» сураси, 14-оят).

Аллоҳ садоқатли мўминларни сифатлаб:

وَيَدْرُءُونَ بِالْحَسَنَةِ السَّيِّئَةَ

«Ва ёмонликни яхшилик ила қайтарарлар», деган («Раъд» сураси, 22-оят).

Аллоҳ одамлар ёмонлик қилсалар, яхшилик билан қарши олишни уқтирган. Чунки шундай қилиш, уларнинг қалбидан душманликни чиқариб, ўрнига муҳаббат киришига сабаб бўлади.

وَلَا سَتُّو الْحَسَنَةُ وَلَا السَّيِّئَةُ أَدْفَعُ بِالْقَيْقَى هَيْ أَحْسَنُ فَإِذَا
أَلَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ عَدَاوَةٌ كَانَهُ وَلِي حَمِيمٌ

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сен яхшилик бўлган нарса ила даф қил. Кўрибсанки, сен билан орасида адовати бор кимса, худди содик дўстдек бўлур» («Фуссилат» сураси, 34-оят).

Баъзи бир қалблар ёмонликни ўзига касб қилиб олган бўлади. Ислом бу нарсанинг ҳам иложини топган. Ундан кишиларга, худди ўзи қилганидек, ҳаддан ошмасдан муомала қилиш керак. Шундай бўлса ҳам, афвни эсадан чиқармаслик лозим. Аллоҳ, таоло айтадики:

وَإِنْ عَاقِبْتُمْ فَعَايْقُبًا بِمِثْلِ مَا عَوَقْتُمْ بِهِ وَلَئِنْ صَرَبْتُمْ لَهُوَ خَيْرٌ لِّلصَّابِرِينَ

«Агар иқоб қиладиган бўлсангиз, ўзингизга қилинган иқобга ўхшаш иқоб қилинг. Агар сабр қилсангиз, албатта, у сабр қилгувчилар учун хайрлидир» («Наҳл» сураси, 126-оят).

وَحَزَّوْا سَيِّئَةً سَيِّئَةً مِّثْلُهَا فَمَنْ عَفَّ كَوْا أَصْلَحَ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ إِنَّمَا لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ

«Ёмонликнинг жазоси ўз мислидек ёмонликдир. Ким афв этиса ва ислоҳ қилса, унинг ахри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У зот золимларни севмас» («Шўро» сураси, 40-оят).

Ислом кўзда тутган афв шулардан иборат. Аммо, Христиан дини вакиллари эса, афвни мутлақо зийнатлаб юборадилар. Чунончи, «Матто Инжили»да шундай дейилган: «Сизлар: «кўз эвазига кўз, тиш эвазига тиш», деб айтилганини эшиттансизлар. Лекин Мен сизга айтаман: ёмонга қарши чиқма. Ким сенинг ўнг чакканга урса, унга иккинчисини ҳам ўтири. Ким сен билан даъ-

волашиб, күйлагингни олмоқчи бўлса, унга тўнингни ҳам бериб юбор... Сизлар қариндошларингга муҳаббатли бўл, душманларингта ғазабли бўл, деган гапларни эшиттансизлар. Аммо мен сизларга айтаманки, душманларингизга муҳаббатли бўлинглар, сизларга ғазаб қиласиганларга яхшилик қилинглар, сизларни қийноққа соладиганлар ва эзадиганларнинг ҳаққига дуо қилинглар».

Америкалик олим шайх Мұхаммад Шолдан: «Христиан дини Исломдан кўра раҳимдилроқ эмасми? Унинг таълимотларида «ким сенинг ўнг юзингта тарсаки туширса, чап юзингни ҳам тутиб бер», деган. Исломда эса, аввало қасос олишга, сўнгра афв қилишга чақирилади?» – деб сўралганда Мұхаммад Шол шундай деб жавоб берган экан: «Ислом чақириғи ҳақиқий инсон қалбининг чақириғидир. Балки, бу масалада Ислом христианликдан кўра раҳимдилроқ, десам, муболага бўлмайди. Чунки, ёмонликка дучор бўлган кишига қасос олиш ҳаққи берилса, унинг қалби тинчланади. У ҳақ юзасидан бир ишни қилишга рухсат олади, сўнгра шу ҳақ эгасини «қасос олишдан кўра афв қилиш яхши» деган фикрга кўндирилса, албатта, у афв қиласи. Ҳеч шубҳа йўқки, инсон қасос олишга имкони бўла туриб, афв қиласа, бу раҳмат ва иззатдан келиб чиқсан афв бўлади. Аммо, биз уни аввал бошдан афв қилишга чақирысак ва қасос олиш ҳуқуқини бермасак (христианларга ўхшаб), у бунга кўнса (кўниши жуда ҳам қийин) ҳам, барибир, ичидан ёмон кўриб кўнади. Чунки, бу ноиложлиқдан афв қилишдир. Исломдаги афв қилиш эса, қасос олишга имкони бўла туриб афв қилишдир. Исломдаги афв кўп ҳолатларда ўзаро келишмовчи тарафларнинг кучли садоқатига айланади.

САДОҚАТ ВА УНИНГ КҮРИНИШЛАРИ

Ҳар бир жамиятнинг мустаҳкамлиги ва унинг аъзолари орасида ўзаро ишонч ҳукм суриши учун Садоқат зарурдир. Шунинг учун ҳам, садоқат жамият тузилишидаги асосий қадриятлардан бўлиб, халқларнинг тараққиёти, рамзи ҳамдир. Қаерда мана шу сифат йўқолса, ўрнига ишончсизлик келади ва ўзаро ёрдам йўқолади. Садоқат жамият учун зарур нарса бўлганидан, оила ва тарбия муасасаларида катта аҳамиятта молик нарса бўлиши керак. Чунки, у барча яхшиликларнинг боши ҳисобланади. У орқали кишилар бир-бирларига ишонадилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ мусулмонларни бу сифат билан сифатланишга чақирган.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تَقُوَّا اللَّهُ وَكُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ

«Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинглар ва содиклар ила бирга бўлинглар» («Тавба» сураси, 119-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

عَلَيْكُمْ بِالصَّدْقِ فَإِنَّ الصَّدْقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ وَإِنَّ الْبِرِّ
يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ وَمَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَصْنُدُقُ وَيَتَحَرَّى الصَّدْقَ
حَتَّىٰ يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ صَدِيقًا وَإِيَّاكُمْ وَالْكَذَبَ فَإِنَّ الْكَذَبَ
يَهْدِي إِلَى الْفَحْوَرِ وَإِنَّ الْفَحْوَرَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ وَمَا يَزَالُ
الرَّجُلُ يَكْذِبُ وَيَتَحَرَّى الْكَذَبَ حَتَّىٰ يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَابًا.

«Сизлар ростгўйликни лозим тутинглар. Чунки, ростгўйлик яхшиликка бошлиайди. Яхшилик

эса жаннатга бошлайды. Киши рост гапираверса ва ростгүйликни истайвериша бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида «сиддиқлардан» деб ёзилади. Сизлар ёлғондан ҳазир бўлинглар. Чунки, ёлғон фужурга бошлайды. Фужур эса дўзахга бошлайды. Киши ёлғон гапираверса ва ёлғончиликни истайвериша бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида «каззоблардан» деб ёзилади».

Тўртловлари ривоят қилишган.

Шу ҳадисда садоқат ёлғончиликнинг тескариси, яъни ростгүйлик маъносида келган.

Садоқатнинг турларидан бири омонатdir. Омонат эса, инсондаги энг олий сифатлардан ҳисобланиб, ҳар бир жамият унга муҳтождир. Омонатли бўлиш кўп яхшиликлар келтиради. Шунинг учун ҳам, Ислом уни мусулмонларнинг сифатидан деб эътиборга олади. Аллоҳ мусулмонларни мадҳ қилиб шундай дейди:

وَالَّذِينَ هُرُّ لِأَمْنَتْهِمْ وَعَاهَدُهُمْ رَاعُونَ ﴿١٠﴾

«Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилгувчилардир» («Мўминун» сураси, 8-оят).

Садоқатнинг турларидан яна бири ваъдага вафо қилишлиқдир. Бу сифат ҳам керакли сифатлардан бўлиб, ҳаётда катта обрў ва муваффақиятта сабаб бўлувчи сифатдир. Ҳозирги кунда маданиятли халқлар барчаси шу сифатга эга бўлишга иложи борича уринадилар. Аллоҳ мусулмонларни ваъдага вафо қилишга чакириб, ўз пайғамбарларидан бири Исмоил алайҳиссалом шундай сифатта эга эканлигини эслатиб айтадики:

وَأَذْكُرْ فِي الْكِتَابِ إِشْتَغَلًا إِلَهُ كَانَ صَادِقَ الْوَعْدِ وَكَانَ رَسُولًا نَّبِيًّا ﴿٣٧﴾

«Ва китобда Исмоилни эсла. Албатта, у ваъдасига содиқ ҳамда Расул ва Набий бўлган эди» («Марям» сураси, 54-оят).

Одамларнинг орасини ислоҳ қилиш

Исломда мусулмон киши ўзи тўғри йўлдан юриб, заарли нарсалардан четда туриб, фақат ўзини-ўзи тузатиш билан овора бўлиб қолишига «яхшилик» деб қаралмайди. Балки, ҳақиқий мусулмон кимса одамлар орасида ҳам ислоҳ ишларини олиб бориши зарур. Одамлар орасини ислоҳ қилиш мусулмончилик ғояларидан биридир. Чунки, икки шахс орасидаги адоват бориб-бориб икки тараф орасидаги адоваттага айланиши турган гап. Кўпчилик халқдар ўзаро келишмовчилик натижасида бир неча жамоаларга бўлинниб кетади, улар орасида келишмовчилик авж олиб, ҳатто, беҳуда қон тўқилишига ҳам сабаб бўлади. Одамлар орасини ислоҳ қилиш олий даражадаги инсоний сифатлардан бўлиб, бу нарса фақат пок қалблардан чиқади. Одамларнинг орасини тузатиш ҳар бир жамиятга кўп яхшилик ва манфаатлар келтиради, унинг аъзоларини жипслаштиради. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ мўминлар орасини ислоҳ қилишга буюрган.

إِنَّا الْمُؤْمِنُونَ إِلَخَوٰ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخْوَيْكُمْ

«Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингиз ўртасини ислоҳ қилинг» («Хужурот» сураси, 10-оят).

Қуръон, шунингдек, эр-хотин орасини ислоҳ қилишга ҳам чақирган:

وَإِنْ خَفَتَ مِنْ شِقَاقٍ بَيْنِهِمَا فَابْعَثُوا حَكَمًا مِنْ أَهْلِهِ وَحَكَمًا مِنْ أَهْلِهَا إِنْ يُرِيدَا إِلَصْلَاحًا يُوْقِنُ اللَّهُ بَيْنَهُمَا

«Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, эрнинг аҳлидан бир ҳакам ва хотиннинг аҳлидан бир ҳакам ажратинг. Агар

улар ислоғни ирода қылсалар, Аллоҳ әр-хотин-нинг орасини мувофиқлаштиради» («Нисо» сураси, 35-оят).

Аллоҳ одамлар орасида ислоҳ қилиш савоби-ни баён қилиб шундай дейди:

﴿لَا خَيْرٌ فِي كَثِيرٍ مِّنْ نَجْوَتِهِمْ إِلَّا مَنْ أَمْرَ بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ أَوْ إِصْلَاحٍ بَيْنَ النَّاسِ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ أَبْتَغَاهُ رَضَاتٍ اللَّهُ فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا﴾

«Уларнинг күпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, магар ким садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр қылсагина, яхшилик бор. Ким ўша ишни Аллоҳнинг розилиги учун қылса, албатта, унга улуғ ажр берамиз» («Нисо» сураси, 114-оят).

Ўзаро ёрдам

Руҳий ҳаётнинг энг афзал томонларидан бири яхшилик йўлидаги ўзаро ёрдамдир. Бу нарса ижтимоий ҳаётни юқори даражага күтариш, жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш ва уларнинг қайғу-аламларини енгиллатищдан иборатdir. Ҳозирги замон маданияти ўзаро ёрдамни яхши тушиунган. Шунинг учун ҳам, барча жойларда ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ташкилотлари тузилган. Мана шунинг ўзи ҳам ҳар бир шахс ва ҳар бир жамиятнинг баҳтиёр бўлиши учун ўзаро ёрдамнинг зарурлигини кўрсатади.

Кўръон ўзаро ёрдамга катта аҳамият берган. Буни қуйидаги оятдан фаҳмлаб олса ҳам бўлади:

﴿وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالنَّقَوْيِ وَلَا تَنَعَّمُوا بِوَاعِلَ الْإِثْمِ وَالْمَذْوَنِ﴾

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қи-

линг. Гуноқ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг» («Moiga» сураси, 2-оят).

Қуръон яхшилик ва тақводорлик йўлида ҳамкорлик қилишга буюрмоқда. «Яхшилик» деганда, бу дунёдаги барча яхшиликларни: ростгўйлик, омонат, тоат-ибодат, сахийлик, шижаот ва ҳоказоларни тушунамиз. Яхшилик сўзи дунёдаги барча фазилатли нарсаларни ўз ичига олади. Тақво эса, Аллоҳдан қўрқиш ва унга итоат қилиб иш олиб боришни англатади.

Яхшилик ва тақводорлик йўлидаги ҳамкорлик эса, бу дунёдами ёки охиратдами саодатта эргаштирувчи яхши нарсаларнинг йўлидаги ҳамкорликдир. Қуръон ёмонлик ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилишдан қайтармоқда. «Ёмонлик» деганда, қилиниши ҳалол бўлмаган нарсаларни тушунамиз. Бу эса, барча разолатларни ўз ичига олади. Душманчилик эса, ошкора золимлиқdir. Ҳар бир шахсга ёки жамиятта зарар етказувчи нарса ёмонлик ва душманчиликдир. Қуръон фақат яхшилик ва тақводорлик йўлида ҳамкорлик қилишга чақириб қолмай, балки ёмонлик ва душманчилик йўлида ҳамкорлик қилишни бекор ҳам қилади. Ислом назариясидаги ҳамкорлик кишиларга фақат саодат келтириш йўлидаги ҳамкорлиқдир. Агар инсонлар шу ҳамкорликни амалга оширсалар, ўзлари орзу қилаётган тараққиёт ва баҳт-саодатга албатта эришадилар.

Олийжаноблик

Инсондаги энг гўзал сифатлардан бири, олийжанобликдир. У, бир яхшиликнинг ўзидан бошқага ҳам бўлишини хоҳлашдир. Бу сифат инсониятта хизмат қилишга бел боғлаган улкан ҳимматли кишиларнинг сифатидир. Бунинг тескариси, «ҳамма нарса ўзимга бўлсин» дейишилик эса, энг ёмон сифатлардан биридир. Улуғ мартабаларга интилган ҳар бир инсон», «фақат ўзим бўлай» де-

маслиги шарт. Балки, яхшилик ҳаммага бўлиши учун уриниши лозим. Агар шундай қилмаса, катта хатолар содир бўлиши турган гап.

Олийжаноблик жамият аъзолари орасида ўзаро муҳаббатни мустаҳкамлашда катта ўрин тутадиди. Аксинча, худбиналиқ кишини ноқулай ҳолатта тушириб қўяди. Олийжаноблик эса, доимо саодат келтиради. Ҳозирги замон психологиясининг таъкидлашича, ўзгалар йўлида ўзини уринтирмасдан туриб киши саодатли бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, Қуръон олижанобликка чақирган ва олижаноб кишиларни мақтаган:

وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ لِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقَ شَحَّ
نَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

«Ва гар ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, (уларни) ўзларидан устун қўярлар. Ким ўз нағсииning баҳиллигидан сақланса, ундоқ кишилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир» («Ҳашр» сураси, 9-оят).

Мана шу оятнинг тушиш сабаби ҳақида Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ҳикоя қилиб шундай дейдилар: «Бир киши пайғамбаримиз ҳузурларига келиб: «Мен қийин аҳволда қолдим», деди. Пайғамбаримиз хотинлари ҳузурларига одам юбориб, бу кишига бериш учун бирор нарса бормикан, деганларида, ҳеч нарса топилмади. Шунда пайғамбаримиз: «Мана шу кишини бу кеча меҳмон қилиб Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўламан, деган киши борми?» – дейдилар. Абу Толҳа розияллоҳу анху: «Мана менман, эй Расулуллоҳ», – дейдилар ва у кишини уйларига олиб бориб, хотинларига: «Аллоҳ расулининг меҳмонини зиёфат қил», – дейдилар. Шунда хотинлари: «Уйда болаларнинг овқатидан бошқа ҳеч нарса йўқ», – деди. Абу Толҳа: «Болалар овқатланишмоқчи бўлса,

уларни бир амаллаб ухлатиб қўй, чироғни ўчирда, овқатни олиб кел. Бу кеча пайғамбаримизнинг меҳмонларини хурсанд қиласайлик», — деди. Хотинлари худди шундай қилди. Эрталаб ҳалиги киши пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг олдиларига борганда, пайғамбаримиз: «Аллоҳ таоло улар ҳақида мана бу оятни туширди», деб ушбу оятни ўқиб бердилар...» Шундай деб Абу Ўрайра розияллоҳу анҳу юқорида оятни тилват қиласардилар.

Бу воқеа Ислом мусулмонлар қалбига соглан тарбиянинг нақадар чуқур эканлигини кўрсатади ва жамият манфаати учун олийжанобликни ахтариб юрганларга йўл кўрсатади.

Шириңсўзлик

Оилада ёки жамиятда содир бўладиган катта-
кичик жанжалларни дикқат билан кузатилса, бар-
часининг сабаби, кўпинча, қўпол сўз ва муомала
бўлиши мұқаррар. Бир киши ўйламасдан гапириб
қўйса, бошқасига шу гап ёқмайди ва натижада бе-
кордан-бекорга жанжал келиб чиқади. Ширин сўз
кўпгина мұваффақиятларнинг омилидир. У, тарақ-
қий эттан жамият ташкил этишининг асосларидан-
дир. Шунинг учун ҳам, бу нарсага барча тарбия-
чилар ва ислоҳчилар катта аҳамият берадилар.
Улар доимо бошқаларга яхши сўзларни айтиш, мұ-
лойим гапларни танлашга ундейдилар. Яхши, мұ-
лойим гапни ишлатиш инсоннинг обрўсини ортти-
ради, дўстларини кўпайтиради, ҳамманинг ҳурма-
тига сазовор қиласи. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ ши-
ринсўз бўлишга чақиради:

وَقُلْ لِعِبَادِي يَقُولُوا أَلَّا تَهِيَ أَحَسْنٌ إِنَّ الشَّيْطَانَ يَنْزَعُ بِنَفْسِهِمْ

«Бандаларимга айтгин, улар энг гўзал бўлган нарсани айтсинглар. Албатта, шайтон ораларини бузиб турадир» («Исрө» сураси, 53-оят).

Аллоҳ мана шу оятда мусулмонларни ўзаро сұхбатларида, гап-сўзларида шириңсўз бўлишга буюради. Агар улар буйруққа итоат этмай, ёмон сўзларни ихтиёр қылсалар, албатта, шайтон ораларини бузади ва натижада ёмонлик ва душманлик содир бўлади. Бошқа бир оятда Аллоҳ шундай дейди:

وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا

«Ва одамларга яхши гаплар айтинг» («Бақара» сураси, 83-оят).

Аллоҳ таоло паст овоз билан сўзлашга ундаиди. Чунки шириңсўзлик шуни тақозо қилади. Овозини баралла қўйиб бақириб-чақириб сўзлашни эса, эшакнинг ҳанграшига ўхшатади:

وَأَعْضُضْ مِنْ صَوْنِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لِصَوْتِ الْحَمِيرِ

«Ва овозингни пасайтири. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» («Лукмон» сураси, 19-оят).

Аллоҳ кишилар билан сўзлашаётганда, муомала қилаётганда очиқ юзли бўлишни буюради ва қўполликдан қайтаради. Аллоҳ пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломга қаратса шундай дейди:

فِي سَارَحَمَةٍ مِنْ أَلَّهِ لِنَتَلَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظَاغِلِيظَ الْقَلْبِ لَا تَنْفَضُوا مِنْ حَوْلِكَ

«Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулоийим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингда, атрофинингдан тарқаб кетар эдилар» («Оли Имрон» сураси, 159-оят).

Шу нарса мусулмонларга бир эслатмаки, улар ҳам доимо хушмуомала, шириңсўз бўлсинлар. Одамлар орасидаги муомалада Куръон мана шу

одобларни ўргатади. Бу нарсалар ҳаётда тинчлик ва баҳт-саодат орзу қилған ҳар бир жамият учун зарурдир.

Яхшилар билан ҳамсұхбат бўлиш

Инсон ахлоқини гўзал ва чиройли қиласиган нарсалардан бири яхшилар билан ҳамсұхбат бўлишдир. Бирорга тақлид қилиш инсон табиатидаги бор нарса. Ўз атрофидагиларнинг кийимларига ўхшаш кийим кийишга уринган инсон, албатта, ўшаларнинг қиласиган ишларига ва одоб-ахлоқларига ҳам тақлид қиласиди. Донишманлардан бири: «Дўстинг ким эканлигини менга айтсанг, мен сенинг ким эканлигинги айтиб бераман», деган экан.

Яхшилар билан ҳамсұхбат бўлиш инсон қалбига яхши одоб-ахлоқларни жойлади ва уни яхши ишларни амалга оширишга ундаиди. Ёмонлар билан ҳамсұхбат бўлиш эса, одоб-ахлоқларни месимай, ёмон ишларни қилишга олиб боради. Яхши дўст бу ҳаётдаги энг яхши неъматлардан ҳисобланади. Чунки, у сени доимо тўғри йўлга бошлайди, адашсанг йўлга солади ва муваффақиятларга эришишингда ўз ҳиссасини қўшади. Ҳаётда катта муваффақиятларга эришганлар кўпинча ўз муваффақиятларининг сири яхши дўстларнинг маслаҳатлари билан юрганлиқда, деб биладилар.

Яхши дўст танилашга даъват

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда қуидагиларни айтади:

وَاصِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهِم بِالْفَدْوَةِ وَالْعَشِيَّ
يُرِيدُونَ وَجْهَهُ وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَلَا
نُطِعْ مَنْ أَغْفَلَنَا قَلْبَهُ عَنْ ذِكْرِنَا وَأَتَبَعَ هَوَنَهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فِرْطًا



«Ўзингни эртаю кеч Роббиларига дуо қилиб, Унинг юзини ирода қилувчилар ила сабр этиб тут. Ҳаёти дунё зийнатини хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма. Қалбини Ўз зикримиздан ғофил қилиб қўйганларимизга ва ҳавоий нафсига эргашиб иши издан чиққанларга итогат қилма» («Каҳф» сураси 28-оят).

Шу маънода Аллоҳ бошқа бир оятда шундай дейди:

فَأَعْرِضْ عَنْ مَنْ تَوَلََّ عَنْ ذِكْرِنَا وَمَنْ يُرِدُ إِلَّا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا

«Бизнинг зикримизга орқа ўғирган, ҳаёти дунёдан бошқани хоҳламайдиганлардан юз ўғир» («Нажм» сураси, 29-оят).

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши ҳамсұхbat ва ёмон ҳамсұхbatни тасвирлаб шундай дейдилар:

وَمَثُلُ الْجَلِيسِ الصَّالِحِ كَمَثَلِ صَاحِبِ الْمُسْكِ إِنْ لَمْ يُصِبْكَ مِنْهُ شَيْءٌ أَصَابَكَ مِنْ رِيحِهِ وَمَثُلُ جَلِيسِ السُّوءِ كَمَثَلِ صَاحِبِ الْكَبِيرِ إِنْ لَمْ يُصِبْكَ مِنْ سَوَادِهِ أَصَابَكَ مِنْ دُخَانِهِ.

«Яхши ҳамсұхbat худди мушку анбар олиб юрган кишига ўхшайди. Бирга бўлсанг, мушкидан беради ёки ўзинг ундан сотиб оласан, ҳеч бўлмаганда эса, унинг хуш бўйидан баҳраманд бўласан. Ёмон ҳамсұхbat эса, худди темирчининг босқонига ўхшайди: ё кийимингни куйдиради, ёки унинг бадбўй ҳиди сенга ҳам уриб қолади».

Дўст танлашдаги Ислом таълимотлари мана шулардан иборат. Улар доимо бизни яхшиликка етаклайди ва ёмонликдан сақлайди.

Рухсат сўраш ва саломлашиш

Маданиятли халқларнинг инсоний алоқа бобида ўзига яраша баъзи одоб ва одатлари борки, улар доим шу нарсаларга амал қиласидар. Ислом инсоннинг бахтли яшаси учун зарур бўлган барча моддий ва руҳий нарсаларни тўлиқ тавсифлаб бериш билан бирга, ахлоқ-одоб бобида ҳам олий дарражадаги камолотта етказувчи нарсаларни мусулмонларга тавсия қилган. Ислом жорий қилган одоблардан бири – рухсат сўраш ва саломлашишdir. Бу икки одоб ҳозирги маданиятли халқлар амалга оширишга уринаётган одатларданadir. Ислом эса, бу нарсаларни бир неча аср давомида баён қилган:

يَتَأْمِنُهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَدْخُلُوا بُيُوتًا غَيْرَ بُيُوتِكُمْ حَقَّ
 تَسْتَأْنِسُوا وَتَسْلِمُوا عَلَىٰ أَهْلِهَا إِذَا لَكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ لِعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿١٣﴾
 إِنَّ لَمْ تَجِدُوا فِيهَا أَحَدًا فَلَا نَدْخُلُوهَا حَقَّنَ يُؤْذَنَ لَكُمْ وَإِنْ قِيلَ لَكُمْ
 أَرْجِعُوْفَارْجِعُوْهُ هُوَ أَزْكَى لَكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿١٤﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга, то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшибир, шоядки, эсласангиз. Бас, агар у(уй)ларда бирортани топмасангиз, то сизга изн берилмагунча, уларга кирманг. Агар сизга «қайтинг» дейилса, бас, қайтинг, ўша сиз учун покдир. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни ўта билгувчиидир» («Нур» сураси, 27, 28-оят).

Ислом рухсат сўраш ва салом беришни шариатта киритган бўлса, бошқа тарафдан, саломга алик олишни ҳам буюради. Чунки, саломга алик олмаслик кишилар ўртасида адоват қўзграйди. Ислом саломга жавоб бериш билан кифояланиб қол-

майды, балки жавобни афзалроқ қилиб беришга буюради:

وَإِذَا حَيَّنَمْ بِشَحِيْةٍ فَحَيُوا بِأَحْسَنِ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا

«Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан күра яхшироқ алиг ёки худди ўзидек жавоб беринг» («Нисо» сураси, 86-оят).

НАФС ҲАВАСИГА БЕРИЛИШ

Хаёт давомида инсон турли рағбат ва шахваттар оқимига дучор бўлади. Бу нарсалар инсонни бирорга зарар қилиб бўлса ҳам, фақат ўзи ҳақида ўйлашга ундаиди. Нафсига алданган кимса эса, қилаётган ишларининг яхши ёки ёмонлигини эмас, фақат, ўзи учун фойдали бўлишини ўйладайди. Ислом инсонни ҳавои нафсга берилишидан саклашга қаттиқ ҳаракат қиласи. Бунинг учун инсон истакларини табиий тартиб билан, одилона қондиришга йўл топади. Чунки, ҳавои нафс инсоннинг табиий истакларини доимо ташвишга солиб туради. Агар инсон ҳавои нафс тўрига тушса, у инсонни табиий интизомдан чиқаради, унинг барча кувватини фақат бир нарса учун сарфлашга мажбур қиласи. Шундай қилиб, истаклар орасидаги тенглик бузилади. Улардан бири устунуга чиқиб олади ва бошқаларни четта суради. Шунинг учун ҳам, Куръон ҳавои нафсни «бузгунчи» деб сифатлайди. Аслида эса, бу ҳаётда ҳақиқат ҳукм сурини зарур эди. Аллоҳ шундай дейди:

وَلَوْ أَتَّبَعَ الْحَقَّ أَهْوَاءَهُمْ لَفَسَدَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ وَمَنْ فِيهِنَّ

«Агар ҳақ уларнинг ҳавои нафсларига эргашса, албатта, осмонлару ер ва улардаги ким-

салар фасодга учрар эди» («Мўминун» сураси, 71-оят).

Ҳавойи нафснинг энг катта заари ҳукмдорлар тарафидан келади. Аслида, уларнинг вазифаси ер юзида адолат ўрнатишидир. Агар улар ҳавойи нафсларига берилсалар, кучлиларга хушомад қилиб, кучсизларга жабр ўтказсалар, ер юзида фасод пайдо бўлади. Тарихда кўп марта содир бўлганидек, бахтсизлик ва харобаликка сабаб бўлувчи қўзғолонлар келиб чиқади. Қуръони Каримда бизга таълим бериш мақсадида Аллоҳнинг ўз пайгамбари Довуд алайҳиссаломга айтган гапи келтирилади:

يَدَاوُدُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُمْ بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا
تَتَّبِعْ أَهْوَاءِي فَيُضْلِلَكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ الَّذِينَ يَضْلِلُونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ
عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا سُوِّيَ مِنَ الْحِسَابِ



«Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавойи нафсга эргашма! Яна, у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга, унугланлари учун, ҳисоб кунида шиддатли азоб бордир» («Сод» сураси, 26-оят).

Ҳавойи нафсга эргашиб бизни ҳаётдаги ҳақиқатлардан узоқлаштиради. Ҳозирги замон фалсафасининг отаси ҳисобланмиш Фрэнсис Бэкон фикрича, ҳақиқатга эришиш учун унинг йўлини тўсиб турган тўрт нарсадан холос бўлиш зарур ва шу тўрт нарсанинг ичидан кўплаб хатолар келиб чиқади. Шулардан бири ўзидан олдин ўтганларга кўр-кўронга эргашишдир. Қуръон яхудийларга Мұхаммад алайҳиссаломга эргашишлари зарурлигини тушунтириш жараёнида, уларнинг бу нарсани қабул қиласликларининг сабабини ҳам эслатиб ўтган. У ҳам бўлса,

ҳавои нафслари бўлиб, ўзларидан олдин ўттанларга кўр-кўrona эргашишларидир.

Аллоҳ, шундай дейди:

فَإِنَّمَا يَسْتَحِيْبُ الَّذِيْكَ فَأَعْلَمُ أَنَّمَا يَتَّعَوْنُ أَهْوَاءَهُمْ وَمَنْ أَضَلُّ
مِمَّنْ أَتَبَعَ هَوَانَهُ بِغَيْرِ هُدَىٰ مِنْ أَنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ
الظَّالِمِينَ



«Агар сенга жавоб бера олмасалар, бас, билгинки, улар фақат ҳавои нафсларига эргашмоқдалар, холос. Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавои нафсига эргашгандан кўра ҳам гумроҳроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас» («Қасас» сураси, 50-оят).

Ҳаётда ҳавои нафсга берилишнинг энг асосий сабаби, киши иродасининг заифлиги ва илмининг озлигидадир. Ҳавои нафс инсон ақдини ўзига бўйсундириб олса, у бошқалар каби идрок қилиш, эслаш, ўйлашта қодир бўлмай, балки фақат бир нарса атрофида ўралашиб қолади. Инсон бир нарсани яхши кўрса, унга кўп эътибор беради ва ундан бошқа нарсани ўйламай қўяди. Шунинг учун ҳам, ҳавои нафс билан ақл ўртасида катта фарқ бор. Ақл ишлатилганда улкан натижаларга эришилади. Ҳавои нафсга берилиш эса, инсонни тўғри йўлдан адаштиради. Куръон шундай дейди:

وَإِنَّ كَثِيرًا يُضْلُّونَ بِآهُوَاءِهِمْ بِغَيْرِ عِلْمٍ

«Албатта, кўпчилик илмсиз равишда, ҳавои нафслари или адаштирадилар» («Анъом» сураси, 119-оят).

بَلِ اتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَهْوَاءَهُمْ بِغَيْرِ عِلْمٍ

«Йүқ!!! Зулм қилғанлар илмсиз равища ҳавойи нафсларига әргашдилар, холос» («Рум» сураси, 29-оят).

Куръон ҳавойи нафсни тузатиш йўлини ҳам кўрсатган. Бу эса, бутун вужуд билан Аллоҳга юзланиш ва унинг буйруқларидан чиқмаслик билан бўлади.

وَأَمَّا مَنْ حَافَ مَقَامَ رَبِّهِ، وَنَهَى النَّفْسَ عَنِ الْهُوَىٰ فَإِنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَىٰ

«Ва, аммо, ким Роббисининг мақомидан қўрққан ва ўз нафсини ҳаволаниб кетишидан қайтарган бўлса. Бас, албатта, жаннат ўрин бўладир» («Анназиат» сураси, 40, 41-оятлар).

Мана шу, Аллоҳ ҳар нарсани кузатиб туришига ишониш ва ҳавойи нафсга қарши курашиш тўғри йўлда событ қадам бўлиб, нотўғри йўлга кирмаслигимизнинг кафолатидир.

МАНМАНЛИК

Манманлик ижтимоий разолатлардан бири бўлиб, инсонлар орасига айрилиқ ва адovат солади. Уларнинг орасидан ҳамкорлик ва муҳаббатни кетказибгина қолмай, балки ахлоқий ислоҳимизни ҳам қийинлаштиради. Чунки, манман киши ўз камбағаллик ва айбларини тан олмай, ўзини юқори санаб, қулоги ўзининг мақтоворидан бўлак нарсани эшитмай қолади. Ким манман бўлса, бирорвнинг насиҳатини эшитишдан бош тортади. Бу эса, олимларни илмидан, аҳли фазл кишиларни фазлидан фойдаланишдан маҳрум қиласди. Натижада, ундан одам жаҳолат ботқоғига ботиб кетади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло манман кишиларни ўз пайғамбарларига юборган ҳидоятларини тинглашдан маҳрум қилган. Чунки, манманлар манманлиги учун Аллоҳнинг ғазабига дучор бўладилар. Қуръони Каримда шундай дейилади:

سَاصِرُّ عَنْ مَا يَتَكَبَّرُونَ فِي الْأَرْضِ بَغْيَرِ الْحَقِّ
وَإِنْ يَرَوْا كُلَّ إِعْيَةٍ لَا يُؤْمِنُوا بِهَا وَإِنْ يَرَوْا سَيِّلَ الرُّشْدِ لَا
يَتَّخِذُوهُ سِيِّلًا وَإِنْ يَرَوْا سَيِّلَ الْغَيِّ يَتَّخِذُوهُ سِيِّلًا

«Энди, ер юзида ноҳақдан мутакаббирлик қилаёттганларни, барча ояtlарни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмаёттганларни, тўғрилик йўлини кўрсалар ҳам, уни ўзларига йўл тутмаёттганларни, агар адашув йўлини кўрсалар, уни ўзларига йўл тутаёттганларни ўз ояtlаримдан бураман» («Аъроф» сураси, 146-оят).

Қуръон хабар берадики, манманлар пайғамбарлар чақириғига жавоб беришдан бош тортганларнинг энг осийлари дидирлар. Солиҳ пайғамбар алайҳиссалом қавми ҳақида ҳикоя қилиб, Аллоҳ шундай дейди:

قَالَ الْمَلَائِكَةُ أَسْتَكْبِرُونَ قَوْمَهُ لِلَّذِينَ أَسْتُضْعِفُوا
لِمَنْ إِمَانَ مِنْهُمْ أَنْعَلَمُونَ أَنَّكَ صَنَلَ حَامِرَ سَلْمٌ مِنْ رَبِّهِ فَأَلَوْا إِنَّا
بِمَا أَزْسِلَ بِهِ مُؤْمِنُونَ ﴿٧٦﴾ قَالَ الَّذِينَ أَسْتَكْبَرُوا إِنَّا
بِالَّذِي مَأْمَنْتُمْ بِهِ كَفِرُونَ

«Унинг қавмидан мутакаббир бўлган зодагонлар заифҳол бўлганлардан иймон келтирганларига: «Солиҳни Роббидан Пайғамбар қилиб юборилган, деб билмоқдамисиз?!» – дедилар. Улар: «Албатта, биз у ила юборилган нарсага иймон келтирувчилармиз», дедилар. Мутакаббир бўлганлар: «Албатта, биз сиз иймон келтирганга кофирмиз», дедилар» («Аъроф» сураси, 75, 76-оятлар).

Од пайғамбарнинг қавмлари манманлик қилиб, Аллоҳнинг ҳидоятини эшитишдан бош тортган-

лари учун, бу дунёю у дунёда аламли азобларга дучор бўлдилар:

فَإِمَّا عَادَ فَأَسْتَكِنْ بِرُوافِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَقَالُوا مَنْ أَشَدُ مِنَّا
 قُوَّةً أَوْلَئِرِيفَا أَنَّ اللَّهَ الَّذِي خَلَقَهُمْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَكَانُوا يَعْبَثُونَ
 يَجْهَدُونَ ﴿١٠﴾ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا صَرَصَرًا فِي أَيَّامٍ نَّحْسَاتٍ
 لِئَذِيقَهُمْ عَذَابَ الْخَزِيرِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَلِعَذَابُ الْآخِرَةِ أَخْزَى وَهُمْ
 لَا يُنْصَرُونَ ﴿١١﴾

«Од (қавми) бўлса, ер юзида ноҳақдан мутакаббирлик қилдилар. Улар: «Биздан қувватлироқ ким бор?!» – дедилар. Уларни яраттан Аллоҳ ўзларидан қувватли эканини билмасмидилар?! Улар Бизнинг оятларимизни инкор этар эдилар. Бас, Биз устларига шумлик кунларида сорсор шамолини юбордик. Буни уларга ҳаёти дунёнинг хорлик азобини тотдириш учун қилдик. Албатта, охират азоби хор қилгувчироқdir ва уларга нусрат берилмас» («Фуссилат» сураси, 15, 16-оятлар).

Аллоҳ манманларнинг охиратда аламли азобларга дучор бўлиши хабарини бериб айтади:

أَلَيْسَ فِي جَهَنَّمَ مَثْوَيًّا لِلْمُتَكَبِّرِينَ

«Ёки мутакаббирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми?!» («Зумар» сураси, 60-оят).

Үйлаб кўрайлик, манман киши нимаси билан фахрланади? Гўзаллиги биланми ёки қуввати биланми? Гўзаллигининг йўқолиши турган гап. Салгина касал бўлса, қувватидан ҳам асар қолмайди. Кун ўтиши билан, ёшлик ҳам ўтиб, қарилик, кучсизлик тарафга хоҳласа ҳам, хоҳдамаса ҳам яқинлашиб бораверади. Агар у мол-дунёси билан фахр-

ланмоқчи бўлса, билиб қўйсинки, ўлим бой билан камбагални ажратмайди. Ҳар бир инсон ўз мулкини бошқа бирорвга қолдириб кетади. Шунинг учун ҳам, Қуръони Карим манманлиқдан қайтаради. «Исрө» сурасида шундай дейилган:

وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّكَ لَنْ تَخْرِقَ الْأَرْضَ وَلَكَ تَبْلُغُ

الْجَهَالُ طَوْلًا

«Ер юзида кибру ҳаво ила юрма! Албатта, сен зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан ва зинҳор бўйда тоғларга ета олмассан!» («Исрө» сураси, 37-оят).

Бошқа бир оятда шундай дейилган:

وَلَا تَصْعِرْ خَدَكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ

كُلَّ مُخَالَفَةٍ حَوْرِ

«Одамлардан такаббур-ла юз ўгирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас» («Луқмон» сураси, 18-оят).

Манманлик ҳақидағи қисқача сўз мана шулардан иборат. Манманлиknи Аллоҳ ёмон кўради. Чунки, бу нарса жамиятта зарар етказувчи ёмон сифатлардан бўлиб, одамлар орасида нафрат уйғотади ва бир-бирини ёмон кўришга олиб боради.

АРОҚХЎРЛИК ВА ҚИМОРБОЗЛИК

Аллоҳ, ароқ ва қиморнинг ҳаромлигини баён қилиб, шундай дейди:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَنْثُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ مِّنْ

عَمِلَ الشَّيْطَنُ فَاجْتَبَيْهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٦﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَنُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيُصَدِّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْهَوْنَ ﴿١٧﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чүптар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз. Албатта, шайтон хамр ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликини солишини ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлади. Энди тўхтартасизлар?!» («Mouga» сураси, 90, 91-оятлар).

Ушбу икки оят улкан насиҳатларни ўз ичига олгандир. Аллоҳ, ароқ билан қиморни ифлос нарса, шайтоннинг ишларидан, дейди. Ифлос нарса, бу – ёмонларнинг ёмони, ниҳоятда ярамас нарса, дегани. Чунки, бу икки нарсадан жуда кўплаб ёмонликлар ва фасодлар келиб чиқади. Аллоҳ, ароқ билан қимордан чекланиш бу дунёдаги муваффақиятнинг сабабидир, дейди. Энди, аксини олсак, икковига яқин бўлишилик икки дунёда но-муссизликка ва муваффақиятсизликка сабаб бўлади. Аллоҳ, ароқ билан қимор адоват ва нафрат қўзувчи нарса, дейди. Шунингдек, бу икки нарсани «Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсувчи нарса» деб сифатлади. Аллоҳнинг зикри ва намоз динимизнинг устуни ҳисобланади.

Ароқнинг заарларини санаб охирига етказиб бўлмайди. Ароқ, кишини виждонсиз, уятсиз қилиб қўяди. Жамиятга виждонсизлик ва уятсизликдан кўпроқ зарар келтирадиган нарса бўлмаса керак. Чунки, ароқхўр киши ахлоқ-одобга эътибор бермай қўяди ва барча ёмонликларни тап тортмай қиласверади. Ҳозирги кунда кўплаб зино ва оила-вий жиёнатлар ароқ туфайли бўлмоқда. Бунинг

оқибатида қанчадан-қанча оиласар бузилиб кетмоқда. Күпгина түполонлар, тартибсизликлар, одам ўлдириш ва шунга ўхшаш турли жиноятлар ароқ туфайлидир. Ароқнинг ижтимоий заарларининг ҳам сон-саноғи йўқ. Ароқ туфайли дўстлар душманга айланмоқда, жамият турли соҳаларда ароқдан чексиз зарар кўрмоқда. Ҳозирги кунда бу оддий ҳақиқат бўлиб, ҳар бир инсонга равшан. Юқорида айтилганидек, ароқ кишини Аллоҳнинг зикридан ва намоздан ҳам тўсади. Чунки, маст одамнинг ақли бўлмайди, ақлсиз одам қандай ибодат қиласди? Ибодат ақлга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, Ислом бундан 15 аср муқаддам ароқни батамом ҳаром қилди ва уни ичувчиларга уқубатлар белгилади. Бошқа динлар ва тузумлар эса, ҳанузгача бу фалокатдан қутула олмай келмоқда. Исломда ароқнинг ҳаром қилиниши ва заарларининг тушунтирилиши, мазкур илоҳий дин учун чексиз фаҳр бўлиб, у кишиларнинг иродасини тарбияловчи ва уларни юксак ахлоқларга ундовчи дин эканлигига ёрқин далилдир.

Қиморнинг энг кўзга кўринган заарларидан бири – қиморбознинг молиявий заариdir. Қолаверса, қимор жамият аъзолари орасида адоват кўзғайди. Чунки, бир қиморбоз ютса, иккинчиси ютқазади. Ютган ўз биродарининг молини тортиб олади, шундай қилиб ютқазган ютганни ёмон кўради. Чунки, ишлаб топган гуленинг бир лаҳзада иккинчи бир кишининг қўлига ўтиб қолиши кимга ҳам ёқар эди. Кўпинча ютқазган қиморбозлар ўзини ўлдиришлари ҳаммага маълум. Ҳеч бўлмаса, ютган билан жанжаллашиб, тўполон қилиши турган гап. Ҳатто, бир-бирларини ўлдириш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Қиморнинг бошқа заарлари ҳам барчага маълум.

ИСЛОМ ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ

Гиёхвандликнинг қишилар соғлигига, оиласарга, иқтисодга, одоб-ахлоққа, умуман, инсон ҳәти-нинг барча соҳаларига солаётган таҳди迪 соат сайин ортиб бормоқда.

Баъзи бир мутаҳассислар эндилиқда дунёни ҳалокатга солувчи қарса гидроин бомбаси эмас, «героин бомбаси» бўлиб қолганини таъкидламоқдалар.

Бутунги кунда, гиёхвандлик катта таҳдид солиб, келажак авлодларимизни ҳам ўз домига тортиш хавфи туғилиб турган бир пайтда ҳаммамиз бу оғатта қарши курашишимиз матлубдир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси: каттаю кичик, эркагу аёл, ёшу қари, амалдору оддий фуқаро – ҳамма-ҳамма гиёхвандликка қарши курашда иштирок этмоғи кечикириб бўлмас заруратдир.

Гиёхвандликка қарши курашдек савобли ишга ҳар ким қўлидан келганчча: илми бор илми билан, қасби бор қасби билан, ҳукми бор ҳукми билан, пули бор пули билан, кучи бор кучи билан ва яна бошқа имкониятлари борлар ўз имкониятлари билан ҳисса қўшмоғи лозимдир.

Албатта, масъул тарафлар бу курашни йўлга солиб, мувофиқлаштириб бориши керак.

Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб, «Йўқолсин гиёхвандлик!» шиори остида бирлашмоғи керак.

Ана шунда Аллоҳнинг ёрдами ила бу курашдағолиб чиқиш турган гап.

Аллоҳ таоло бу савобли ишда барчага Ўзи маддкор бўлсин!

Пайғамбар алайҳиссалом ҳамр маъносидаги барча нарсалар ҳақидаги тушунчанинг яна ҳам равшан ва тўлиқ бўлишини, ҳеч ким, ҳеч қачон бирор эътиroz айта олмаслигини таъминлаш учун яна бир баён ворид қилдилар.

عَنْ أُمّ سَلَمَةَ قَالَتْ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْ كُلِّ مُسْكِرٍ
وَمُفْتَرٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Умму Салама розиямлоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхі васаллам ҳар бир маст қилувчи ва бўшаштирувчидан қайтардилар».

Имом Абу Довуг ривоят қилган.

Бу ҳадис билан истеъмол қилганда танани, аъзоларни, асабни ва бошқа жойларни бўшаштирувчи ҳар қандай нарса ҳаром бўлди.

Худди шу ҳадиси шарифда айтилаётган «бўшаштирувчи»лик сифати ажнабий тилларда «наркотик» деб номланаётган гиёҳвандлик моддаларининг алоҳида васфиридан.

Шундоқ қилиб, хамр, жумладан, гиёҳвандлик нима эканлиги очиқ-оидин бўлди. Унинг тўгрисидаги умумий қоида ҳам аниқ-равшан бўлди.

Пайғамбар соллаллоху алайхі васаллам ўзларининг имом Муслим ривоят қилган бошқа бир ҳадисларида:

كُلُّ مُسْكِرٍ خَمْرٌ وَكُلُّ خَمْرٍ حَرَامٌ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

«Ҳар бир маст қилувчи ҳамрдир. Ҳар бир хамр ҳаромдир», деганлар.

Имом Муслим ривоят қилган.

Шунинг учун, водками, вискими, вино ёки пивоми, нашами, қора дорими, героинми, морфими кокаинми, кўкнорими, барибири, ҳаммаси ҳаром.

Шайх Санъоний ўзларининг «Субулус-Салам» номли машҳур китобларида:

«Нима бўлса ҳам, маст қилувчи нарса ҳаромдир. Агар нашага ўхшаш ичилмайдиган нарса бўлса ҳам», деганлар.

Имом ал-Қурофий ақлга таъсир ўтказувчи нарсаларни учга бўлиб зикр қилганда нашани

муфсид – бузувчи нарсалардан, деб таърифлаганлар.

Шайх ал-Хаттоб ўзларининг «Мавоҳибул-Жалил» номли китобларида наша билан ағионни хамр деб санаганлар.

Ўнинчى ҳижрий асрдан бошлаб китобларимизда «гиёҳвандлик моддалари» истилоҳи ишлатила бошлади.

Ўша вақтларда барча мазҳабларнинг фуқаҳолари гиёҳвандлик моддаларининг ҳаром эканлигига, уларни ҳалол санаган киши коғир бўлишига иттифоқ қилганлар. Шунингдек, уларни ейиш, ичиш, ҳидлаш ва игна орқали қабул қилиш мутлақо мумкин эмаслигини қаттиқ таъкидлаганлар.

Ҳамаср уламоларимиз ҳам гиёҳвандлик моддаларини тановул қилиш, экиш, ишлаб чиқариш, уларнинг тижорати билан шуғулланиш ҳаром эканига иттифоқ қилганлар.

Улар: «Гиёҳвандлик моддалари орқали қилинган қасб ҳаромдир, уларнинг таъсири остида намоз ўқиган одамнинг намози қабул эмас, улардан келган фойда ҳаромдир, уни садақа ҳам қилиб бўлмайди, яхшилик ишларга ҳам ишлатиб бўлмайди», деганлар.

Шунинг учун ҳам, бу масалада барчамиз ўта ҳушёр бўлмоғимиз лозим.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюк муҳаддис имом Бухорий ривоят қилган машҳур ҳадиси шарифларида:

مَنْ رَأَى مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيَعْرِرْهُ بِيَدِهِ إِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ
فَلْسَانَهُ إِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبَقْلَهُ وَذَلِكَ أَضْعَفُ الْإِيمَانِ. رَوَاهُ
الْبُخَارِيُّ.

«Сиздан ким ёмон – мункар ишни кўрса, уни қўли билан ўзgartирсинг, агар бунга қодир бўлмаса, тили билан ўзgartирсинг, агар унга ҳам

қодир бўлмаса, дили билан, ана ўша иймоннинг заифлигидандир», деганлар.

«Мункар иш» дегани, «ёмон иш» деганидир. Бутунги кунимиизда гиёҳвандлик ёмон ишларнинг ҳам энг ёмонидир.

Ушбу ҳадиси шариф ҳукмига биноан, гиёҳвандликка қарши кураш ҳамманинг бурчиdir.

Биринчи навбатда, имкони борлар учун мазкур кураш амалий равишда бўлиши керак. Бунга, асосан, ҳукумат доиралари киради. Уларда бу мункар ишни қўл билан, яъни, амалий равишда ўзгартиришга ҳам ҳақ-хукуқ, ҳам имкониятлар бор. Зотан, бу ишни қилиш уларнинг бурчлари ҳам. Айниқса, гиёҳвандликка қарши курашга масъул бўлган идоралар ва шахслар бу ҳақиқатни яхши англаб етмоқлари зарур. Улар бу ишда сусткашликка йўқ, қўйишлари мутлақо мумкин эмас.

Шунингдек, гиёҳвандликдек ёмон ишга – мункарга қўли билан қарши турадиганларга ушбу ёмонликни йўқ қилиш, оддини олишга оид барча ишларда ишлайдиган шахслар кирадилар. Уларнинг ичида гиёҳванд моддаларнинг чегарадан олиб ўтилмаслиги учун хушёр турган чегарачи ҳам, ҳийла йўли билан гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга уринганларни фош қилишда ташаббус кўрсаттан божхона ходими ҳам, гиёҳвандларни даволаш билан машғул шифокор ҳам ва бошқа шунга ўхшаш вазифаларни адо этаётган шахсларнинг барчаси ҳам кирадилар.

Гиёҳвандлик мункарини қайтаришнинг иккичи даражаси тил билан бўлади.

Қисқа қилиб айтилганда, ушбу балога қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришидир. Бу иш билан шуғулланадиганлар қаторига ахборот воситалари масъуллари ва ходимлари, ёзувчилар, зиёлилар, газетачилар ва уларга ўхшаш ишларда ишлайдиган кишилар кирадилар.

Албатта, мусулмон уламолар бу рўйхатнинг бошида турадилар. Уларнинг бу иш бўйича масъулиятлари ҳамманикidan кучли.

Гиёхвандликка қарши курашда мазкур соҳаларнинг соҳиблари билан бир қаторда ҳар бир инсон ҳам бирга бўлиши зарур. Бир оғиз сўз билан бўлса ҳам гиёхвандликка қарши курашдек савобли ишга ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Агар шунга ҳам қодир бўлмаса, ушбу ҳадиси шарифда айтилганидек, гиёхвандликка дили билан қарши бўлмоғи лозим. Ана ўша, энг иймони заиф шахснинг иши бўлади.

Демак, мункар ишни дили билан инкор қилган, унга қўшилмаган, рози бўлмаган аммо унга қарши жиддий курашмаган мусулмоннинг иймони заиф бўлади. Иймони заиф бўлмаса, ёки тили билан, ёки қўли билан ёмонликни бартараф қилишга уринади.

Гиёхвандликка қарши кураш оммавий бўлиши лозимлигини янада чуқурроқ англаб етишимиз учун қуйидаги ҳадиси шарифни яхшилаб ўрганмоғимиз лозим бўлади.

عَنِ النُّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مثَلُ الْقَائِمِ عَلَى حُدُودِ اللَّهِ وَالْوَاقِعِ فِيهَا كَمَثَلٍ قَوْمٌ اسْتَهْمُوا عَلَى سَفِينَةٍ فَأَصَابَ بَعْضُهُمْ أَعْلَاهَا وَبَعْضُهُمْ أَسْفَلَهَا فَكَانَ الَّذِينَ فِي أَسْفَلَهَا إِذَا اسْتَقَوْا مِنَ الْمَاءِ مَرُوا عَلَى مَنْ فَوْقَهُمْ فَقَالُوا لَوْ أَنَا خَرَقْنَا فِي نَصِيبِنَا خَرْقًا وَلَمْ نُؤْذِ مَنْ فَوْقَنَا فَإِنْ يَتُرْكُوهُمْ وَمَا أَرَادُوا هَلَكُوا جَمِيعًا وَإِنْ أَخْذُنَا عَلَى أَيْدِيهِمْ نَجُونَا وَنَجُونُهُمْ جَمِيعًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

«Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан, у киши Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қиласидар:

«Алдоңнинг ҳадди – чегарасида турғанлар ва ундан чиққанларнинг мисоли худди бир кемадан қуръа орқали жой олган кишиларга ўхшайды. Уларнинг баъзиси кеманинг юқори-сидан, баъзиси пастидан жой олдилар. Пастдагилар сувга ҳожатлари түшса, юқоридагиларнинг олдидан ўтар эдилар. Улар: «Юқоридагиларга озор бермаслигимиз учун ўз улушимиздан бир жойни тешиб олсак, қандоқ бўларкин», дедилар. Агар уларни истаклари ила қўйиб қўйсалар, ҳаммалари ҳалок бўлурлар. Агар уларнинг қўлларидан тутсалар, улар ҳам, бошқалар ҳам – ҳаммалари нажот топурлар».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Бугунги кунимизда гиёхвандлик қилаёттандар, ул моддаларни етиштириб, ишлаб чиқараёттандар, ташиёттандар, сотаёттандар – барча-барчалари ҳаммамизнинг ҳаёт кемамизни тагидан тешиб гарқ этишга ҳаракат қилаёттан жоҳиллардир. Агар кўплашиб уларнинг қўлидан тутмасак, ҳаммамиз бара-варига гарқ бўлиб, ҳалокатта учрашимиз турган гап.

Ҳа, ўзини, оиласини, яқинларини, бутун инсониятни ва келажак авлодларни ўйлаган ҳар бир шахс гиёхвандликка қарши курашда фаол бўлиши зарурдир.

Бу ишда ҳар ким қўлидан келган ҳиссасини кўшмоғи матлубдир. Билиб туриб бепарво бўлишга ҳеч ҳаққимиз йўқ.

Азизлар, мазкур соҳада Ислом дини таълимотларини ўрганишдан олдин баъзи бир луғавий тушунчаларни ўзлаштириб олишимиз мақсаддага мувофиқ бўлади.

Гапнинг холосасини айтадиган бўлсак, ушбу масала бугунги қунда дунё ҳамжамиятининг долзарб муаммосига айланди. Турли соҳалар мутахассислари ушбу муаммо бўйича иш олиб бормоқдалар. Бангилик ва унинг муаммолари бўйича маҳаллий, ҳалқаро ва умумжаҳон ташкилотлари тузилди ва тузилмоқда. Ҳамма инсониятни бу хатарли балодан сақлаб қолиш ташвишида.

Дарҳақиқат, оммавий тус олган бало-оғатта қарши оммавий равишда кураш олиб борилмаса, бўлмайди, бирор натижага эришиш қийин.

Бинобарин, бугунги кунда гиёҳвандликка қарши курашиш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздири.

Ушбу кураш ўта аҳамиятли бўлганидан, мусулмонлар унинг биринчи сафида бўлмоқлари зарурдир. Чунки, бу иш улар учун виждан амри, дину-диёнат амри, Аллоҳнинг амри ва ҳабиб пайтамбарлари алайҳиссаломнинг амридир.

Мусулмон уламолар фикрича, гиёҳвандликка қарши курашда энг самарали йўл Ислом услубидир. Аллоҳ таоло Куръони Каримда, Пайтамбаримиз алайҳиссалом ўз суннатларида баён қилиб берган йўлдир.

Чунки, бу услуг дунё тарихидаги энг самарали услуг бўлганига ҳамма тан берган. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар ўз динларида бор нарсани ишга солиб инсониятни ҳалокатдан сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқлари матлубдир.

ИСЛОМ ТЕРРОРГА ҚАРШИ

Террор йигирманчи мелодий асрнинг охирига ва йигирма биринчи асрнинг аввалига келиб оламшумул муаммога айланғы. Бу бало жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Энди, «жаҳон уруши», «ядро ҳалокати хавфи» ҳақидағи гаплар қолиб, ҳамма террор ва унинг хавфхатари ҳақида гапирадиган бўлиб қолди. Кўпчилик иттифоқ бўлиб, террорнинг дини, ирқи ва миллати бўлмайди, ҳаммамиз бу оғатта қарши биргалиқда курашишимиз лозим, демокда. Авваллари бўлмаган бу нарсани таърифлашга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Ҳали террорнинг таърифида бир қарорга келинмаган бўлса ҳам, кўпчилик террорни «Ўз мақсадига эришиш йўлида бошқаларнинг жони, моли ва обўсига куч ва қурол ишлатиш йўли билан зарар етказиш» деб атамоқдалар.

Ўз-ўзидан, бу масалаларга Ислом дини таълимотларида қандай қаралади, деган савол пайдо бўлади. Албатта, бу каби саволларга Қуръон ва Суннатда жавоблар тайёр. Жавоб беришдан аввал террордан кўрилаётган заарларга бир назар солайлик. Уларнинг рўйхати бошида бегуноҳ одамларнинг кўплаб ҳалок бўлиши туради. Кейин кишиларнинг молу мулклари зое бўлиши, шарафларига футур етиши, ҳалқлар орасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши, дунёда хавфхатар бардавом бўлиши каби инсониятга заарли кўпгина нарсалар келади. Ислом инсониятга заар етишига мутлақо қаршидир. Ислом Аллоҳ таоло томонидан инсоният баҳт-саодатини таъминлаш учун жорий қилинган диндир. Ислом динининг таълимотлари, қонун-қоидалари ва амалларидан бешта бош мақсад кўзда тутилгандир:

1. Инсон ҳаётини муҳофаза қилиш мақсади.
2. Инсон ақлини муҳофаза қилиш мақсади.
3. Инсон динини муҳофаза қилиш мақсади.
4. Инсон наслини муҳофаза қилиш мақсади.

5. Инсон молу мулкини муҳофаза қилиш мақсади.

Террор эса, айнан ушбу мақсаддарга қарши фаолиятдан иборатдир. Террорнинг бош зарари – бегуноҳ инсонларнинг ўлдирилишига Ислом қанчалар қарши эканини билишнинг ўзи бу илоҳий диннинг террорга нечоғлик қарши эканини очиқ ойдин кўрсатиб беради.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

فَتَّلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَانَ مَا فَعَلَ
النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَا هَافَ كَانَهَا أَحْيَا النَّاسَ

«Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтирилса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади», деган («Mouga» сураси, 32-оят).

Исломда ҳар бир жон жуда ҳам юқори баҳоланади. Шу боис, бир беайб инсонни ўлдирган одам бутун бошли инсониятни ўлдиргандек жиноят қилган ҳисобланади. Чунки, жонлар қўп бўлгани билан, ҳаёт кечириш ҳаққи битта. Ҳар бир жон ҳаёт кечириш ҳаққига эга. Ана ўша жонлардан биттасини ўлдирган одам ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққига тажовуз этган бўлади. Аксинча, битта жоннинг ҳаётини сақлаб қолиш эса, ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққини сақлаб қолган билан teng.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَّ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ قَتَلَ نَفْسًا مُعَاهَدًا لَمْ يَرِحْ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ وَإِنْ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ أَرْبَعِينَ عَامًا.
رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالْتَّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ розиямлоҳу анхудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Ким бир аҳдлашган жонни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидлай олмайди. Албатта, унинг ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб турур», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилган.

Ушбу ҳадисда коғир бўлса ҳам, инсон жони Ислом наздида қанчалик қадр-қийматта эга экани кўриниб турибди.

Ҳадиси шарифда «муъоҳид» – аҳдномаси бор файридинни ўлдиришнинг оқибати қандоқ бўлиши ажойиб ўҳшатиш ила васф қилинган. Мазкур жиноятни қилган одам «жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидлай олмайди». Жаннатга кириш, ундаги хушбўй мушку анбарлардан ҳидлаб, лаззат олиш у ёқда турсин, жаннатнинг умумий ҳидини ҳам ҳидлай олмайди. Яқинига йўлай олмаслик қай дараҷада бўлади? Бундоқ жиноят қилган одам жаннатдан қирқ йиллик йўл юриш масофасидан ҳам узокроқда бўлади. Чунки, жаннатнинг «ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб турур».

Бас, шундоқ экан, ҳар бир мўмин мусулмон ўзи билан **тинч-тотувликда яшамоқчи бўлган** ҳар бир файридиннинг ҳурматини жойига қўйиши, унга зинҳор ёмонлик қиласлиги зарур.

Террордан дунёга келаётган ҳар бир заарага қарши юқоридагига ўхшаш кўплаб таълимотлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида китоб ёзиш мумкин. Шунинг учун, bemalol «Ислом террорнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо қаршиидир» дейиш бизнинг бурчимиздир. Мусулмонлар террорга қарши курашнинг биринчи сафларида бўлиши лозимдир.

ЁЛГОНЧИЛИК ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ёлғончилік барча разолатларнинг аслидир. У жамиятни парчалайды, барча ишларни бузади ва ўз эгасининг обрўсини тўқади. Одамлар ёлғончи нинг гапига ишонмай қўяди ва бирор ишни ишониб топширмайдилар ҳам. Ҳаётда кўпчилик ҳунарманд бўлиб, одамлар орасида муомалада, одисотдида ишонч қозонмоғи зарур. Ёлғон эса, ишончи ийққа чиқаради. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ ёлғончиларни йўлдан адашганлар қаторига қўшади. Қуръони Каримда шундай дейилади:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَابٌ

«Албатта, Аллоҳ исрофчи ва кazzоб бўлган шахсни ҳидоят қилмас» («Фоғир» сураси, 28-оят).

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كَذِبٌ كَفَّارٌ

«Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва кофир кимсаларни ҳидоят қилмас» («Зумар» сураси, 3-оят).

Ёлғончиларга қиёмат куни аламли азоблар бўлишини уқдириб Қуръони Каримда:

وَلَا تَقُولُوا لِمَا تَصِفُ الْسِنَنُ كُمُ الْكَذِبَ هَذَا حَلْلٌ وَهَذَا حَرَامٌ لِتَفْتَرُوا عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ إِنَّ الَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ لَا يُفْلِحُونَ مَتَعٌ قَلِيلٌ وَلَمَّا عَذَابَ أَلِيمٌ

«Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиши учун, тилларингиз васф қилган ёлғонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром», деяверманглар. Албатта, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқувчилар нажот топ-

маслар. Озгина матоқ ва аламли азоб бор», дейилади («Наҳұ» сураси, 116, 117-ояттар).

«Ёлғончилек ҳаммавақт ҳам ёлғон бўлавермайди. Баъзи бир вақтлар борки, унда ёлғон гапиришлик мумкин. Масалан, «Одамлар орасини тузатиш учун яхши гапларни топиб гапирган одам ёлғончи эмас», деганлар. Хиёнат – ёлғончилекнинг энг ёмон туридир. Унинг зарари жамиятнинг барча аъзоларига етади. Қайси жамиятда хиёнат урчиса, ўша жамият хароб бўлади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ мусулмонларни хиёнатдан қайтарган:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمْنَتُكُمْ
وَإِنَّمَا تَعْلَمُونَ

«Эй, иймон келтирганлар, билиб туриб, Аллоҳга, Пайғамбарга ва омонатларингизга хиёнат қилманг» («Анфол» сураси, 27-оят).

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ حَوَّا نَأْشِمَةً

«Албатта, Аллоҳ хиёнатчи ва гуноҳкор бўлган кимсани хуш кўрмас» («Нисо» сураси, 107-оят).

Кимки яхши жамият тузмоқчи бўлса, мана шу ёмон одат – хиёнатни йўқ қилишга катта аҳамият берса, ўз ниятига эришади.

Ваъдага вафо қилмаслик одати ҳам ёлғончилекнинг бир туридир. Шу ишни қилган киши иродасиз, яхшилик чиқмайдиган ва ишониб бўлмайдиган одам бўлади. Ваъдага вафо қилмаслик одамлар орасидаги муҳаббатни йўқотиб, кўп заарлар етказади, вақтни беҳуда кетказади ва ҳоказо... Шунинг учун ҳам, пайғамбаримиз алайҳиссалом ваъдага вафо қилмасликни «мунофиқлар сифатидан» деб айттанлар:

آیة الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ
وَإِذَا أَوْتَمَنَ خَانَ.

«Мунофиқнинг аломати учтадир: Гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, хилоф қилади, аҳд қиласа, алдайди».

Имом Бухорий ривоят қилган.

ЁЛГОН ГУВОҲЛИК бериш ижтимоий бузғунчиликларга сабаб бўладиган ёлғоннинг турларидан дир. Бу нарса кишиларнинг бекорга ўлиб кетиши, жабру жафо тортиши, ҳақ-ҳуқуқларининг поймол бўлиши каби кўпгина ёмонликларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, Ислом ёлғон гувоҳлик беришни дунёдаги энг катта гуноҳ — Аллоҳга ширк келтириш билан тенглаштирган. Куръони Каримда айтиладики:

فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوَّلِينَ وَاجْتَنِبُوا فَوْكَ الْزُّورَ

«Бас, бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлинг ва ёлғон сўздан йироқ бўлинг» («Ҳаж» сураси, 30-оят).

Бошқа бир оятда Аллоҳ ўзига яқин баңдаларини:

وَالَّذِينَ لَا يَشَهُدُونَ الْزُّورَ

«Улар ёлғон гувоҳлик бермайдиганлардир», деб таърифлаган («Фурқон» сураси, 72-оят).

Бўҳтон ҳам Ислом ҳаром қилган ёлғоннинг турларидан биридир. Бўҳтончи доимо бир инсоннинг амалига, мансабига, шарафига футур етказишга ҳаракат қилади. Бўҳтон кўплаб бало-офтагларнинг сабабчисидир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ ундан ҳазар қилишга буюрган:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنْ جَاءَكُمْ فَاسِقٌ يُبَلِّغُ فَتَبِينُوا أَنْ تُصِيبُوا قَوْمًا
بِجَهَنَّمَةِ فَنَصِيبُهُ أَعْلَى مَا فَعَلْتُمْ نَدِيمِينَ

«Эй, иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб күринглар, бир қавмга билмасдан мусийбат етқазиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар» («Хужурот» сураси, 6-оят).

Чақимчилик ҳам ёлғоннинг бир тури бўлиб, ўз эгасининг қалби қоралигини, одамлар орасида душманчилик ва хусуматдан бошқа нарса бўлмагини хоҳловчи шахс эканлигини билдиради. Чақимчига қарши курашнинг энг яхши усули, унинг гапига қулоқ солмаслиқдир. Аллоҳ шундай дейди:

وَلَا نُطْعِنُ كُلَّ حَلَّافٍ مَّهِينٍ هَمَازٌ مَّشَاءٌ بَنَسِيمٍ

«Итоат қилма! Ҳар бир қасамхўр, пасткашга. Кишиларни айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига» («Қалам» сураси, 10-11-оятлар).

ЎЗГАЛАРНИ КАМСИТИШ

Қуръони Каримда олдинга сурилган ғоялардан бири, ўзгаларни ҳурмат қилишдир. Чунки, бу нарса жамиятнинг бирлигини саклашда, унинг аъзолари орасида муҳаббатни кучайтиришда, душманлик ва келишмовчилик сабабларини йўқотища катта аҳамият касб этади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай дейди:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَسْخَرُ قَوْمٌ مِّنْ قَوْمٍ عَسَى أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا
مِنْهُمْ وَلَا إِنْسَانٌ مِّنْ نَسَاءٍ عَسَى أَنْ يَكُنْ خَيْرًا مِّنْهُنَّ وَلَا نَلِمُزُوا أَنفُسَكُمْ وَلَا

نَابِرُوا بِالْأَلْقَبِ يَسَّ أَلَّا سُمُّ الْفُسُوقِ بَعْدَ الْإِيمَنِ وَمَنْ لَمْ يَتَبَّعْ
 فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ

«Эй, иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, әхтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасин), әхтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиқлик исми нақадар ёмон! Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар ўзлари золимлардир» («Ҳужжурот» сураси, 11-оят).

Бу оядта Аллоҳ мусулмонларни ўзидан бошқаларни ҳурмат қилишга, уларнинг обрўсини тўқмасликка, ҳис-туйғуларини таҳқирламасликка буюради. Эркақдур, аёлдур, ҳеч кимсани масхара қилиб, камситиб бўлмайди. Хоҳ, гап билан, хоҳ, қўл билан ишора қилиб ёки бошқа йўллар билан бўлсин. Эхтимол, масхара қилинган кишилар кўриниши хунук, ўзи бечораҳол кўринса ҳам, аслида, масхара қилувчидан яхшироқдир. Бу ҳолда масхара қилувчи ўзи билмасдан Аллоҳ обрўсини кўтарган кишини паст санаган бўлади. Қолаверса, масхара қилинган кишининг аччиғи чиқиб, масхара қилувчининг ҳам айбларини ахтариб қолиши турган гап. Агар айб топмаса, ўзидан ёлғон айбларни тўқиб, халқ орасида тарқатиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, «Масхара қилувчи энг аввал ўзига-ўзи зарар етказади» десак, хато қилмаган бўламиз. Холоса қилиб, айтишимиз мумкинки, бирорни масхара қилиш қалбларга ёмонлик солади ва кишилар ўргасида дўстлик алоқаларини бузади. Сўнгра, Аллоҳ оядта бирорнинг айбини ошкор қилмасликка буюради. Чунки, бу нарса жамият аъзолари орасига адоват солади.

Аллоҳ, мусулмонлар худди бир жон, бир танга ўхшайди, шунинг учун, ўзларини-ўзлари айбла-

масликлари лозим, дейди. Қачонки бир мусулмон бошқа бир мусулмон биродарини айбласа, худи ўзини айبلاغандек бўлади.

Шунингдек, Аллоҳ қишиларни ўзлари ёқтиргманган лақаблар билан аташни ҳам ман қилади. У лақаб ўзига, отасига ёки бирор яқин қиши сига тегишли бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси қишилар ўртасида келишмовчилик чиқаради. Сўнгра, Аллоҳ, масхара қилиш, бирорни айблаш ва бирорвга лақаб тўқиши фиску фасод иш, Аллоҳнинг тоатидан чиқишилик эканини баён қилади. Бир қиши иймонли бўлганидан кейин, уни фосиқдик номи билан аташ тўғри эмас. Мана шу ёмон оқибатлардан ўзини тиймаган қишилар ўзларига зулм қилиб, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганлардир.

БАДГУМОНЛИК, ЖОСУСЛИК ВА ФИЙБАТ

Куръони Каримда шундай оят бор:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَجْتَبَنَا كَثِيرًا مِنَ الظَّنِّ إِنَّ رَبَّنَا لَا يَحْسَسُ وَلَا يَعْتَبِ بَعْضُكُمْ بَعْضًا أَخِيْهِ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ
لَحْمَ أَخِيْهِ مَيْتَانَ فَكِرْهَتُمُوهُ وَأَنْقَوْتُمُوهُ إِنَّ اللَّهَ تَوَابُ رَحِيمٌ

«Эй, иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманлар. Баъзиларингиз баъзиларингизни гийбат қилманлар. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадими? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳимлидир» («Хужжурот» сураси, 12-оят).

Аллоҳ мана шу оядда мусулмонларни бадгумонлиқдан қайтаради. Чунки бу нарса бирорни таҳқирилаш бўлиб, катта заرارларнинг сабабчи-

сиdir. Бадгумонлик мүмкін эмас, деганда, шарт шуки, гумон қилинаётган одам тақводор, яхшилик билан ном чиқарған одам бўлса, шунда ўша киши ҳақида ёмон гумонлар қилиш ҳаромдир. Аммо, фисқу фасод билан ном чиқарған, шариатни ҳурмат қилмайдиганлар ҳақида ёмон гумон қилиш ҳаром эмас. Сўнгра, Аллоҳ жосуслиқдан қайтаради. «Жосуслик» деганда, кишиларнинг яширган ишини бекордан-бекорга ошкор қилишга маҳфий уринишни тушуниш керак. Бу нарса, албатта, ҳеч кимга фойда бермайди. Аксинча, одамлар орасида душманчilik келиб чиқишига сабаб бўлади. Аммо ҳукумат бузғунчилар ва ёмон ниятли кишиларнинг ортидан одам қўйса, бўлаверади, чунки бу нарса жамият учун зарурдир. Юқоридаги ман қилиш эса, кишилар орасида адоват чиқармаслик мақсадида бўлган.

Оятнинг охирида Аллоҳ мусулмонларни фийбатдан қайтаради. «Фийбат» дегани, бир инсон иккинчисини ғойибдан (ортидан) ёмон нарсалар билан гапиришдир. Бу гап фийбат қилинган кишининг диний ёки дунёвий ишларига, ахлоқига, танасининг тузилишига ва бошқа нарсаларига тегишли бўлса ҳам фийбат ҳисобланади. Чунки, фийбат одамлар орасига адоват солади.

Ислом фийбатдан нафрат қиласи. Бу нафрат шу даражага етганки, ҳатто фийбатчини ўлган мусулмон биродарининг гўштини еган кишига тенглаштиради. Бирор ўлган биродарининг гўштидан (еъишдан) қандай сақланса, мусулмон биродарини фийбат қилишдан шундай сақланмоқлиги зарур. Аммо гуноҳ ишларни очиқдан-очиқ қилиб юрувчи, шариат қоидаларини бузувчи кишининг ҳолини «улардан одамлар сақлансин» деган мақсадда гапириш фийбат ҳисобланмайди. Умуман, бир одамни иккинчи бир одамнинг зааридан сақлаш учун айтилган рост гап фийбат саналмайди. Шунингдек, сўралган кимсанинг ҳақиқий ахволини билдириб қўйиш ҳам фийбатта кирмайди.

ЗИНО

Зино инсоннинг руҳий тинчлигини йўқотадиган разолатдир. Иффатли бўлиш кишига тинчлик ва хотиржамлик баҳш этади.

Зино эса, кишилар қалбига гулгула солади, доимо хижолат тортиб гуноҳ ҳиссини сезиб туриш каби руҳий қийнокларга дучор қиласди. Шу разолатта берилганлардан бирининг айтишича, зинокорлар ҳар бир тикилишни ўзларига қаратилган «айблаш назари» деб сезар эканлар. Зинокор ғайриқонуний йўлда юради. Тўғри йўлдан юрмоқчи бўлса, уйланиши керак. Аммо бу нарсани қилмасдан, ногўри йўлни танлайди. Уйланиш табиий поклик бўлиб, кишида ҳаётда ўзидан бошқа учун ҳам ҳаракат қилиш туйғусини уйготади. Уйланган киши фарзанд тарбия қилиб, жамиятнинг яхши аъзоларидан бўлишга уринади. Шу нарсанинг ўзи ҳам инсонга олам-олам маънавий ҳузур-ҳаловат баҳш этади. Зино эса, одоб-ахлоқни йўқотади, кишилардан инсонийлик нурини учиради, ғайриқонуний, жамиятта кони заарар бўлган болаларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Зинодан туғилган болалар доимо ўзларида етишмовчилик сезиб ўсадилар. Ота-она меҳридан узоқ бўладилар. Шунинг учун ҳам, улар ўзларининг бундай баҳтсиз ҳолатларига жамият сабабчи деб тушунадилар ва унинг аъзоларидан, қўлларидан келса, ўч олмоқчи бўладилар. Шунинг учун ҳам, Ислом зинони ҳаром қилган. Уни «фоҳиша иш» ва «ёмонлик йўли» деб таърифлаган. Куръони Каримда шундай дейилган:

وَلَا نَقْرُبُوا إِلَيْنَا كَانَ فَحْشَةً وَسَاءَ سَيِّلًا

«Ва зинога яқинлашманглар. Албатта, у фоҳиша иш ва ёмон йўлдир» («Исрө» сураси, 32-оят).

Зино инсонларга ва инсоният қадриятига улкан заарлар келтирувчи разолат бўлганлиги учун

ҳам, Ислом шу ишни қилғанларнинг жазосига қаттиқ чоралар күрган. Агар зинокор оиласиз шахс бўлса, зино устида қўлга тушганда, кўпчиликнинг ўртасида юз дарра урилади. Агар уйланиб, оила қурган шахс бўлса, кўпчилик тарафидан тошбўрон қилиб ўлдирилади.

ФАЗАБ

Фазаб руҳий разолатлардан бўлиб, кишилар орасида пайдо бўлса, уларнинг жамиятида катта ёмонликларга сабаб бўлади ва дўстлик алоқала-рининг бузилишига олиб келади. Инсон фазаби келган вақтда мувозанатини йўқотиб қўяди, нима қилаётганини англай олмайдиган ваҳшнийга айланади. Ўзи фазаб ҳолатида аҳмоқона иш қилаётган бўлса ҳам, ўзича обрўсини ҳимоя қилаётган ҳурматли одам бўлиб кўринади. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай одам ўзига фойда қилмайди. Чунки фазаб тажовузкорликнинг бошланишидир. Ва аксинча, ҳалимлик эса, кучли ақд ва юқори диднинг аломатидир. Шунингдек, фазабланиш вақтида инсон танасида рўй берадиган ўзгаришлар унинг саломатлиги учун зарарли эканлигини ҳозирги замон табобатчилиги тасдиқлаган. Шунинг учун ҳам, Ислом Аллоҳнинг розилигига сазовор бўладиган тақвадорларни «фазабни ичга ютувчилардир» деган:

وَالْكَّاظِمِينَ الْعَيْظَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ
الْمُحْسِنِينَ

«Ва фазабини ютадиганлар ва одамларни афв қиласиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни ёқтиради» («Оли Имрон» сураси, 134-оят).

Қуръон мусулмонларни фазабни ичга ютиш билан кифояланиб қолмай, балки фазабни қўзғаттан

айбдор шахснинг айбини кечиришга ҳам чақиради. Одатда, инсон ўзига душманлик қилинганда ёки обрўси тўқилганда ғазаби келади. Ғазаби келган пайтда нима қилиш кераклиги ҳақида Ислом таълимотлари олий даражадаги ахлоқий таълимотлар бўлиб, унга ҳар бир одам амал қилиши мумкин. Инсон ғазаби келган вақтда ҳукм қилса, инсофли ҳукм қила олмайди. Шунинг учун ҳам, Ислом мусулмонларнинг сифатларидан бири ғазаб вақтида кечирувчиликдир деган:

وَإِذَا مَا غَضِبُوا هُمْ يَغْفِرُونَ

«Ва ғазабланган вақтда кечириб юборадиганлар» («Шўро» сураси, 37-оят).

Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам ўз иродасига эга бўлиш ва ғазаб келганда уни бошқара билиш қаҳрамонлик белгиларидан деб айтганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ تَعَالَى لِئِنْ شَدِيدُ الْمُصْرَعَةِ إِنَّمَا الشَّدِيدُ الَّذِي يَمْلِكُ نَفْسَهُ عِنْدَ الْعَظَمَبِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розиямлоҳу анҳудан:
«Пайғамбар соллаллоҳ алайҳи васаллам айтадилар:

«Курашда йиқитган паҳлавон эмас, балки ғазаб келган вақтда ўзини идора қила оладиган киши паҳлавондир».

Ином Бухорий ривоят қилган.

Ахлоқий тараққиётни кўзлаган ҳар бир киши ўз иродасини ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилиши зарур.

ҲАСАД

Ҳасад ҳам ахлоқий разолатлардандир. У инсондаги энг қабиҳ хислатлардан бири бўлиб, инсоннинг осуда ҳаётини бузувчиdir. Чунки, ҳасадчи доимо ўзидан бошқаларга бахтсизлик ва фалокат тилайвериб, ўзини ҳам шу ҳасад билан бадбахт қилиб қўяди. Ҳасадчи ўзига етган яхшиликлардан хурсанд бўлиш ўрнига, ўзгаларга етган яхшиликлардан азобланади. Бизнинг замонамизда ҳасад жуда ҳам хатарли тус олмоқда. Камбагал бойга ҳасад қилган. Хотинлар эркакларга ҳасад қиласидилар, хунуклар чиройлиларга ҳасад қиласидилар ва ҳоказо. Ҳаттоқи, баъзи бир халқлар бошқа бир халқларга ҳасад қилиб, бахтсизлик тилайдилар. Ҳасадчининг хулқи маломатdir. Унинг лаззат топадиган нарсаси одамлар ўртасида чақимчилик қилиш, уларни уриштириш ва келишмовчиликлар чиқариш бўлади. У бир омадли одамнинг жойини эгаллаш мақсадида обрўсини тўкиш учун ҳар қандай номаъкулчиликларни қилишга тайёр. Ҳеч бўлмагандан ўша одам ўзи сингари омадсиз бўлиши учун ҳаракат қиласди. Ҳасадчи ўзига ўзи ишонмайдиган, мақсадига етишга илож топа олмаган бир омадсиз шахсdir. Шунинг учун ҳам, Қуръон ҳасаддан қайтаради:

وَلَا تَنْمِنُوا مَا فَضَّلَ اللَّهُ بِهِ بَعْضَكُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ لِّرِجَالٍ
 نَصِيبٌ مِّمَّا أَكَحَتْسَبُوا وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا أَكَشَبُنَّ وَسَعَلُوا
 مِنَ فَضْلِهِ

«Аллоҳ баъзингизни баъзингиздан афзал этган нарсаларни (ҳасад ила) орзу этманг. Эркакларга ўз касбидан насиба бор. Аёлларга ўз касбидан насиба бор. Аллоҳдан фазлини сўранг» (*«Нисо» сураси, 32-оят*).

Бошқа бир оятда Аллоҳ ҳасадчиларнинг ҳасадидан паноҳ сұрашни буюрган. Ҳасадчи ўзига етгап қайғу-аламлар учун унга марсия айтиб, шафқат қылса бўладиган даражадаги инсон. Биз унинг ҳасадини кечирсак, унга қўйпол муомала қилмасак, қандай яхши бўлар эди. Чунки ҳасадчининг ҳасади ўзидан бошқа ҳеч кимга зарар келтирмайди. Уламолар ҳасаднинг иложи ҳақида бир неча йўлларни айтиб ўтганлар, шулардан бири, инсон ўз ҳаёти давомида ўзига етган яхшиликларга қаноат қилиб, ўз бурчани садоқат билан адо этиб боришлиги, ўзидан кўра саодатлироқ кишиларга эмас, балки ўзидан ночорроқ, кишиларга назар солиб, ахволини солиштириб боришлиги ҳасаднинг олдини олади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ҳақида ўз ҳадисларида шундай деганлар:

إِذَا نَظَرَ أَحَدُكُمْ إِلَى مَنْ فُضِّلَ عَلَيْهِ فِي الْمَالِ وَالْخَلْقِ
فَلْيَنْظُرْ إِلَى مَنْ هُوَ أَسْفَلُ مِنْهُ.

«Сизлардан бирингиз мол-мулкда ва ахлоқда ўзидан устун турадиган кишини кўрса, дарҳол шу нарсаларда ўзидан пастроқ турадиган кишиларга назар ташласин».

БЕҲУДА ГАП ВА АМАЛ

Исломда ахлоқий тараққиётнинг муҳим омиларидан бири бекорчи гап-сўз, ёмон гап ва амаллардан узоқ бўлишдир. Бу, Куръон чақириғи бўлиб, мусулмонлар унга, «лаббай» деб жавоб беришлири керак. Қуръони Каримда шундай дейилади:

قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَشِعُونَ ﴿٢﴾ وَالَّذِينَ
هُمْ عَنِ الْغَوَّ مُعْرِضُونَ ﴿٣﴾

«Батахқық, мүмінлар нажот топдилар. Улар намозларида хушуъ қилювчилардир. Улар бе-ҳуда нарсалардан юз үгиргувчилардир» («Мүминнүн» сураси, 1, 3-оятлар).

Куръони Каримда беҳуда гап-сўзлардан қайтариш турли услубларда келган. Аллоҳ ўзига яқин бандаларининг мақтовида шундай дейди:

وَإِذَا سَمِعُوا الْغَوَّ أَعْرَضُوا عَنْهُ وَقَالُوا لَنَا أَعْمَلْنَا وَلَكُمْ
أَعْمَلْنَا كُلُّكُمْ عَلَيْكُمْ لَا يَنْتَهِي الْجَهَلُ لِيَنْ

«Қачонки беҳуда нарса эшитсалар, ундан юз үгириб: «Бизга ўз амалларимиз, сизга ўз амалларингиз, омон бўлинглар, биз жоҳилларни истамасмиз», дедилар» («Қасас» сураси, 55-оят).

Аллоҳ ўзининг яқин бандаларини сифатлаб шундай дейди:

وَلَذَا مَرُوا بِالْغَوَّ وَأَسْكَرَ أَمَانًا

«Ва беҳуда нарсалар олдидан ўтсалар, ҳурматларини сақлаган ҳолда ўтарлар» («Фурқон» сураси, 72-оят).

Хозирги кунда одамлар ўйлаб чиққан бефойда, инсонга манфаат келтирмайдиган күнгилхушликдан-гина иборат барча нарсалар беҳуда гап-сўз ёки иш қаторига киради. Халқларнинг тараққиётта эришиш шартларидан бири беҳуда гап-сўз, амаллардан юз үгириб, самарали, фойдали ишлар билан машғул бўлишиликдир. Аксинча, беҳуда гап-сўз ва амаллар билан ўз вақтини бекор кетказаёттан халқлар қолоқ, халқлар бўлиши турган гап.

ОЧКЎЗЛИК

Инсоннинг руҳий рағбати заифлашса, моддий рағбати кучаяди. Бу эса, кўпинчча, таом орқасидан

тушишга олиб боради. Албатта, яхши овқатта ўч бўлиш кишининг жинсий рағбатини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, инсонни «Яшашдан мақсад — моддий лаззатдир» дейишга олиб келади. Натижада, ундаги руҳий сифатлар, хоҳ, эҳсон бўлсин, хоҳ, бирорвага яхшилик қилиш бўлсин ва ҳоказо яхшилик сифатлари заифлашиб, унинг ўрнини манманлик, бераҳимлик, исрофчилик каби ёмон одатлар эгаллади. Натижада, бундай одам ўз жамииятида ёмон инсон бўлиб қолади, ундан ҳеч ким манфатлана олмайди. Шунинг учун ҳам, Куръон мусулмонларни очкўзликка мойил бўлишдан қайтаради:

وَكُلُوا وَأَشْرِبُوا وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّمَا لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ


«Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки, У зот исроф қилувчиларни севмас» («Аъроф» сураси, 31-оят).

Шунингдек, очкўзлик кишининг зеҳнини пасайтиради, ақлига руҳий нарсалардан фойдаланишга йўл бермай қолади. Чунки, очкўз кишининг фикри-зикри фақат турли овқатларга боғланиб қолади. Натижада, у ўз фикрини ва иродасини поклай олмайди ва камчиликларини тузата олмайди, инсонлиқдан чиқиб, ҳайвонликка юз тутади. Инсон дучор бўладиган бундай пасткаш сифатни Куръон «кофиirlарнинг сифати» дейди:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا يَتَمَنَّوْنَ وَيَأْكُلُونَ كَمَا تَأْكُلُ الْأَنْعَامُ وَالنَّارُ مَشْوِيَّ لَهُمْ

«Куфр келтирганлар ҳузур қилурлар ва худди чорва ҳайвонлари егандек ерлар ва дўзах уларнинг жойидир» («Мұхаммад» сураси, 12-оят).

Исломнинг энг муҳим мақсадларидан бири бўлмиш руҳий ҳаётни жорий қилишда еб-ичиш борасида ўртacha бўлишлик ҳақидағи Қуръони Каримнинг кўрсатмаси шундан иборат.



СУННАТ

«СУННАТ»НИНГ МАЬНОСИ НИМА?

«Суннат» сўзи эса, араб тилида «тарийқат – маънавий йўл» маъносини англатади. «Фалончи-нинг суннати» дегани «унинг ҳаётий йўли» демақдир. Шуңдан келиб чиқиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, деганда тарийқатлари, йўлларини тушунамиз.

Суннат муҳаддислар истилоҳида қуйидагича таъриф қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам-дан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халқий (тана тузилиши), ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар «Суннат» дейилади».

Ушбу таъриф Пайғамбар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан асар бўлиб қолган ва ишончли манбалар орқали ривоят қилинган бир неча хил нарсани ўз ичига олмоқда ва ўша нарсаларнинг тўплами «Суннат» деб номланишини англатмоқда. Ана ўша таърифда зикри келган нарсаларга биттгадан мисол келтирайлик.

1. **«Гап»** – бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг турли ҳолат ва муносабатларда гапирган гаплари киради.

Мисол учун, «Албатта, ишлар ниятта боғлиқдир», – деганлар.

Ушбу муборак гапни эшиттан одамлар, омонат билан уни эшитмаганларга етказганлар. Шу тарриқа авлоддан-авлодга ўтиб муҳаддис олимгача етиб келган. Муҳаддис эса, илмий йўллар билан текшириб, унинг ҳадис эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, китобига ёзган. Буни «қавлий (гап) суннат» дейилади.

2. **«Иш»** – Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган ишлари – амалларидир. Мисол учун, таҳорат қилиш, намоз ўқиши, ҳаж қилиш ва бошқа ишларни олиш мумкин. Шунга ўхшаш амалларни кўрган кишилар бу ҳақида кўрмаган-

ларга айтиб, күрсатиб берганлар. Бундай маълумотлар шу тариқа ҳадис олимига етиб келган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилған ишлари сифатида асар бўлиб қолган. Буни, «амалий (иш) суннат» дейилади.

3. «Тақрир» – бир нарсага иқор бўлиш, унинг тўғрилигини тасдиқлаш, маъқуллаш маъносини англатади. Суннатдаги тақрир эса Пайғамбари миз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромлар томонидан содир бўлган баъзи нарсаларни маъқуллашларидан иборатdir. Бунга мисол: Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссалом юборган бир тўп лашкарга бош эди. Борган жойида жунуб бўлиб қолди ва совукдан қўрқиб, фусл қилмасдан, таяммум билан намоз ўқиди. Унинг шериклари буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етказишиган. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валид розияллоҳу анҳунинг қилған ишини маъқуллаганлар. Маъқуллаш, гап билан «маъқул» деб айтиш ёки инкор қилмай, индамай қўйиш билан ҳам бўлади Буни «тақририй суннат» дейилади.

4. «Халқий» – тана тузилишидаги сифатлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган кишилар У зотнинг бўй-бастлари, тана тузилишилари, соchlари, кўзлари ва бошқа аъзоларини ба-тафсил васф қилиб берганлар. Бу маълумотлар ҳам ривоят бўлиб муҳаддисларга, улар орқали Ислом умматига етиб келган. Масалан, имом Термизийнинг «Шамоили Мұхаммадийя» асарлари айнан шу масалага бағишлиланган алоҳида китобдир. Барча муҳаддисларимиз ҳам алоҳида китоб таълиф қилмасалар-да, ушбу маънодаги ҳадиси шарифлардан ўзларига етганинни ривоят қилиб қолдирганлар.

5. «Хулқий-ахлоқий сифатлар» – Саҳобаи киромлар Пайғамбари миз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сабрлари, ҳилмлари, шиҷоатлари, саҳийликлари каби барча ахлоқий фазилатларини

ҳам ривоят қилиб қолдирғанлар. Бу ҳақдаги маълумотлар ҳам суннатта киради.

6. «Таржимаи ҳол» – Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётлари, Узот таваллуд топғанларидан бошлаб то Роббиларига мулоқот бўлгунларича таржимаи ҳоллари ўта аниқлик ва бутун тафсилотлари билан ривоят қилинган. Бу бобга тегишли ривоятлар тўплами ни «Сийрат» ҳам дейилади.

Муҳаддис уламоларимиз ушбу олти бандга тегишли ҳар бир маълумотни атрофлича, чуқур ўрганиб, сўнгра ўз китобларига кириттганлар.

Ўз-ўзидан маълум бўлмоқдаки, Суннат Ислом учун, мусулмонлар учун ўта муҳим манбадир. Чунки, у Ислом Пайғамбари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг – Аллоҳ таолонинг охириги ва мукаммал динини ўз ҳаётларида тўлиқ татбиқ қилиб кўрсатган муборак зотнинг гаплари, ишлари, маъқуллашлари, халқий, хулқий сифатлари ва таржимаи ҳоллари тўпламидан иборатdir.

Илоҳий, абадий ва мўъжизакор дастур – Куръони Каримни ҳаётга татбиқ қилиш йўллари ва услубларини ҳам Суннатдан ўрганамиз. Чунки, Куръони Каримни қабул қилиб олган, одамларга етказган ва ўз ҳаётида татбиқ қилиб кўрсатган зот Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

Куръони Каримнинг тафсирини ҳам Суннатдан ўрганамиз. Чунки, Куръоннинг биринчи ва бош тафсирчиси Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У киши ўзларига нозил бўлган оятларни атрофларидағи кишиларга ўқиб берар, зарур бўлганда тафсир қилиб ҳам берар эдилар. Кўпгина саҳобалар ўзлари тушунмай қолган жойларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраб олар эдилар. Ана ўша нарсалар ҳам ҳадисларда келган.

Куръони Карим Бош дастур сифатида умумий ҳолда амр қилган ишларнинг тафсилотини ҳам суннатдан билинади. Мисол учун, Аллоҳу таоло Куръ-

онда намоз ўқишига амр қылган. Лекин намозни қандоқ қилиб ўқишини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам батағсил айтиб, күрсатиб берғанлар. Шунингдек, Қуръони Каримда закот бериш фарзлиги айттылган, закотни қайси турдаги молдан, қанча миқдорда ва қандоқ қилиб бериш ҳам Сұннати мутахҳарада батағсил баён қилингандар.

Шунингдек, умумий йўналиш ва қоидалар Қуръонда зикр этилиб, шу асосда шариатнинг бирмунча ҳукмлари Сұннат ила собит бўлгандир. Демак, Сұннат Ислом шариатида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи масдар – манбадир. Бу, солиштириб кўриб, мулоҳаза қилиб айтилган фикр эмас. Балки, Сұннатнинг Ислом шариатида иккинчи масдар эканлигини Аллоҳу таоло ва Унинг Расули Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтгандир. Бу – мусулмонларнинг асрлар оша иттифоқ ўлароқ амал қилиб келаётган ишидир. Бу – соғлом ақл ва тафаккур тақозосидир.

Аллоҳу таоло Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида мўминларни аввало Ўзига итоат қилишига амр қилганидан сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишига амр қилган. Қуръони Каримда:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا رَسُولَ

«Эй, иймон келтирғанлар, Аллоҳга итоат қилинглар ва Расулига итоат қилинглар» ояти такрор-такрор келган («Нисо» сураси, 59-оят).

Аллоҳга итоат қилиш Қуръонга итоат қилиш билан бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш тирикликларида шахсларига итоат қилиш билан бўлса, У зотнинг вафотларидан кейин эса сұннатларига амал қилиш билан бўлади. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, Аллоҳга итоат қилиш билан Пайғамбарга итоат қилиш алоҳида-алоҳида икки хил нарса эмас.

Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам доимо Аллоҳнинг итоатида бўлганлар. Аллоҳнинг итоатидан ташқари нарсага буюрмаганлар. Гап Аллоҳу таолонинг бевосита Қуръонда келган амрларига итоат қилиш билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатлари воситаси ила келган амрларига ҳам итоат қилиш ҳақида кетмоқда.

Қуръони Карим лафз ва маъно жиҳатидан Аллоҳнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга юборган, ожиз қодириувчи ваҳийсидир.

Суннат – ҳадис эса, маъноси Аллоҳдан, лафзи Пайғамбардан бўлган ваҳийдир. Дин-диёнат, шариат ва бошқа маъноларда Пайғамбаримиз ўз шахсий фикрларини эмас, Аллоҳнинг ваҳийсини ўз иборалари билан тақдим этганлар. Аллоҳу таоло У зоти бобаракот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васфларида:

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْمَوْئِلِ إِنَّهُ لَا وَحْيٌ يُوحَى

«У ҳаводан гапирмас. Бу фақат қилинадиган ваҳийдир», деган («Нажм» сураси, 3, 4-оятлар).

Яни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир гаплари Аллоҳнинг ваҳийсидир. У киши ўз ҳавои нафсларидан гапирмаслар. Ана шундан кўриниб турибдики, Суннат шариатимизнинг иккинчи масдари – манбасидир.

Соғлом ақл ҳам Суннат Қуръондан кейинги иккинчи масдар эканини тасдиқ қиласи. Аллоҳу таоло Ўзи танлаб олиб пайғамбар қилган зотнинг суннати иккинчи масдар бўлмай, кимники бўлиши мумкин? Албатта, ҳар бир соғлом фикр эгаси бу саволга, фақаттина Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларигина Ислом шариатига иккинчи масдар бўлади, деб жавоб беради.

Аллоҳу таоло Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Каримнинг биринчى оятлари-

ни нозил қилиб, У зотни охирги Пайғамбар деб эълон қилди. Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларига иймон келтирмаган одам мүмин бўла олмаслиги узил-кесил ошкор бўлди. Мўминларнинг У зотга эргашишлари ва иқтидо қилишлари лозиму лобуд бўлди. Юқорида зикр қилинганидек, бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло Қуръони Каримда қайта-қайта таъкидлади. Исломнинг биринчи кунидан бошлаб, мўмин-мусулмонлар каттаю-кичик ҳар бир нарсани ўз пайғамбарларидан ўргана бошладилар. Улар У зотдан илоҳий дастур бўлган Қуръони Карим оятларидан тортиб, то оддий таҳорат олишгача бўлган ҳамма нарсаларни аста-секин қабул қилиб олар эдилар. Шунинг учун ҳам, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётларининг бирор лаҳзаси ҳам саҳобаи киромларнинг дикқат-эътиборларидан четда қолмас эди.

Чунки, У зотнинг муборак оғизларидан чиққан ҳар бир сўз, ўзларидан содир бўлган ҳар бир ҳарарат шариат ҳукми, ўрнак, шахсий мисол, ҳикмат, насиҳат ва кўрсатма сифатида қабул қилинарди. Инсоният тарихида ҳаёти бунчалик тўқис, очиқ-часига, оммавий равишда, кўпчилик томонидан ўрганилган яккаю-ягона шахс Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У зоти бобаракотнинг ҳатто ўта нозик ва хос ҳаётлари, бугунги кун истилоҳи билан айтилганда, жинсий ҳаётлари ҳам тўлалигича ўрганилиб, ривоят қилингандир.

Чунки, Ислом дини мұкаммал дин бўлганидан ва инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганидан, буларнинг ҳаммасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий ўрнаклари бўлиши керак эди. Ифодали қилиб айтилганда, у зот Қуръонни ўз шахсларида татбиқ қилиб одамларга кўрсатишлари керак эди. Амалда шундоқ бўлди ҳам.

Хулоса шулки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган заррача нарса ҳам

саҳобаларнинг эътиборидан четда қолмаган. Буни душманлар ҳам тан олганлар.

Шундай килиб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадислари улкан иноят билан сақланиб, ёдланиб, ривоят қилиб келинди. Бунда саҳобаи киромларнинг хизматлари ғоятда катта бўлди. У зотлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тириклик пайтларида бу ишга катта аҳамият берган бўлсалар, У зотнинг вафотларидан кейин Суннатларини ўрганишга ва ҳаётга татбиқ қилишга янада жиiddий равищда кирищдилар.

Инсоният тарихида ўзининг кенг кўламлиги, ихлослилиги, поклиги, аниқлиги ва бошқа жиҳатлари билан мисли кўрилмаган бу илмий ҳаракатга Аллоҳ таоло улкан самаралар берди. Бу самаралар фақат мусулмонлар учун эмас, балки бутун дунё учун ҳам фойдали эканлиги кундан-кунга равшанлашиб бормоқда.

СУННАТ ВА ИЛМИЙ МЎЖИЗАЛАР

Суннат барча тарафдан Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда туради. Балогат ва фасоҳатда ҳам, шаръий ҳукмларда ҳам, жумладан, илмий мўъжизаларга далолат қилишда ҳам. Яъни, суннат оддий одамлардан содир бўладиган гап-сўз ёки ҳатти-ҳаракатлар эмаслиги аён. Суннатда событ бўлган баъзи илмий мўъжизалар ҳам Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбар ва Исломнинг ҳақ дин эканига ёрқин далолат бўлиб келади. Қуръо-ни Каримнинг илмий мўъжизаларидан кўпроқ далиллар келтирганимиз учун суннатдаги илмий мўъжизалардан иккитагина далил келтириб ўтамиз.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: غَطُوا الْأَنَاءَ وَأَوْكُوا السَّقَاءَ وَأَغْلِقُوا الْبَابَ وَأَطْفُوا السَّرَّاجَ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ لَا يَحْلُّ

سَقَاءً وَلَا يَفْتَحُ بَابًا وَلَا يَكْسِفُ إِنَاءً فَإِنْ لَمْ يَجِدْ أَحَدًا كُمْ إِلَّا
أَنْ يَعْرُضَ عَلَى إِنَاءِهِ عُودًا وَيَذْكُرَ اسْمَ اللَّهِ فَلَيَفْعَلُ فَإِنْ
الْفُوَيْسَقَةَ تُضْرِمُ عَلَى أَهْلِ الْبَيْتِ بَيْتَهُمْ رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.
وَلَفَظُ أَبِي دَاؤُدَّ أَغْلَقَ بَابَكَ وَادْكُرْ اسْمَ اللَّهِ وَأَطْفَئِ
مَصْبَاحَكَ وَادْكُرْ اسْمَ اللَّهِ وَخَمَرٌ إِنَاءَكَ وَادْكُرْ اسْمَ اللَّهِ وَأَوْكِ
سَقَاءَكَ وَادْكُرْ اسْمَ اللَّهِ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Идишларнинг устини ёпинг. Мешларни боғланг. Эшикларни беркитинг. Чироқларни ўчиринг. Бас, шайтон мешларни еча олмас. Эшикларни оча олмас. Идишларнинг устини очолмас. Агар бирингиз ҳеч нарса топа олмаса, идишининг устига бир чўпни кўндаланг қўйиб бўлса ҳам, Аллоҳнинг исмини зикр қилиб қўйсин. Албатта, фосиқча уй аҳлининг устидан уйларига ўт қўйиб юборур», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Эшигингни беркит ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Чироғингни ўчир ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Идишингнинг устини ёп ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Мешингни боғла ва Аллоҳнинг исмини зикр қил», дейилган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сиз билан биз умматларига бошқаларнинг кўзида арзимас бўлиб кўринса ҳам, аслида ўта муҳим бўлган ишларда иршод бермоқдалар.

Жумладан, «Чироғингни ўчир ва Аллоҳнинг исмини зикр қил», демоқдалар.

Ушбу амри набавийга амал қилган ҳолда ҳар бир мусулмон кечқурун чироғини ўчириб ётмоғи

лозим бўлади. Чироғни ўчирмай ётишда зарар борлиги сир эмас. Бу ишнинг заарларидан бири ҳадиси шарифнинг ўзида айтиб ўтилмоқда:

«Албатта, фосиқча уй аҳлиниңг устидан уйларига ўт қўйиб юборур».

Кечаси заруратсиз чироқни ўчирмай ётганда бундан бошқа кўнгилсизликлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳеч бўлмаганда, кечаси билан беҳуда ёниб чиқсан чироқдан оила иқтисодига зарар етиши турган гап.

«Ал-Араб» газетининг 1999 йил, 14-15 май куни учун чиқсан 5620-сонининг охирги саҳифасида «Ёруғликда ухлаш узоқни кўра олмасликка сабаб бўлади», деб номланган илмий мақола чиқди. Унда АҚШнинг Флорида вилоятидаги «Пенсильвания» дорулфунуни тиб факултетида олиб борилган илмий тажриба натижаси ҳақида сўз боради. Доктор Ричард Стоун раҳбарлигида узоқни кўра олмаслик хасталиигига учраган 479та иккidan 22 ёшгача бўлган беморлар устида олиб борилган тажрибадан маълум бўлишича, 479 bemordan 10 фоизи қоронгуда, 34 фоизи ним ёругда ва 56 фоизи тўла ёругда ухлар эканлар. Демак, узоқни кўра олмаслик хасталиги асосан чироқни ўчирмай ухлашдан бўлар экан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўплаб ҳадиси шарифларидан бирининг бир бўлагида айтилган иршоднинг ўша вақтда ва ундан кейин ҳам бирорнинг ақдига-да келмаган фойдаси минг тўрт юз йилдан кейин илмий равишда тасдиқлангани ажойиб.

Ҳа, Ислом шариатида келган ҳукмлар ва кўрсатмаларнинг ҳикмати давр ўтган сари, илм ривожланган сари ўз тасдиғини яна ҳам кучлироқ топиб бораверади.

ШАРИАТ

«Шариат» сўзи араб тилида «остона», «сув ичиш жойи» ҳамда «йўл» маъноларини билдиради.

Мусулмончилик шариат қонунчилик маъносида ишилатилади. Хусусан, Аллоҳ, жорий қилган амалий ҳукмлар мажмуаси «шариат» дейилади. Шу маънода шариат фикҳ маъносида ҳам тушунилади. Самовий динларнинг барчаларидағи амалий қисм «шариат» деб аталади. Ислом шариати ҳукмлари Куръон, Суннат, Ижмөв ва Қиёсдан олинади.

Мусулмон уламолар «Шариат ҳукмлари барча макон ва замонларга мос бўлиш қобилиятига эга» деган ғояни олға сурадилар. Ушбу шиор остида бир неча илмий анжуманлар ҳам ўтказилган.

Шариат ҳукмларининг умумий мақсади бу дунёда одамларнинг ҳаёти ва саодати учун керак барча нарсаларни юзага чиқаришдир, дейди усулул фикҳ уламолари. Бу нарса уларга манфаатни жалб қилиш ва улардан зарарни даф қилиш орқали юзага чиқади. Шариат ўша ҳақиқатни ўзига жо қилгандир.

Шариатнинг мақсадлари учга: зарурый, ҳожатлик ва яхшилаш қисмларига бўлинади.

Дин ва дунё учун зарур бўлган мақсадлар «зарурый мақсадлар» дейилади. Улар йўқ бўлса, дунёнинг ишлари бузилади ва охиратда азобга қолинади.

Ислом шариятининг мақсадлари: динни, жонни, ақлни, наслни ва молни асрардан иборат. Шариатда ушбу нарсаларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган барча чоралар кўрилган.

Шариатнинг «ҳожатлик мақсадлари» эса кишиларга осонлик туғдириш ва улардан қийинчилик ва машаққатни аритишга қаратилган. Бунга мусоғир ва бемор кишиларга намозни қаср қилиб ўқиши ва рўзани очиб юборишга берилган рухсатлар ва шунга ўхшаш кўплаб шаръий ҳукмлар киради.

Шариатнинг «яхшилаш мақсади» жамиятда бир-бирига мурувват күрсатишни тамиnlайди. Агар у нарсалар йўқ бўлса, ҳаёт низоми бузилиб кетмаслиги мумкин. Шунингдек, одамларга ма-шаққат ҳам туғилмаслиги мумкин. Аммо, инсо-нийлик мурувватига футур етади.

Бу мақсадда асосан яхши одатлар ва ҳусни хулқ кўзда тутилади. Покизаликка бошловчи, кийим-бош, турар жой, жисм ва бошқаларни пок тутиш ҳақидаги шаръий кўрсатмалар, еб-ичиш одобла-ри, оиласвий алоқаларни яхшилаш каби кўплаб ишлар ҳақидаги шаръий ҳукмлар шу жумлага киради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам раҳбарликларида биринчи Ислом давлати таш-кил топганда шариат нормалари ўша давлатнинг асосий қонунлари бўлган ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Тўрт рошид ха-лифа, умавийлар, аббосийлар ва усмонийлар дав-латлари вақтида ҳам шариат давлатнинг қонуни бўлиб келган.

ХОТИМА

Маълумки, китобда зикр қилинган ҳар бир мавзу катта-катта китоблар ёзилишига арзиди. Лекин бизда бу соҳада китоб таълими янгидан бошланганини эътиборга олганда, ҳозирча шу ҳам етарли, деб ўйлаймиз.

Ислом – ҳаракат дини. Ҳар бир таълимоти ҳаракатни талаб қиласи ва у билан бардавом қолади. Шубҳасиз, иймон ҳам – мусулмон кишини асосий ҳаракатга солувчи куч. Шунинг учун ҳам, ўтган азиз уламоларимиз иймоннинг таърифида: «У – эътиқод қилинган нарсани тил билан айтиш, дил билан тасдиқлаш ва аъзолар билан бажариш», деб айтганлар. Инсоннинг иймони қай даражада экани унинг қилаётган ишларига қараб аниқладиди. Бир яхши иш ҳақида чиройли сўзлар айтган киши, ўз айтганига амал қилмаса, нима бўлади? Албатта, айтган сўзига ўзининг иймони йўқ бўлади.

Ислом таълимотларини ўрганиб, унга иймон келтирган киши, албатта, амал қилиши ҳам лозим бўлади. Чунки, бу таълимотлар маълумот учун, маданий савияни ошириш учун хос бўлган эмас. Балки, амал қилиш учун, инсонни икки дунё баҳтига сазовор қилиш учун буюрилганdir.

Мен Аллоҳ таолодан шу китобни ўқиган ҳар бир шахсга уни ўқишини ва унга амал қилишини мусассар қилишини сўраб дуо қилиб қоламан.

Эслатиб ўтмоқчиманки, бу фақат бошланиши, ҳали динимиз жавҳарини яхшилаб тушунишимиз учун бундай китоблардан кўплаб ёзилиши ва ўқишиши лозим. Тинчлик, омонлик бўлса, Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг, бу ниятларимизга ҳам эриштирувчи унинг ўзи.

Ҳақ таоло барчамизни яхши ниятларимизга ўзи эриштиурсин. Омийн!

МУНДАРИЖА

Иккинчи нашр муқаддимаси.	3
ИСЛОМ	
«Ислом»нинг маъноси нима?	6
Исломнинг шаръий маъноси.	6
Ислом ва илм.	11
Исломда илм.	11
Исломда ақд.	19
Илм – иймонга даъват этади.	20
Ислом яхшиликка чақиради.	28
Динсизлар билан тортишув	33
Борлиқнинг ўзгармас қонунлари.	35
Тажриба ва гувоҳликлар.	36
Ислом қандай илмга чақиради.	37
Биология.	39
Психология.	39
Тарих ва сосиология.	40
Ислом мўтадиллик дини.	41
Исломда инсон ҳуқуқлари.	46
Исломда аёларнинг ҳуқуқлари.	50
Аёл киши ва тенг ҳуқуқдилик.	63
Исломда табиат муҳофазаси.	69
Ислом ва наботот олами муҳофазаси.	79
Ислом ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.	85
Ислом ва бошқа дин вакиллари.	89
Фарб олимларининг Ислом маданияти ҳақидағи гувоҳликлари.	100
Фарб олимларининг Ислом юришлари тўғрисидаги шаҳодатлари.	103
Ислом муруввати ҳақида фарб уламоларининг гувоҳдиги.	107
Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхшироқ.	109
ИЙМОН	
Аллоҳнинг борлигига ишонишга қодирмисиз?.	114
Иймон ва илмий далиллар.	114
Энг катта далил.	114
Далиллардан яна бири.	118

Табиатдаги далиллардан бири.	120
Далиллардан яна бири.	123
Далилларнинг яна бири.	124
Аллоҳга ишониш – инсонга хос.	127
Кимга ва нимага сифиниш керак?	132
Шахсга сифиниш.	132
Бут ва санамларга ибодат.	134
Ҳавойи нафсга ибодат.	135
Ўтган кишиларга сифиниш.	137
Табиий кучларга сифиниш.	139
Шафоат.	141
Ҳар нарсани билгувчи зот.	143
Мисли йўқ зот.	148
У – ҳаётнинг манбаи.	151
Аллоҳ, таолонинг қаломи (сўзлашуви).	157
Қадимий ва бокий.	160
Мутлақ қодирлик жабр маъносида эмас.	161
У зулмкор эмас.	162
Қиёмат кунига ишониш (иймон келтириш).	165
Фаришталарга иймон келтириш.	166
Фаришталарнинг ишлари.	167
Пайғамбарларга иймон келтириш.	170
Материалистик дунёқараш ва унинг жамиятдаги таъсири.	174
Руҳ нима?	178
Руҳ, хусусида.	178
Қайта тирилиш.	178
Қиёмат кунининг даҳшатлари.	182
Охиратдаги ҳисоб.	182
Қадар.	183
Инсоннинг ихтиёри.	185
Ҳидоят ва Залолат.	188
Ажал ва ризқ ўлчовладир.	190
Қадарга ишонишнинг фойдаси.	190
Ислом ва руҳий ҳаёт.	192
Дунё руҳий маданиятта муҳтож.	194
Бошқа динлардаги руҳий низомлар.	194
Исломда инсоннинг дунё билан алоқаси.	195
Охиратнинг дунёдан афзаллиги.	199

Бу дунё ҳавасларига ғуурланишдан	201
қайтариш.	
Дунё имтиҳондан иборат.	202
Дабдабозлик иллатлари.	204
ҚУРЬОНИ КАРИМ	
Куръони Карим.	210
Куръон тушишининг бошланиши.	211
Куръони Каримнинг жамланиши.	212
Куръони Каримнинг тушиш ҳолатлари.	215
Куръони Карим Мұхаммад айхиссаломга	
берилган бош мұйжизадир.	225
Куръони Карим ва табиат ҳодисалари.	227
Мұйжизаларга бой китоб.	227
Дунёнинг яратилиши.	231
Нарсаларнинг чўзилиши ва қенгайиши.	232
Қуёш, ой ва ернинг ҳаракатланиши.	233
Коинотдаги жонзотлар.	234
Баландлиқда кислороднинг камайиши.	235
Атомнинг бўлиниши.	235
Ҳар нарса жуфт яратилган.	236
Булуларни бир-бирига қўшиш.	238
Ёмғир ва Ернинг ҳаракатта келиши.	239
Борлиқдаги нарсаларнинг мувозанати.	239
Тўлқинларнинг остки ва устки оқими.	242
Ҳайвонот ва қушлар оламининг инсоният	
оламига ўхшашлиги.	243
Эмбрионнинг ўсиш жараёни.	246
Эмбрионнинг кўринмас пардаси.	247
Эмбрионнинг зулук шаклида экани.	249
Бармоқ учлари бетакрордир.	250
Қуръон ва ахлоқ.	250
Мол-дунё фитнаси.	250
Бахилликнинг ёмонлиги.	252
Аллоҳдан қўрқишининг ёмонликка қарши	
курашдаги фойдаси.	255
Истиғфор (гуноҳни кечишни сўраш) ва унинг	
таъсири.	258
Тавба.	263
Нажот – умидворликда.	267

Ибодат	269
Дуо	271
Ахлоқ	275
Эҳсон	277
Сабр	282
Афв	285
Садоқат ва унинг кўринишлари	289
Одамларнинг орасини ислоҳ қилиши	291
Ўзаро ёрдам	292
Олийжаноблик	293
Шириңсўзлик	295
Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш	297
Яхши дўст танлашга даъват	297
Рухсат сўраш ва саломлашиш	299
Нафс ҳавасига берилиш	300
Манманлик	303
Ароқхўрлик ва қиморбозлик	306
Ислом гиёҳвандликка қарши	309
Ислом террорга қарши	316
Ёлғончилик ва унинг оқибатлари	319
Ўзгаларни камситиш	322
Бадгумонлик, жосуслик ва гийбат	324
Зино	326
Фазаб	327
Ҳасад	329
Беҳуда гап ва амал	330
Очкўзлик	331
СУННАТ	
Суннатнинг маъоси нима?	334
Суннат ва илмий мўъжизалар	340
Шариат	343
Хотима	345
Мундарижа	346

Муаллифнинг борчада касарлари:

1. Тафсири Ҳилол.
2. Сунний ақийдалар.
3. Тасаввұф ҳақида тасаввур.
4. Ақийдату Таҳовия. (таржима)
5. Исломда инсон ҳуқуқлари.
6. Исломда экология.
7. Рамазонни қаршилаб.
8. Оила фароғат қасри.
9. Иймон.
10. Шоядки тақводор бўлсак.
11. Васатия – ҳаёт йўли.
12. Ихтилофлар ҳақида.
13. Дин насиҳатдир.
14. Поклик иймондандир.
15. Ислом маънавий жиноятларга қарши.
16. Ислом мусаффолиги йўлида.
17. Тарих омонатдир.
18. Жамият кўксига урилган заҳарли ханжар.

«Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласи:

1. Муқаддима.
2. Ислом ва иймон китоби.
3. Ният, ихлос ва илм китоби.
4. Поклик китоби.
5. Намоз китоби-1.
6. Намоз китоби-2.
7. Намоз китоби-3.
8. Закот китоби.
9. Рўза китоби.
10. Ҳаж ва Умра китоби.
11. Савдо, зироат ва вакф китоби.
12. Фароиз ва васият китоби.
13. Никоҳ, талоқ, ва идда китоби.
14. Қасамлар ва назрлар китоби.
15. Ов ва сўйишлар китоби.
16. Таом ва шароб китоби.

17. Либос китоби.
18. Тиб ва дам китоби.
19. Рисолат, нубувват ва сийрат китоби.
20. Анбиёлар фазилатлари.
21. Саҳобалар фазилати. Абу Бакр. Умар.
22. Усмон ва Али.
23. Буюқ олтилик.
24. Мұхажирлар.
25. Нубувват хонадони хонимлари.
26. Аңсорлар.
27. Ахёлар ва диёрлар фазли.
28. Қуръон фазилатлари китоби.
29. Тафсир китоби.
30. Туш ва масаллар китоби.
31. Сияр ва мәғозийлар китоби.
32. Яхшилик ва ахлоқ китоби.
33. Даулар, зикрлар, истиғфор ва тавба.
34. Зухд ва рақоиқлар китоби.
35. Одоб китоби.
36. Фитналар ва қиёмат аломатлари.
37. Қиёмат.
38. Ҳадлар китоби.
39. Амирлик ва қозилик китоби.

Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф

ИЙМОН

*Тұлдирілған ва қайта ишланған
иқкінчи нашири*

*Мұаллиф рухсатисиз нусха күчирешнің барча турлари,
иқтібос олиш ва сотиш шаръяն ҳаром,
қонунаң ман этилади.*

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяты
Тошкент — 2010

Мұхаррір Ш. Оғилов
Мусаввир Б. Магиёр
Бадий мұхаррір А. Мұсахұжаев
Техник мұхаррір Д. Габдрахманова
Сахифаловчы М. Қаюмов

Босишка рухсат этилди 25.11.2009. Бичими 84x108^{1/32}.
«BalticaUZ» гарнитураси. Офсет босма. Шартлы босма табори 11.
Наширіёт-хисоб табори 12,2. Адади 5000 нусха. Буюртма № 758.
Бағоси келишилған нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонасі,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турун, 41